7. Касбий маънавий фазилатлар ва қобилиятларни шакллантиришга ёрдам берадиган мураккаб ахлоқий муаммоларни ҳал қилишда ёшлар томонидан ўзлаштирилишидан иборатдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугун мамлакатимизда фаол тадбиркорлик ва инновацион технологияларни қўллаб-қувватланаётган, илм, маърифат, рақамли иқтисодиёт ривожлантирилаётган жараёнлар билан уйғун бўлиши талаб этилмоқда.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимиз ва Олий Мажлиснинг 2019 йилдаги тараққийнинг устувор йўналишлари бўйича Олий Мажлисга Мурожаатномаси». Тошкент, 2018 йил, 28 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрь куни «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1069-сонли Қарори.

4. Дахин А.Н. Моделирование в педагогике: попытка осмысления: научная статья [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.bestreferat.ru/referat-78582.html>.

5. Кушнер Ю.З. Метод моделирования [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.pedlib.ru>.

6. Остапенко Р.И. Основы структурного моделирования в психологии и педагогике: психология - онлайн, Psychology OnLine.Net [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://psychology-online.net/articles/doc>.

РЕЗЮМЕ

Мақола бугунги кунда олий таълим тизимида талабаларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш ва аини йўналишга қаратилган давлат сиёсати, амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, мазкур тизимда маънавий-маърифий ишларни ташкилий-педагогик модернизацияси, янги мезонлар ва уларнинг турлари ҳамда самарадорликка эришиш масалаларига бағишланади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена формированию духовно-нравственной культуры студентов в системе высшего образования сегодня и государственной политике в этом направлении, проводимым реформам, а также организационно-педагогической модернизации духовно-воспитательной работы в системе, новым критериям. их типы и эффективность.

SUMMARY

The article is devoted to the formation of the spiritual and moral culture of students in the higher education system today and the state policy in this direction, the ongoing reforms, as well as the organizational and pedagogical modernization of spiritual and educational work in the system, new criteria, their types and effectiveness.

КИМЁ ФАНИ МЕТОДИК ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МАЗМУННИ ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Холмуродова Л.

Қариши давлат университети

Таянч сўзлар: кимё, методика, тизим, ишлаб чиқиш, тамойил, ўқитувчи, тайёрлаш.

Ключевые слова: химия, методика, система, развитие, принцип, учитель, обучение.

Key words: chemistry, methodology, system, development, principle, teacher, training.

Тамойилни фан томонидан белгиланган қонун-қоидалардан келиб чиққан ҳолда йўналтирувчи ғоя, асосий қоида, фаолият ва хулқ-атворга қўйиладиган асосий талаб сифатида тушуниш мумкин.

Педагогик жараён тамойиллари таълим-тарбияга қўйиладиган дастлабки, асосий талабаларнинг муайян тизими деб аталади, уларни амалга оширилиши шахсни ҳар томонлама, барқамол ривожлантириш муаммоларини ҳал этишнинг зарурий самарадорлигини таъминлайди. Таълим тамойиллари - ҳам яхлит таълим тизимининг, ҳамалоҳида ўқув фанларининг асосий дидактик ҳолатларидир. Бир-бирига нисбатан ўқитиш тамойиллари иерархик тартибда жойлашади ва дидактиканинг умумий тамойилларидан келиб чиқади. Дидактик тамойиллар- таълим жараёнининг қонун-қоидалари ва умумий мақсадларига мувофиқ таълим-тарбия ишларининг ташкилий

шакл, восита, методи ва таркибига қўйиладиган талабларни белгилловчи тамойиллардир.

Таълим таркибини танлаш муаммоси бўйича фундаментал тадқиқотлар таҳлили, таълим таркибини танлаш тамойиллари методик кўрсатмалар тизими сифатида таълим таркибини танлаш жараёнида ҳаракат қилишини кўрсатади. Бундай мўлжаллар тизими иерархик таркибий-тузилишга эгадир, бунда таълим таркибини танлаш тамойиллари иерархиясининг энг юқори даражасида жойлашган. Иерархия пиллапоясининг энг юқори қисмида улар таркибини танлаш бўйича умумий талаблари кўринишида намоён бўлади ва унинг илмий асосланишини таъминлайди.

Асосий ҳолатларда бундай талаблар бир нечта: 1) таълим ҳажми ва мазмунининг илмий-техник тараққиёт ҳамда жамият эҳтиёжларининг ривожланиш даражасига мослиги талаби; 2) таълим мазмунининг таркибий бирлиги талаби; 3) таълим мазмунининг таркибий бирлигига талаби, уни шаклланишининг барча даражаларида; 4) ўқитишнинг мазмундорлиги ва жараёний жиҳатларнинг бирлиги талаби; 5) талабаларда билишнинг хусусий ва илмий методлари ҳақидаги тасавурларни яратиш имкониятининг талаби қилиниши; 6) таълим олувчиларда билиш жараёнининг асосий қонуниятларини тушунишларини таъминлаш талаби.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, файласуфлар, психологлар, ўқитувчилар, методистлар томонидан жуда кўплаб таълим тамойиллари илгари сурилган.

Биринчи навбатда, булар: объективлик, билиш, детерминизм, спирал бўйлаб диалектик ривожланиш (дидактик даражадаги баъзи дидактлар томонидан, сўнгра методистлар томонидан оддий тартиб моҳиятидан юқори тартиб моҳиятигача ҳаракат тамойилига айлантирилган ва шу кабилар), мазмун ва шакл бирлиги, зарур ва етарли бўлган назария ҳамда амалиёт бирлиги ва шу кабиларнинг умумфалсафий тамойилларидир.

Ундан кейин: изчиллик, тизимлилик ва мунтазамлилик, иерархиялилик, тизимларнинг яхлитлиги, таркиблаганлик, тизимларни тасвирлаш йўлларининг қўплиги, тизим ва муҳитнинг ўзаро муносабати, тарихийлик каби умумилмий тамойиллар келади.

Кейинги гуруҳ тамойиллари: таълим-тарбия ва ҳар томонлама ривожланиш, илмийлик, англаганлик ва ўқитувчи раҳбарлигида талабаларнинг ижодий фаолияти, таълимда назарий фикрлашни ривожлантириш, мустақил таълим орқали ўзлаштириш, инсонпарварлик, ҳаёт билан боғлиқлик, ёш имкониятлари ва тайёргарлик даражасига мувофиқлик, мавжудлик, фанлараро алоқадорлик, мотивация, таълимда ижобий эмоционал асослар, ўқув жараёнида ўқувчиларни илм билан бойитиш ва шу каби - умумдидактик тамойиллардир.

Тамойилларнинг яна бир гуруҳи: педагогик таъминот, изчил моделлаштириш, шакл ва методларни етарлилигининг, ҳамкорликдаги фаолиятнинг етакчи роли, ўқув материалларини ҳажми ва мураккаблигини оптималлаштириш, янги ва анъанавий педагогик технологияларнинг уйғунлаштириш, таълим ва тарбия бирлиги тамойили, шакл ва методлардан фойдаланиш ва бошқаларнинг касбга оид тамойилларини ўз ичига олади.

Методик таълим тизимини куриш учун танланган ўзига хос назария ва технологияларнинг асосида ётувчи тамойиллар муҳим аҳамиятга касб этади. Контекстли таълимда - талабанинг ўқув фаолиятига шахс сифатида қўшилишини педагогик қўллаб-қувватлаш; талабаларнинг ўқув фаолиятида мутахассис касбий фаолиятининг ажралмас қисми бўлган мазмун, шакл ва шартларни изчил моделлаштириш; таълимнинг муаммоли мазмуни ва таълим жараёнига жойлаштириш жараёни; талабаларнинг ўқув

фаолятини ташкил этиш шаклларини таълимнинг мақсад ва мазмунига етарлилиги; таълим жараёни субъектларининг (ўқитувчи ва ўқувчилар, талабалар орасида) бир-галликдаги фаоляти, ўзаро ҳамкорлиги ва мулоқотнинг етакчи роли; янги ва анъанавий педагогик технологияларнинг педагогик жиҳатдан асосли комбинацияси; касбий шахсни тайёрлаш ва тарбиялаш бирлиги тамойилларидир.

Модулли таълимда бу тизим квантлаш (ўқув маълумотларини «зичлаб» тақдим этиш асоси), модуллилик, қайишқоклилик, ортиқчалилик, вариативлик, кириш ва чиқиш блокларининг (боғланиш тугунларининг) мавжудлиги тамойилларидир.

Тизимли ёндашув асосида неорганик кимё таркибини танлашнинг асосий тамойиллари бўлган илмийлик, тизимлилик ва мунтазамлилик тавсифидаги тамойилларнинг хусусиятларига батафсилроқ тухталиб ўтамыз.

Илмий тавсифдаги тамойил, ўрганиш учун тақлиф этилаётган билимларнинг илмий, ижтимоий ва маданий тараққиётнинг энг сўнгги ютуқларига мос келишида намоён бўлади. Таълимнинг илмийлиги тамойили алоҳида фанлар таркибини аниқлаш сифатида, умуман бутун машғулот учун ҳам, ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Илмийлик тамойилидан келиб чиқувчи ҳамда таълимга қўйиладиган талаблар уч асосий гуруҳга бирлаштирилган: 1) ўқув ва илмий билимларнинг мувофиқлиги; 2) ўқувчиларни илмий билим олиш методлари билан таништириш; 3) ўқувчиларда билиш жараёни ҳақидаги тасавурларни ҳосил қилиш .

Фанни ривожланишининг ҳозирги даражасига жавоб берадиган ҳар бир таълим босқичида талабаларга билим бериш қондасига қатъий риоя қилиш каби илм-фан тамойилини ўйламай тушунишдан огоҳ бўлишга чақирилган. «Демак, агар тамойилга қатъий риоя қилинса, мактаб жараёнида табиатни илм-фан томонидан ўрганиш жараёнини ақс эттиришнинг иложи бўлмайди». Илм-фан тамойилига мос келадиган курсни яратиш нафақат кимёвий объектларни ўрганиш поғонасини аниқлашни, балки назария ва далиллар ўртасидаги муносабатларни аниқлашни, назариянинг эмпирик асосларини шакллантиришни талаб қилади. Шуни таъкидлаш лозимки, илмий тамойилини ноанъанавий тушуниш асосида қурилган курс, изчилликнинг дидактик тамойилига ҳам мос келади. Методик билимлар ёрдамида тизимли билимларни яратиш йўлларини кўрсатилиб, тизимли билимлар ва тафаккурнинг тизимли сифати бошқа бир қатор усуллар билан ҳам, масалан, таълимга тизимли ёндашув билан шаклланиши мумкин. Тизимлилик тамойили билан бирга, ундан олинган тамойилларни белгиланиб, яъни яхлитлилик, иерархиялилик, таркиблилик, тизим тавсифининг қўплилиги ва тизим ва агроф-муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги кабиларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин .

Мунтазамлик тамойили, тизимда ўрганиладиган билим ва шаклландирилган кўникмаларни кўриб чиқишни, бир-бирини ва инсон маданиятининг умумий тизимини ўз ичига олган яхлит тизим таркибини ва ўқув курсини куришни назарда тутади. Таълимда мунтазамлилик, ўқувчиларни маълум тартибда билим олишларини талаб этади. Бироқ, ўқув жараёнининг бу ташқи томони мунтазамлилик тамойилининг моҳиятини ташкил этмайди. У шакллантириладиган билимлар таркибида ётади. Мунтазамлилик тамойили ўқувчилар онгида маълум билимлар тизимини яратишни мўлжалга олади. Бу эса, ўз навбатида, ўқув курси учун шундай маълумотни танлашни талаб қиладики, бу таркибнинг ташқи мантикий тузилишини яратиш билан бирга, бу таркибда ўқувчилар ўртасида билимлар тизимини шакллантиришнинг ички мантикий йўлларини ҳам аниқлаш имконини беради. Мунтазамлилик тамойили, сўнгги вақтларда, кўпинча, илгари ўрганилган назариялар, далиллар ва ҳоказоларга

мунтазам ва изчил мурожаат қилиш тамойили сифатида тушунилмоқда. Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасалари кимё фанини ўқитилишини мунтазамлилик даражасини пастлиги билан тавсифлаш мумкин.

Илгари ўрганилган материални, шу жумладан, касбий муҳим материални мустаҳкамлаш кўпинча касбий фаолиятнинг бошланишига кўчирилади, бу эса ёш кимё фани ўқитувчисининг мослашиш даврида жиддий қийинчиликларга сабаб бўлади.

Кимёвий билимлар бир неча асрлар давомида ривожланиб келган. Ҳозирги вақтда у далиллар, концептуал тизимлар, қонунлар, назариялардан иборат бўлиб, мураккаб конструкцияни намоён этади, таркибни танлашни ҳамда тизимли курс яратишнинг методик йўлларида бири бўлиб, илмий билим ривожланишининг муайян босқичлари ҳақида ўқувчиларда таассуротни шаклланиши, модданинг ташкил этиш турли даражаларида намоён бўладиган, далиллар ва назариялар муносабатлари ҳақида тушунтирадиган қонуниятлар орқали ўтади. Ўқув-билишда далиллар роли камаймайди, балки ўқув курсида уларнинг чекланганлиги туфайли ҳам ортади. Буларнинг барчаси мазмун ва таркибнинг конструкциясида акс этиши равшандир.

Шундай қилиб, таҳлиллар шуни кўрсатадики, бўлажак кимё ўқитувчисини тайёрлаш учун методик тизимни ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши лозим бўлган жуда кўплаб муҳим тамойиллар мавжуд. Фақат тамойиллар мажмуи вазифаларни муваффақиятли белгилаш, таълим ва тарбиянинг таркиби, метод, воситалари ва шакллари танлашни таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Зайцев О.С. Методика обучения химии: теоретический и прикладной аспекты. - М.: Владос, 1999. - 384 с.
2. Зорина Л.Я. Системность - качество знаний. - М., 1976. - 64 с.
3. Минченков Е.Е. Научно-методические основы отбора содержания и структурирования школьного курса химии: Автореф. дис. докт. пед. наук. - М., 1987.- 42 с.
4. Педагогика / Ю.К. Бабанский. - М.: Просвещение, 1988. - 478 с.
5. Подласый И.П. Педагогика. Т.1. - М.: Владос, 1999. - 576 с.84. Зорина Л.Я. Системность - качество знаний. - М., 1976. - 64 с.
6. Скаткин М.Н. Проблемы современной дидактики. - М., 1980. - 96 с.
7. Шапоринский С.А. Обучение и научное познание. - М.: Педагогика, 1981. - 208 с.
8. Яблоков В.А. Содержанию обучения - системную организацию // Химия в школе, 1997. - № 4. - С. 15-19.

РЕЗЮМЕ

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бўлгуси кимё фани ўқитувчисини тайёрлаш бўйича методик тизимни ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши керак бўлган жуда кўплаб муҳим тамойиллар мавжуд, мақолада ана шу тамойиллар ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

Анализ показывает, что существует множество важных принципов, которые необходимо учитывать при разработке методической системы подготовки будущего учителя химии, в статье эти принципы рассматриваются.

SUMMARY

The analysis shows that there are many important principles that need to be taken into account in the development of a methodological system for the training of a future chemistry teacher, and these principles are discussed in the article.

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мейлиева Л.Н.

*Qashqadaryo VXTXQTMOHM pedagogika - psixologiya va ta'lim
menejmenti kafedrasida katta o'qituvchisi*

Таянч сўзлар: замонавий педагог, касбий қобилият, шахс, вазифа, ривожлантириш, шахсий сифатлар.

Ключевые слова: современный педагог, профессиональные способности, личность, задача, развитие, личностные качества.

Key words: modern teacher, professional abilities, personality, task, development, personal qualities.

Hozirgi kunda zamonaviy pedagog shaxsining o'ziga xos kasbiy va shaxsiy sifatlarini rivojlantirish muhim vazifa hisoblanadi. Xorijda bu masala bo'yicha P.Torrens, Fransiyada P.Debrai-Retzenlar «Iqtidorli talabalar ustozlari modeli»ni taklif qilishgan. Mazkur modelga ko'ra o'qituvchi o'z sohasi bo'yicha o'quvchisida qiziqish uyg'ota olishi, tashabbuskor va keng fikrlashga o'rgata olishi ko'zda tutilgan. Bugungi kunda zamonaviy pedagogning quyidagi funksiyalari alohida e'tirof etiladi:

1. Rejalashtirish - aniq vaqt oralig'ida o'quv-tarbiya jarayoni ishini rejasini tuzishdagi tafakkur faoliyati. Zamonaviy pedagogning umumiy faoliyatining asosi yillik reja bo'lib, u o'quv yili boshida o'quv dasturi bazasida tuziladi, so'ngra chorakliklarga, oylarga va boshqalarga bo'linadi. Kunlik ish rejani o'qituvchi ikki-uch soat oldin rejalashtiradi. Bu xususiy rejalashtirish bo'lib, u dinamik holatni baholash asosida amalga oshiriladi. Turli mumkin bo'lgan variantlarni chamalash orqali bunday rejalashtirish va ularning ichidan eng maqbulini tanlash o'qituvchining kasbiy kompetentligining muhim tashkiliy qismidir.

2. Nazorat qilish va yo'naltirish. Maxsus faoliyat sifatida ishlab chiqilgan rejalarni bajarishni ta'minlashda namoyon bo'ladi. Nazorat faoliyati pedagogik jarayonning har qanday holatda dasturdan chetlanishlarni bartaraf etishni nazarda tutadi. O'quv-tarbiyaviy jarayondan chetlanish umumiy reja o'zgartirish kiritish zarurligiga olib keladi. Ana shu sababdan o'qituvchi zahirasida rejaning bir necha varianti bo'lishi lozim va tizimda paydo bo'lgan o'zgarishlarni tezda bartaraf etishi kerak bo'ladi.

3. Operativ masalalarni yechish. O'qituvchining mehnat faoliyatida shunday holatlar uchrashi mumkinki, bir tomondan reja bilan real holat o'rtasida qarama-qarshilik paydo bo'lishi, boshqa tomondan – o'qituvchida bunday qarama-qarshilikni bartaraf etish uchun aniq tasavvurning mavjud emasligi, chunki aniq harakat usuli mavjud emas. Bunda ikkita variant bo'lishi mumkin:

- birinchi holatda o'qituvchida umuman harakat usuli mavjud emas, chunki, bunday holat shaxsiy tajribada ilgari uchramagan va ko'rsatmalar berilmagan;
- ikkinchi holatda qaralayotgan holatni noodatiy bo'lishiga qaramasdan, uning qo'lida alohida boshqaruv usullari mavjud, ular orqali bajariladigan kombinatsiya esa masalani yechish imkoniyatini beradi. Tafakkur jarayoni mos ravishda bunday holatlarda yangi usulni kashf etilishiga yoki ilgari amaliyotda tadbir qilinmagan yoki ishlatilmagan ma'lum usullarning kombinatsiyasini tuzilishiga olib keladi.

Emotsional kuchlanishli holatda masalalarni yechish (faoliyat natijasiga nisbatan ulkan javobgarlik hissi; vaqtning yetishmasligi hamda amalga oshirish zaylining yuqoriligi) nisbatan oddiy holatlarda ham muammoli holatlar paydo bo'lishi mumkin, chunki ba'zan xotiradan xuddi shunga o'xshash masalalarning ma'lum yechimlari ko'tarilishi mumkin va

o'qituvchi ularni yangidan kashf etishga majbur.

Zamonaviy pedagog o'z faoliyatini faollashtirish uchun:

a) tizimli bilimlarga ega bo'lishi kerak. Miya yoki ong faoliyati qancha ko'p tajriba va bilimga ega bo'lsa, u shunchalik keng fikr yuritadi. Tafakkur o'zlashtirilgan bilimlar asosida rivojlanadi, o'zlashtirilgan bilim bo'lmasa, u holda tafakkurning rivojlanishi uchun asos ham yo'q

b) faollashtirish qobiliyatiga ega bo'lish. Ilmiy bilimlar muhim, lekin eng ahamiyatlisi uni faollashtirishga tegishlidir, ya'ni bu bilimlardan kerakli vaqtda kerakli joyda foydalana olishga tayyorlikdir;

v) operativ qobiliyatiga ega bo'lish, ya'ni holat uchun zarur bo'lgan eslab qolish va tadbiq etish qobiliyati;

g) intuitsiyaga ega bo'lish. Kasbiy tafakkur - intuitiv amaliyotga tegishli, u murakkab holatlarda tezda yo'nalishni aniqlab, tezkor to'g'ri yechimni topa oladi;

d) analitik qobiliyatga ega bo'lish. Zamonaviy pedagog oldida turgan masala yechimi birinchi navbatda undan eng chalkash holatlarda tahlil qila olish qobiliyatini talab etadi, lekin bu qobiliyat tafakkurning aniqligi bilan birlashishi lozim. Pedagogik faoliyat tarkibi doimiy o'zgaruvchi va rivojlanib boruvchi pedagogik holatlarda mazmun jihatidan ko'p xillikni tashkil etadi.

Zamonaviy pedagogning fikrlashi ko'pchilik takrorlanmas holatlar ustida fikr yuritadi va ixtiyoriy vaqtda o'qituvchi oldida maxsus yechimni talab etadigan yangi muammo paydo bo'lishi mumkin. Bunday paytlarda o'qituvchi yangi holatga tushib qoladi, ya'ni doimo yangi pedagogik muammoni yechish uchun izlanishdagi shaxs pozitsiyasida bo'lib qoladi. Ana shu holatlarda u mavjud bo'lgan vositalar orasidan optimal variantini tanlab, zudlik bilan qaror qabul qilishi yoki ilgari noma'lum bo'lgan harakatlar tizimidan yangisini tuzishi lozim bo'ladi. O'z navbatida yangi holatni tezlikda tahlil qilib, ilgari uchramagan muammoni ifodalashi hamda uning ilgari tadbiq etilmagan yechish usullarini topishi lozim bo'ladi.

Shunday qilib, ilmiy-tadqiqot ishlarni umumiy tahlili bizga zamonaviy pedagog modelini ifodalashimizga imkon berdi. Ya'ni, zamonaviy pedagog - doimiy o'zgarib turuvchi holatda nostandart psixologik-pedagogik muammolarni yechishga tayyor bo'lishi va o'z ustida tinimsiz ishlashi lozim. Chunki pedagogik holatning muammoligi zamonaviy pedagog oldiga turli murakkablikdagi nazariy va amaliy savollarning qo'yilishi va ularni yechimini izlashdagi harakat rejasini tuzilishi hamda uni amalga oshirish bilan asoslanadi. Pedagogik holat juda harakatchan va bir-biriga tutashib ketuvchi bo'lib, ularni tashkil etuvchi komponentlar o'zgarishda bo'ladi. Demak, o'z navbatida pedagog oldida nostandart masalalarni ifodalovchi yangi holatlar doimo paydo bo'laveradi. Bu holatlarga tayyor pedagog zamonaviy pedagog maqomida bo'lishi shubhasiz.

Adabiyotlar:

1. Aslonova O.P. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida tafakkur tezligini shakllantirish texnologiyasi. // Monografiya. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 144 b.

2. Тўлаев Б.Р., Даминов О.О. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида таянч касбий компетенцияни шакллантириш модели // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. –Т.: 2019. -№4. –Б. 129-137.

РЕЗЮМЕ

Маққур мақолада замонавий педагогнинг касбий қобилиятлари ва унинг вазибалари тўғрисида сўз боради.

В данной статье рассматриваются профессиональные навыки современного педагога и его обязанности.

This article examines the professional skills of a modern teacher and his responsibilities.

РАҲБАРЛАРНИНГ САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ ЯРАТИШДА СОҒЛОМ ВА ИЖОДИЙ МУҲИТ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Исмаилова З.К.

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш
муҳандислари институти, «Профессионал таълим ва жисмоний
маданият» кафедраси мудури, педагогика фанлари доктори, профессор*

Байбаева М.Х.

*А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ходимларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти,
«Педагогика ва психология» кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди*

Таянч сўзлар: таълим, раҳбар, фаолият, тизим, функция, таълим муассасаси, компетенция.

Ключевые слова: образование, руководитель, деятельность, система, функция, учебное заведение, компетенция.

Key words: education, management, leader, activity, system, function, educational institution, strategy.

Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан муносабатлар тизимида таълим ташкилотининг манфаатларини ифодалаш таълим ташкилоти раҳбарининг меҳнат вазибалари доирасида таъминланади ва «Таълим ташкилоти раҳбари» лойиҳасида акс эттирилади.

Замонавий таълим ташкилоти раҳбарларининг юқори даражадаги коммуникатив компетентлигининг мавжудлиги норматив ҳужжатларда назарда тутилган, мамлакатимиз таълим тизимида бошқарув лавозимларини тўлдириш учун зарур бўлган профессионал билим ва кўникмалар учун мажбурий талаблардан биридир.

Таълим соҳасидаги раҳбар ходимлар ўз касбий фаолиятларида бошқа мутахассислар билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар, шунинг учун алоқа компетентлиги асосий компетентлик блоки сифатида таснифланади. Бу кўпчилик ижтимоий-иқтисодий касбларга хос бўлиб, унда меҳнат фаолиятининг самарадорлиги ва якуний натижаси бир неча субъектларнинг умумий фаолиятига боғлиқ бўлиб, биргаликдаги ҳаракатлари фаолиятнинг якуний натижасини белгилайди ва соғлом муҳитни шакллантиради.

Раҳбарларнинг самарали бошқарув фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири таълим ташкилотининг бошқарув жараёнини ташкил этиш, «фаолият устидан фаолиятни» амалга оширишдир. Юқори малакали раҳбар ходим қўл остидаги ходим-

ларини бошқариш ва мавжуд низоларни ҳал қилиш соҳасида зарур назарий билимларга эга бўлибгина қолмай, балки муайян шароитда етарли даражада ҳаракат қила олишни, вазиятни назорат қилишни ва бошқаришни ҳам билади. Таълим тизимида раҳбарнинг қайд этилган хислатларини коммуникатив факторларга боғлаш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, замонавий илм-фандаги «компетенция» тушунчаси таълим соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланган ҳуқуқий таъриф шаклида аниқ талқин қилинмаганлиги сабабли мунозаралидир.

Жамиятнинг ижтимоий истиқболларини таълим тарбия натижасидан акс эттирувчи компетенция-бу олдиндан белгиланган, таълим жараёнининг натижаси учун алоҳида меъёрий талаб бўлиб, у келажакда маълум бир соҳада тингловчининг самарали касбий фаолияти учун зарурдир. Компетенция бизга ўқув жараёнининг субъектив позициясини ҳисобга олиш, самарали аниқлаш ва профессионал муҳим ёки бошқа мақсадга эришиш учун ички ва ташқи ресурсларни ташкил қилиш имконини беради ва соғлом муҳитни яратишга йўл очади.

Таълим соҳасидаги бошқарув фаолиятида коммуникатив компетенциянинг аҳамиятини кўплаб олимлар коммуникатив кўникма, малака ва қобилиятларини таълим муассасаси раҳбарининг касбий компетентлигининг мажбурий таркибий қисми деб ҳисоблайди. Бошқарув фаолиятида ўзини, бошқаларни ва атрофдаги оламни, ижтимоий мулоқот қобилиятларини, низоли вазиятларда стратегик ёндашувлар ҳақидаги психологик билимлар тизимини акс эттиради.

Бирок, таълим муассасаси раҳбарининг коммуникатив компетентлигининг мураккаблиги, тузилмаси ва кўп жиҳатлилиги унинг замонавий педагогиканинг мустақил феномени сифатида ўрганилишига замин яратади. Компетентликнинг мазмуни таълим муассасасининг раҳбари олдида турган мақсадларни амалга ошириш орқали аниқланади, шу муносабат билан таълим соҳасидаги бошқарув фаолиятида коммуникатив компетентликка эришиш мақсадлари қуйидагича шакллантирилиши мумкин:

- таълим ташкилоти раҳбарининг меҳнат вазифаси доирасидаги вазифаларни сифатли бажариш учун зарур бўлган маълумотларни қабул қилиш, етказиш ва улардан фойдаланиш;
- бошқаларнинг, айниқса, таълим муассасаси ходимларининг хатти-ҳаракатларини, уларнинг ташкилот фаолияти ва ривожланишининг мақсад ва вазифаларига муносабатини бошқариш;
- шахсий ва касбий мулоқотга бўлган ўз эҳтиёжларини қондириш, ўз-ўзини ривожлантириш ва рефлексия .

Раҳбарларнинг самарали бошқарув фаолиятини яратишда соғлом ва ижодий муҳитни яратишда коммуникатив компетенция қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ассертивлик компетенцияси касбий фаолиятда шахслараро мулоқотда касбий идрок этиш маҳоратининг мураккаб ифодаси сифатида муросагаэришиш ва жамоада ишлаш қобилияти;
- деонтологик компетенция зиддиятларнинг потенциал нукталарини ўз вақтида аниқлаш, зиддиятларни олдини олиш ва конструктив ҳал қилиш қобилиятининг комбинацияси;
- интерактив компетенция касбий фаолиятни амалга оширишда ахборотни етарли даражада идрок этиш ва тушуниш ва уни англаб ета олиш қобилияти;
- этномаданий компетенция бошқа маданий ва этник гуруҳлар вакиллари билан мулоқот қилиш жараёнида самарали мулоқот қила олиш қобилияти, бошқа маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини идрок этиш ва қабул қилишнинг очиклиги;

- этноконфессионал компетенция профессионал фарқлар ва турли дин вакиллари билан ўзаро мулоқот қилиш қобилияти, суҳбатдошнинг мулоқотининг профессионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоқа ўрнатиш қобилияти;
- ижтимоий компетенция шахсий ва ишбилармонлик мулоқоти тамойилларига асосланган таълим ташкилотида турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари ва функционал роллар билан мулоқотни шакллантириш қобилияти сифатида.

Таълим муассасалари раҳбарларининг коммуникатив компетентлиги қуйидаги таркибий элементларни ўз ичига олади:

- ривожланган оғзаки ва ёзма нутқ;
- хабарларни фаол тинглаш ва оғзаки бўлмаган хабарларни, шу жумладан, ўзаро маданий хабарларни қабул қилиш ва эфирга узатиш қобилияти;
- замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (Internet, ижтимоий тармоқлар, электрон почта, мессенжерлар, матнли ҳужжатлар ва тақдимотлар яратиш бўйича компьютер дастурлари) имкониятларидан фойдаланиш бўйича кўникмалар;
- низоларни бошқариш, музокаралар, ҳокимият делегацияси ва суҳбатлашиш тажрибасининг инъикоси сифатида конструктив шахсларо мулоқот қобилиятлари;
- учрашувлар ва жамоавий ҳамкорликни ташкил этишда жамоада мулоқот қила олишқобилиятлари

Таълим муассасарида соғлом ва ижодий муҳитни шакллантиришда коммуникатив компетенциялар қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- мотивацион компонент: таълим тизими бошқарув ходимларининг маънавий-ахлоқий ва тавсифий хусусиятлари фаол мулоқот жараёнида намоён бўлади;
- рефлексив компонент: таълим тизими бошқарув ходимларининг кадриятлари ва хулқ-атвор хусусиятларини ўз-ўзини ривожлантириш, ишонч ва фаол мулоқот қилиш сифатида акс эттиради;
- когнитив компонент: умумий дунёқарашда шахсларо ва бошқа алоқа турлари хусусиятлари, шунингдек, дунёни ўрганиш ва тушуниш кўникмалари ва қобилиятлари шаклида янги билимларни олиш йўллари ҳақида олинган билимларнинг бирлигини акс эттиради;
- фаолиятли компонент: касбий фаолият билан боғлиқ мулоқотда мавжуд қобилиятлар, эгалланган билим, кўникама ва малакалардан фойдаланиш қобилиятини аниқлайди.

Шундай қилиб, ҳулоса қилиш мумкинки, коммуникатив компетенция раҳбарнинг самарали бошқарув фаолиятида соғлом ва ижодий муҳитни яратишга имкон яратлади. Раҳбарларининг бошқарув фаолиятини яратишда соғлом ва ижодий муҳитни такомиллаштиришда уларнинг мотивацияси, қобилияти ва таълим тизимининг натижалари ва самарадорлигига қизиқиши, бошқа мавзулар билан оғзаки, ёзма ва компьютер воситасида ўзаро ахборот ва тажриба алмашишни самарали амалга оширишга тайёрлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий ва ажралмас психологик-педагогик жараён сифатида тушунилади.

Таълим тизимидаги ўзгаришларга фақат моддий-техника ресурсларигина эмас, балки профессионал таълим муассасалари раҳбарларининг касбий маҳорати ва бошқарув малакасига асосланади.

Адабиётлар:

1. Джураев Р.Х., Тургунов С.Т. Таълим менежменти. - Т.: «Voris-Nashriyot» нашриёти, 2006. - 264 б.

2. Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Мирсолиева М. «Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик» модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Т., 2016. –147 б.

3. Муслимов Н.А. Педагогик фаолиятга тизимли ёндашув муаммолари // Касб-хунара таълими, 2004. -№ 3. –Б.24.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада раҳбарларнинг самарали бошқарув фаолиятини яратишда соғлом ва ижодий муҳитни такомиллаштириш менежерлик кўникмаларини шакллантириш ва коммуникатив компетенциялар ҳақида маълумотлар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье приводятся сведения о формировании управленческих навыков в эффективной управленческой деятельности менеджеров системы обучения. Обсуждаются также значение практического, административного, образовательного менеджмента в управленческой деятельности руководителей системы профессионального развития.

SUMMARY

This article provides information on the formation of managerial skills in the effective managerial activity of training system managers. The importance of practical, administrative, educational management in the management activities of the leaders of the professional development system is discussed.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ БИТИРУВЧИСИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК СТРАТЕГИЯСИ

Эргашев Б.Б.

Наманган муҳандислик-технология институти доценти

Таянч сўзлар: профессионал таълим, рақобатбардош, педагогик стратегия, ўқитиш технологиялари, услубий ёндашув.

Ключевые слова: профессиональное образование, конкурентоспособность, педагогическая стратегия, технологии обучения, методический подход.

Key words: professional education, competitive, pedagogical strategy, teaching technologies, methodological approach.

Касб-хунара таълим тизимини такомиллаштириш, ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш замон талаби бўлганлиги учун бу кунга келиб профессионал таълим жорий қилинди. Бундан кўзланган мақсад ҳар томонлама етук, мустақил фикрлайдиган, ташаббускор, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатга бардошли, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорига мутахассислар малака-сига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юрита оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган. Бугунги шиддатли даврда ишлаб чиқаришда техника ва технологияларнинг янгиланаётганлиги, илм фаннинг жадал тараққиёти мутахассис кадрлардан ўз билимларини мустақил ва мунтазам равишда чуқурлаштириб, янгиллаб, тўлдириб ва кенгайтириб боришни талаб этади.

Жаҳон миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий ўзгаришлар бўлажак мутахассис кадрларни тайёрлаш тизимини компетентли ёндашуви асосида ташкил этиш ва бошқаришни тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда АҚШ, Англия, Германия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар таълим стандартларида таълим олувчиларнинг глобал кўникмаларини «global skills» шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун амалдаги касбий таълимнинг мазмуни, ўқитиш тех-

нологиялари ва ўзлаштириш натижаларини баҳолаш тизимларини компетентли ёндашув асосида модернизациялаш муҳим аҳамият касб этмокда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш» вазифаси белгиланган. Бу вазифалар профессионал таълим тизимида тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган етук мутахассисларни етиштириб беришга асос бўлиб хизмат қилади.

Профессионал таълим тизимини ташкил этиш бўйича 2020 йил 24 январда давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида «Жорий ўқув йилидан бошлаб, мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар ташкил этилади» деб мазкур тизимнинг аҳамиятини яна бир бор алоҳида таъкидлаб, унинг структурасини айтиб ўтди (1-расм). Профессионал таълим тизимини ташкил этишда турли тоифаларга ажратилди. 1-тоифа - касб-хунар мактаблари, 2-тоифа - коллежлар, 3-тоифа - техникумлар бўлиши белгилаб берилди. Бундан кўзланган асосий мақсадлар ўрта мактабни битириб, профессионал таълимга қамраб олиш даражасини кўтариш ва касб-хунарга ўргатиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ислоҳ қилишнинг замонавий босқичи ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, олий ўқув юртлари томонидан ривожланишнинг стратегик векторини танлашда ҳам таълим муассасасиси, ҳам талаба учун - меҳнат бозорида рақобатбардош мавқени шакллантириш мақсадида кўпроқ мустақилликка эришишга қаратилган. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг фикримизча, профессионал таълим муассасасини битирувчи талабаларининг рақобатбардошлигини шакллантириш ушбу жараёни ташкил этишга стратегик ёндашувни қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Таълим тизимида касб-хунар таълими назарияси ва методикаси масалаларини очиб берувчи манбаларда «педагогик стратегия» бир нечта оқимга эга. Келинг, уларнинг айримларини кўриб чиқайлик:

- ▶ «Педагогик стратегия» - бу оқилон шаклланган ўқув интизомининг мазмунли қисми, муайян стратегик йўналишни (таъсир объектининг исталган ҳолатини) амалда қўллашга қаратилган усуллар, шакллар, воситалар ва мослашувчан усулларни қўллаш: биринчидан, педагогик мақсадга мувофиқ бўлган педагогик ҳаракатлар мажмуаси, иккинчидан, босқичма-босқич амалга оширилади.
- ▶ «Педагогик стратегия» -бу профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти бўлиб, унда таълим жараёнининг мақсади белгиланади, бу стратегик йўналиш сифатида, ҳамда унга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади.



1-расм.

- ▶ «Педагогик стратегия» - ўқитувчининг маълум бир натижага эришишга қаратилган (масалан, профессионал таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришга қаратилган) мақсадга мувофиқ ҳаракатлари мажмуасини ифода этувчи узоқ муддатли жараёндр.
- ▶ «Педагогик стратегия» - бу педагогнинг фаолияти бўлиб, у педагогик мақсад, режа ва унинг амалга оширилиши бўйича тақдим этилган ғояларга мувофиқ амалга оширилади, бу эса белгиланган педагогик вазиятларда ҳаракатларни самарали амалга оширишни таъминлайди.
- ▶ «Педагогик стратегия» - педагогик жараённинг белгиланган стратегик йўналишига эришиш учун амалга ошириладиган кенг қўламли таълимий ва касбий вазифаларни ҳал қилиш учун педагогик йўналишга эга бўлган ўқитувчининг умумлашган хусусиятларидир.

Шундай қилиб, биз таълим стратегияси қуйидагиларни эътиборга олган ҳолда танланиши лозимлигини таъкидлаймиз:

- бу амалга ошириладиган муҳитдаги педагогик ҳақиқатнинг ўзига хос хусусиятлари;
- педагогик стратегияни амалга оширувчи ўқитувчининг педагогик маҳорат даражаси;
- мавжуд ресурслар, танланган шакллар, усуллар ва режалаштирилган мақсадга эришиш учун мумкин бўлган воситалар.

Профессионал таълим муассасаси битирувчиси шахсининг рақобатбардошлик хусусиятлари ва уларни шакллантиришнинг педагогик стратегиясининг моҳиятини аниқлар эканмиз, унинг асосий назарий жиҳатларига, яъни:

- профессионал таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш соҳасидаги мавжуд вазиятлардан ҳалос бўлиш сифатида касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, техникум талабаларида «Рақобатбардошлик» сифатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадини англаш;
- рақобатбардошликни шакллантиришнинг стратегик мақсади мавжуд рақобат муҳитида касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, техникум битирувчисининг ёш мутахассис сифатида барқарор ишлашига ва ривожланишига имкон берадиган ноёб рақобатбардош устунликларни ўзида мужассам этишига қаратилган;
- касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, техникум битирувчиси рақобатбардошлигини шакллантириш педагогик стратегиясининг тактик вазифалари - профессионал таълим битирувчиси рақобатбардошлиги таркибий қисмларининг ҳар бирини шакллантиришга, педагогик қўллаб-қувватлашга қаратилган имкониятлар ва шарт-шароитларни изчил ривожлантиришдан иборат. Буларни амалга ошириш механизмлари ва педагогик воситалари; профессионал таълим муассасаси битирувчиларининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг таълим технологиялари ва ташкилий-педагогик шартларини амалга ошириш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Педагогик стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш тамойилларини кўриб чиқишга ўтиш, таълим тамойилларининг бутун тизими талабанинг шахсиятини ривожлантиришга, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишга қаратилган. Бундан ташқари, педагогик стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш тамойиллари талабаларнинг амалий ва илмий фаолиятини педагогик бошқариш циклининг бошқичларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1. Ривожлантирувчи таълим тамойили талаба шахсиятини ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унга шахсий ва касбий хусусият ва сифатларни

– замонавий меҳнат бозорида рақобатбардошлик малакаси сифатида шакллантириб беришни таъминлайди.

2. Тизимлилик тамойили талабанинг замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда ишлашга тайёргарлиги нафақат назарий билим, кўникма ва малакаларни, балки кенг кўламли касбий муаммоларни ҳал қилиш бўйича амалий тажрибани босқичма-босқич оширишни ҳам ўз ичига олиши кераклигини кўрсатади. Ушбу тамойил, шунингдек, таълим жараёнининг мазмуни ва қурилишининг мантикийлигини талаб қилади ва назарда тутаяди. Бу талабаларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини тизимли хусусиятга айлантиради.

3. Талабанинг онгли, мустақил ва ижодий фаоллиги тамойили замонавий меҳнат бозорида профессионал таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардош устунликларини шакллантириш жараёнида талабанинг ўзига хос хусусиятлари ва шахсий фазилатларини кўзда тутаяди.

4. Рақобатбардош битирувчини шакллантириш учун комплекс ёндашув тамойили, талабаларнинг нафақат назарий тайёргарлигини, балки меҳнат фаолиятини амалга оширишда реал шарт-шароитларга мослашишни, хавфли ва ноаниқ вазиятларда касбга алоқадор муаммоларни кенг кўламли ҳал қилиш учун амалий тажриба орттиришини ҳам назарда тутаяди. Бундан ташқари, профессионал таълим муассасаси рақобатбардош битирувчисини шакллантириш кенг кўламда амалга оширилиши талабалар шахсиятининг ўзига хос фазилатлари ва хусусиятларини ривожлантиришни кўзда тутаяди, ҳамди улар биргаликда меҳнат бозорида бошқа иш изловчиларга нисбатан рақобатбардош устунликларини ақс эттиради.

5. Таълим олиш учун малакали ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш тамойили келажакдаги мутахассисларни тайёрлашга малакали ёндашув асосида қуйидаги қоидадан келиб чиқади: профессионал таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлиги унинг касбий малакаси билан белгиланади, унда махсус билимлар талабанинг бир қатор шахсий хусусиятлари ва шахсий фазилатлари билан тўлдирилиши керак. Малакавий ёндашувнинг устуворлиги, таълим-тарбия жараёни борасида - ўқитувчидан талабага билимларни имтиёзли равишда узатилиши орқали қайта йўналтириш имконияти яратилиши билан белгиланади, бу эса талабанинг замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитда, хусусан, меҳнат бозорида кескин рақобат шароитида муваффақиятли ишлаши учун профессионал таълим муассасаси битирувчисининг қобилиятини тавсифловчи билимлар тўпламини эгаллаш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

6. Таълимни меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг ҳақиқий шартлари билан боғлаш тамойили эътиборимизни профессионал таълим муассасасининг амалий-касбий, ижтимоий-таълим ва инновацион муҳитини яратиш зарурлигига қаратади.

Таълим стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш тамойилларидан ташқари таълим умумий тамойилларини ҳам унутмаслик керак.

Профессионал таълим муассасаси битирувчилари рақобатбардошлигини шакллантириш педагогик стратегиясининг таркибий қисмлари ва элементларини аниқлаш ва асослашга ўтиш орқали қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратамиз: касб-хунар мактаби, коллеж ва техникум битирувчиси рақобатбардошлигини ошириш педагогик стратегиясининг таркибий қисмлари; касб-хунар мактаби, коллеж ва техникум битирувчиси рақобатбардошлигини шакллантиришни стратегик режалаштириш (стратегик таҳлил, стратегик нигоҳ, стратегик шериклик ва бошқалар) замонавий меҳнат бозорида олий таълим муассасасилари битирувчиларининг самарали хулқ-атворини тавсифлаш.

**Профессионал таълим битирувчиларнинг
рақобатбардошлигини шакллантиришга ёндашувлар**

| Услубий ёндашув | Рақобатбардошликни шакллантириш аҳамияти |
|----------------------|---|
| Тизимли | <p>Рақобатбардошликни шакллантириш муаммосига тизимли ёндашув қуйидаги қоидаларни ҳисобга олади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) тизимли ёндашув тадқиқотнинг барча босқичларида профессионал таълим муассасаси битирувчиларининг рақобатбардошлигини шакллантириш муаммосини комплекс ўрганишни таъминлайди; 2) бўлажак мутахассиснинг рақобатбардошлиги умумий педагогик жараёнда шакллантирилади, унда барча таркибий қисмлар бир-бирига боғлиқ; 3) профессионал таълим муассасаси битирувчиларининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг самарадорлиги мақсадли тизимли таъсирларни ташкил этишга боғлиқ бўлади. |
| Шахсий йўналтирилган | <p>Профессионал таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришга қаратилган шахсий-йўналтирилган ёндашувнинг қоидалари талабанинг шахсий ва касбий ривожлантириш предмети бўлиб, ўзининг рақобатбардош хусусиятлари ва сифатларини шакллантириш жараёнида ўз салоҳиятини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда ҳаракатларни танлашни амалга оширади.</p> |
| Компетенциявий | <p>Бўлажак мутахассиснинг рақобатбардошлигини шакллантириш муаммосини ўрганиш ва ҳал қилишда ҳисобга олинган компетенциявий ёндашувнинг асосий қоидаларига қуйидагилар қиради:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) ваколатли ёндашув профессионал таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг мақсади ва натижаси сифатида асосий компетенцияларни тан олишга имкон беради; 2) таълим - тарбия жараёнини ташкил этиш рақобатбардош келажакдаги мутахассиснинг сифатини ташкил этувчи ваколатларни шакллантириш учун шарт-шароитларни яратишдир; 3) таълим натижаларини баҳолаш профессионал таълим муассасаси битирувчилари томонидан эришилган компетенцияларни ўзлаштириш даражасини таҳлил қилишга асосланган. |
| Синергетик | <p>Ушбу ёндашув профессионал таълим муассасасининг касбий-таълим соҳасидаги синергетик таъсирини касб-хунар мактаби, коллеж, техникум битирувчисининг касбий-амалий, ижтимоий-маърифий, инновацион образли муҳитларнинг ўзаро таъсиридан, уларнинг фаолияти натижаларининг оддий қийматидан миқдорий ёки сифат жиҳатидан ошиб кетишида намоён бўлган таъсирини шакллантириш омили сифатида яратади.</p> |
| Фаолиятли | <p>Талабанинг олий таълимда ўқишни давом эттириш, унинг илмий-тадқиқот, инновацион, ўқув-амалий ва бошқа фаолият турлари орқали талаба шахсининг рақобатбардош хусусиятлари ҳамда сифатларини ривожлантириш жараёнини очиб берувчи профессионал таълим муассасаси битирувчиси рақобатбардошлигини шакллантиришга фаол ёндашиш қоидалари</p> |



2-расм. Профессионал таълим муассаса битирувчиси рақобатбардошчилигини шакллантириш педагогик стратегияси тузилиши.

Профессионал таълим битирувчиларини рақобатбардошлигини шакллантириш педагогик стратегияси(2-расм) ва уларни касб-хунари бўйича ишга жойлаштириш механизмларини ташкил этиш бугунги кун талаби ҳисобланади. Профессионал таълимда тайёрланаётган мутахассисларни педагогик бошқарув механизмлари такомиллаштириш зурур.

2-жадвал

Профессионал таълим муассасаси битирувчиси рақобатбардошлигини шакллантиришнинг таълим технологиялари

| Шакли | Мазмуни | Афзаллиги/камчиликлари |
|------------------------------------|---|--|
| 1. Анъанавий таълим технологиялари | Тушунтириш ва тасвирий таълим шакллантириш технологияси | Афзалликлари: ташкилотнинг равшанлиги, ўқув материалларининг мунтазам ва мантиқий жиҳатдан тўғри тақдим этилиши, таълимнинг мунтазам табиати, ўқитувчининг шахсиятининг доимий ҳиссий таъсири, оммавий таълимда ресурсларнинг оптимал ресурсе харажатлари. Камчиликлари: аудиторияни ўрганиш вақтини оқилона тақсимлаш, нақш ва бир хиллик, талабанинг материалда дастлабки йўналишини таъминлаш, ўқувчиларни бир-бири билан мулоқот қилишдан ажратиш, пассивлик, мустикаликнинг йўқлиги, |

| | | |
|---|---|--|
| <p>2. Замоनावий таълим технологиялари</p> | <ul style="list-style-type: none"> - интерактив таълим технологиялари; - амалий технологиялар; - лойиҳа технологиялари; - модерация технологиялари; - ахборот-коммуникация технологиялари; - мультимедиа таълим технологиялари; - ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказишнинг инновацион технологиялари (шахсий йўналтирилган ўқув-ишлаб чиқариш амалиётлари ва бошқалар); - талабаларнинг дарсдан ташқари фаолиятларини ташкил этишнинг инновацион технологиялари (ташқилий-технологик инновациялар: менторлик, кўнгилликлик, талабаларга таълим беришнинг шахсий йўналтирилган шакллари ва усуллари, лойиҳаларни ташкил этиш ва бошқалар). | <p>Афзалликлари: назарий-семинарли таълимдан-технологик таълим тизимига ўтиш имконини беради, ўқитувчилар ва талабаларнинг таълим фаолияти жараёни ва мазмуни ҳақидаги тасаввурини ўзгартиради (шу жумладан, таълим тузилиши ва мазмунини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш учун ресурс сифатида хизмат қилади); таълим жараёнини фаол, коммуникатив, аналитик усуллар ва ўқитиш усулларини амалий қўллаш орқали бойитади;</p> <p>назариянинг амалиёт билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш(амалий тадқиқотлар) иш берувчилар ва меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, шу жумладан аналитик, коммуникатив, ташқилий, лойиҳа ва бошқа қўникмаларни шакллантиришни таъминлайдиган, бўлажак мутахассисларнинг ностандарт вазиятларда қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантирадиган малакасини шакллантириш, талабаларнинг шахсий, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рағбатлантиришга қаратилган.</p> <p>Камчиликлари: профессионал таълим муассасасининг касбий маҳорати ва педагогик маҳоратининг юқори даражасига эга бўлиш зарурати; таълим жараёнини техник-технологик, моддий ва бошқа ресурслар билан таъминлашнинг тегишли даражаси; талабанинг таълим жараёнига нисбатан «позицияси» учун юқори талаблар (фаолият, ташаббускорлик, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини тарбиялаш истаги ва бошқалар).</p> |
|---|---|--|

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, профессионал таълимнинг битирувчиларининг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда уларнинг келажақда меҳнат фаолиятига тайёрлашга вазифалар қўяди. Бу вазифаларни амалга ошириш ва изчил давом эттириш учун касб-хунар мактаблари, коллежлар, техникумларда ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ишларни комплекс ривожлантириш, ўқув фанларидан рақамли услубий таъминотини яратиш чоралари кўриш зарур. Таълимнинг кейинги босқичларида ўқишини давом эттириши ёки жамиятда ўз ўрини топиши учун етарли касб-хунарга, билим ва малакага эга бўлишида профессионал таълим тизимини ташкил этишга қўйилган барча талаб ва вазифаларни тўлиқ бажариш орқали эришиш мумкин. Бундан ташқари профессионал таълим ўқитувчиларига ҳам замон талабларидан келиб чиқиб, замоनावий компьютер ва таълим технологияларини талаб даражасида билиши ва шу асосида ўқув жараёнини ташкил этиши кўзланган мақсадга эришишга асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б. 39.

2. Беспалько, В. П. Образование и обучение с участием компьютеров(педагогика третьего тысячелетия) / В. П. Беспалько. – М.: Изд-во Моск. психол.–социал. ин–та ; Воронеж : МОДЭК, 2002. – 352 с.

3. Джурев Р.Х., Рахимов Б.Х. Факторы, влияющие на процесс формирования молодёжной

субкультуры будущего учителя. Сб.статей. Под общей редакцией.- М.: Издательство Московского психолого-социального института, 2008.-С-61-66.

4. Дониная, И.А. Педагогическая стратегия становления конкурентоспособного персонала общеобразовательной организации/ И.А. Дониная // Современные проблемы науки и образования. – 2014. – № 6. URL: www.scienceeducation.ru/2014 (дата обращения: 01.07.2015).

5. Жукова, Г. С. Технологии профессионально-ориентированного обучения: учеб. пособие. / Г. С. Жукова, Н. И. Никитина, Е. В. Комарова. – М.: Издательство РГСУ, 2012. – 165 с.

6. Исмоилова З.К. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал-методик асослари: Дис...пед. фан. док. – Т., 2006. –345 б.

7. Исмаилова З.К., Химматалиев Д.О. Роль педагогической технологии разноразовного обучения в современном профессиональном образовании / TheSeventhInternational Congresson Social Sciencesand Humanities, 2ndApril, 2016, Vienna 2016, 76-79 бетлар.

8. Лаврентьев, Г. В. Инновационные обучающие технологии в профессиональной подготовке специалистов / Г. В. Лаврентьев, Н. Б. Лаврентьева, Н. А. Неудахина. – Барнаул: Изд-во Алтайского государственного университета, 2004. – 156 с.

9. Лысова, Н. В. Интерактивные методы обучения в практике работы вуза как фактор повышения конкурентоспособности студентов / Н. В. Лысова // Современная образовательная практика и духовные ценности общества. – 2015. – №2. – С. 241-244.

10. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. - Т.: Фан ва технология, 2013, - 128 б.

11. Муслимов Н.А. ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / – Тошкент, 2015. – 120 бет.

12. Эргашев Б.Б. Управленческие аспекты проблемы качества образования./Б.Б.Эргашев // Школа будущего. – 2019. - №3. –С. 162-169.

13.Эргашев Б.Б. Исмаилова З.К. Олий таълим муассасасиси битирувчиларининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг педагогик стратегияси. — Наманган, 2019. –165 бет.

14. Phaal R. Technology Roadmapping. IET Management Key, University of Cambridge, UK. 2006. 26 (1): 2-19.

РЕЗЮМЕ

Мақолада профессионал таълим битирувчиларининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг педагогик стратегияси ва уни амалга ошириш механизларига оид таклиф, тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены предложения и рекомендации по педагогической стратегии формирования конкурентоспособности выпускников профессионального образования и механизмов ее реализации.

SUMMARY

The article provides suggestions and recommendations on the pedagogical strategy of formation of competitiveness of graduates of professional education and mechanisms for its implementation.

ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК ИНТЕГРАЦИЯ АСОСИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Жуманов А.А.

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти таянч докторанти*

Таянч сўзлар: педагогик интеграция, касбий фаолият, бўлажак касб таълими ўқитувчиси, касб-хунар, маънавий фазилятлар.

Ключевые слова: педагогическая интеграция, профессиональная деятельность, будущий учитель профессионального образования, профессия, духовные качества.

Key words: pedagogical integration, professional activity, future teacher of vocational education, profession, spiritual qualities.

Мамлакатимизда улуksиз таълим тизимини модернизациялаш, таълим тизи-мида туб ислохотларни амалга ошириш, таълим-тарбия жараёнига илғор педаго-гик ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ҳамда касб таълими ўқитувчиларини педагогик интеграция асосида касбий фаолиятга тайёрлашда таълим мазмуни ва сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида ёшларнинг касбий меҳнат таълими ва тарбиясига жуда катта аҳамият берганлар. Улар касб-хунар таълимига таълим тар-биянинг зарурий таркибий қисми сифатида ёндашганлар ва уни ақлий, жисмоний ва маънавий тарбия билан бирга олиб бориш зарур, деб ҳисоблаганлар. Улар асарларида ўз фарзандларини меҳнатга нисбатан нафрат руҳи билан тарбия қилувчи одамларни каттиқ танкид остига олганлар. Уларнинг асарларида меҳнатга инсон ҳаётининг мод-дий ва маънавий негизи, инсон бахтининг манбаси сифатида қаралади.

Бу тўғрида донишманд ота ўғлига шундай дейдилар: «Ёдингда сақла, ўғлим, бирор нарсага қодир бўлмаган инсон, доимо фойдасиздир ва у ҳеч кимга ёрдам бера олмайди. У бамисоли пояга эга, лекин соя бермайдиган тиканакдир. На ўзига, на бошқаларга фойда бермаган касб-хунарсиз одам ҳам ана шундайдир. Инсонни насл насаби, келиб чиқиши қанчалик баланд бўлмасин, агар у касб-хунарга эга бўлмаса, одамлар томонидан иззат ва ҳурматда бўлмайди. Агар унда олижаноблик ва бирор-бир нарсага қодирлик ҳам бўлмаса, бу янада ёмонроқдир. Чунки буюклик насл-насабининг гўзаллиги ва олижаноблигида эмас, балки ақл ва маҳоратидадир. Агар сен ота-онангга мос бўлмасанг, фақат улар берган нарсалар билан мағрурланма. Агар сен олижаноблик дурдоналарига ва маҳоратга эга инсон билан учрашиб қолсанг, унга каттиқ чирмашиб ол, чунки бундай инсонлар бошқаларнинг қийинчиликларини енгиллатиш қобилиятларига эгадирлар».

Ўрта аср Шарқнинг буюк олими Ибн Сино ўзининг машҳур «Дастуриламал ва насиҳатларида» шундай деб фикр юритади, инсон ўзини инсон деб ҳисобламаздан аввал, нима туфайли уни инсон деб аташларини англаб етмоғи лозим. Инсоннинг моҳияти ва асосий белгиси унинг руҳидир. «Ушбу инсондаги энг асосий моҳиятдир. Нарса ва ҳодисаларни, хунарларни ўрганиш, ёмонликдан асраниш ва яхшиликка интилиш, инсоннинг ғамга ва шодликка, роҳатланишга даҳлдорлиги ва бошқа амал-лар инсон руҳидан келиб чиқади. Инсон ўзига ўхшаган бошқа инсонлар билан бир-галикда ҳаёт кечиргани, ўзаро муносабатда бўлгани ва фаолият кўрсатган туфайли инсонга айланади». Яна унинг фикрича, «ҳар бир инсонга мойиллигидан ва истъедо-дидан келиб чиққан ҳолда таълим бермоқ лозим, акс ҳолда таълим-тарбия кўзланган натижани бермайди. Мураббий инсоннинг таълимга, бирор-бир хунарга ва санъатга бўлган интилишини аниқлаши лозим, чунки уларга эга бўлгандан сўнг, у ўзини яшаш учун воситалар билан таъминлай олади».

Фаробий «инсоннинг хунарамандчиликка ва санъатга бўлган қобилияти туғма, табиий эмас деб ҳисоблаган. Агар улар табиий бўлганда эди, ҳукмдорлар ўз мавқеларига ўз кучлари билан эмас, балки ўзларининг туғма фазилатлари туфайли эришган бўлардилар, деб таъкидлайди. У инсоннинг юқори маънавий фазилатларини, уларнинг шаклланиш йўларини ва ахлоқ меъёрларини баён қилиб беради. Ана шун-дай фазилатлар қаторига мардлик, эзгулик, сахийлик, зеҳнлилик, ҳақиқатпарварлик, самимийлик ва бошқаларни киритади.

Довонийнинг «Жалол этикаси» асарида ҳам қуйидаги панд насиҳатни учратиш мумкин: «бир инсон ҳар турдаги хунар билан шуғулланмаслиги керак, чунки бу таби-

атта зиддир, бундай инсон ҳеч қачон ижобий натижага эришмайди, чунки ҳар бир ҳунар зарур диққат ва вақтни талаб қилади». «Инсонда барча ҳунарларга қобилият йўқдир, аксинча ҳар бир инсон муайян бир ҳунарга мойилликка эга».

Алишер Навоийнинг замондоши Султон-Али Машҳадий кўзга кўринган машҳур Ҳаттот Машҳадий ёзувнинг ривожланиши ва камол топишида катта ўрин тутган олимдир. 1514 йилда «Султон Алининг ёзув ҳақидаги рисола»сини ёзди. У рисолада ёзувга керакли асбоб усқуналар, уларни тайёрлаш усуллари, ҳарф ёзишнинг қонун-қоидалари ва ёзув маданиятининг ўрганиш методикасини намоён этган.

Олий таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчисини педагогик интеграция асосида касбий фаолиятга тайёрлашда ўзига хос ўрин тутувчи педагогик шарт-шароитлар ва воситалар тизимини аниқлаб олиш, таълим жараёнини самарали ҳамда тўғри ташкил этилишини таъминлайди.

Олий таълим давлат таълим стандарти (ДТС) доирасида бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйилган талабларни аниқлашда давлат ва жамият, ишлаб чиқариш ва фан талаблари билан бир қаторда шахс эҳтиёжлари ҳам эътиборга олинган. Бунда:

- таълим бериш жараёнида талаба томонидан ўзлаштириш мажбурий бўлган ўқув материалнинг давлат ва жамият тараққиёти, фан, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳа эҳтиёжларига мос келиши;
- давлат таълим стандарти (ДТС) доирасида белгилаб берилган йўналишларнинг муайян ўқув предмети ёки таълим соҳаси бўйича ўқув-услубий мажмуаларда тақдим этиладиган ўқув материалларининг максимум-ижодий ҳамда эвристик, шунингдек, зарурий минимум даражаларини аниқ белгилаб бера олиши;
- талабаларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини тезкор назорат қилиш механизминини яратиш назарда тутилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, касб таълими ўқитувчисини педагогик интеграция асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг сифат ва самарадорлигини ошириш учун давлат таълим стандартлари, ўқув режаси ва дастурларининг тизимлилиги ҳамда изчиллигига ҳамда уларни педагогик интеграция асосида касбий фаолиятга тайёрлашга эътибор қаратишни асосий вазифалардан бири деб белгиладиқ.

Педагогикадаги интеграция муаммоси кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий ишларида турли йўналишларда қараб ўтилган. Фанга илк бора киритилганидан бошлаб, то бугунги кунга қадар педагогик жараёндаги интеграция тушунча жадал ривожланди, турли шакл ва мазмунда ифода этилди, умумлаштирилди, мужассамлаштирилди ва мустаҳкамланди. Интеграция тушунчаси таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишнинг мақсадлари, мазмуни ва тамойиллари бирлигини ифода этади. Педагогик интеграциянинг мазмун-моҳияти ўқув-тарбия жараёни элементлари (мазмун, шакллари, методлари)нинг ўзаро бирлигини таъминлашдан иборат. Бу таълим функцияларининг кенгайиши (интегратив функция), инновацион таълим (интегратив таълим), таълим модернизацияси (интегратив технологиялар), таълим натижаси (шахс камолоти) орқали ифодалананади.

Бугунги кунда олимлар интегратив-педагогик концепциялар ҳақида, яъни у ёки бу соҳадаги инегратив-педагогик фаолият мазмуни ва йўналишини белгилаб берувчи тизимлаштирилган қарашлар, қоидалар ва ғояларнинг бирлиги тўғрисида сўз юритмоқдалар. Интегратив-педагогик концепцияларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга бевосита интеграцион жараёнларни тадқиқ этадиган концепциялар қиради. Бу уларнинг номланишида ҳам ўз аксини топган. Масалан: умумий ва касбий таълим интеграцияси концепцияси; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмуни

интеграцияси концепцияси; меҳнат бозори ва таълимнинг ўзаро таъсири концепцияси; касбий таълимнинг очиклиги концепцияси; ижтимоий ҳамкорлик концепцияси; олий касбий таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими интеграцияси концепцияси; педагогик ва техник билимлар интеграцияси концепцияси; таълимни ташкил этиш шакллариининг интеграцияси ва дифференцияси концепцияси ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳга таълим-тарбия концепциялари киради. Уларда интегротив элемент ташки жиҳатдан намоён бўлмайди, балки уларнинг жорий этилиши натижаси сифатида мужассамлашади.

Педагогик интеграциянинг функцияларини аниқлаб, унинг турли кўринишларига хос бўлган энг умумий ва ўзгармас (инвариант) функцияларини алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтиш зарур. Олимлар педагогик интеграциянинг ўзгармас функциялари қаторига қуйидагиларни киритадилар: методологик, ривожлантирувчи, технологик функциялар. Улар маълум вазифаларни бажаришда педагогик интеграция фаоллигининг намоён бўлиши усуллари сифатида қаралади.

Адабиётлар:

1. Исмаилова З.К. Педагогика. Дарслик. – Тошкент, Молия-иктисод, 2008.
2. Файзуллаева Д.М. Касб таълими методикаси. Нутқ маданияти. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2012
3. Химматалиев Д.О., Байбаева М.Х., Фархутдинова М. Касб-хунар таълими тизимининг ўқув-тарбия жараёнини модернизациялашда инновацион таълим технологияларни қўллаш: услубий қўлланма. – Т.: ТИМИ, 2015. – 98 б.
4. Химматалиев Д.О. Фанлараро интеграция орқали техника олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш// Pim ham jamiyat (Fan va jamiyat). -Нукус, 2017. №1. -Б.54-56.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада профессионал таълим йўналишида талабаларни педагогик интеграция асосида касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари мазмун-моҳияти бўйича маълумотлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлена информация о содержании и сущности подготовки студентов к профессиональной деятельности в сфере профессионального образования на основе педагогической интеграции.

SUMMARY

The article provides information on the content and essence of preparing students for professional activities in the field of vocational education based on pedagogical integration.

МУҲАНДИС-ДАСТУРЧИЛАРНИ КАСБИЙ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИ РАҚОБАТБАРДОШЛИК МУҲИТИГА ТАЙЁРЛАШ

Тўраев М.Ф.

*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкен тахборот технологиялари
университети Қарши филиали*

Таянч сўзлар: илмий тадқиқот, лойиҳа, коммуникатив, рақобатбардошлик, концептуал, техник эксплуатация, рақамли тизимлар, менежмент ва маркетинг, дизайн, ижодий салоҳият.

Ключевые слова: научные исследования, дизайн, коммуникация, конкурентоспособность, концептуальная, техническая эксплуатация, цифровые системы, менеджмент и маркетинг, дизайн, творческий потенциал.

Key words: scientific research, design, communication, competitiveness, conceptual, technical operation, digital systems, management and marketing, design, creative potential.

Ахборотлашган жамият ривожланишининг ҳозирги босқичи ҳаётимизнинг барча соҳасига янги ахборот-коммуникация технологияларини доимий равишда жорий этиш билан тавсифланади. Жамиятни ахборотлаштириш деганда: меҳнат, илмий тадқиқот, лойиҳа, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, аҳолига хизмат кўрсатишни автоматлаштириш, ташкилий-иктисодий бошқаришни автоматлаштириш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ахборотлаштириш каби соҳаларни ўз ичига олган жамият тушунилади.

Компьютер технологиялари ва телекоммуникацияларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларига кенг жорий этилиши аниқ ахборот тизимларини, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, компьютер техникасига хизмат кўрсатиш муаммоларини келтириб чиқаради. Бу эса янги дастурий таъминот тизимлари билан ишлайдиган мутахассисларнинг тегишли тайёргарлигини ва касбий малакасини талаб қилади.

Бўлажак муҳандис-дастурчиларни меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар асосида тайёрлаш, уларни технологик жараёнларни бажариш, билимларни амалиётда қўллаш, замонавий технологияларни қўллаш, жамоада ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш компетентлигини ошириш асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Муҳандис-дастурчиларни тайёрлайдиган мутахассисликларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда, ушбу соҳа мутахассислари орасида касбий коммуникатив компетенцияни шакллантириш муаммоси долзарб йўналиш ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида муҳандис-дастурчиларни тайёрлаш даражасига талабларнинг ошишига олиб келади. Чунки технологик ўзгаришларнинг динамикаси, ускуналар ва унинг дастурий таъминотининг эскириши фундаментал тайёргарликни ва янги технологияларни тезда ўзлаштириш қобилиятини талаб қилади. Мустақил равишда қарор қабул қилиш, янги вазифага тезда мослашиш қобилияти, мавзу доирасидаги кенг дунёқараш келажакдаги дастур муҳандисларининг асосий касбий фазилағларига айланиши керак.

Муҳандис-дастурчиларининг касбий фаолияти соҳаси ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва олиш усуллари, ахборот узатиш каналларини, тармоқларда ахборотни ҳимоя қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини ташкил этиш билан боғлиқдир.

Бугунги кунда мутахассислар ва иш берувчиларнинг фикрига қўра, дастурий таъминот муҳандисларининг касбий тайёргарлиги сифати замонавий талабларга тўла жавоб бермайди. Соҳа-корхоналари ва ташкилотларда кадрлар етишмовчилиги тобора ўсиб бормоқда. Ушбу соҳа бўйича мутахассис тайёрлайдиган Олий таълим муассасаларида кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш ишлари етарли даражада амалга оширилмаганлиги ўз исботини топмоқда. Шу сабабли мутахассислар тайёрлаш мазмуни, битирувчиларнинг билим ва кўникмасига қўйиладиган талабларни мужассамлаштирувчи таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малакавий талаблари, ўқув режалари ва дастурларини соҳа эҳтиёжидан келиб чиқиб, янгидан ишлаб чиқишни ҳамда жорий этишни тақозо этади.

Бўлажак мутахассисларнинг рақобатбардошлигини шакллантириш дунёдаги замонавий олий таълим ривожланишининг асосий тенденцияларидан биридир. Мута-

хассиснинг рақобатбардошлиги унинг турли хил қобилиятлари, уларнинг ривожланиш даражаси ва ресурслари ҳолати билан белгиланади.

Рақобатбардошлик - бу замонавий мутахассиснинг ваколатларидан бири бўлиб, унинг бозор шароитида йўналишини таъминлайди ва рақобатчилар билан таққослаганда унга фойдали тафовутлар беради, бу эса унга муваффақиятга эришиш ва ўз қобилиятини таъминлашга имкон беради.

Мутахассиснинг рақобатбардошлиги касбий таълимнинг етакчи мақсадларидан бири сифатида қаралади, унга эришиш бозор шароитида йўналиш тажрибасини ўзлаштириш, ўз маҳсулотларининг сифати ва турли ишлаб чиқарувчиларнинг ютуқларини таққослаш, рақобат шароитида энг юқори натижага эришиш учун даъволарни амалга ошириш билан тасдиқланади. Муҳандис-дастурчиларнинг рақобатбардошлиги даражаси, касбий фаолиятнинг самарали тизимини шакллантириш, бозор талабларини ўрганиш ва унинг талаблари ва ривожланиш истикболларига жавоб берадиган маҳсулотлар яратишга тайёрлигини акс эттирувчи мезонлар билан белгиланади.

Таълим тизимини такомиллаштиришда компетентли ёндашув таълим мазмунини янгилашнинг муҳим концептуал ҳолати сифатида қаралмоқда. Компетентли ёндашув, таълим олувчининг ижтимоий, коммуникатив, ахборот, касбий ва бошқа шахсий сифатларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, замонавий ижтимоий-иктисодий шароитларни ўзида деярли тўлиқ амалга ошириш имконини беради. Бу ёндашув таълим олувчилар шахсини тўлиқ тарбиялаш ва муҳим амалий вазифаларни ҳал қилиш имконияти асосида шакллантириш сингари компетенциялар концепциясига асосланган. Компетентли ёндашувнинг мақсади-таълим сифатини таъминлашдир. Таълим тизимини такомиллаштириш муаммолари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, таълим мазмунининг янгиланишида асосий бирлик сифатида компетентлик ва компетенция қаралмоқда.

Компетенция - зарур натижага эришиш ушун амалга ошириладиган фаолиятдир. Амалдаги компетентлик-билим маҳсули бўлиб, уни амалиётда қўллаш билиш қобилияти ҳисобланади. «Компетентлик» сўзининг маъноси хабардорлик, обрў, ўз соҳаси бўйича кенг камровли тушунча ва тажрибага эга бўлиш билан белгиланади. Компетенция-шахсий сифат бўлиб, турли хил вазиятда педагогик фаолият ва ижтимоий ҳаётда ифодаланадиган қобилият, билим, кўникма ва малака ҳисобланади.

Замонавий мутахассисларни тайёрлаш юқори касбий билимларни, кенг умумий маданий дунёқарашни, асосий касбий муаммоларни ҳал қилишда ушбу билимларни намойиш этиш қобилиятини назарда тутди. Улар ўзларининг касбий фаолият соҳаларида қуйидаги асосий компетенцияларга эга бўлиши керак:

- тизимлаштирилган дастурлашнинг асосий тамойиллари, дастурларнинг техник ва эксплуатацион хусусиятлари, дизайн хусусиятлари, рақамли тизимларнинг ишлаш хусусиятлари ва усуллари, уларнинг қодалари тўғрисида билимлар;
- техник эксплуатация, маълумотларни автоматик қайта ишлаш ва кодлаш технологиялари, объектга йўналтирилган дастурлаш тиллари, дастурларнинг амалдаги стандартлари, санок тизимлари, шифрлари ва кодлари, техник топшириқ ҳужжатларини тайёрлаш тартиби;

- илгор маҳаллий ва хорижий дастурлаш тажрибаси;
- менежмент ва маркетинг, меҳнатни ташкил этиш ва дастурчиларни бошқариш, тегишли равишда техник, дизайн ва тадқиқот қисмларини ўз ичига олган муҳандислик фикрлаш;
- дастурчи фаолияти маҳсулоти талаб қилинадиган бозор шароитида йўналиш;
- ахборот компетенцияси;
- рақобатбардош хулқ-атворга психологик тайёрлик (рақобат, рақобатбардошлик, ҳаракатчанлик билан боғлиқ вазиятларда ҳаракат қилиш, рақибнинг ҳаракатларини башорат қилиш, устуворлик қобилияти): муваффақиятли фаолиятга эҳтиёж;
- бошланғич имкониятлар (фундаментал билим, амалий тажриба, умумий маданий салоҳият, иқтидор);
- ижодий салоҳият;
- ўз-ўзини бошқариш, ташкил этиш, старли даражада ақс эттириш, профессионал ва шахсий фазилатларни ўзини ўзи баҳолаш;
- ижтимоий ва ҳуқуқий ваколат ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, касбий таълимда компетентли ёндашувнинг асосий мақсади меҳнат бозорида рақобатбардош, компетентли, ўз касбининг моҳир эгаси ва фаолиятнинг мураккаб соҳаларига йўналтирилган, донмий касбий ўсишга тайёр, ижтимоий ва касбий коммуникатив, мутахассислиги ва савиясига жавоб берадиган малакали ходимни тайёрлаш ҳисобланади. Компетентлик мутахассис фаолияти асосини ташкил этувчи касбийликнинг бир поғонаси сифатида қаралади. Мутахассиснинг компетентлиги турли кўринишдаги оддий ва мураккаб вазифаларни турли даражада ечишга шахснинг қобилияти сифатида талкин қилинади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларнинг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон қарори, //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами// 2017 й, 30 (790)-сон. С.71-78.
2. Мустафина, Д.А. «Процесс формирования конкурентоспособности будущих инженеров-программистов» // Международная журнал, прикладных и фундаментальных исследований.2009, №5, Стр.51-55.
3. Бернская М.В. «Некоторые аспекты формирования профессиональной компетентности инженеров-программистов в техническом Вузе»//Методические и методологические проблемы, 2006.- №4, Стр. 201-203.
4. Тураев С.Ж. Формирование научно-практических навыков студентов с привлечением к научному проекту № 1/1-f и применением технологий программирования. Преподаватель XXI век. ISSN 2073-9613. МПГУ, Москва. 2018. - №4.- Часть 1. С. 88-95.
5. Тураев С.Ж. Повышение качества профессиональной деятельности студентов с привлечением к научному проекту. XII Международной научно-практической конференции «Инновации в технологиях и образовании», 21-22 марта 2019 г., Филиал КузГТУ в г. Белово. – Белово: 2019. – Ч. 4. -240-241 с. 6. Turaev S.J. (2019) «Methods of the using of software program Microsoft Excel in practical and laboratory occupation on physics» Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 1 : Iss. 10 , Article 55. –P. 292-297.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак муҳандис-дастурчиларни тайёрлашда касбий коммуникатив компетентлигини шакллантириш ва рақобатбардошлик муҳитига тайёрлаш масалалари баён

этилган. Бўлажак муҳандис-дастурчиларни меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар асосида тайёрлаш, уларни технологик жараёнларни бажариш, билимларни амалиётда қўллаш, замонавий технологияларни қўллаш, жамоада ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш компетентлигини ошириш асосида такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилган. Шу билан биргаликда компетенция, компетентлик тушунчалари, коммуникатив компетенциянинг мазмун-моҳияти, коммуникатив кобилиятнинг қоидалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье о формировании профессиональной коммуникативной компетенции при обучении будущих инженеров и программистов и их подготовке к конкурентоспособной среде. Предложения и рекомендации по обучению будущих инженеров-программистов на основе содержания и требований к качеству подготовки конкурентоспособных кадров в соответствии с потребностями рынка труда, их совершенствования на основе технологических процессов, практического применения знаний, применения современных технологий, совместной работы и саморазвития. При этом освещаются понятия компетенции, компетентности, сущность коммуникативной компетенции, правила коммуникативной способности.

SUMMARY

This article describes the formation of professional communicative competence in the training of future engineers and programmers and their preparation for a competitive environment. Suggestions and recommendations for training future engineers-programmers on the basis of the content and quality requirements for training competitive personnel in accordance with the needs of the labor market, improving them on the basis of technological processes, practical application of knowledge, application of modern technologies, teamwork and self-development. At the same time, the concepts of competence, competence, the essence of communicative competence, the rules of communicative ability are described.

БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ТАШКИЛИЙ-БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

Туйчиев Х.Э.

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институтини «Профессионал таълим ва жисмоний маданият» кафедраси таянч
докторанти*

Таянч сўзлар: инновация, компетент, интерактив, мотивацион, когнитив, операция, рефлексив, индикатор.

Ключевые слова: инновационный, компетентный, интерактивный, мотивационный, когнитивный, операционный, рефлексивный, индикаторный.

Key words: innovative, competent, interactive, motivational, cognitive, operational, reflective, indicative.

Халқаро миқёсда бўлажак мутахассисларни инновацион тайёрлаш, замонавий таълимни амалга ошириш бўйича дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларда бўлажак педагогларнинг касбий маҳорати мезонлари, инновацион таълим муҳитини яратиш муаммолари, халқаро таълим стандартлари талабларининг жорий қилинишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу билан бирга касб-хунар коллежлари учун ҳам замон талабига жавоб берадиган ўқитувчиларни тайёрлаш зарурати ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имконият-

ларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш» устувор вазифалари белгиланиб, бу борада касбий компетентликни шакллантиришга йўналтирилган таълим (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда. 6) муҳитини шакллантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади

Касб-хунар таълимида касбий компетентликни шакллантириш, ривожлантириш ва диагностика қилиш масалалари Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова, Д.О.Ҳимматалиев, О.А.Қўйинов, Н.Н.Каримова, Ё.Р.Нажмидинова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Олиб борилган изланишлар ва таҳлиллар асосида шунни айтиш мумкинки касб-хунар коллежларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда компетенциявий ёндашувни қўллаш, касб-хунар коллежи ўқувчисининг эгаллаши керак бўлган компетентликлари мазмунини белгилаш, компетентликларни шакллантириш-нинг педагогик ва дидактик шарт-шароитларини аниқлаш муаммоларига кам эътибор қаратилган, бу эса мазкур муаммони тадқиқ этиш заруратини тақозо этади. Илмий-техник тараққиёт талаблардан келиб чиққан ҳолда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш методикасини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари, тамойиллари, педагогик шарт-шароитларини аниқлаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнини компетентли ёндашув асосида такомиллаштириш, инновацион таълим методлари ва замонавий машғулот шакллари тадқиқ этиш орқали педагогик жараён тузилмасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг бошқарув компетентлиги ва касбий компетентлиги ҳақида фикр мулоҳаза юритамиз

Педагогик компетентлилик тузилмаси ва мазмуни тавсифномаларининг фаолиятли аспекти нафақат билимлар, малака, кўникмаларни, балки педагогик жараёни ўтказиш усулларини ҳам ўзи ичига олади. Айни вақтда коммуникатив аспект ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотнинг педагогик шакллари амалга ошириш билимлари, малака, кўникма ва усуллари билан бойдир. Педагогик компетентлиликнинг биринчиси каби иккинчи компоненти ҳам ўзаро алоқадор.

Артикбаева З.А. «Малака ошириш тизимида мактаб математика ўқитувчиларининг касбий-методик кўникмаларини такомиллаштириш» номли диссертация ишида «Математика ўқитувчиларининг репродуктив кўникмалари сифатида амалий масалаларини ечиш, методик муаммоларни ижодий англашнинг тадқиқий малакаларга ўтиш кетма-кетлиги кўриниши берилган бўлиб, у қуйидагилардан иборат:

- зарур билимларни эгаллаш;
- кўникмаларни репродуктив даражада шакллантириш;
- фаолиятни намоёйиш қилиш - яхлит ва элементлари бўйича;
- содда вариантларда (топшириқни сунъий соддалаштириш, уни бўлақларга ажратиш) кўникмаларни мустаҳкамлашни ташкиллаштириш;
- узлуксиз тесқари алоқадан фойдаланиб мустақил амалиётни ташкил қилиш;
- изланувчанлик, продуктив (маҳсулдор, ижодий) босқичга ўтиш;
- турли хил муаммоли вазиятларни ташкиллаштириш - ностандарт масалаларни ечиш, воқеликни муносиб моделлаштириш;
- ўқитувчиларнинг муайян муаммолар бўйича индивидуал изланувчан фаолиятини ташкил қилиш, изланиш натижаларини реферат, маъруза, методик мақола, курс иши кўринишида тақдим этиш».

Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини ташкил этишда ўзаро ижодий ҳамкорликка асосланган муносабатлар жараёнларини ташкил этишда қўлланиладиган янгича ёндашувлар уларни касбий фаолиятга ва узлуксиз малака оширишга психологик мослашувини тезлаштириш ва рефлексияни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Фақатгина рефлексив таълим жараёнидагина шахсий тушунчаларни ривожлантириш, ўз фаолиятини ўзи томонидан таҳлил қилиш асосида ўқитувчилар ўзларининг педагогик фаолиятларининг қай даражада аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етишлари мумкин.

Америкада менежерларнинг касбий компетентлигини шакллантириш модели ўз ичига қуйидагиларни камраб олади:

1. Ўзгаришларни бошқаришда: келажакни кўра билиш, ташки муҳитни тўғри англаш, инновация ва ижодий ёндашув, лойиҳавий-тадқиқотчилик ёндашув, стратегик тафаскур, узлуксиз таълим, мотивация.

2. Персонални бошқаришда: низоларни бошқариш, маданий омилларни тушуна билиш, жамоани шакллантириш, шаффофлик.

3. Ресурсларни бошқаришда: молиявий ресурсларни бошқариш, инсон ресурсларини бошқариш, технологияларни бошқариш.

4. Натижаларга эришишда: масъулиятлилик, муаммони ҳал қилабилиш, ташаббускорлик, маъмурий кўникмалар, истеъмолчи эҳтиёжларига йўналтирилганлик.

5. Коммуникацияни ташкил қилишда: оғзаки коммуникация, ёзма коммуникация, музокаралар олиб бориш, ҳамкорлик тузиш.

Илмий-назарий манбаларни таҳлил қилиш асосида хулоса қилишимиз мумкинки, олий таълим муассасасалари раҳбар кадрларининг касбий компетентлиги моделини ишлаб чиқиш ва уни ривожлантиришда юқорида тавсифланган механизмлардан фойдаланиш раҳбар кадрлар касбий компетентлигининг ривожлантиришга хизмат қиладиган ташкилий-педагогик шароитларнинг яратилишига шароит яратиб беради.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, профессионал таълим тизимида компетентли ёндашув самарадорлиги ва унинг концептуал асослари ҳозирги кунда шаклланиб бормоқда. Профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигининг самарадорлиги бошқа шахслар билан оғзаки, ёзма ва компьютер воситачилигида профессионал фаолият доирасида ўзаро ахборот ва тажриба алмашишни самарали амалга оширишга интилиши, қобилияти ва тайёрлиги сифатида белгиланади. Раҳбар ходимларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш уларнинг мотивацияси, қобилияти ва профессионал таълим тизимининг натижалари ва самарадорлигига кизиққан ва ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўзаро ахборот ва тажриба алмашишни самарали амалга оширишга тайёрлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий ва ажралмас психологик-педагогик жараён сифатида белгиланди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги Қарори.

4. Абдуқуддусов О. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашга интегртив ёндашув. – Т.: Фан, 2005, - 157 б.

5. Артикбаева З.А. Малака ошириш тизимида мактаб математика тингловчиларининг касбий-методик кўникмаларини такомиллаштириш. п.ф.н. диссер.автореф. Т.: - 2004. 26 б.

6. R.Choriyev, Kh.Tuychiev Mechanisms of professional competence development for future teachers. Solid State Technology Volume: 63 Issue: 2 Publication Year:2020, P 268-278

РЕЗЮМЕ

Жахон таълим тизимида фан ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш мамлакатининг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларда назарий билимлардан педагогик амалиётда муваффақиятли фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш, педагогик фаолиятда ўз ташаббусларини рўёбга чиқаришга шароит яратувчи таълим муҳитини жорий қилишда муҳим аҳамиятга эга. Мақолада ана шу муҳим жиҳатлар ҳақида умумий маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

Широкое использование достижений науки и инноваций в мировой системе образования, последовательное и устойчивое развитие всех сфер жизни общества и государства становится важным фактором построения достойного будущего страны.

Это, в свою очередь, важно в формировании у будущих учителей компетенций для успешного использования теоретических знаний в педагогической практике, внедрении образовательной среды, создающей условия для реализации их инициатив в педагогической деятельности. В статье приведены обзорные материалы об организационно-мотивационной деятельности.

SUMMARY

The widespread use of the achievements of science and innovation in the world education system, the consistent and sustainable development of all spheres of society and the state is becoming an important factor in building a decent future for the country. In countries such as Russia, England, South Korea, Japan, the training of highly qualified, competitive personnel is considered a key development area that ensures the widespread introduction of innovations in education, including modern interactive and creative teaching methods.

This, in turn, is important in the formation of future teachers' competencies for the successful use of theoretical knowledge in pedagogical practice, the introduction of an educational environment that creates conditions for the implementation of their initiatives in pedagogical activity.

ЎҚУВЧИЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИНING ПСИХОПРОФИЛАКТИКАСИ

Аскарова Н.А.

ўқитувчи

Сайдуллаев Н.А.

катта ўқитувчи ТТА «Педагогика ва психология» кафедраси

Таянч сўзлар: хулқ оғиши, психопрофилактика, ўсмир, тарбия, оила, жиноят.

Ключевые слова: отклонения поведения, психопрофилактика, подросток, воспитания, семья, преступление.

Key words: behavior deviation, adolescence, upbringing, family, crime.

Оиладаги носоғлом психологик муҳит ва оилавий тарбиядаги йўл қўйилаётган нуксонлар ҳамда таълим жараёнида кузатилаётган нуксонлар, болалар ва ўсмирлар яшаётган маҳаллалар ҳаёти, уларнинг психологик муҳити вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Маълумки, объектив шарт-шароитлар ва ижтимоий муҳит воқеа- ҳодисалари ўсмирнинг онги, хоши - иродасига бўйсунмаган ҳолда таъсир этади ва унинг онги, дунёқараши, шахс сифатида шаклланиш ва хулқ-атвори мазмунини белгилаб беради. Болалар ва ўсмирлар

ўртасида хулқ оғишининг олдини олиш тадбирлари энг аввало хулқ оғишини келтириб чиқарадиган шарт-шароит ва сабабларни бартараф қилишни тақоза қилади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишда энг аввало жиноятчилик хулқининг ижтимоий-психологик, индивидуал психологик, социологик, ҳудудий ва криминологик хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади. Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида юзага келаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш ишлари умумий ва махсус - индивидуал тарзда олиб борилиши билан характерланади. Умумий ижтимоий чора-тадбирларга жамиятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, сиёсий барқарорликни таъминлаш, халқнинг турмуш тарзи ва микро муҳит муносабатларини яхшилаш, фуқароларнинг маданий-маънавий ва маърифий салоҳиятини ўстириш ва бошқалар қиради.

Махсус - индивидуал характердаги тадбирлар сифатида эса болалар ва ўсмирларнинг шахс хусусиятлари, уларнинг психологияси, дунёқараши, кадрятлар ориентацияси, ҳаётий ҳолати, онглилик даражаси ва ижтимоийлашув хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тушунилади. Психопрофилактик чора тадбирларни ишлаб чиқишда вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг келиб чиқишигача бўлган даврга, бу даврда олиб бориладиган умумий тарбиявий тадбирларга, уларни такомиллаштиришга, таъсирчанлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам вояга етмаганлар ўртасида юзага келаётган хулқ оғишининг олдини олишда ушбу оралик даври муҳим аҳамият касб этишligини унутмаслигимиз керак.

Вояга етмаган жиноятчилар шахсининг умумий йўналиши таҳлили жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни нафақат жиноятчилик хулқи ва салбий иллатларга эга бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб бориш балки, соғлом хулқли болалар ва ўсмирлар ўртасида ҳам уларни олиб бориш заруриятини кўрсатади. Ушбу фикрдан кўринадики, ўсмир томонидан содир этилган жиноий ҳаракат-унинг хулқига эмас, балки ситуацион вазиятларга кўра содир этилганда ўсмир шахсининг ижобий сифатлари ва жиноятчиликнинг содир этилишига сабаб бўлувчи омиллар тўғрисидаги маълумотларни бермайди. Шунингдек, бундай вазиятларда ўсмирда тарбиявий профилактик тадбирлар олиб борилганда ҳам жиноий ҳаракатнинг олдини олишга ёрдам бериб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ситуацион вазиятларга боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олишда ўсмир шахсининг хусусиятларини, унинг ижобий ёки салбий фазилатларни ҳамда уларнинг характер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш мақсадга мувофиқлигини унутмаслик керак. Шунингдек, ўсмир шахсидаги эмоционал беқарорлик, кўзгалувчанлик хусусиятларига барҳам беришга эришиш ҳамда уларда ўз ҳагги-ҳаракатларини бошқара олиш ва фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ситуацион вазиятларга боғлиқ бўлган болалар ва ўсмирлар жиноятчилигининг олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Вояга етмаганларда хулқ оғиши жараёни шахс хусусиятлари билан ташқи муҳит воқеа-ҳодисалари ўртасидаги мураккаб боғланишли жараён бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда ўсмир шахси субъект сифатида ташқи муҳит ахборотларини қабул қилади ва қайта ишлайди. Объект сифатида эса ташқи муҳит элементлари шахсга таъсир этувчи элемент сифатида ифодаланади.

Ўсмир шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари шундай ўзига хос имкониятларга эгаки, у баъзан шахснинг соғлом муносабатлари ва соғлом турмуш тарзини белгиласа, баъзан эса носоғлом хулқ-атворнинг келиб чиқиши учун имконият ярагади. Ушбу хусусиятлар ўсмирларда ғайри қонуний хулқ-атворнинг келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган психологик-педагогик жиҳатдан таъсирчан

тадбирларни ишлаб чиқиш заруруриятини кўрсатади. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирлари самарадорлиги ва уларнинг таъсирчанлиги энг аввало ўсмир шахсидаги ижобий фазилатлар, ижтимоий фойдали эхтёж ва қизиқишларнинг шаклланганлигига боғлиқ бўлади. Шу маънода ўқув-тарбиявий тадбирлар ва машғулотлар вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишнинг дастлабки профилактикаси сифатида хизмат қилиши керак.

Тадқиқодлардан маълум бўлишича, психологлар ва педагоглар томонидан дезадаптациялаган хулқнинг олдини олишга қаратилган бир қатор тавсиялар, маслаҳатлар ишлаб чиқилган. Россиялик психолог Е.А.Горшкова, тарбияси қийин ўсмирларнинг синф жамоаси билан бўладиган муносабатларини соғломлаштириш вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик хулқининг олдини олишда муҳим омил сифатида ўрин тугади деб таъкидлайди. Ушбу ўринда қуйидаги психологик-педагогик тавсияларга амал қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

1. Тарбияси қийин ўсмирларнинг синф жамоасидаги ўрни ва унинг синфдошлари, атрофдагилар билан бўлган муносабатларини соғломлаштириш.

2. Тарбияси қийин ўсмирларнинг шахс хусусиятларини ҳар тамонлама ўрганиш ва тарбиявий тадбирларни амалга оширишда ижобий шахс сифатларини шакллантиришга эришиш.

3. Тарбияси қийин ўсмирларнинг синф ва мактаб жамоасидан изоляцияланишини (ажралиб қолишлик) олдини олиш тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш.

4. Тарбияси қийин ўсмирларни қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиқиб синфда ва синфдан ташқарида ўтказиладиган тадбирларга жалб қилиш.

5. Синф жамоаси аъзоларида соғлом психологик муносабат ҳиссини шакллантириш.

6. Синф ва мактаб жамоасида тарбияси қийин ўсмирларга нисбатан ижобий ва фаол муносабат руҳини юзага келтириш.

Ушбулардан кўринадики, шахс хулқидаги оғишни тузатишга ҳаракат қилишда энг аввало ўсмир шахсига, унинг ижтимоий муҳитга нисбатан мослашишига ҳамда ўсмирнинг мотивацион эҳтиёжлар соҳасини ўзгартиришга, носоғлом турмуш тарзи ва тарбия муҳитини соғломлаштиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўсмирлардаги мавжуд бўлган ижобий сифат ва хусусиятларга таянган ҳолда уларда ҳар томонлама қизиқишни, биринчи навбатда ўқишга, меҳнатга, ижтимоий фойдали фаолиятга нисбатан бўлган қизиқишларни ривожлантириш зарур бўлади.

Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий тадбирларнинг самарадорлиги уларда фаол ҳаётини позицияни шакллантириш, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида ўзаро яқинлик ва соғлом муносабатни ўрнатишга боғлиқдир. Шунинг учун ўқитувчининг тарбияси оғир ўсмирга нисбатан бераётган эътиборини, уларни ўзларига яқин олаётганлигини ва ёрдам бермоқчи бўлаётганлигини ўсмир ҳар доим ҳис қилиб туриши муҳим ҳисобланади. Бу ўсмир хулқини соғломлаштиришга қўйилган илк қадам бўлиб ҳисобланади.

Ўсмирдаги дезадаптацияланган хулқни тузатишнинг кейинги шарти ўсмир психикасидаги ўзгаришни ўз вақтида аниқлаш ва тиббий, психолог-педагогик ёрдам кўрсатиш бўлиб ҳисобланади. Ўсмирларда хулқ оғиши ва жиноятчилик хулқининг олдини олишга қаратилган ўқув-тарбиявий тадбирлар ўсмирнинг оилавий муҳити, тарбияланганлик даражаси ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Чунки, оила муҳитини билишлик ўсмир шахси ҳақида, унинг тарбияланганлик даражаси ва турмуш тарзи, ижобий ва салбий фазилатлари ҳақида маълумотларни беради.

Хулқ оғишига эга бўлган болаларга психопрофилактик таъсир кўрсатишда ўсмирнинг шахс сифатидаи шаклланиши жараёнини, унинг ўзига хос хусусиятларини, характер хислатлари ва психологиясини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш яхши натижа беришлигини унутмаслик лозим. Болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг олдини олишнинг муҳим шартларидан яна бири тарбиявий жараёнда мактаб ва оила ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш бўлиб ҳисобланади. Бундай пайтларда кўпинча оила ва мактаб ҳамкорлиги, ота-она ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро алоқанинг узилиши туфайли болалар ва ўсмирлар тарбиясини, айниқса улар хулқидаги ўзгаришларни тузатиш анча қийин кечади. Ўқитувчи - ўқувчи ўсиб вояга етаётган оила муҳитини, унинг ахлоқий кифасини ҳар доим ҳам билавермайди. Баъзан айрим ўқитувчилар болалар ва ўсмирлар билан олиб борадиган тарбиявий ишларни ота-оналар билан маслаҳатлашмай, улар ҳақида муайян маълумотларга эга бўлмай амалга оширадilar. Бундай ҳолатларда табиий равишда тарбиявий тадбирларнинг олиб борилиши кўзда тутилган профилактик чораларнинг таъсирчанлик даражасининг пасайишига сабаб бўлади. Оқибатда психопрофилактикадан кўзланган мақсадга эришилмай қолинади.

Тадқиқотчи З.В.Баерюнасининг таъкидлашича, «жиноятчилик хулқига эга бўлган болалар ва ўсмирлар оиласининг асосий характерли хусусиятларидан бири ахлоқий, маънавий хислатларнинг баҳоланмаслиги ёки кам баҳоланиши, ахлоқий ва маънавий кадриятлар ўрнига моддий бойликларни асосий деб билишлик, оилавий келишмовчиликлар ва низоларнинг ҳукм суриши, ота-оналарда педагогик билимларнинг етишмаслиги, таълим, тарбия ва маданиятчилик даражасининг пастлиги, фарзандлар хулқ-атворини бошқаришда жисмоний жазолаш, ҳақоратлаш, гина-қудрат, таъна-дашном бериш усулларидан кенг фойдаланишлик одатларининг мавжудлигидир.

Маълумки, оила муҳитининг соғломлиги, ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзоларининг маданий, ақлий, маънавий ва ахлоқий жихатдан баркамоллиги оилада тарбия олаётган болага ижобий таъсир кўрсатади. Ота-оналарнинг илму-маърифатчилиги болалар ва ўсмирларда ғайриқонуний хулқнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки ота-оналарнинг маърифатчилик даражаси, ақлий, маънавий ва ахлоқий баркамоллиги болалар ва ўсмирлар ўртасидаги жиноятчилик хулқининг келиб чиқишини олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда қатор психологик-педагогик масалаларга эътибор қаратиш яхши натижа беради.

Адабиётлар:

1. Баерюнас З.В. Опыт социально – педагогического исследования семьи и подростка – правонарушителя. М., 1972. -16 с.

2. Горшкова ЕА. Педагогическое руководство взаимоотношениями в классе как средство перевоспитания трудновоспитуемых подростков// Психология и профилактика асоциального поведения несовершеннолетних / Сб.науч.тр.Тюмень, 1985.- 18 с.

РЕЗЮМЕ

Ўқувчиларда хулқ оғишини психопрофилактикаси уни оқибатида келиб чиқадиган турли хил жиноятларни олдини олишнинг асосидир. Психопрофилактик тадбирлари энг аввало хулқ оғишини келтириб чиқарадиган шарт-шароит ва сабабларни бартараф қилишни такозо қилади.

РЕЗЮМЕ

Психопрофилактика отклонения поведения у учеников основа предотвратить разных преступлений. Психопрофилактические меры требуют, прежде всего, устранения состояний и причинотклонения поведения.

Psychoprophylaxis of behavior deviation in students is the basis for the prevention of various crimes. Psychoprophylactic measures require, first of all, the elimination of conditions and causes of behavior deviation.

ДУАЛ ТИЗИМИДА МУТАХАССИСЛАРИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ

Чориев Р.

*ТИҚХММИ, «Профессионал таълим ва жисмоний маданият» кафедраси
доценти, педагогика фанлари доктори*

Таянч сўзлар: дуал тизим, касбий фаолият, дидактик шартлар, муҳандис-педагог.

Ключевые слова: дуальная система, профессиональная деятельность, дидактические условия, инженер-педагог.

Key words: dual system, professional activity, didactic conditions, engineer-teacher.

Касбий таълимнинг дуал тизими олий таълим муассасасида концептуал-назарий ва дидактик асосларга мувофиқ муҳандис-педагог кадрлар касбий тайёргарлигининг таркиби ва мазмунини ишлаб чиқишни амалий ташкил этиш билан боғлиқ. Шу билан бирга, бугунги кунда ушбу таълим соҳасининг ҳолатини тавсифловчи муаммоларни ҳисобга олиш лозим.

Айниқса, бу каби муаммолар соҳада тадқиқотчилар томонидан қайд этилган касбий таълимнинг узлуксиз тизимини шакллантириш, ушбу турдаги касб-хунар таълимнинг ўзига хослиги икки хил таълимни интеграциялашган ҳолда олиб борилишидир.


Ахборот технологиясига хос муаммонинг намоён бўлиши муҳандис-педагогика соҳадаги ходимларининг кўпчилигида педагогика, психология, ўқитиш методикаси таълим йўқлиги сабабли билим этишмаслигидан далolat беради. Ушбу тўсиқни бартараф этишда ижтимоий шахсий фаолияти ҳисобидан, индивидуал ўқув фаолияти давомида малака ошириш тизими ўқитувчиларининг муайян шахсий мотивларини бошқариш орқали амалга оширилади.

Психологик муаммо тингловчиларнинг фикрига асосланади ва улар кўпроқ маълумотларни билиши, таълим жараёнида кўп йиллардан буён ишлаши ҳамда уларнинг бирор нарсани билмаслиги унчалик муҳим эмас. Натигада улар ўз билимлари, кўникмалари ва қобилиятларини баҳолаб боради. Аммо тадқиқотчининг фикрига қўра, тингловчиларни ўз-ўзини касбий фаолиятини ривожлантириб бориши ушбу тўсиқни енгиб ўтиш мумкин.

Касб таълими йўналиши талабаларининг амалий, ижодий фаолиятини фаолаштириш, лаборатория машғулотларининг электрон дастурларини ишлаб чиқишда иштирокини таъминлаш, ишлаб чиқариш ходимларини технологик жараёнларни автоматлаштириш, визуаллаштириш каби касбий кўникмаларини шакллантиради.

Юқоридаги саволларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган сабаблар орасида обьектив, таълим муассасаси тизимида таълимнинг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ: ўқув материалларининг жуда кўп концентрациясига нисбатан кичик вақт оралиғи, ўқишдан четлатилган катта ёшдагиларнинг таълим олиш имкониятларига зид келади, кўпинча бу ҳолат таълим фаолияти учун етарли эмас. Шунингдек, умумий ва асосий билимларнинг етишмаслиги, психологик хусусиятлари ва бошқалар.

Дуал таълимида тизимли ёндашувидан фойдаланиш нафақат турли босқичларни тушуниш имконини беради, балки тайёргарлик эҳтиёжларини аниқлашдан дастур бажарилишини баҳолашга қадар, машғулотларни бошқариш ва амалга оширишда ушбу босқичларнинг ўзаро боғлиқлигини тасаввур қилиш имконини беради. Ушбу ёндашувга мувофиқ қурилган тайёргарлик циклининг тузилиши 1-расмда келтирилган.



1-расм. Дуал таълим тайёрлов циклининг тузилиши

баҳолашнинг аниқланган тайёргарлик эҳтиёжлари ва ишлаб чиқилган дастурни амалга ошириш натижалари ўртасидаги муносабатни аниқлаш, шунингдек, алоҳида тингловчиларнинг ишини ва умуман ташкилотни такомиллаштиришда намоён бўлишига эътибор бериш муҳимдир.


Бу жараёнда дуал тизимида асосланган «Дуал тизимида касбий тайёргарликни такомиллаштириш» тайёрлов курсининг дастурини ишлаб чиқишда биринчи навбатда дастурнинг мақсадига жътиборни қаратиш зарур. Унда бевосита олий таълим тизимида тайёрланадиган бўлажак мутахассислар, яъни касб таълими ўқитувчилари, иккинчидан, касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликдаги ташкилот ходимлари, ва касб-хунар коллеждаги ишлаб чиқариш усталари фаолиятини дуал тизими асосида ташкил этишнинг назарий ва амалий асосларини аниқлаштиришдан иборат. Бу борада асосий иш берувчи ва назария ва амалиётни туғри ташкил этилишини назоратга олиб боришда асосий ўрин тутадиган таркибни шакллантиришга қаратиш лозим. Улар қимлар: олий таълим муассасалари бўлажак касб таълими ўқитувчилари, касб-хунар коллежлари ишлаб чиқариш усталари ва ишлаб чиқариш ходимларидан иборат қилиб белгиланади.

Тайёрлов дастурини ишлаб чиқиш. Муайян тайёргарлик курсини режалаштиришдан олдин бу курснинг мақсади нима ва индивидуал машғулотлар орқали қандай натижаларга эришиш мумкинлигини аниқ билиши керак (3-расм).

Тақдим этилган схемада ўқитувчи томонидан мавзу-



2-расм. Дуал таълимда тайёрлов жараёни тузилиши



3-расм. Дуал таълимни
тайёрлов мақсадларини белгилаш

нинг сифатли тақдим этилиши ва тингловчилар томонидан мавзуну эслаб қолиш келтириб ўтилган.

Маъруза машғулотларини ўтказишда тингловчиларни фаоллаштириш учун диққатни жалб қилиш (қизиқишни рағбатлантириш), фикр-мулоҳаза ташкил этиш (фикр алмашиш, ахборот вадам олиш

имкониятини бериш.

Амалга оширишда ҳисобга олиниши керак бўлган асосий омил бу ўқитувчи тингловчиларни фаоллаштириш учун турли методларни фойдаланиши:

- монологдан мулоқотга ўтиш, фикр алмашишни рағбатлантирадиган ҳар қандай масаланинг қисқача муҳокамасини ташкил этиш (масалан: сўраш), яъни, тингловчилар ҳар қандай саволни энг муҳим деб ҳисоблашади;
- дарс мавзуси билан боғлиқ ва вақт талаб қилмайдиган машқларни бажариш;
- мустақил равишда ечим излашга қаратилган мунозараларни ташкил этиш;
- қизиқарли намоийш мавзуларни маърузага киритиш;
- асосий мавзудан четга чиқиш (тарих бўйича, ҳазил ва бошқалар).

Таълим жараёнини замонавий ташкил этишнинг объектив шартини унинг технологиялаштиришидир, педагогик технологияларни унинг дидактик шартлари асосида танлаш муҳим вазифа бўлди. Инсонпарварлик педагогикаси тамойиллари ва ғояларини шакллантириш, шунингдек, технологик таълимни ташкил этиш асосида таълим жараёнининг тизимли таркибий қисмларининг максимал сонини қамраб олувчи технологияга асосий эътибор қаратилди. Бунда ўз-ўзини ривожлантириш технологияси, табиий-рефлексив технологияси, витамин технологиясидан фойдаланилди.

Дуал тизимнинг хусусиятларидан бири шундаки, таълим методларини мустақил аҳамиятининг сифатини ошириш ва универсал шакллантиришга йўналтирилган, муҳим педагогик воситаларга айланган таълим усулларининг аҳамияти (когнитив йўналтирилган таълимдан фарқли ўларок, рол ўйини ва методларни қўллаб - қувватлаш). Ушбу услубий таъминот алоқалари дуал тизимида таълим жараёнида қўлланилиши муҳандис-педагогик касбий таълими, профессор-ўқитувчилар ва талабалар олий ўқув юртида уни амалда қўллашнинг яна бир муҳим дидактик шартини бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар:

1. Choriev Ruzimurot Kungratovich, Ismailova Zuxra Karabaevna Peculiarities of professio nals self-development of a future teacher in the context of personalityoriented pedagogy Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 7 No. 12, 2019 ISSN 2056-5852, 505-508 pages
2. Choriev Ruzimurot Kungratovich European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences (EJRRES) Volume 8 Number 4, 2020 Part II ISSN 2056-5852 112-114. Pages
3. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. Дисс. пед. ф. д. – Т.:2007. – 315 б.
4. Р.Х.Джураев Организационно-педагогические основы интенсификации системы профес-

сиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. Дисс. док.пед.наук. –Т.: 1995. – 43 с.

5. Р.К.Чориев Ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантиришда инновацион фаолият Педагогик маҳорат назарий ва илмий-методик журнали 2013 й. № 3 17-20 б

РЕЗЮМЕ

Дуал тизимнинг хусусиятларидан бири шундаки, универсал мустақил сифатларни шакллантиришга йўналтирилган таълим усулларининг аҳамиятини оширади. Таълим жараёнида қўлланиладиган Дуал тизими муҳандис-педагогик касбий таълимида профессор-ўқитувчилар ва талабалар амалда қўллайдиган методик алоқа муҳим дидактик шарти бўлиб қолади ва шунинг учун алоҳида эътибор талаб этилади. Мақолада ана шундай жиҳатлар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Одна из особенностей дуальной системы состоит в том, что она повышает значимость методов обучения, направленных на формирование универсальных независимых качеств. Методическое общение, используемое профессорами и студентами в инженерно-педагогическом профессиональном образовании по Дуальной системе, применяемой в учебном процессе, остается важным дидактическим условием и поэтому требует особого внимания. В статье освещены такие аспекты.

SUMMARY

One of the features of the dual system is that it increases the importance of teaching methods aimed at the formation of universal independent qualities. Methodological communication used by professors and students in engineering and pedagogical vocational education according to the Dual system used in the educational process remains an important didactic condition and therefore requires special attention. The article highlights such aspects.

КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Садиқова Ф.

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти мустақил тадқиқотчиси*

Таянч сўзлар: ёндашув, шлобал, инновацион таълим, метод, тизимли ёндашув, компетентлик, фаолиятлилик, тизимлилик.

Ключевые слова: подход, глобальное, инновационное образование, метод, системный подход, компетентность, деятельность, систематизация.

Keywords: approach, global, innovative education, method, systematic approach, competence, activity, systematization.

Дунё миқёсида таълим сифати замонавий жамиятнинг ахборот, глобал ва экстремал ижтимоий ўзгаришлар билан характерланувчи ҳолатга ўтиши, жамиятнинг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг юксак кўрсаткичларига интилувчан касбий фаолиятни амалга оширишга қодир, махсус компетенцияга эга мутахассисларга бўлган эҳтиёжи билан белгиланади. Инновацион таълим моделлари, услублари ва технологияларини қўллаш, ўқув жараёнининг қисман ёки тўлиқ ахборот муҳитига ўтказиш таълимнинг халқаро миқёсда интеграциялашуви омилига айланмоқда. Касбий таълим тизими олдида турган вазифалар унинг ахборотлашувини ва таълимнинг кўп босқичлилигини, касбий тайёргарликнинг узлуксизлигини, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг академик мобиллигини, мустақил таълимнинг турли шакллари ташкил этиш методикасини такомиллаштиришни, унинг

сифатини баҳолаш тизимнинг ривожланишини таъминловчи ягона тизим яратишни талаб қилади.

Ўрганилаётган муаммога бағишланган тадқиқотларнинг назарий таҳлил қўрсатишича, талабалар мустақил ишини ташкил қилиш асосига қуйидаги ёндашувлар қўйилиши мумкин: компетентлик, фаолиятчилик, тизимчилик.

Бўлажак касб таълими йўналиши битирувчиси ўқув фанлари (ЎФ), касбий модуллар (КМ), амалиёт ўташ даврида орттириладиган бир қатор умумий ва касбий компетенцияларга эга бўлиши зарур бўлиб, улар келажакда касбий фаолиятни етарлича юқори савияда бажаришига имконият беради.

Умумий ва касбий компетенцияларни эгаллаш талабаларнинг саводли ташкил этилган ва бошқариладиган мустақил иши давомида аудитория доирасида ҳамда таълимнинг турли босқичларида унинг ташқарисида амалга ошириш мумкин.

Профессор-ўқитувчининг иши таълим тизимида амалга оширилиши сабабли тизимли ёндашувни кўриб чиқамиз.

Тизимли ёндашув – бу шундай ёндашув бўлиб унда ҳар қандай тизим ўзаро боғлиқ унсурлар мажмуи сифатида қабул қилинади. Масалани турли тарафдан кўра билиш, кўпсонли ечимларни таҳлил қилиш, ягона бир бутундан қисмларни ажратиш, ёки аксинча, тарқоқ далиллардан бир бутун манзарани ташкил қилиш – нафақат дарс жараёнида, балки оддий ҳаёт фаолиятида ёрдам беради. Мазкур ёндашувнинг моҳияти шундаки, нисбатан мустақил компонентлар ўзаро бир бирига боғлиқ компонентлар сифатида қабул қилинади, бўлар: таълим мақсади, педагогик жараён субъектлари – профессор-ўқитувчи ва таълим олувчи, таълимнинг мазмуни, педагогик жараённинг шакл, усул ва воситалари.

Бундан ташқари, тизимли-фаолиятли ёндашув ўқув фаолияти таркибига алоҳида аҳамият касб этади, зеро таълим олувчи ҳар бир ўқув фаолиятини бажаришда мазкур фаолиятни амалга оширишнинг муайян қоидаларига риоя қилиши шарт. Ўқув фаолиятини шундай қуриш керакки, таълимнинг шахсий аҳамиятлиги ангавланган бўлсин.

Бинобарин, тизимли-фаолиятли ёндашув нуқтаи назаридан фаолиятнинг ўзи эмас, таълим олувчи ва профессор-ўқитувчининг биргаликда ишлаб чиқилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда биргаликдаги фаолияти диққат марказда туради.

Юқорида қайд этилганларга хулоса қилган ҳолда, айтиш мумкинки, талабалар мустақил ишини ташкил қилишга мазкур ёндашувларга таянган ҳолда, профессор-ўқитувчи улар томонидан умумий ва касбий компетенцияларни эгаллашга ёрдам беради. Ёндашувларни кўриб чиққандан сўнг талабалар мустақил ишини ташкил қилиш хусусиятларини ажратишга ўтамыз.

Илмий, услубий адабиётларни назарий таҳлил қилиш қўрсатишича, ҳозирги замон босқичида талабалар мустақил ишини ташкил қилиш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

мустақил ишнинг профессор-ўқитувчининг назорати остида амалга оширилиши; профессор-ўқитувчи томонидан комплекс топшириқлардан фойдаланиш; мустақил ишни амалга оширишда талабаларда субъектив нуқтаи назарнинг пайдо бўлиши; кичик курслардан катта курсларга қараб мустақил иш вариативлиги, тур ва шаклларининг ортиши; назарий эмас, аксинча амалиётга йўналтирилган топшириқларнинг устуворлиги; гуруҳда бажаришни назарда тутувчи топшириқларнинг мавжудлиги.

ОТМ да касбий таълим йўналишларида мустақил ишни ташкил қилишнинг натижалчилиги уни ўз вақтида назорат қилишга боғлиқ бўлиб, у муассаса маъмурияти томонидан ишчи дастурларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида амалга оширилиб, улар келгусида иш берувчилар билан келишилади. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг тақвим-мавзувий режалари ўқув-услубий бўлими томонидан профессор-ўқитувчилар иштирокида мажлисларда тасдиқланади. Назоратнинг қуйидаги турлари ажратилади:

жорий назорат, яъни мустақил ишни бажариш савиясини кундалик тарзда маърузалар, лаборатория-амалий машғулотлар ва семинар машғулотларида кўзатиб бориш; чегаравий назорат, ўқув фани, фанлараро курс бобини ўрганишни тугатишда ўтказилиб, талабалар мустақил иши сифатини ва ўз вақтида бажарилишига баҳо бериш имконини беради; оралик назорат ўқув фани, фанлараро курс, семестр охирида касбий модул бўйича мустақил ишни бажаришнинг ҳажми ва сифатини ҳисобга олишга имкон беради; талаба томонидан назорат иши тадбирларига тайёргарлик кўриш учун фанини ўрганиш жараёнида ўзини ўзи назорат қилишни амалга ошириш; ўқув фани, касбий модул бўйича якуний назорат синов, имтиҳон, малакавий имтиҳон жараёнида амалга оширилиб, унинг шакли таълим муассасаси томонидан танланади.

Профессор-ўқитувчилар томонидан талабалар мустақил ишини ташкил қилишда фанлараро хусусиятга эга комплекс топшириқлардан фойдаланиш талабалар билимини уни бажариш жараёнида интеграция қилиш имконини беради.

Санаб ўтилган ёндашувларни таҳлил қилиб, биз қуйидаги хулосага келдик: мустақил иш ролининг ортиши таълим жараёнини ташкил қилишни қайта кўриб чиқиш назарда тутиши, бунда асосий урғу талабаларда мустақил ишни ташкил қилиш билан ва кўникмаларини ривожлантиришга, улар томонидан умумий ва касбий компетенцияларни эгаллашга қаратилиши зарур; мустақил ишни услубий таъминлаш янгиланишни талаб қилади; таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш зарур.

Адабиётлар:

1. Мирсолиева М.Т., Эрматов А. Таълим сифатини таъминлаш жараёнига илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш/ Пировард мақсад аҳоли фаровонлиги ва юрт таракқиётидир. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Андижон, 2017. -64-66 б.

2. З.К.Исмаилова, Мустафоева Д.А. «Малака ошириш тизимида махсус фан ўқитувчиларининг педагогик компетентлиги» (инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича). Услубий қўлланма. – Тошкент, ТИКХММИ, 2018

3. Садикова Ф.М. Теоритические основы использования учебно-практических игр при организации самостоятельных работ учащихся профессиональных колледжей // Объединённый научный журнал. – Москва, 2009.- №7- С.15-17

4. Sadikova F.M. Features of the organization of independent work of students of institutions of secondary vocational education on ownership of competencies // Abstracts of VI International Scientific and Practical Conference. Liverpool, United Kingdom, 5-7 February 2020.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мустақил ишни ташкил қилишга бўлган янги ёндашувлар талабалар нафақат сунъий вазияларни, балки ҳақиқий амалий топшириқларни ҳал қилишларини назарда тутди. Бунда улар нафақат профессор-ўқитувчидан, балки бир бирларидан ўрганадилар; турли хил ахборот базалари билан ишлайдилар, танқидий фикр юритишни ҳамда танланган ечим учун жавобгарликни бўйинларига олишни ўрганадилар; ўзларининг шахсий касбий нуктаи назарларини шакллантириш ҳақида умумий маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

Статья содержит материалы про новых подходов к организации самостоятельной работы, что студенты решают не только искусственные ситуации, но и реальные практические задачи. При этом они учатся не только у профессора, но и друг у друга; работать с множеством баз данных, научиться критически мыслить и нести ответственность за выбранное решение; дается общая информация о формировании личных профессиональных взглядов.

SUMMARY

The new approaches to the organization of independent work in the article assume that students solve not only artificial situations, but also real practical tasks. In doing so, they learn not only from the professor, but from each other; work with a variety of databases, learn to think critically and take responsibility for the chosen solution; general information on the formation of their personal professional views is given.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА МЕТОДИК БИЛИМЛАР РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ШАРҲИ ВА ҲОЗИРГИ ТАРАҚҚИЁТИ

Махсудов П.М.

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институту «Профессионал таълим ва жисмоний маданият
кафедраси докторанти, т.ф.н., доцент*

Таянч сўзлар: профессионал таълим, методик билим, даврлаштириш, предметли тизим, билим, кўникма, малака, муҳандис-педагог, фабрика- завод ўқувчилик мактаблари, операцион тизим, ишлаб чиқариш таълими, ишлаб чиқариш таълими методикаси, моторли машқ тизими, ёзма йўриқнома, касб таълими методикаси,

Ключевые слова: профессиональное образование, методические знания, периодизация, предметная система, знание, умение, навыки, инженер-педагог, фабрично-заводская ученическая школа, операционная система, производственное обучение, методика производственного обучения, моторное упражнение, письменный инструктаж, методика профессионального обучения.

Key words: vocational education, methodological knowledge, periodization, subject system, knowledge, skill, skills, educational engineer, factory apprenticeship school, operating system, industrial training, industrial training technique, motor exercise, written instruction, vocational training technique.

Профессионал-педагогик кадрлар тайёрлашда методик билимларнинг ривожланиш тарихи кенг дунёкарашга оид ва тарбиявий аҳамиятга эга. Собиқ Иттифок пайтидаги профессионал таълимда методик билимларнинг ривожланиш тарихи бўйича Н.Е. Эрганова ўз тадқиқот ишларида куйидаги 8 та даврни кўрсатиб ўтган. Бунда даврлаштириш асосига ўқитишга бўлган етакчи ёндашувлар, ўқитишнинг шу даврларига хос бўлган метод ва технологияларига асосланган. Ҳар бир даврнинг давомийлиги (у ёки бу метод ёки ўқитиш тизими ривожланадиган вақт оралиғи) ўртача 23 йилга тенг бўлган.

XVIII асрнинг биринчи ярми. Қадим замонлардан бошлаб инсоният цивилизацияси ривожланишининг дастлабки босқичларида ўзининг методик таъминотини талаб этувчи профессионал тайёргарлик олиб борган. Ушбу асрнинг ўрталарида ўқув ва илмий адабиётлар ўртасида фарқ бўлмаган. Манбаларни таҳлили XVIII асрнинг биринчи ярмига қадар бирор бир хунарни ўқитиш методикасига оид алоҳида нашрлар мавжуд бўлмаган. Бу даврдаги етакчи методик прием (усул)ни хунарсандлар ишинидан нусха олиш усули деб таҳмин қилишни кўрсатган. Бу даврдаги профессионал тайёргарлик соҳасидаги асосий методик гоёлар атоқли педагоглар Л.Ф.Магницкий, В.Н.Татищевлар томонидан баён этилган.

XVIII асрнинг биринчи ярми – XIX асрнинг 60-йиллари. Бу даврда жадал ривожланаётган саноат таъсири остида Россияда профессионал таълим муассасалари тармоғи шакллана бошлаган. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишчиларни тайёрлаш устанинг тизимсиз тушунтириши билан ўқитиладиган индивидуал ўқувчилик (шогирдлик) йўли орқали амалга оширилган. Ўша даврдаги таълим муассасаларида методик тизим сифатида ишлаб чиқариш таълимининг предметли тизими қўлланилган бўлиб, улар К.Ю.Цирул, Н.В. Касаткинларнинг назарий ишлари ва методик тажрибаси таъсири остида тарқалган.

XIX асрнинг 60-йиллари – 90-йилларнинг охири. Методик билимлар ривожланишининг учинчи даври ишлаб чиқариш таълимининг биринчи илмий асосланган тизимининг пайдо бўлиши билан характерланади. А.П.Платонов, А.М.Михайлов,

Г.И.Гослау, В.П.Марков, Д.К. Советкинлардан ташкил топган Москва техника билим юртининг ўқув устахоналари муҳандислар гуруҳи 1868 йилда «механика санъатини ўқитишнинг тизимли методи»ни ишлаб чиққан. Ушбу метод Фарбада ва Америкада тарқалгач, ишлаб чиқариш таълимнинг бу тизими «Россия тизими» деб ном олган. Ҳозирги кунда илмий-методик адабиётларда у ишлаб чиқариш таълимнинг операцион тизими сифатида маълум. Амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича машқлар тизимини қўллаш асослаб берилган.

ХІХ асрнинг 90-йиллари – ХХ асрнинг 30-йиллари охири. Профессионал таълим тизимини шаклланиши билан бир вақтда педагогик билимнинг мустақил тармоғи сифатида ишлаб чиқариш таълими методикасини таркиб топиши бошланган. Россияда С.А.Владимирский, П.И.Устинов, Г.Ю.Гессе ва бошқалар техник ҳамда хунар мактаби ва билим юртларида ишлаб чиқариш таълими тизимини такомиллаштириш устида иш олиб борганлар.

Ишлаб чиқариш таълимнинг операцион-предметли тизимининг С.А.Владимирский томонидан асосланган асосий ғояси шундан иборат эдики, ўқувчилар муҳим усул ва операцияларни дастлабки ўрганишларидан сўнг ушбу ишлаб чиқариш фаолияти учун энг типавий усуллар комбинацияси бўйича ўқитилиши лозим бўлган.

С.А.Владимирский билан бир вақтда ишлаб чиқариш таълими операцион-предметли тизимини техника мактаби устаси П.И.Устинов томонидан ишлаб чиқилган тизимига қўра ўқувчиларни ўқитиш чилангарлик, темирчилик ва чилангарлик-йиғув ишларининг асосий усул ва операцияларини дастлабки ўрганишдан бошланган.

Бу даврда профессионал таълимни ташкил этишнинг етакчи шакли завод ва фабрикалар (цехлар ва участкалар), шахталар, темир йўл устахоналарида амалий машғулотлар ҳисобланган. Бундай машғулотларда ўқувчилар ишлаб чиқаришнинг ўзи билан танишибгина қолмай, балки чизмаларнинг эскизларини олиш, тайёр механизмларни йиғиш ва қисмларга ажратиш каби амалий ишларни ҳам бажарганлар.

Ўтган асрнинг 20-йиллари махсус педагогик таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши билан танилган. Психологик-педагогик тайёргарлик мазмунига психология ва педагогика фани билан бир қаторда махсус фанларни ўқитиш методикаси ҳам киритилган. М.М.Рубинштейн методик билимлар илмий тизими тузилишини асослаб, бўлажак муҳандис-ўқитувчиларнинг умумий методик тайёргарлигига техника фанлари фалсафаси ва методикаси, техника тарихи, одам анатомияси ва физиологияси ҳақидагиларни киритиш лозимлигини тақлиф этган.

Фабрика-завод ўқувчилик мактабларида (ФЗЎМ) бошқа таълим муассасаларига қараганда аввалроқ ўқув материални режалаштиришнинг комплекс тизими вужудга келган. Комплекс ва комплекс-лойихавий дастурлар, бир томондан, таълимнинг янги мазмунини яратсалар, иккинчи томондан – фанлараро боғланишларни бузганлар, бу эса билимларни юзаки, саёз ўзлаштиришга олиб келган.

1924 йилда бўлиб ўтган Ишчи таълими бўйича Бутуниттифок съездида ишлаб чиқариш таълими методикасини ривожланиш йўналишлари бўйича тўпланган тажриба ва муҳокамалар натижалари умумлаштирилган. Ишлаб чиқариш ўқув дастурларининг мазмунини танлаш концепцияси асосига меҳнат операцияси ўқитишнинг асоси сифатида; ишлаб чиқариш таълимнинг методологияси асосига предметлик эмас, балки жараёнлилик қуйилган. Устахонада ўқувчи ишлов бериш ва ишлаб чиқариш ўрнатиш, яъни асосий ишлаб чиқариш жараёнлари ўрганилган ва асосий операциялар бўйича машқлар орқали кўникмалар эгалланган.

1924 йилда А.К.Гастев бошчилигида Марказий меҳнат институти ходимлари мураккаб ишлаб чиқариш жараёнини бир қатор оддий элементлар – меҳнат хатти-

харакатларига ажратишни таклиф қилганлар. Ушбу тизим ММИ методи ёки мотор-машқ таълим тизими деб номланган.

XX асрнинг 30 йиллари – 50-йилларнинг охири. Бу давр завод, фабрика ва шахталарни малакали ишчилар билан тўлдиришни таъминлаган ва профессионал таълим методикасининг ривожланишига кучли туртки берган ягона давлат тизимининг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Ишлаб чиқариш таълими асосини ўша 30-йилларнинг бошларида қўлланилган операцион-комплекс тизими ташкил этган.

1930-йил сентябрда техника ва махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини тайёрлайдиган Урал (Свердловск) индустриал-педагогика институти очилган. Бу даврда А.А.Красновский ва С.Я.Купидоновлар методик тайёргарлик мутахассисликка қараб таркиби ва мазмуни билан фарқ қилувчи хусусий методикаларни таъминлаш кераклигини таъкидлаб ўтганлар.

1953 йилда А. М. Вейсбланд раҳбарлигида меҳнат захиралари тизимининг етакчи услубчилари томонидан тайёрланган «Ишлаб чиқариш таълими методикаси» деб номланган тизимлаштирилган курс чоп этилган. Ишлаб чиқариш таълимида синфдарс тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш таълими методлари ҳақида ва ишлаб чиқариш таълими методикасининг ўзи ҳақидаги баҳс-мунозаралар кенг ёйилди. Буларнинг барчаси профессионал таълим методикасининг фан сифатида ривожланишига ёрдам берди.

XX асрнинг 60-йиллари – 80-йиллар охири. 1960-йилларда мамлакатларда ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш давом эттирилган, фан ва техника ютуқлари, мураккаб механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари тобора ишлаб чиқаришда кенг қўлланилган, юқори сифатли материаллардан фойдаланган ҳолда янги технологик жараёнлар жорий этила бошланганлиги ишлаб чиқариш таълим тизимларининг ривожланишига кучли туртки берган. 1960-1970 йилларда олимлар предметли-технологик (И.Д.Клочков, М.А. Жиделев), муаммоли-таҳлилий (С.Я.Батышев), қабулли-комплекс-турларли (К.Н.Катханов) ва бошқалар ишлаб чиқариш таълимининг янги тизимларини бутун бир комплексини асослаганлар.

Ишлаб чиқариш таълими дарсларининг самарадорлигини ошириш воситаларидан бири ёзма йўриқнома 1960 йилларнинг охирларидан яна фаол қўлланила бошланган. Ёзма йўриқноманинг афзаллиги шундан иборат эдики, ўқувчилар исталган вақтда йўриқнома харитасига мурожаат қилишлари ва саволларга ўзлари мустақил жавоб топишлари мумкин бўлган.

1960-1970 йилларда собиқ Иттифоқда турли педагогика ва муҳандислик институтлари таркибида муҳандислик-педагогика факультетлари ва кафедралари қайта тикланиб борган. Россияда А.А.Бытев, В.И.Никифоров, Б.А.Соколовларнинг илмий тадқиқотлари туфайли методик тайёрлаш бўлажак муҳандис-педагогларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантирадиган нисбатан мустақил тизим сифатида кўриб чиқилган. Профессионал тайёргарликнинг методик таркибий қисмини: техник фанларни ўқитиш методикаси, ўқитишнинг техник воситалари, тарбиявий ишлар методикаси фанлари ташкил этган.

XX асрнинг 80-йиллари бошлари. Бу даврда фанлараро алоқалар назарияси ва амалиётига катта эътибор қаратилган.

1972 йилдан бошлаб Бухоро энгил саноат ва озиқ-овқат технология институтида Республикамиздаги хунар-техника таълими учун муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш бошланди. Ушбу институтда 0577 – «Машинасозлик», 1219 – «Қурилиш» мутахассисликларининг кундузги бўлимларига талабалар қабул қилинган. 1975 йилда эса Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари

институтида 1516 – «Қишлоқ хўжалиги» муҳандис-педагог мутахассислиги бўйича талабалар қабул қилина бошланган.

Бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашнинг методик таркибий қисми учта ўқув фани: техник фанларни ўқитиш методикаси (ҳар бир алоҳида соҳа учун бу фан белгиланган эди), тарбиявий ишлар методикаси ва ўқитишнинг техник воситаларини ўз ичига олган.

1980-йилларда Россияда профессионал таълимни ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи бинар (аралаш) дарс концепцияси шаклланган. Ушбу йўналишдаги асосий ишлар профессор Н.М.Таланчук раҳбарлиги остида амалга оширилган. Ишлаб чиқариш таълими ва махсус технологиянинг бинар (аралаш) дарси ғояси «Ишлаб чиқариш таълими» ва «Махсус технология» фанлари бўйича мавзуларни ўрганиш вақтидаги узилишни бартараф этишдан иборат бўлган.

Ўқитишда интеграция назариясининг ривожланиши, назарий билим ва амалий кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро алоқанинг янги интеграцион шакллариининг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш ва назарий ўқитиш методикалари интеграцияси учун замин тайёрланган.

Шундай қилиб, Собик Иттифоқ даврида «Профессионал таълим методикаси» деб номланган илмий-педагогик билимларнинг нисбатан мустақил соҳаси ажратилишини тарихий асослаб берилди.

1990 йиллар – ҳозирги давр. Бу даврга келиб мустақил Республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар профессионал таълим мазмунига янги талабларни қўйди. Янги мазмун Давлат таълим стандартлари орқали амалга оширилди. Давлат таълим стандартлари профессионал таълимнинг асосий даражасини, давлат ва халқаро даражадаги таълимнинг конвертациясини, таълим сифатини оширишни ва профессионал таълим даражаларининг узлуксизлигини таъминлади.

Бу даврда Россия Федерацияси профессионал таълим назарияси ва амалиётида ишлаб чиқилган интеграцион жараёнлар, лойиҳалаш педагогикасининг билим ва кўникмалари (В.С.Безрукова), амалиётчи-ўқитувчилар муаллифлик ўқув дастурлари ва муаллифлик ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлинди. Ушбу йиллар давомида И.А.Халиуллин ўқувчиларнинг ўқув-билиш ва ўқув-ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилиш учун таълим жараёнини турли иштирокчилари фаолиятининг мақсадли ўзаро таъсири ва интеграцияси сифатида интегратив дарс моделини асослади. Ўрганилаётган техник қурилмаларнинг техник ва технологик асосларини тушуниш бўйича интегратив дарс махсус фан ўқитувчилари томонидан ўтказилди, машина ва дастгоҳларни қисмларга ажратиш, йиғиш, техник хизмат кўрсатиш ёки таъмирлаш технологиясини эса ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан амалга оширилди.

1991 йилгача Собик Иттифоқ даврида муҳандис-педагог кадрлар тайёрлашда барча олий ўқув юртиларида режалаштириш ҳужжатлари муҳандис-педагог тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкил этишнинг ягона ўқув режасига асосан амалга оширилган.

1992 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республика Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режаси асосида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти, Бухоро енгил саноат ва озиқ-овқат технологияси институти, Наманган муҳандислик-педагогика (ҳозирги Наманган муҳандислик-қурилиш) институтиларида бакалавр даражасидаги муҳандис-педагоглар тайёрлаш йўлга қўйилган. Ўқув режасида мутахассислик номи 03.02.00 – Касбий таълим ва техника фанлари, малака-педагогика фанлари бакалаври деб белгиланган.

Республикамиздаги бир қатор олий таълим муассасаларида 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб касб-хунар коллежлари учун 5140900 – «Касб таълими» (соҳалар бўйича), 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб эса 5111000 – Профессional таълим (соҳалар бўйича) бакалаврият йўналишларида янги турдаги профессионал таълим муассасалари учун ўқитувчилар тайёрланмоқда. Бугунги кунда бўлажак профессионал таълим ўқитувчисини касбий тайёрлашда методик таркибий қисми таълим технологиялари, касб таълими методикаси, тарбиявий ишлар методикаси, махсус фанларни ўқитиш методикаси ва шу каби бир неча фанлардан ташкил топади.

Ўз тараққиётининг ҳозирги даврида профессионал таълим методикаси технологиявийлик даражасига кўтарилиб, профессионал таълимнинг ёндашувлари, тамойиллари ва методларини такомиллаштира бормоқда. Professional таълимдаги инновациялар таълимдаги технологик ёндашувнинг ривожланиш ва илк профессионал-педагогик технологияларнинг пайдо бўлиш манбалари бўлиб қолди. Ушбу соҳадаги олимларнинг тадқиқот изланишлари туфайли мутахассисларни касбий тайёрлашда модулли ўқитиш технологиялари, марказлашган ўқитиш технологиялари, масофавий ўқитиш, муаллифлик технологиялари жорий этила бошланди. Professional таълим муассасалари ўқитувчилари ўзларининг асосий вазифаси – касбга ўргатиш билан бир қаторда мутахассис моделини яратиш, таълим муассасаси ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш, профессионал таълим технологияларини излаш ва ишлаб чиқиш, ўқитиш мазмунини лойиҳалаш каби профессионал-педагогик фаолиятнинг янги турлари ҳам юзага чиқа бошлади.

Адабиётлар:

1. Эрганова Н.Е. Методика профессионального обучения: учебное пособие. М.: Изд. «Академия», 2007. – 160 с.
2. Махсудов П.М., Каримбаева С.И., Джураева С.Н. Ж. Среднее профессиональное образование. – Россия, М.: №8, 2015 С.67 – 70
3. Ismoilova Z.K., Dorozhkin E.M., Mahsudov P.M., Utkina S.U. Practice of training discipline «Methodology of professional training in the universities of the republic of Uzbekistan». Journal «Sustainable Agriculture» Tashkent - №2 (3) - 2019. P.16-21

РЕЗЮМЕ

Мақола профессионал таълимда методик билимлар ривожланиш тарихи ва ҳозирги тараққиёти масалаларига бағишланган. Professional таълимда методик билимларнинг Собик Иттифок давридаги ривожланиш тарихи илмий манбаларга асосан даврлар бўйича шарҳи берилган. Ҳар бир даврга хос бўлган ёндашувлар, профессионал таълим тизимидаги ўқитишнинг шакл ва методлари тўғрисида маълумотлар берилган. Методик билимларнинг ҳозирги кундаги ҳолати ҳақида маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена вопросам современного развития методических знаний в профессиональном образовании и прогрессивные его развития. В данной статье даны научные сведения по периодам развития методических знаний в профессиональном образовании во время бывшего Союза, а также подходы, формы и методы профессионального обучения присущие данному периоду. Приведены материалы состояние методических знаний в современном этапе.

SUMMARY

This article is devoted to the issues of modern development of methodological knowledge in vocational education and its progressive development. This article provides scientific information on the periods of development of methodological knowledge in vocational education during the former Soviet Union, as well as approaches, forms and methods of vocational training inherent in this period. The materials of the state of methodological knowledge at the present stage are given.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Исмаилова З.К.

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институту «Профессионал таълим ва жисмоний маданият»
кафедра профессори, п.ф.д.*

Таянч сўзлар: ўқув-билиш, фаолият, жараён, касбий таълим, академик мобиллик, мобиллик, касбий мобиллик, мантикий структура, ўқув жараёни, шаффофлик,

Ключевые слова: чтение, профессиональное образование, деятельность, мобильность, академическая мобильность, логическая структура, учебный процесс, система, логическая структура, прозрачность, профессиональная мобильность.

Key words: reading, professional education, activity, mobility, academic mobility, logical structure, educational process, system, logical structure, transparency, professional mobility.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш» вазифаларини амалга оширишда олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини оширишда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Юқоридаги долзарб масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6-сентябрдаги ПФ-5812-сонли «Касбий таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорини қабул қилиниши ва унда кўрсатилган масалаларда профессионал таълимни ташкил этиш, уларда таълим жараёнини олиб боришда жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилганлиги ҳозирда олий таълим тизими борасида давлат сиёсати мазмуни ва талаблари ҳам профессионал таълим тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятларини ривожлантиришни тақозо этади. Чунки бугунги кун олий таълим тизимидаги талаба -эртанги кун профессионал таълим тизимининг бўлажак етакчи мутахассиси, ўқитувчиси, мураббийси, раҳбари бўлиши кўзда тутилган.

Мақолада айнан мана шундай кадрлар тайёрлаш муаммолари ва уларни ечимлари борасида фикр юритилган. Ҳозирда олий таълим тизимида бу соҳада бир қанча муаммоларни ҳал қилиш кўзда тутилган бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- олий таълим соҳасида етакчи хорижий давлатлар билан профессионал тизими борасида интеграциясини таъминласа;

- таълимнинг бу босқичида ўзининг сифати, самарадорлиги, шаффофлиги, амалий қийматга эгаллигини амалиётда яққол намоён эта олса;

- Болонья шартномасига аъзо давлатлар қаторига кирган ҳолда, халқаро таълим стандартларига мувофиқ малакали, кучли рақобатга бардошли кадрларни тайёрлашда шарт-шароитларни яратишга эътиборини қаратиш қўтилган натижаларни қўлга киритишда зарур аҳамиятга эга эканлиги исбот талаб қилмайдиган аксиома сифатида эътироф этилмоқда. Айнан бу масалаларда касбий таълим тизимининг ривожлантирилиши билан боғлиқ ҳолда сўнгги чорак аср давомида халқаро таълим амалиётида «мобиллик», «мобиллашув», «академик мобиллик», «талабалар мобиллиги», «касбий мобил-

лик» каби атамалар фаол қўлланадиган келинмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу атамаларнинг изоҳи тўғрисида сўз юритиш тадқиқот муаммосининг характерини тўла ёритишга имкон беради.

«Мобиллик» («mobilis») тушунчаси латин тилидан олинган бўлиб, «ҳаракатчан» маъносини англатади. Электрон манбаларда эса ушбу тушунча «олға қараб ҳаракатланиш қобилиятига эгаллик» кўпроқ маъно олиш истагида турар-жоий ёки ишини, шунингдек, ўзининг ижтимоий ҳамда мулкый ҳолати тезкор ўзгартира олиш қобилиятига эгаллик, ўзининг мавжуд аҳоли, ҳолатини тезкор ўзгартиришга бўлган ҳаракатчанлик, қобилият эканлиги кўрсатилади.

Талабалар мобиллиги – таълим олиш, бакалавр ёки магистр даражасига эга бўлиш мақсадида талабаларнинг: 1) хорижий мамлакатларда тўла таълим курсини ўтиш асосида хорижий дипломга эга бўлиш; 2) академик мобиллик доирасида тўлиқ таълим курсининг ярми ҳажмидаги юкланмаларни ўзи таҳсил олаётган ва хорижий олий таълим муассасасида бажариш асосида битта ёки иккита дипломга эга бўлишларини таъминловчи ҳаракат, шунингдек, ўқув дастурларининг алмашинуви жараёни.

Касбий мобиллик – «маълум касбий фаолият турини бошқаси билан алмаштириш ёки меҳнат турини ўзгартириш имконияти ва қобилиятига эгаллик. ... Моҳиятига кўра касбий мобиллик, яна шунингдек, касбий билимларнинг юқори даражада умумлашганлик, ўз мутахассислиги соҳасида турли вазифаларни бажаришда самарали воситаларни тезкор танлаш ва улардан фойдаланишга тайёрлик даражаларини назарда тутаяди.

А.И.Ковалёвнинг кўрсатишича, касбий мобиллик олий таълим педагогларининг фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. «Олий таълим муассасаси педагогининг касбий мобиллиги унинг ҳар хил турдаги ёки бир-бирига яқин фанлар бўйича машғулотлар (маъруза, семинар, амалий машғулот ва бошқалар)ни муваффақиятли ташкиллаштириш ва ўтказилишини ифодалайди».

Юқорида билдирилган фикрлар ўз навбатида умумий ҳолда «таълимнинг мобиллашуви» тушунчасининг моҳиятини ёритишга хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда «таълимнинг мобиллашуви» тушунчасини қуйидагича изоҳлаш мумкин: таълимнинг мобиллашуви таълим жараёнининг илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши, глобал ахборотлашув билан боғлиқ ҳолда ўқитиш мазмунини янги билимлар билан тезкор бойитиш, уларни таълим олувчиларга самарали, фаол етказишни тақозо этувчи жараёндир. Таълимнинг мобиллашуви ўз навбатида талабалар томонидан мавжуд билимларни тезкор ўзлаштириш заруриятини ифодалайди. Ушбу зарурият талабалардан ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга эришишни тақозо этади. Бинобарин, ҳар қандай фаолиятда бўлгани каби ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш негизини ўқув-билиш фаоллиги ташкил этади.

Тадқиқот муаммосини ўрганишда «ўқув фаолияти» тушунчасининг моҳияти билан ҳам танишиш мақсадга мувофиқдир. Дастлаб «ўқув-билиш фаолияти»ни тақозо этувчи фаолият ҳамда ўқув фаолияти тушунчаларининг мазмуни ёритиш ўринли.

Фаолият – шахс томонидан табиий ва ижтимоий мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши саналади. Демак, фаолият учун табиий ва ижтимоий мақсадлар асос бўлиб хизмат қилади. Шахс ўз олдига қўйилган табиий ва ижтимоий мақсад характеридан келиб чиққан ҳолда кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларни ташкил этади.

М.С.Каган фаолиятни борлиқни англаш воситаси сифатида қабул қилади ва фаолиятнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади: 1) билиш фаолияти; 2) ўзгартирувчи фаолият; 3) мақсадли-йўналирилган фаолият; 4) мулоқот.

Э.Т.Изергин билиш фаолиятини унинг таркибий тузилмасига кўра ўрганишга ури-

нади. Тадқиқотлари натижасида билиш фаолиятини кўриниши, типи, усули, шакллари назарий тавсиф беради. Улар:

Билиш фаолиятининг кўриниши – фаолият объектига бўлган муносабатига кўра субъектнинг қандай ишни бажаришини кўрсатувчи тавсиф. Умумий маънода ўқув фаолияти – ҳиссий қабул қилиш, назарий тафаккур ва амалий фаолият бирлиги саналади. У шахс турмушининг ҳаётий босқичларида турли фаолият кўринишлари, ижтимоий муносабатлар, шунингдек, ўқув жараёнидаги турли предметли-амалий ҳаракатларни бажаришда амалга ошади. Бирок, фақат таълим жараёнидаги билишгина шахс ўқув-билиш фаолиятининг ўзига хос тавсифига эга бўлади. Таълим олиш асосида англаш шахснинг ўқув-билиш фаолиятида, масалан, ўқув жараёнида тажриба ўтказиш, куриш, лойиҳалаш, тадқиқот масалаларини ҳал қилишда предметли-амалий ҳаракатларни бажариш каби ўзига хос шаклга эга бўлади.

Ўқув-билиш фаолияти куйидаги ҳаракат ва операцияларнинг бажарилиши ҳисобида таъминланади: 1) ўқув материални билиш ва уни ўзлаштиришга қаратилган ҳаракат; 2) ўқув материални қайта ишлашга қаратилган ҳаракат.

Т.И.Шамованинг тадқиқотларида олий таълим муассасаларида ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълимни ташкил этишга қўйиладиган талаблар шакллантирилган. Улар: фаннинг назарий (мазмунли) блоки талабаларнинг асосий фикрий ва амалий ҳаракатларидан таркиб топиши зарур; фаоллаштириш воситалари билимларни ўзлаштириш ва фаолият усуллари алгоритмининг фаоллигига йўналтирилиши керак; фаоллаштириш воситаларини танлаш таълимнинг таркибий қисмларига таъсир этган ҳолда билишнинг ҳар бир босқичи аниқ мақсад асосида амалга оширилиши учун имконият яратиши лозим. Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда «ўқув фаолиятини ривожлантириш» тушунчасини ҳам таърифлаш мумкин. Бизнинг фикримизга кўра, ўқув фаолиятини ривожлантириш – белгиланган мезонларга мувофиқ талабаларнинг паст даражадаги билим, кўникма ва малакаларининг ўрта ва юқори даражаларга ўсиб ўтишини ифодаловчи жараён саналади.

Бизнинг назаримизда айнан мана шу ўқув-билиш фаолиятининг турли кўринишларининг предметини фарқлаб беради.

Ҳар бир ўқув предметини ўрганишда куйидаги жиҳатлар кўзга ташланади: 1) ахборотли жиҳати – ахборотни ўзлаштириш; 2) шахсий жиҳати – фаолият усуллари эгаллаш.

Ўқув машғулотларида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятининг асосий турлари куйидагилардир: кузатиш, тажриба, китоблар, политехник луғатлар, маълумотномалар билан ишлаш, билимларни тизимлаштириш ва бошқалар. Улар бир-бири билан ўзаро боғланган.

Ўқув фаолиятининг куйидаги турларини илгари суриш мумкин:

I. Оғзаки (белгили) характерга эга ўқув фаолияти: кузатиш; тажриба; китоблар, политехник луғатлар, маълумотномалар билан ишлаш, билимларни тизимлаштириш, билишга оид масалаларни ечиш (муаммоли вазиятларни ҳал қилиш), графиклар куриш; ўқитувчининг тушунтиришини тинглаш; тенгдошларининг чиқишларини тинглаш ва таҳлил қилиш; дарсликлар билан мустақил ишлаш ва ҳ.

II. Борлиқ элементларини идрок қилишга асосланган ўқув фаолияти: ўқитувчининг намоишини кузатиш; ўқув фильмларини томоша қилиш; график, жадвал ва схемаларни таҳлил қилиш; кузатилаётган ҳодисани тушунтириш; муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш.

III. Амалий (тажриба)га асосланган ўқув фаолияти: ўз соҳаси бўйича амалий тажрибалар ўтказиш; виртуал лабораториялардан фойдаланиш; тажрибавий масалалар билан ишлаш; тарқатма материаллар билан ишлаш; материаллар коллекциясини йиғиш ва

таснифлаш; мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш асосида илмий фаразларни илгари суриш; тажриба ишлари методикасини ишлаб чиқиш ва текшириш; тадқиқот тажрибасини олиб бориш; моделлаштириш ва лойиҳалаш.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда тадқиқот характеридаги амалий ҳаракат кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятига эга. Чунки улар олий таълим муассасаларида таҳсил олиш жараёнида бир қатор илмий характердаги тадқиқотлар (курс иши, бакалаврлик ва магистрлик диссертацияларини тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар)ни амалга оширади. У эса ўз навбатида талабаларнинг тадқиқот кўникма ва малакаларига эга бўлишларини тақозо этади.

Тадқиқотни олиб боришда илмий изланиш объекти сифатида танланган таълим йўналишининг умумий моҳиятига таянган ҳолда талабаларнинг ўқув фаолияти бевосита ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар тўғрисидаги тасаввур ойдинлаштириб олинди.

В.П.Беспалько эса билиш назариясига психологик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда ўқувчилар мисолида шахс томонидан ўқув-фаолияти материалларининг ўзлаштирилиши босқичлари асосида фаолият даражасини қуйидаги гуруҳлаштириш мумкинлиги ғоясини илгари суради:

Билиш кўникмаларининг шаклланганлик даражаси қуйидагича ҳам аниқланади:

I (паст) – ўқувчилар томонидан атиги алоҳида операциялар бажарилади (тартибсиз, англалмаган);

II (ўртача) – ўқувчилар томонидан талаб этилган барча операциялар бажарилади, бироқ, уларнинг изчиллиги старлича ўйланмаган, ҳаракатлар тўлиқ англаб етилмаган;

III (юқори) – ўқувчилар томонидан барча операция ва ҳаракатлар амалий изчиллик асосида онгли равишда бажарилади.

Зеро, янги билимлар шаклланишидаги тезликка мавжуд шароитда мобил ҳаракатланмай туриб, мослашиб бўлмайди. Янги билимларнинг шаклланиши, уларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжни қондириш йўлидаги мобиллик, кенг қўламли ахборот муҳити таълим тизимида ҳам бевосита таъсир кўрсатиб, таълимнинг мобиллашувини юзага келтиради. Биологик, психологик, педагогик омилар, таълимнинг мобиллашувини негизда ташкил этиладиган ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини самарали ташкил этишга эришилади.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти учун билиш ҳамда танқидий тафаккурни ривожлантириш назариялари концептуал асос бўлиб, мақсад (ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш), вазифалар (таълимий, мослаштириш, тарбиявий, ривожлантириш) га таянган ҳолда ўқитиш мазмуни (ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг назарий-амалий асослари, устувор тамойиллари, муҳим жиҳатлари) шакллантирилади. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга оид ўқитиш мазмунини ёритишда таълим технологиялари (муаммоли, интерфаол, ҳамкорлик, лойиҳа таълими), таълимни ташкил қилиш шакллари (назарий, амалий ва мустақил машғулотлар), методикаси («Интеллектуал биатлон», «Бажарилган топшириқлар эстафетаси» ва «Тизимлаштирилган тушунчалар кросси» методларни қўллаш ва ижодий характердаги ўқув топшириқларини бажариш, ўқув-билиш фаолиятини ҳамкорликда ташкил этиш)нинг пухта асосланиши муҳим аҳамият касб этади.

Таълим натижаси белгиланган мақсадга мувофиқ муайян мезон ва даражалар асосида назорат қилинади ва баҳоланади. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш жараёнида репродуктив, қисман изланувчан, ижодий, креатив характердаги ўқув-билиш ҳаракатларини бажариш алоҳида мезонлар сифатида белгиланди. Талабалар томонидан ўқув-билиш ҳаракатларининг репродуктив, қисман изланувчан, ижодий, креатив характерда эканлигига қўра улар (юқори, ўрта, қуйи) даражаларда баҳоланди.

Ўқув-билиш ҳаракатларининг даража кўрсаткичлари миқдор ва сифат жиҳатдан илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишдан қутилаётган натижанинг кафолатланганлигини белгилаб беради.

Талабаларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш кўплаб объектив ва субъектив омиллар таъсирида кечадиган яхлит жараён саналади. Ҳар қандай жараён муайян босқичлар асосида кечади. Шундан келиб чиққан ҳолда тадқиқотни олиб боришда талабаларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш жараёнининг мослаштириш-йўналтириш, шакллантириш ва ривожлантириш босқичларини белгилашга эътибор қаратиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, таълимнинг мобиллашуви шароитида талабаларни умумий ва ихтисослик йўналишлари бўйича муҳим билимлар билан қуроллантириш, бу борада тезкорликка эришиш зарур. Талабалар томонидан умумий ва касбий фанлар асосларининг пухта ўзлаштирилиши уларни меҳнат бозоридagi кучли рақобатга бардошли қилиб тайёрлаш имконини беради. Мутахассис сифатида талабаларнинг тўлақонли шаклланиши фақат ўқитувчи ва унинг фаолиятигагина эмас, балки ўқув машғулотлари жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришларига ҳам боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз // ЎзР Президенти лавозимига киришш таънанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонуни устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 2017. – 24-б.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6-сентябрдаги ПФ-5812-сонли «Касбий таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. Т: 2019 йил.
4. Ковалёва А.И. Профессиональная мобильность // Ж. Знание, понимание, умение. – М.: 2012. - № 1. – С. 298-299.
5. Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. 1-қисм /Муаллифлар: М.Х.Тўхтаҳўжаева ва б. – Т.: «Iqtisod-moliya, 2007. – 385-б.
6. Буланова-Топоркова М.В. Педагогика и психология высшей школы / Учеб. пособие. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2002. – 162 с.
7. Рахимов З. Т. Таълим мобиллашуви шароитида талабалар фаоллигини шакллантириш мақсадида дидактик воситалардан фойдаланиш. // Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ахборот коммуникация технологиялари асосида ривожлантириш истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Қарши, ТАТУ Қарши филиали, 2016. – Б.439-441.
8. Ковалёва А.И. Профессиональная мобильность // Ж. Знание, понимание, умение. – М.: 2012. - № 1. – С. 298-299.
9. Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. 1-қисм /Муаллифлар: М.Х.Тўхтаҳўжаева ва б. – Т.: «Iqtisod-moliya, 2007. – 385-б.
10. Джураев Р. Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтех колледжей.- Т.: Фан, 1992. - 259 с.
11. Усова А.В. Теория и практика развивающего обучения, индивидуально-личностного подхода в обучении. – Челябинск: ЧТУ, 1996. – С. 45.
12. Усмонов С.А. Имитационный модел қурилмалари воситасида муҳандис-педагогларни тайёрлашнинг илмий-методик асослари: Пед.фанл.номз. ... дисс. – Т.: 2007. – 190 б.
13. Ismailova, Z., Choriev, R., Ibragimova, G., Abdurakhmanova, S., & Abdiev, N. (2020). Competent model of Practice-oriented education of students of the construction profile. Journal of Critical Reviews. Innovare Academics Sciences Pvt. Ltd. <https://doi.org/10.31838/jcr.07.04.85>
14. Ismailova, Z., Choriev, R., Musurmanova, A., & Aripjanova, M. (2020). Methods of training of teachers of university on advanced training courses. Journal of Critical Reviews. Innovare Academics Sciences Pvt. Ltd. <https://doi.org/10.31838/jcr.07.05.85>

РЕЗЮМЕ

Мақолада профессионал таълим тизимида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш мазмунини ташкил этувчи асосий манбалар, касбий таълим тизимининг ривожлантирилиши билан боғлиқ ҳолда сўнгги чорак аср давомида халқаро таълим амалиётида «мобиллик», «мобиллашув», «академик мобиллик» каби тушунчаларга таянган ҳолда ишлаб чиқариш техника ва технологияларининг тезкор ўзгариши шароитида касбий мобиллик мутахасссининг малакасининг муҳим таркибий элементи сифатида намоён бўлиши каби масалаларга хос фикрлар келтириб ўтилган бўлиб, барча олинган натижалар таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг мантикий структурасида келтириб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются основными источниками содержания развития учебной деятельности студентов в системе профессионального образования являются производственные приемы, основанные на таких понятиях, как «мобильность», «мобилизация», «академическая мобильность» в международной образовательной практике за последние четверть века в связи с развитием профессионального образования. В контексте быстрых технологических изменений профессиональная мобильность рассматривается как важная составляющая квалификации специалиста. Все полученные результаты представлены в логической структуре развития учебной деятельности студентов в контексте мобилизации образования.

SUMMARY

The article discusses the main sources of content for the development of educational activities of students in the vocational education system are production methods based on such concepts as «mobility», «mobilization», «academic mobility» in international educational practice over the past quarter century in connection with the development of vocational education. In the context of rapid technological changes, professional mobility is seen as an important component of specialist qualifications. All the results obtained are presented in the logical structure of the development of educational activities of students in the context of the mobilization of education. Ключевые слова и понятия: Чтение, профессиональное образование, деятельность, мобильность, академическая мобильность, логическая структура, учебный процесс, система, логическая структура, прозрачность, профессиональная мобильность.

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ

Исмаилова З.К.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Хотин –қизлар масалалари бўйича маслаҳат Кенгаши раиси, педагогика фанлари доктори, профессор.

Мусурманова А.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги хузуридаги «Маҳалла ва оила» илмий - тадқиқот институти директор ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор.

Исмайлова Р.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги хузуридаги «Маҳалла ва оила» илмий тадқиқот институти мутахассиси

Таянч сўзлар: гендер тенглик, хотин-қизлар, аёллар ва эркеклар, стереотиплар, ижтимоий ва сиёсий соҳа, ҳуқуқ, тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик халқаро, муносабат.

Ключевые слова: гендерное равенство, женщины, мужчины, стереотипы, социальная и политическая сфера, закон, мир, стабильность, международная безопасность, отношения.

Key words: reading, professional education, activity, mobility, academic mobility, logical structure, educational process, system, logical structure, transparency, professional mobility.

XX аср иккинчи ярми ва XXI аср бошларида халқаро муносабатлар тизимида эркек ва аёллар маънавияти нисбатан ўзига хос, аънанани рад этадиган назарий ёндашувлар пайдо бўла бошлади. Эндиликда амалиётда намоён бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар туфайли «сиёсат – эркекларга, оила ва фарзандлар эса – аёллар учун» каби стереотиплар долзарблигини йўқотиб бормоқда. Инсоният олдида турган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий масалалар, тинчлик, барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш муаммолари ҳаммага тенг тааллуқли. Бу масалада аёллар эркеклар сингари бирдек дахлдор эканлиги жаҳон майдонида тан олинди. Бугунги кунда гендер тенглиги масаласи барқарор ривожланишнинг ажралмас қисми деб ҳисобланмоқда. Табиийки, БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибда гендер тенглиги масаласи 5-мақсад доирасида акс эттирилган ва унда «Гендер тенглиги нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқи, балки тинч ва барқарор ҳаётнинг ҳам зарур шартидир» деб таъкидланган.

Дунёда гендер мувозанати масаласи барқарор ижтимоий ривожланишнинг муҳим шarti деб тан олинishi ўз навбатида мазкур мавзу юзасидан илмий тадқиқотларнинг устувор амалга оширилишини талаб этмоқда. Бу борада халқаро муносабатлар тизимида гендер тенглигини ҳамда уни жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларига интеграциялашувини таъминлаш, гендер масалаларига оид халқаро институтлар тизимини такомиллаштириш бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси кўплаб халқаро ҳужжатларга қўшилиб, халқаро ҳуқуқ устунлигини эътироф этган ҳолда, гендер тенглиги масаласига доир давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини оширишга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва эркинлик тамойилларини амалга оширишга, Конституция ва унга таянган норматив-ҳуқуқий асосга мувофиқ аёллар ва эркеклар учун тенг имкониятларни яратишга қаратилган.

«Халқ розилиги аввало, мухтарама оналар, хотин-қизларнинг розилиги билан боғлиқлиги, уларнинг соғ-саломат бўлиб, бахтли яшашини таъминлаш барча ислохотларнинг асосий мақсади ва мезони...». Шу нуқтани назардан, гендер тенгликни таъминлаш борасида тадқиқотлар олиб бориш, эркек ва аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий соҳада ҳуқуқларини тенглаштиришга қаратилган илмий асосланган тақлиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон «Хотин - қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751 сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбир-

лари тўғрисида» 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сон қарори, Президентимизнинг 2020 йил 12 июндаги «2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан, жорий ўқув йилидан бошлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча тўрт фоизли давлат гранти ажратилиши, 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4235-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 192-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 402-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 4 январдаги 4-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 ноябрдаги «Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 919-сон қарори, 1 октябр куни БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги қароргоҳида Хотин-қизлар аҳволи бўйича IV Бутунжаҳон анжуманининг 25 йиллигига бағишланган юқори даражадаги учрашувни ташкил этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш мақсадидаги 2019 йил 28 декабрь куни Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг мажлис баёни. ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш масалалари бевосита аёлларнинг манфаатига қаратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Хорижий муаллифларнинг ушбу мавзу бўйича ишларини бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ – З. Айзенштейн, С. Бовуар, В. Брайсон, Р.Хоф, Б. Хукс, С. Уест, Д. Циммерманн каби бир гуруҳ олимлар ишларида гендер тадқиқотларининг назарий ва услубий асослари ўз аксини топган. Демократик мамлакатларнинг позитив дискриминация стратегиялари ҳамда уларнинг аёллар сиёсий вакилликка таъсири П.Норрис ва Ж. Ловендуски томонидан таҳлил этилган. Р. Мозер томонида эса сайлов тизимларининг аёллар вакилликка таъсири ўрганилган. Сиёсий тенгликни миллий даражада илгари суришнинг илғор модели сифатида Скандинавия мамлакатларининг тажрибасини ўрганишга бағишланган тадқиқот натижалари Янеке ван дер Рос, Ф.Гардинер ва С.Салмениеме каби тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган.

Тадқиқотчилар аёллар сиёсий фаоллиги даражаси пастигининг турли сабабларини кўриб чиққанлар. Масалан, бунинг энг кўп тарқалган сабаблардан бири – сиёсий

ижтимоийлашув эркаклар ва аёлларни турли вазифаларга, сиёсатга ва умуман актив фаолиятга турлича муносабатда бўлишга йўналтириши. Сиёсат аёлларнинг ҳаётий кучларини сарфлаш учун ноқулай соҳа ҳисобланади. Сиёсатда иштирок этишни таркибий омиллари, яъни жамиятнинг ижтимоий тузилиши билан боғлиқ омиллари ажратиб кўрсатилади. Улар орасида эркак ва аёллар сиёсатда фойдаланиши мумкин бўлган ресурсларнинг нотекис тақсимланиши ажратиб кўрсатилади. Гендер сиёсати туфайли белгиланган таълим, даромад даражаси, иш тажрибасидаги тенгсизлик сиёсатга кадрлар олинадиган жамият қатламларида аёлларнинг кам бўлишига олиб келади, шу боис уларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этиш имкониятлари анча кам.

Аёллар сиёсатга кўпинча таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидан келадилар, шу боис улар эркакларга қараганда камроқ сиёсий тажрибага эга бўладилар. Бирок, сўнгги йилларда вазият ўзгармоқда, бой сиёсий тажрибага эга ҳуқуқшунос ва тadbиркор аёллар кўпайиб бормоқда. Шунингдек, вазият ва таржимаи ҳолга оид омиллар кўриб чиқилган. Улар ҳозирги жамиятда аёллар ҳаётий йўлининг хусусиятлари билан боғлиқ. Аёлларнинг аксарияти ҳамон уй ҳўжалигининг юритилиши ва болалар тарбияси учун масъулдирлар, шу боис улар сиёсий фаолият учун етарли вақт ёки қувватга эга эмаслар. Аёллар сиёсатга одатда эркакларга қараганда каттароқ ёшда кириб келишлари, «аёллардан иборат сиёсий элита» орасида эса ёлғиз, ажрашган, бева ёки фарзандсиз одамлар учраши бежиз эмас.

Гендер тенглиги принципини дунё давлатлари сиёсий институтларида амалга ошириш тажрибасини ўрганишга бағишланган. Ушбу бобда давлат органлари тизимини шакллантиришда ва сиёсий партиялар фаолиятида гендер тенглиги принципининг амалга оширилиши бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилиб, дунёда мавжуд квоталар турлари, шунингдек маълум квоталардан самарали фойдаланиш амалиёти кўриб чиқилган. Унда таъкидланишича, ҳозирги кунда ижро ҳокимияти органларида иккала жинснинг тенг вакиллиги соҳасида дунё мамлакатлари орасида катта фарқ мавжуд.

Ҳар бир минтақада аниқ вазият ҳар хил асослантирилиши мумкин. Масалан, Шимолий Европа давлатлари ҳуқуқматлари таркибида энг кўп аёллар борлиги кузатилади. Бу ҳол, аввало, бу мамлакатларда аёлларнинг ўзлари ниҳоятда фаол эканлиги билан боғлиқ. Шу боис аёлларни ҳокимиятнинг турли даражаларида қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилган. Масалан, парламент сайловларида ижобий дискриминациянинг жорий этилиши унга, бинобарин мамлакат ҳуқуқматига ҳам кўп аёлларнинг номзодлари кўрсатилишига имкон яратди. Россияда, тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, аёлларнинг сиёсий лавозимларга тайинланиши йўлидаги тўсиқ олий даражадаги лавозимларга тайинланишларнинг кўпчилиги олий раҳбариятга боғлиқлигидир, яъни лавозимга тайинлаш вақтида эркакларга устунлик берилади.

Ўзбекистон хотин-қизлари мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоиздан зиёдини ташкил этгани ҳолда уларнинг юқори парламент фаолиятида 25% сенаторлар, 32% депутат аёллар ва 25% маҳаллий Кенгашларда депутат, 16 нафари Ички ишлар вазирлиги соҳасида, 76 нафар аёл вилоят ҳокимиятида ваҳоланки бошқа соҳаларда 1500 дан ортиқ аёллар раҳбарлик лавозимларида иштирок этиб келмоқда. Бу эса ҳали умумий фоизда талабга жавоб беришини айта олмаймиз. Шу боис ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётда аёлларнинг кенг иштирок этишларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол куч сифатида кириб боришлари учун барча шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ масалаларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва олинган натижаларни амалиётда қўллаш йўларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда кун тартибига қўйётган мазкур бир қанча давлат сиёсати даража-сидаги талаб хотин-қизларга ҳам бевосита тааллуқлидир. «Бугун маърифий дунёда,

– деб таъкидлайди Республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев, – хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узок гапириб ўтиришнинг хожати йўқ».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган бир қанча Қарорлар, фармонлар, фармойишлар «аёллар» масаласини янгича, миллий демократик тараққиёт нуктаи назаридан ҳал этишга ундайди. Бизнинг фикримизча, ушбу ёндашувнинг асосларини давлатимиз раҳбарининг куйидаги фикрлари ташкил этади:

Биринчиси. «...Жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди».

Иккинчиси. «...Мухтарама оналаримиз, опа-сингилларимиз, аёлларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги мақомини ва мавқеини кўтариш, хурматини жойига қўйиш, манфаатини ҳимоялаш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимиз, жамиятимизнинг устувор йўналиши ва бош мақсадига айланиши лозим».

Учинчиси.«...Оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш – давлатимизнинг, ҳукуватимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим»

Ушбу фундаментал аҳамиятга эга бўлган фикрлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ижтимоий муносабатлар патриархат, матриархат, диний ёки коммунистик ёндашувлар эмас, балки «аёл – улуғ зот» қондаси асосида қурилади. Бу эса ижтимоий муносабатларнинг «субъект–объект» эмас, «субъект–субъект» шаклида ташкил этилишини англатади. Тарихий тараққиётдан маълумки, ижтимоий муносабатларда ҳамisha «субъект– объект» қондасига устуворлик бериб келинди.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Выступление посвященное 24 летию принятия Конституции Республики Узбекистан: «Обеспечение верховенства закона и интересов человека – гарантия развития страны и благополучия народа». С решимостью продолжая наш путь национального развития поднимем на новый этап.-Ташкент:»Узбекистан» НМИУ, 2017, (с.111.)

2.Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года. (приложение 1. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах).

3. Проблемы повышения политической активности женщин в гендерном разрезе. Ҳозирги замон сиёсий жараёнларида инсон омили: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, ТДШИ, 2008. – Б.160-163.

4. Халқаро муносабатлар тизимидаги фанларда феминистик назарияларнинг урни. Либерал феминизм. Ижтимоий фанларнинг долзарб муаммолари. Илмий-услубий конференция материаллари тўплами. - Тошкент, ТДШИ,2010. – Б.94-96.

5. Современные гендерные исследования: Центральноазиатский аспект. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жамиятнинг барқарор ривожланиш кафолати: сиёсий, ҳуқуқий

ва ташкилий жиҳатлари. Илмийамалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, ТДШИ, 2010. – Б.217-219.

6. Женщины в Республике Узбекистан. Малака ошириш тизимида тарихий хотира ва педагогик психологик асослар. 2-қисм. (Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллиги ва конституциянинг 18 йиллигига бағишланади). Тошкент, ОПИ, 2010. – Б. 22-24.

7. Халқаро муносабатлар тизимида гендер тенглик омили. Ёш олимлар анжумани илмий мақолалар тўплами. Тошкент, ТДШИ, 2012. – Б. 111-113

8. Хорижий давлатларнинг парламентларида гендер тенгликни амалга ошириш. XXI асрда жаҳон сиёсатида архитектоник ўзгаришлар: Realpolitik концепцияси ва Ўзбекистон амалиёти. Илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Тошкент, ТДШИ, 2014. – С.311-317.

9. Ниязова Н.М. Исторический генезис и современное развитие гендерного равенства в международных отношениях. Монография. – «Sharq» нашриёти; ТошДШИ, 2018. 186 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада XX аср иккинчи ярми ва XXI аср бошларида халқаро муносабатлар тизимида эркак ва аёллар мавқеига нисбатан ўзига хос, аънанани рад этадиган назарий ёндашувлар пайдо бўла бошлади. Эндиликда амалиётда намоён бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар туфайли «сиёсат – эркакларга, оила ва фарзандлар эса – аёллар учун» каби стереотиплар долзарблигини йўқотиб бораётганлиги, инсоният олдида турган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий масалалар, тинчлик, барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш муаммолари ҳаммага тенг тааллуқли ва бу масалада аёллар эркаклар сингари бирдек дахлдор эканлиги жаҳон майдонида тан олинганлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга бугунги кунда гендер тенглиги масаласи барқарор ривожланишнинг ажралмас қисми деб ҳисобланиб келинаётганлиги каби масалаларга хос фикрлар келтириб ўтилган бўлиб, гендер тенгликни таъминлаш борасида тадқиқотлар олиб бориш, эркак ва аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий соҳада ҳуқуқларини тенглаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этиши бу соҳадаги фаолиятни ривожлантириш тузилмасида келтириб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

Во второй половине XX-начале XXI веков в статье стали появляться теоретические подходы к статусу мужчины и женщины в системе международных отношений, которые отвергали традицию. Дело в том, что стереотипы типа «политика – для мужчин, а семья и дети – для женщин» теряют актуальность в связи с социальными изменениями, которые сейчас проявляются на практике, экономические, политические, социальные вопросы, стоящие перед человечеством, проблемы обеспечения мира, стабильности и безопасности равны для всех, а также то, что женщины в равной степени затронуты, как и мужчины, в этом вопросе, вопросы признания прав человека. В то же время сегодня обсуждаются такие взгляды на такие вопросы, как то, что вопрос гендерного равенства рассматривается как неотъемлемая часть устойчивого развития, и особое значение имеют исследования по обеспечению гендерного равенства, разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций, направленных на уравнивание социальных и политических прав мужчин и женщин.

SUMMARY

In the second half of the XX-early XXI centuries, theoretical approaches to the status of men and women in the system of international relations began to appear in the article, which rejected tradition. The fact that stereotypes of the «policy for men, and family and children – for women» lose their relevance in connection with the social changes that are manifested in practice, economic, political, social issues facing humanity, problems of ensuring peace, stability and equal security for all and that women are equally affected as men, in this matter, the recognition of human rights. At the same time, views on issues such as the fact that gender equality is considered an integral part of sustainable development are being discussed today, and research on gender equality, the development of evidence-based proposals and recommendations aimed at equalizing the social and political rights of men and women are of particular importance.

БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Жуманазаров У.У.

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ЖДПИ

Таянч сўзлар: таълим, компетентлик педагогик муҳит, ўқитувчи вазифаси, ўқитиш мазмуни, ривожлантириш, замонавий таълим, тизим, лисоний, педагогик-психологик омил.

Ключевые слова: образование, компетентность, педагогическая среда, роль учителя, содержание обучения, развитие, современное образование, системный, лингвистический, педагогико-психологический фактор.

Key words: education, competence, pedagogical environment, teacher's role, learning content, development, modern education, systemic, linguistic, pedagogical and psychological factor.

Бугунги шиддат билан бораётган ва жуда тез суратда ўзгараётган ижтимоий-хаётий муҳит педагогика олий таълим муассасалари битирувчиларида компетентлик, ташаббускорлик, таълимда интизомлик ва ўз устида мунтазам равишда мустақил ишлаш олишлик, динамик ва конструктивлик, етакчи ҳорижий тилларидан бирини, хусусан, инглиз тилини мукамал билишлик, юқори даражада компютер саводхонлигини эгаллашлик, жаҳон андозалари асосида таълим олишлик, илғор замонавий педагогик янгилуқларга қизиқиш ва уларга интилувчанлик каби педагогик компетенцияга дахлдор шахсий сифатларни ривожлантиришни тақоза этмоқда.

Педагогика олий таълим муассасаларида тайёрланаётган бўлажак ўқитувчилар, шу жумладан, инглиз тили ўқитувчиси бутун ҳаёти давомида мустақил таълим олишга интилувчан, таълимни рақамлаштириш трансформацияси муҳитида янги педагогик технологиялардан хабардор бўлган ва улардан бемалол фойдаланиб, шахсан ўз мустақил ҳолда қарор қабул қиладиган, жаҳон таълими стандартларига тўлиқ жаъоб берадиган, ижтимоий ҳаётга ва бўлажак касбий муҳитга мослашувчи, ҳис-ҳаёжонли ҳолатларга доимо тайёр турувчи, аммо улардан тезлик билан моҳирона чиқа оладиган бўлиши лозим. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги давр ва касб талабидир.

Ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги муайян касбга йўналганлик ва эгилувчанлик билан бир қаторда шахсининг интеграл тавсифи вазифасини ҳам бажаради. Айни ҳол кўпчилик илмий тадқиқотларда умумлашган ҳолда «компетентлик», хусусан, «касбий компетентлик», айрим ҳолларда «ўқитувчининг компетентлиги» каби атамалар орқали ифодаланиб келаётганлиги илмий жамоатчиликка сир эмас. Лекин уларнинг аниқ таърифлари, хусусан, «педагогик компетентлик»ни шакллантириш омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги мухтасар маълумотлар ёки муайян кузатишлар ханузгача учрамайди.

Л.М.Митина «педагогик компетентлик» атамасини «предмет ҳақидаги билимлар, ўқитиш методикаси ва дидактикаси, педагогик мулоқот кўникмаси ва малакаси, шунингдек, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини амалга ошириш усуллари ва воситаларининг уйғун бирлашуви», - деб изоҳлайди ва унинг тузилмасида учта (фаолиятли, коммуникатив ва шахсий) етакчи омиллар мавжудлигини таъкидлайди. Мазкур олимнинг мулоҳозаларини биз ҳам маъқуллаймиз ва уни назарий асос сифатида қабул қиламиз. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида аниқланган ва тажриба-синов ишларида синаб кўрилган бўлажак инглиз тили ўқитувчиси педагогик компетентлигининг ривожланиш даражасини аниқлайдиган учта омиллар мавжуд, деб ҳисоблаймиз:

а) фаолиятли ёки маҳсус компетенция (билим, кўникма, малака ва педагогик ама-

лиётни амалга оширишнинг яқка тартибдаги хилма-хил усуллари мажмуи);

б) шахсий ёки касбий компетенция (касбий ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз устида мустақил тинимсиз изланиш ва охир-оқибатда ўз-ўзини амалга оширишга оид билим, кўникма ва малакалар мажмуи);

в) коммуникатив компетенция (педагогик фаолиятни амалга оширишга оид билим, кўникма ва малакалар мажмуи).

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси лисоний компетенциясининг ривожланишида педагогик компетентликнинг фаолиятли ва шахсий тузилмалари устувор эканлигини алоҳида таъкидлаймиз. Қуйида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида педагогик компетентликни ривожлантиришнинг таъкидланган омиллارнинг ҳар бирига муаллифлик ёндошуви асосида қисқача тўхталамиз.

1. Инглиз тили ўқитувчисининг фаолиятли компетенцияси. У инглиз тилини мустақил ва ҳис этган ҳолда ўрганишга оид билим, кўникма, малака ва индивидуал усуллари эгаллашга йўналтирилган. Фаолиятли компетенция, энг аввало, ўз ичига соҳага оид барча лингвистик билимларни қамраб олади. Инглиз тилини мустақил ва жавобгарликни ҳис этган ҳолда ўрганиш тил ўқитишда таълим мазмуни ва предметни ишончли эгаллаш мумкин эмас.

Педагогика олий таълим муассасаларида инглиз тили ўқитиш мазмуни, биринчидан, инглиз тили фани ютуқларидан орқада қолмаслиги, иккинчидан, жамият эҳтиёжларига мос келиши учун доимо янгиланиб бориши лозим. Ҳозирги вақтда фундаментал ёндашув зарур бўлган мазмунни танлаш муҳим аҳамиятга эга, яъни таълим мазмуни ўз ичига таълим оловчини ривожлантириш, унинг сўровларини қаноатлантириш, ўзини-ўзи мустақил аниқлай олиш учун зарур бўлса, барчасини олиши ва билиши керак. Қолаверса, инглиз тили ўқитиш мазмунини танлаш мезонлари ва белгиларини, аниқроғи, мазкур тилни ўрганиш ва ўргатиш қонуниятларини билиши шарт. Масъулиятни ҳис қилган ҳолда инглиз тилини ўқитишни ташкил этиш, мазмунни дифференциаллашни, уни индивидуаллаштириш ва оптималлаштиришни талаб этади. У шахс тавсифларини уйғотиш ва ривожлантириш учун асосларни ўз ичига олиш керак. Инглиз тили ўқитиш мазмуни - бу қотиб қолмаган, балки доимо такомиллашиб боровчи таълим пойдеворидирки, буни дунё мамлакатлари аҳолисинининг кўпчилик қисми мазкур тилни давлат тили сифатида қабул қилганлиги, ўқиш-ўқитиш тизимида фаол қўлланаётганлиги яна бир бор тасдиқлайди.

Фаолиятли компетенция бизнинг нуқтаи назаримизча, предметли компетенцияга нисбатан кенгрок ҳисобланади. Тушуниш - компетентлик шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шартли ҳисобланади. Оддий билим - бу ҳали ҳам инсон фаолиятининг асоси бўлиб ҳисобланмайди, чунки у реал вазиятга бу билимнинг мос келишини ҳали билмайди. Билим тушуниш билан бирлашиши лозим, билимни эгаллаш учун уни моҳиятан тушуниш лозим бўлади. Ўқитувчининг вазифаси билимларни тушунишни таъминлаш, бунинг учун эса, у энг аввало, инглиз тилининг ўқитиш методикасига эга бўлиши керак. Ўқитиш мазмуни эса тасвирлаш воситаларидан, яъни ўқитиш методикасидан айри ҳолда эмас, балки уни моҳиятан тушуниш лозим бўлади Демак, фаолиятли компетенцияларни эгаллаш даражаси, мазмун ва ўқитиш методикасини эгаллаш даражаси билан аниқланади.

Ушбу мулоҳаларни алоҳида таъкидлашимизнинг муайян асослари бор: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун олиб борган илмий тадқиқотларимизни яқунлаш мақсадида ТошДПУ, Жиззах ва Кўкон давлат педагогика институтларида бир қатор тажриба-синов ишларини ўтказдик. Бунда биз инглиз тили фанида таълим оловчиларнинг билимини баҳолаш, тегишли хулосалар

чиқариш мақсадида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашга мўлжалланган ихтисослик фанларга дахлдор махсус курс ташкил этилди. Бу махсус курсда қўйилган мақсадни амалга ошириш учун энг аввало, методологик ва лингвистик таҳлил ёндашувига алоҳида эътибор қаратилди. Инглиз тилини ўқитишда фаолият методологияси ва лисоний компетенцияларини пухта эгаллаш, уларга дахлдор билимларни пухта ўзлаштириш, билим, кўникма ва малака тизимини ҳеч қачон инкор этмаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этишда фаол иштирокчи сифатида қатнашдик. Охир-оқибатда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида педагогик компетентликни ривожлантиришнинг дастлабки омилларидан бири фаолиятли ёки махсус компетенция эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилдик.

2. Инглиз тили ўқитувчисининг шахсий ёки касбий компетенцияси. Бу компетенция соҳа ўқитувчисининг касбий ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўз-ўзини амалга оширишга қобилиятликни билдиради. Шахснинг ўзини-ўзи такомиллаштириш ва ўзини-ўзи амалга оширишга эҳтиёжи А.Масловнинг олға сурган ғоясига, яъни шахснинг ўзини-ўзи фаоллаштириш концепциясига мос ҳолда шахснинг олий эҳтиёжи бўлиб ҳисобланади. Шахснинг ўзини-ўзи фаоллаштириши дейилганда, бу ўзини-ўзи амалга оширишга инсоннинг иштигилиши, ўзининг потенциал имкониятларини амалга оширишга уриниши тушунилади. А.Маслов шахс табиатининг қуйидаги талқинини таклиф этган эди: инсон табиатан яхши ва ўзини-ўзи такомиллаштиришга қобилиятли, одам–онгли ва ақлли яратувчи, инсон моҳиятининг ўзи доимий равишда уни шахсий ўсишга ва ижодкорликка йўналтиради. Унинг фикрига кўра, мустақил фаолликка мойиллик шахснинг моҳиятини ва ўзагини ташкил этади.

Педагогик фаолиятдаги тажрибаларимиздан келиб чиққан ҳолда, алоҳида таъкидламоқчимиз: бўлажак инглиз тили ўқитувчиси педагогик компетентлигини ривожлантириш моделини қуришда тадқиқотимизнинг тажриба-синов ишларида муваффақиятли ўтган қуйидаги омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди:

а) касбий-педагогик компетентлик лисоний билимлар, инглиз тилини ўқитиш методикаси ва дидактикаси, педагогик мулоқот (кўникма ва малака) маданият, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини-ўзи такомиллаштириш, ўзини-ўзи аниқлаш усуллари ва воситаларининг уйғунликдаги бирлашмаси сифатида тушунилади;

б) бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлиги юқорида таъкидланганидек, қуйидаги учта тузилмадан таркиб топган: фаолиятли (билим, кўникма, малака ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига инглиз тилини ўргатишда педагогик фаолиятни ташаббускорлик ва масъулият билан амалга оширишнинг индивидуал усуллари); шахсий (ўзини-ўзи ривожлантиришга эҳтиёж, ўзини-ўзи такомиллаштиришга оид билим, кўникма ва малакалар); коммуникатив (билим, кўникма, малака ва педагогик мулоқотни ижодий амалга ошириш усуллари);

в) педагогика олий таълими муассасаларида касбий компетентликни шакллантириш инглиз тили ўқитувчиси касбидаги ички ўзининг «мен-ҳақиқий» дан ва «мен-идеал» ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этишга қадар бўлган бир қатор босқичларда амалга оширилади;

г) бўлажак инглиз тили ўқитувчисида касбий-педагогик компетентликни шакллантириш ўқитишни ташкил этишда эътиборга олиш зарур бўлган ўзаро бир-бири билан боғланган икки, яъни гностик ва амалий босқичлари орқали амалга оширилади;

д) бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий ўзини-ўзи ривожлантириш ижодий моҳиятга эга, шунинг учун ҳам педагогик меҳнат субъекти сифатида талабага борликдаги ўзининг имкониятларини эркин танлашни тақдим этувчи ўқув жараёнини ташкил этиш талаб этилади.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг шахсий-касбий компетенциясини шакллантириш контекстида педагогик мулоқотни амалга оширишга хизмат қилувчи нутқий компетенциянинг ўрнининг алоҳида эканлигини таъкидламоқчимиз.

Тажриба-синов майдонларида амалга оширилган ишларнинг якуний хулосалари шуни кўрсатадики, педагогика олий ўқув юртлари битирувчилари ўзларининг муайян вазифаларда ишлаши лозим бўлган касбий фаолиятнинг кўллаб соҳалари инсонга фаол таъсир кўрсатувчи шахслараро педагогик мулоқот билан боғлиқлиги аниқланди. Талабанинг нутқий маданияти, умумий маданияти билан тўлақонли таълим олиш имкониятлари ҳамда маънавий, ижтимоий ва касбий ўсиш истиқболлари ўртасидаги боғлиқлик шубҳа уйғотмайди. Тилшунос А.А.Потебня тўғри таъкидлаганидек, «сўзда инсон қалбига ташқи ва бегона бўлмаган янги дунёни топади, лекин у аллақачон бошқанинг руҳи томонидан қайта ишланган ва ўзлаштиргандир... киши сўз айирбошламай туриб, ҳар хил ташқи кўзгалувчанликда ахлоқан ухлаб қолади».

Бу ўринда алоҳида таъкидлашни истардики, замонавий таълим жараёнининг инсонпарварлиги ва антропоцентризми тил ва нутққа алоҳида эътибор беришни назарда тутади, чунки айнан уларда ва фақат улар орқали талаба мутахассис сифатида шаклланиши мумкин. Нутқ нафақат талабанинг кўзгуси, балки унинг фаолиятидаги таркибий қисми бўлиб, унинг шахсий, ментал моҳиятини белгилайди.

Илмий-методик адабиётлардаги методист олимларнинг мулоҳазаларига кўра, педагогика олий ўқув юртларининг замонавий битирувчиси нафақат ўқимишли, мураккаб муаммо вазиятларни таҳлил қилиш ва ҳал қилишга қодир бўлиши, балки уларнинг профессионал ва шахсий ривожланишининг муҳим таркибий қисми бўлган ўз нутқий маданиятига эътибор қаратиши ҳам лозим. Бу меъёр инглиз тили йўналиши битирувчиларига ҳам тааллуқли, деб ҳисоблаймиз.

Методист М.П.Манаенкованинг таъкидлашича, жаҳон таълим тизимининг барча жаҳаларида нутқ компетентлигини шакллантириш зарурати тобора кучайиб бормоқда. Кўп жиҳатдан, бундай долзарблик таълим жараёни ва унинг натижасидаги нутқий-фикрлаш фаолиятининг ривожланиши шахснинг муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлаши билан асосланади, қачон у ўз хусусиятлари ва фарқлари билан намоён бўлишга интилганда, жамият томонидан қабул қилиниши зарурлигини кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, бу ўринда талабанинг нутқий маданияти, унинг умумий маданияти, тўлақонли таълим олиш имкониятлари ва маънавий, ижтимоий ва касбий ўсиш истиқболлари ўртасидаги алоқадорлик шубҳасиз етакчилик қилади.

Жамиятнинг нутқий маданияти билан танишмай туриб, билимли шахсни, хусусан, бўлажак инглиз тили ўқитувчисини мутахассис сифатида шакллантириш мумкин эмас, шунинг учун бугунги кунда гуманитар таълим муҳитини ташкил этувчи барча ўқув фанлари ва машғулотларнинг асосий вазифаси соҳа талабаларида нутқ компетентлигини шакллантиришга қаратилган. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида айна таъкидланаётган муаммонинг педагогика илмида илмий жиҳатдан тадқиқ этилмаганлигини инобатга олдик, шу боисдан бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг нутқ компетенцияси муаммоларига тадқиқотимизнинг учинчи бобида алоҳида фасл ажратдик ва унда тегишли кузатишларимизни беришни лозим топдик.

Хуллас, нутқ компетенцияси бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг асосий шахсий ва касбий компетенцияларидан бири ҳисобланади, шунинг учун уни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари замонавий таълим тизимида, хусусан, олий таълимнинг педагогика йўналишларида ҳам алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

3. Инглиз тили ўқитувчисинг коммуникатив компетенцияси. Э.Г.Азимов ва А.Н.Щукинларнинг фикрича, коммуникатив компетенция чет тили воситасида маи-

ший, ўқув, ишлаб чиқариш ва маданий ҳаётда долзарб бўлган мулоқот масалаларини ҳал қила олиш; тил ва нутқ воситалари ёрдамида мулоқот мақсадларига эришишдир. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда муаллифлик ёндашуви асосида қуйидагиларни таъкидламоқчимиз: коммуникатив компетенция жамиятда инсонлар билан ўзаро мулоқотга киришиш учун она тили, ўзи яшаётган давлатнинг расмий тили ҳамда хорижий тилларда сўзлашиш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда аниқ ҳамда тушунарли баён қила олиш, саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ҳамда берилган саволларга асосли тўғри жавоб бериш, мулоқот вазиятига мослаша олиш, мулоқот жараёнида муомала маданиятига амал қилиш, суҳбатдошининг фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўзининг нуктаи назарини ҳимоя қила билиш, суҳбатдошини ишонтира олиш, зиддиятли вазиятларда ўзини-ўзи бошқара олиш, муаммо ҳамда келишмовчиликларни ҳал этишда мақбул қарорларни қабул қилиш каби жуда кўп жиҳатларни қамраб олади.

Илмий-назарий ва методик адабиётларда хорижлик олимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари хилма-хил эканлигини кузатдик. Ю.Жуков коммуникатив компетентликнинг асосий, муҳим эканлигини кўрсатиш учун уни метакомпетентлик ёки «ядро компетентлиги» деб атайди. Бошқа олимларнинг фикрига кўра, компетентликнинг бу тури ижтимоий, касбий, шахслараро компетентликка киради ва уларни бири-бири билан боғлайди. Шу билан бирга, касбий, ижтимоий ва шахслараро компетентлик коммуникатив компетенциянинг компонентлари сифатида талқин қилинади. Биз бу борада коммуникатив компетенциянинг шахснинг атрофдаги олам билан унинг барча жабҳаларида мулоқот қилиш самарадорлигини кўрсатадиган асосий омилларидан бири эканлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни қўллаб-қувватлаймиз.

Тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида, энг аввало, бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг лисоний компетенциясини шакллантиришда коммуникатив компетенция этакчи омил эканлигини ҳисобга олдик. Унинг компетентлик талабларидан келиб чиққан ҳолда, лисоний ва педагогик-психологик омилларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Назаримизда, бу омиллар қуйидагилардан иборат: соҳа лексикасини билиш; оғзаки нутқнинг ривожланганлиги (аниқ ва тўғри сўзлаш); ёзма нутқнинг ривожланганлиги; этика ва мулоқот этикасига риоя қилиш; мулоқот тактикалари ва стратегиясининг эгалланганлиги; мулоқот иштирокчиларининг ўзига хос хусусиятлари ва муаммоларини билиш; ташқи сигналлар (тана ва юз ҳаракатлари, нутқ оҳанги)ни таҳлил қила олиш; низоларнинг олдини олиш; ўзига ишониш; бошқаларни тинглай олиш; нотиклик маҳоратини эгаллаш; мунозараларни ташкил қилиш ва олиб бориш малакаларини эгаллаш; ўзгаларга ҳамдард бўла олиш (симпатия); ўзгалар манфаатини аниқлаш ва бошқалар.

Биз тадқиқот давомида аниқлаган ва тажриба-синов ишларида қайта-қайта синаб кўрган коммуникатив компетенциянинг ушбу компонентлари асосан педагогик-психологик жиҳатлар билан тавсифланган бўлиши мумкин, шу билан бирга мазкур компонентлар ушбу компетенциянинг барча соҳаларида бир хил бўлмаслигини тасдиқлайди. Буни инглиз тили ўқитувчисининг лингвистик компетенциясини шакллантириш жараёнида яққол кузатдик ва бунга иқрор бўлдик.

Адабиётлар:

1. Митина Л.М. Психология труда и профессионального развития учителя. - М.: Академия. - 2004. - 320 с.
2. Маслов А. Самоактуализация // Психология личности. - М. - 1982.
3. Потебня А.А. Слово и миф. М., 1989. – 17 с.
4. Манаенкова М.П. Речевая компетенция – зеркало духовной культуры человека // Социально-экономические явления и процессы. Тамбов, 2013. № 5. С. 273-275.

5. Азимов, Э.Г., Щукин, А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – Москва: ИКАР, 2009. – 210 с.
6. Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. – М.: Просвещение, 1978. – 160с.
7. Адольф В.А. Теоретическая основы формирования профессиональной компетентности учителя: автореф. дисс. д-ра пед.наук. – М. – 1998. – 48 с.;
8. Бочкова Р.В. Компьютерные технологии в профессиональной деятельности работника образования: учеб.пособие. – Саранск. – 2008. – 194 с.;
9. Булавенко О.А. Характеристики компетентности специалиста // Проф. Образование. – 2005. - №4. – С.21;
10. Вербицкий А.А., Ильязова М.Д. Инварианты профессионализма: проблемы формирования. – М.Логос. 2011. – 288 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида фаолиятли, шахсий ёки касбий коммуникатив компетентлики шакллантириш омиллари, моделлари ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются факторы, формирующие активную личную или профессиональную коммуникативную компетентность будущих учителей английского языка, особенности каждой из моделей.

SUMMARY

The article examines the factors that form the active personal or professional communicative competence of future English teachers, the features of each of the models.

ОИЛАЛАРДА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАРНИ ҚАРОР ТОПТИРИШНИНГ ЎРНИ

Тайланова Ш.

СамДУ педагогика фанлари доктори, доцент

Таянч сўзлар: оила, қадриятлар тизими, шахс, мақсад, ривожлантириш, фалсафий-социологик тадқиқотлар, маънавий даража, педагогик-психологик адабиётлар, маънавий қадриятлар.

Ключевые слова: семья, система ценностей, личность, цель, развитие, философско-социологические исследования, духовный уровень, педагогико-психологическая литература, духовные ценности.

Key words: family, value system, personality, purpose, development, philosophical and sociological research, spiritual level, pedagogical and psychological literature, spiritual values.

Шахснинг «ҳаёт субъекти»га айланиши осон эмас. Бирок шахсларнинг ижод соҳасида яратган дурдоналарини таҳлил қилиб С.Л.Рубинштейн хайрат билан, ушбу дурдона ижодкор ҳаётининг чўққиси бўлса-да, у ҳаётнинг маълум бир онидир, ҳаётнинг қолган пайтлари «ҳеч қандай эътиборсиз, паст даражада кечади» - деб ёзади. Демак, ҳаёт, ҳатто инсоният учун идеал бўлган шахслар мисолида ҳам, керакли савияда, керакли маҳсулдорликда ва маънавий даражада кечавермайди, ҳаёт билан идеал ўртасидаги қарама-қаршилиқ инсон учун ҳаётни, яшашни муаммога айлантиради. Инсон «ҳаёт субъекти» бўлиши учун ушбу қарама-қаршилиқни у позитив ҳал этиши, яъни «ҳаётни яратиш ва қуришга» ўтиши лозим. Шахснинг «ҳаёт субъекти»га айланиши, энг аввало, унинг ҳаётий мақсадида ўз аксини топади.

Ижтимоий-фалсафий ва педагогик-психологик адабиётларда шахс ҳаётини бир-бирига диалектик боғлиқ жараёнлар – болалик (гўдаклик), ёшлиқ, етуклик ва кексаликка бўлиб ўрганиш кенг тарқалган. Ушбу жараёнларни таҳлил қилган ва

уларга хос хусусиятларни аниқлаган Б.Г.Ананьев ҳар бир ҳаётий босқич маълум бир кадриятларни ҳаётий мақсад қилиб қўйишини таъкидлайди. У ёшларда таълим ва илм олиш, мулоқот асосий кадриятлар сифатида келишини ва улар ҳаётий мақсадини ушбу кадриятлар орқали белгилашини асослайди.

Фалсафий-социологик тадқиқотларни ташкил этиш тажрибасини ўрганиш асосида оилаларда ҳаётий мақсадларнинг шаклланганлигини аниқлаштириш мақсадида махсус сўровнома ишлаб чиқилди.

Савол-жавоб варағига бир-бирини такозо этиб ва тўлдириб келувчи махсус тўртта савол киритилди. Биринчи савол оила қурувчиларнинг оила қуригач ўзлари тасаввур қилаётган ёки режалаштираётган ҳаётий мақсадини аниқлашга, иккинчи савол уларнинг оилавий ҳаёт қуришга, учинчи савол эса миллий ва умуминсоний кадриятларни шакллантиришда қайси метод ва воситалардан кўпроқ фойдаланиш зарурлигини аниқлашга қаратилди.

«Оила қургач ёшлар, нималар билан шуғулланишни ҳаётий мақсад қилиб қўйгансиз?» саволига респондентларнинг жавоблари

| № | Жавоблар мазмуни | Никоҳгача ёшлар – 146 нафар респондент | Никоҳдан кейинги оилалар – 165 нафар респондент |
|----|---|--|---|
| 1 | Оиламни бахтли бўлишига хизмат қиламан | 64 | 40 |
| 2 | Оиламни тўлалигини таъминлаш учун хунар ёки карьера қиламан | 2 | 10 |
| 3 | Бўлажак фарзандларим билан шуғулланаман | 1 | 4 |
| 4 | Қўшимча иш билан шуғулланаман | 14 | 28 |
| 5 | Буш вақтимда самарали фаолият билан шуғулланман | 2 | 3 |
| 6 | Чет элда ишлашга кетаман | 4 | 12 |
| 7 | Фермерлик билан шуғулланаман | 2 | – |
| 8 | Ишлаб чиқариш соҳасида ишлайман | – | – |
| 9 | Оиламни мустаҳкамлаш мақсадида изланаман | 1 | 2 |
| 10 | Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайман | – | – |
| 11 | Бадий ижод билан шуғулланаман | 2 | – |
| 12 | Аниқ бир фикр айтишим қийин | 10 | 1 |

Биринчидан, оила қурувчиларнинг оила ҳақидаги илми юкори эмаслиги. Бошқа ишлар билан таққослаганда ўта паст бўлмасада, оилаларда кўпроқ пул топиш, моддий кадриятларнинг етакчи ўрин эгаллаши кузатилади. Қишлоқлар инфраструктурасининг пастлиги, уларнинг ижтимоий-маданий нуктаи-назаридан шаҳарлардан орқада қолиб келаётгани оилавий кадриятлар соҳасига ҳамда оилага салбий муносабатларни туғдирмоқда.

Оила – муқаддас даргоҳ. Биргина шу «муқаддас» сўзи оилага бўлган муносабатимизни тўла англайди. Зотан, миллатнинг эртанги кунига дастлаб оилада пойдевор кўйилади, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятида инсон ва унинг манфаатлари устувор экан, кўзланган мақсадга эришишда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган оиланинг ўрни бекибсдир.

Жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашни оиладан бошласақкина уни илдизи билан қуритиш мумкин. Ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, коррупция каби иллатларга қарши кураш қанчалик кенг кўлам касб этмасин, нағижа мақтанарли эмас. Аслида ҳар бир инсон оилада уларга қарши иммунитет билан тарбия топса – олам гулистон, ўз-ўзидан барҳам топиб кетади.

Адабиётлар:

1. Мусурмонова О. Маънавий кадрятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент-1994
2. Абульханова-Славская К.А. Стратегия жизни. – М.: Мысль, 1991. – С.29.
3. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. – Л.: ЛГУ, 1999. - С.154-162.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада оилаларда кадрятлар тизимини ривожлантиришда ҳаётини мақсадларни қарор топтириш масалаларига бағишланган. Шу билан биргаликда ёшлар тарбиясида миллий кадрятларнинг туган ўрни акс эттирилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена принятию решения о жизненных целях при формировании системы ценностей в семье. При этом отражается роль национальных ценностей в воспитании молодежи.

SUMMARY

This article is devoted to deciding on life goals in the formation of a system of values in the family. This reflects the role of national values in the education of young people.

КЕЙС-ТЕХНОЛОГИИ КАК СРЕДСТВО ФОРМИРОВАНИЯ КОМПЕТЕНЦИЙ В СИСТЕМЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Химматалиев Д.О.

доктор педагогических наук (DSc), и.о. профессор,

Ташкентский институт инженеров ирригации

и механизации сельского хозяйства

Таянч сўзлар: кейс технологияси, касб-хунар таълими, компетенция, ақлий ҳужум, ўқув жараёни, интерфаол усуллар.

Ключевые слова: кейс-технология, профессиональная образования, компетенция, мозговой штурм, учебный процесс, интерактивные методы.

Key words: case technology, vocational education, competence, brainstorming, educational process, interactive methods.

В современном информационном обществе ориентация профессионального образования направлена на формирование компетенций, как готовности и способности человека к деятельности и общению. Задача обучения – сформировать не только фундаментальные теоретические знания, но и широкий спектр практических профес-

сиональных умений и навыков. Для достижения этих целей в образовательный процесс предполагается использование интерактивных методов обучения.

К ним относятся те, которые способствуют вовлечению в активный процесс получения и переработке знаний. Наряду с широко распространенными методами активного обучения – мозговой штурм, деловая игра, дискуссия – стали использоваться кейс-технологии.

Существуют различные обозначения этой технологии: метод изучения ситуаций, метод деловых игр, кейс-метод. Эта технология активного проблемно-ситуационного анализа, основанная на обучении путем решения конкретных задач-ситуаций (кейсов). Главное ее предназначение – развивать способность разрабатывать проблемы и находить их решение, учиться работать с информацией. При этом акцент делается не на получение готовых знаний, а на их выработку, на сотворчество преподавателя и студента.

При кейс-технологии не даются конкретные ответы, их необходимо находить самостоятельно. Это позволяет учащимся, опираясь на собственный опыт, формулировать выводы, применять на практике полученные знания, предлагать собственный (или групповой) взгляд на проблему. В кейсе проблема представлена в неявном, скрытом виде, причем, как правило, она не имеет однозначного решения. В некоторых случаях нужно найти не только решение, но и сформулировать задачу, так как формулировка ее представлена неявно. Для создания кейса вначале нужно ответить на три вопроса: Для кого и чего пишется кейс? Чему должны научиться студенты? Какие уроки они из этого извлекут? После этого процесс создания кейса будет иметь вид: цель обучения, структурирование учебного материала, выбор организационных форм, методов и средств обучения.

Рассматривают следующие методы кейс-технологии: метод инцидентов, метод разбора деловой корреспонденции, игровое проектирование, ситуационно-ролевая игра, метод дискуссии и кейс-стадии. Метод инцидентов: в центре внимания находится процесс получения информации. Цель метода – поиск информации самим студентом, и как следствие, обучение его работе с необходимой информацией, ее сбором, систематизацией и анализом. Студенты получают кейс не в полном объеме. Сообщение может быть письменным или устным, по типу: «Случилось...» или «Произошло...». Хотя такая форма работы требует много времени, ее можно рассматривать как особенно приближенную к практике, где получение информации составляет существенную часть всего процесса принятия решения.

Метод разбора деловой корреспонденции («баскет-метод»): метод основан на работе с документами и бумагами, относящимися к той или иной организации, ситуации, проблеме. Студенты получают от преподавателя папки с одинаковым набором документов, в зависимости от темы и предмета. Цель – занять позицию человека, ответственного за работу с «входящими документами», и справиться со всеми задачами, которые она подразумевает. Примерами использования метода могут служить кейсы по экономике, праву, обществознанию, истории, где требуется анализ большого количества первоисточников и документов.

Игровое проектирование – процесс создания или совершенствования проектов. Участников занятия можно разбить на группы, каждая из которых будет разрабатывать свой проект. Игровое проектирование может включать проекты разного типа: исследовательский, поисковый, творческий, аналитический, прогностический. Процесс конструирования перспективы несет в себе все элементы творческого отношения к реальности, позволяет глубже понять явления сегодняшнего дня, увидеть пути развития.

Ситуационно-ролевая игра: в виде инсценировки создать перед аудиторией правдивую правовую, социально-психологическую ситуацию и затем дать возможность оценить поступки и поведение участников игры. Одна из разновидностей метода инсценировки – ролевая игра. Метод дискуссии – обмен мнениями по какому-либо вопросу в соответствии с более или менее определенными правилами процедуры. К интенсивным технологиям обучения относятся групповые и межгрупповые дискуссии.

Кейс-стадии: этот метод отличается большим объемом материала, так как помимо описания случая предоставляется и весь объем информации, которым могут пользоваться студенты. Основной упор в работе над случаем делается на анализ и синтез проблемы и на принятие решений. Цель метода кейс-стадии – совместными усилиями группы учащихся проанализировать представленную ситуацию, разработать варианты проблем, найти их практическое решение, оценить предложенные алгоритмы и выбрать лучший из них.

Использование кейс-стадии позволяет приобретать новые знания и навыки практической работы; помогает получить знания по тем дисциплинам, где нет однозначного ответа на поставленный вопрос, а есть несколько ответов, которые могут соперничать по степени истинности.

Принципиально отличается от традиционных методик: студент равноправен с другими студентами и преподавателем в процессе обсуждения проблемы и поиска истины; преодолевает классический дефект обучения, связанный с «сухостью», неэмоциональностью изложения материала; эмоций, творческой конкуренции и даже борьбы в этом методе так много, что хорошо организованное обсуждение кейса может напоминать театральный спектакль.

Выделяют несколько этапов работы студента с кейсом: I этап – знакомство с ситуацией, ее особенностями; II этап – выделение основной проблемы (проблем), выделение персоналий, которые могут реально воздействовать на ситуацию; III этап – предложение концепций или тем для «мозгового штурма»; IV этап – анализ последствий принятия того или иного решения; V этап – решение кейса: предложение одного или нескольких вариантов последовательности действий, указание на важные проблемы, механизмы их предотвращения и решения.

Действия преподавателя в кейс-технологии – создание кейса или использование уже имеющегося; распределение студентов по малым группам (4-6 человек); знакомство студентов с ситуацией, системой оценивания решений проблемы, сроками выполнения заданий; организация работы учащихся в малых группах, определение докладчиков; работа с кейсом; организация презентации решений в малых группах; организация общей дискуссии; обобщающее выступление учителя, его анализ ситуации; оценивание учащихся преподавателем.

Кейс – это единый информационный комплекс. Как правило, кейс состоит из трех частей: вспомогательной информации, необходимой для анализа кейса; описания конкретной ситуации; задания к кейсу. Виды кейсов:

- а) печатный кейс (может содержать графики, таблицы, диаграммы, иллюстрации, что делает его более наглядным);
- б) мультимедиа-кейс (наиболее популярный в последнее время, но зависит от технического оснащения учебного заведения);
- в) видео-кейс (может содержать фильм, аудио и видео материалы). Его минус – ограничена возможность многократного просмотра, искажение информации и ошибки.

Кейс дает возможность преподавателю использовать его на любой стадии обучения и для различных целей, так же и в качестве промежуточного и заключительного контроля.

Перед зачетом ученик может получить кейс-задание на дом, он должен его проанализировать и принести экзаменатору отчет с ответами на поставленные вопросы. Можно предложить кейс и прямо на зачете, но тогда он должен быть достаточно коротким и простым, для того чтобы уложиться в отведенное время.

Предлагаю пример кейс-задания при изучении темы «Защита прав потребителей»: Проанализируйте предложенную ситуацию. Какие права и статьи закона были нарушены? Что бы вы посоветовали героям? сделаем». Обрадованная покупательница поймала такси и в этот же день привезла телевизор в магазин. Через две недели Ноила Каримовна зашла в магазин, но ей сказали: «Зайдите через недельку». Через неделю ситуация повторилась. Только через 2 месяца несчастная покупательница услышала заветную фразу: «Забирайте свой телевизор». Наняв такси, она увезла его домой. Еще через месяц у телевизора пропал звук. Ноила Каримовна вновь отправилась в магазин, но там ей сказали, что срок гарантии закончен и за ремонт надо платить.

Алгоритм решения проблемных заданий:

1. Указать объекты данных правоотношений;
2. Определить субъекты правоотношений;
3. Указать юридические источники (Закон Республики Узбекистан и его статьи);
4. Проанализируйте ситуацию. Предположите, какое решение вынес бы суд, в случае обращения потерпевшего?
5. Какие выводы можно сделать и что бы вы посоветовали участникам данных типовых правоотношений?

Литература:

1. Макеева Н.В. Формирование компетенций в практике преподавания социально-экономических дисциплин /Тематический сборник научных статей, Курган, 2013;
2. Мясоед Т.А. Интерактивные технологии обучения. Спец. семинар для учителей. /Т.А. Мясоед. М., 2004;
3. Смолянинова О.Г. Дидактические возможности метода case-study в обучении студентов;
4. Ступина С.Б. Технологии интерактивного обучения. Учебно-методическое пособие. – Саратов: изд. Наука, 2009.
5. Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёргарлик диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси. Монография. –Тошкент, Ўзбекистон, 2018. – 168 б.
6. Химматалиев Д.О. Касб таълимида техник ва педагогик билимларнинг интеграцияси муаммоси// Kasb-hunar ta'limi. -Тошкент, 2017. №4. -Б.17-21. (13.00.00;№19).
7. Химматалиев Д.О. Сущности понятия интеграции, педагогической интеграции при подготовке к профессиональной деятельности будущих учителей профессионального образования// Школа будущего. -Москва, 2017. №6. -С.186-191. (13.00.00;№20).

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада касб-хунар таълими ўқувчиларининг касбий ваколатларини шакллантириш, иш технологиялари мазмуни ва ўқув жараёнида қўллаш масалалари кўриб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье рассматриваются вопросы формирования профессиональных компетенции студентов профессионального образования, содержание кейс-технологии и применение в учебном процессе.

This article deals with the formation of professional competence of students of vocational education, the content of case technology and application in the educational process.

УСЛОВИЯ ПОВЫШЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ВЫСШЕЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ

Баратов М.

Было также установлено, что выпускники не владели полным набором компетенций – как общих, так и профессиональных. Например, техник-электрик во время обучения в колледже на достаточном уровне освоил необходимые профессиональные компетенции, но в то же время не обладает знаниями в смежных областях – таких как автоматизация, механика, не представляет внутренней логистики производства и не владеет основами технического английского языка.

Для устранения проблем в образовательный процесс колледжа были внесены изменения, а в управлении подбора и оценки персонала разработан профиль для специалистов, отображающий совокупность компетенций, требуемых для выполнения работы на конкретной должности. Уровень выраженности каждой компетенции оценивается по пятибалльной шкале.

Руководители производственной и преддипломной практики тоже хорошо отозвались о новой модели и отметили ее преимущество перед традиционной, так как студенты быстрее ориентируются в производстве и находят оптимальное решение профессиональных задач. Большая часть экспертов поддерживает это мнение, характеризуя современных выпускников как специалистов, которые хорошо разбираются не только в теоретических вопросах, но и владеют практическими инструментами осуществления профессиональной деятельности в области металлургии, механики и электротехники.

В этом направлении также важен мониторинг отзывов студентов о вузах и самих преподавателях. До сих пор существуют вузы, в которых не созданы элементарные условия не только для студентов, но даже и для педагогов, – отсутствует возмож-

ность питания, нет комнат для преподавателей, гардеробных и т.д. Бывают случаи, когда педагоги читают лекции с утра и до позднего вечера, не имея возможности даже согреть себе чай. А высшие учебные заведения внешне вполне современный – осуществлён евроремонт помещений, хорошо оформлен, имеет профессиональный сайт, стоимость обучения высокая. В окончании из изложенного, хочется отметить, что наступил следующий этап реформирования системы образования, её переход к качественно новому подходу к профессиональной подготовке квалифицированных специалистов, способных грамотно и эффективно работать в современных рыночных экономических условиях на предприятиях различных форм собственности.

Анализ эффективности дуальной системы обучения, проведенный в колледже, выявил, что увеличился уровень профессиональной компетентности выпускников, большинство из них не испытывает психологического стресса, быстрее адаптируется, успешно формируется социально-личностная компетентность. Плюс к этому система оказала положительное влияние на гражданскую позицию студентов, о чем свидетельствует активное участие в общественной и профсоюзной жизни, благотворительных акциях, творческой и исследовательской деятельности, волонтерских мероприятиях и спортивные достижения.

Литература:

1. Бехтольд А.Э. Дуальное обучение: опыт Германии и реалии России // Управление производством. 2008. № 1. [Электрон. ресурс]. Режим доступа: <http://www.up-pro.ru>
2. Опрос независимого рейтингового агентства «Рейтор» по теме «Основные проблемы/недостатки, выявляемые работодателями при подборе молодых специалистов» // сайт Международного университета природы, общества и человека «Дубна», 2012. [Электрон. ресурс.] Режим доступа: <https://www.uni-dubna.ru>
3. Тидеманн Б. Дуальная система – немецкая форма профессионального образования // «Образование и наука», 2011, № 6, с. 112-123.
4. Ismailova, Z., Choriev, R., Musurmanova, A., & Aripjanova, M. (2020). Methods of training of teachers of university on advanced training courses. Journal of Critical Reviews. Innovare Academics Sciences Pvt. Ltd. <https://doi.org/10.31838/jcr.07.05.85>
5. D.Mustafojeva Technology Of Diagnostic Level Of Development Of Professional Competence Of Pedagogical Personnel In The System Of Training International Journal of Advanced Science and Technology, - Hindiston, Vol. 29, No. 07, (2020), pp. 3337-3343.

РЕЗЮМЕ

Бугунги кунда касб-хунар таълими тизими иш берувчиларнинг мутахассислар сифати ва уларнинг касбга яроқлилиги ҳақидаги энг кичик гоъларига ҳам мос келмаслиги аниқ бўлди. Икки томонлама таълим босқичи, яъни дуал таълим тизимида мавжуд таълим тизими ички иктисодиётнинг замонавий эҳтиёжларига мос келмаслиги яққол аён бўлди.

Агар бутун дунёда кўп босқичли олий таълим тизими коллежларга таянган ҳолда олиб борилиши ҳисобга олинмаса, олий маълумотни бакалавр даражасига аслида ўрта техник даражага ўтказиш оқилона бўлиши ҳам мумкин эди. Мақолада шулар ҳақида фикр мулохазалар ёзилган.

РЕЗЮМЕ

Сегодня стало весьма очевидно, что нынешняя система профессионального образования не выдерживает не только никакой критики, но и не соответствует малейшим представлениям работодателей о качестве специалистов и их профессиональной пригодности.

Существующая система образования, ориентированная на западный уровень, не соответствует современным потребностям отечественной экономики. Перевод высшего образования на бакалавриат – по сути, на среднее техническое – возможно было бы разумным, если бы не был учтён тот факт, что во всём мире, многоступенчатость высшего образования базируется на колледжах.

Today it has become quite obvious that the current system of vocational education does not stand up not only to any criticism, but also does not correspond to the slightest ideas of employers about the quality of specialists and their professional suitability.

The existing education system, oriented towards the Western level, does not correspond to the modern needs of the domestic economy. The transfer of higher education to a bachelor's degree - in fact, to a secondary technical one - might have been reasonable if the fact that, all over the world, the multistage of higher education is based on colleges was not taken into account.

STAGES OF DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ENGINEERING ACTIVITY IN THE WORLD

Suyunova Y.A.

Karshi Engineering and Economic Institute. Republic of Uzbekistan. Karshi City

Таянч сўзлар: innovatsion faoliyat, tizimni shakllantirish, sotsializatsiya, emotsionallik, ta'lim muhitining innovatsiyasi, ta'lim tezligini guruhlash.

Ключевые слова: инновационная деятельность, системообразующее, обобществление, эмоциональность, инновация образовательной среды, группировка темпов образования.

Key words: innovation activity, system-forming, socialization, emotionality, innovation of the educational environment, grouping of educational rates.

Today one of the signs of the development of higher education is to create integrated educational systems, that is, the set of higher educational institutions or their individual components as well as manufacturing enterprises and associations of enterprises not intended for the production in particular manufacturer's magma (the company) is a higher educational institution. In developed countries, especially in Germany, training is widely used in the «dual» system of the most common vocational education. The essence of the «dual» system is that in the educational process, the student is provided with training in cooperation with the production enterprise, that is, training in a higher educational institution is tied to future employment.

Many researchers argue that it is necessary to move to pre-given, that is, to advanced education, they interpret pre-given education as « system-forming, a property of great importance, manifested in the interaction of the content, process and result of the transfer of cultural heritage and knowledge, aimed at achieving the abilities that professional education has in a person».

Within the framework of the development of innovation activities, it is advisable to separately indicate the capitalization of private property. «Scientific educational institutions (higher educational institutions) do not consume the income received in the sphere of material production, but on the contrary, multiply them. They say that by creating new knowledge, they transfer this knowledge to specialists, and as a result, scientific and pedagogical workers increase their human value, increase its value in the labor market, which requires high qualifications, which ultimately leads to an increase in the income of society. In these conditions, modern higher education institutions become leading universities in the framework of social activities, and as a result of this activity, new capitalized knowledge, new intangible values are created, ensuring the existence of valuable human capital in the form of the effect of scientific and innovative activities. Intelligence in the capitalization system on manual labor, a major higher educational institution with powerful resource potential: the potential of employees, material and technical base and the spatial environment, businesses, market innovation, which form the leading position should occupy a large higher education

institution with certain repair facilities. Globally, there are three places where such projects have been implemented: Silicon Valley in America, Skolkovo in Russia, and the innovative Megatorm in Bengaluru in India. They are the world's centers of technical and technological innovation.

In our opinion, in the search for new paradigms of education, innovative processes are the only factor in the development of the educational system. Based on the above, the analysis of engineering education in our country makes it possible to draw the following conclusions: our republic has a fundamental feature of engineering education, the demand for engineering education is not only decreasing, but also constantly growing, and in order to improve the quality and efficiency of engineering education, it is one of the main directions of development of engineering education.

Initially, before analyzing the content of innovative engineering professional activity in engineering, it is necessary to determine the essence of the concept of «technical activity».

The technical question comes from the Greek word «*techne*» (art, skill, qualification), and activity is «the purposeful influence of a person as a subject on an object to achieve a certain result and thus the desire to satisfy their needs through active communication with the environment». Therefore, under technical activity, it is necessary to understand the process aimed at the operation of mechanical systems, their maintenance, creation, analysis, synthesis of these systems, the use of the laws of nature to replace its full or partial labor and physiological functions, in order to increase and facilitate the volume of physical and mental labor of a person. Like any other activity, technical activity has its own key elements: motivations, goals, tools and their automated components-operations.

Many researchers were engaged in the issues of technical activity: N. D. Levitov, B. M. Rebus, M. G. Davletshin and others. The results of their research were summarized taking into account the role of improving the innovative methodological system in engineering.

It follows that the main results of the study of technical activity are also directly related to the professional activity of an innovative engineer.

Using the concept of technical activity as an example, we analyze the meaning and essence of the concept of professional activity of an innovative engineer and determine the relationship between its elements. The concept of innovation is me. In science. It was introduced by Schumpeter in the 30s of the last century. Innovation (English) Innovate (« – news, implementation of changes) is also associated with the introduction of innovations, changes: technologies, scientific, technical and design projects, etc..

The article «Educational technologies in Higher education» gives the following definition of the term innovation in relation to education: «innovation (introduction of innovations) is the process of creating, mastering and applying pedagogical scientific and technical achievements (results, achievements)». It is also noted that «a higher level of professional education-based on creativity-cannot be achieved without innovative approaches to solving problems.» The main goal of innovative education is to express the benefits of its development, to preserve the creative potential of the country.

The following types of innovative education are distinguished:

- individualization;
 - socialization;
 - emotionality;
 - innovation of the educational environment;
 - grouping the rate of education;
 - assessment of the learning outcome, not the assessment for training;
- sequence of panerra and focus on real-world requirements.

Innovation activity is a complex of scientific, technical, organizational, financial

and commercial activities aimed at the commercialization of accumulated knowledge, technologies and equipment.

Innovation in the form of new content, methods, organizational forms of the educational process in the field of education can be called the improvement of the final results of innovative activities or technical means of education used in practice, or new approaches to social services in the field of education, their improvement can be called innovation. The main signs of innovation are positive productive socio-economic changes that occur in the course of the work of an educational institution or industrial enterprise as a result of specially created innovative activities. In such conditions, it is important to introduce an innovative approach to such areas of education in educational institutions as social services, methods, technologies, and technical means. «Usually, innovation is the solution of a traditional problem using a new method, the accumulation of information and evidence over a long time, and the result of their perception, a new quality with innovative properties, is manifested in the situations that arise. Most modern technologies have a consistent connection with historical experience. And this allows us to note that the innovation process is the process of creating, mastering, using and promoting ideas (theories, methodologies, technologies, etc.). d.), which are motivated, aimed at a specific goal and adapted to the current current and existing conditions that meet certain criteria. At the heart of innovative educational processes are the problems of pedagogy, which have two extreme values: the study of pedagogical experience and raising it to the level of implementation of the achievements of psychological and pedagogical science in practice.

Literature:

1. Bednik V. S., Akobyana G. V. The essence of engineering activity // Modern scientific research and innovation. 2016. No. 12 [Electronic resource]. URL: <http://web.snauka.ru/issues/2016/12/76744> (accessed 23.09.2018).
2. N. I. Naumkin, E. P. Grosheva, A. N. Lomatkin, V. F. Kupryashkin, N. N. Shekshaeva. FUNDAMENTALS OF INNOVATIVE ENGINEERING ACTIVITY TEXTBOOK./ SARANSK 2012
3. A. A. Nazarov Principles of education that develop an innovative approach to engineering professional activities. / European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences / Vol. 8 No. 8, 2020 ISSN 2056-5852
3. Nazarov A. A. Perfection of methods of training students for innovative engineering professional activities / author. Dis. ... d-RA PED. Sciences / - Karshi. 2020. - 138 P.
4. Nazarov A.A. Fundamental research general professional process disciplines on the basis of general scientific disciplines. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences (ISSN 2056-5852) Vol. 7 No. 1, 2019-p. - 38-40
5. Nazarov A.A. "Machine parts" as the foundation of the special disciplines of future careers of engineers. Innovative projects and programs in psychology, pedagogy and education. International Scientific and Practical Conference. Sterlitamak, Russian Federation Agency for International Studies. 2019, 67-69 p.

РЕЗЮМЕ

Innovatsion faoliyat - bu to'plangan bilimlar, texnologiyalar va uskunalarni tijoratlashtirishga qaratilgan ilmiy, texnik, tashkiliy, moliyaviy va tijorat faoliyati majmuidir.

РЕЗЮМЕ

Инновационная деятельность - это комплекс научно-технических, организационных, финансовых и коммерческих мероприятий, направленных на коммерциализацию накопленных знаний, технологий и оборудования.

SUMMARY

Innovation activity is a complex of scientific, technical, organizational, financial and commercial activities aimed at the commercialization of accumulated knowledge, technologies and equipment.



МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ТАРИХИ 1917 –ЙИЛЛАР МЕМУАРЛАРИДА

Пирниязова Т.О.

*Қорақалпоғистон тиббиёт институти «Ўзбек тили адабиёти ва ижтимоий
фанлар» кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: мемуарлар, тарих, Қорақалпоғистон, сиёсий, иқтисодий, маданий, архив материаллари, энтузиастлар, ёдгорликлар.

Ключевые слова: мемуары, история, Каракалпакстан, политические, экономические, культурные, архивные материалы, энтузиасты, памятники.

Key words: memoirs, history, Karakalpakstan, political, economic, cultural, archival materials, enthusiasts, monuments.

Тарихий эсдаликлар (француз тилида - memoires, лотинча memora - хотира) - бу муаллифнинг ўзи иштирок этган ёки гувоҳ бўлган тарихий воқеаларни хотиралашидир. Қадимги даврларда эсдаликларнинг айрим турлари яратилган. Хусусан, Ксенофоннинг «Анабасис»и ва Юлий Цезарнинг «Галл уруши тўғрисида ёзувлар» айнан шулар сирасидандир. Ўрта асрларда эсдаликлар асосан сарой амалдорлари томонидан ёзилган, масалан, Ж. де Виллардуэннинг «Константинополнинг босиб олиниши». Уйғониш давридан бошлаб мемуарларга янги мавзулар кириб келади, агрофдаги оламга, инсон шахсига қизиқиш орғиб боради.

«Бизнинг ота-боболаримиз, - дейди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов, - октябр тўнтариши, фуқаролар уруши, кулоқлаштириш кампанияси, Сталин қатағонлари, Иккинчи Жаҳон урушининг фожеалари, оғир элликинчи йилларни бошидан кечирди». XX асрнинг биринчи ярмидаги ушбу улғу, баъзан фожиали воқеалар замондошларининг хотиралари катта аҳамиятга эга. Ҳаётнинг тажриба ва уларнинг қарашларини акс эттирувчи инсоний хотиранинг ушбу ноёб ёзувларни жиддий ўрганиш вақти келди. Истиклол туфайли, тарихий ҳақиқатни билишга, ўзликни билишга бўлган қизиқлик яққол намоён бўлмоқда.

«Ҳар қандай воқеа ёки шахсга муносабат билдирилганда, - деб таъкидлайди Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов, - бу фақат битта шахснинг ёки маълум тойфадаги одамларнинг нуқтаи назари бўлиши мумкин». Чуқур таҳлилга, мантиққа асосланмаган бир томонлама фикр одамларни қалғитади.

Қорақалпоғистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, босқинчилар ва миллий озодлик учун курашчиларнинг ҳарбий қарама-қаршилиги, ер-сув ислохотини ўтказиш экспериментлари, коллективлаштириш, санаотлаштириш, маданий инқилоб, давлат-миллий чегаралаш, қатағон, иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги қайта тиклаш тарихи нафақат ижодий илмий жамият учун, балки жамиятнинг оддий аъзолари учун ҳам ҳанузгача қизиқиш уйғотмайди.

1917 йилдаги жамият ҳаётидаги туб ўзгаришларнинг гувоҳи бўлган боболаримиз ва оталаримизнинг хотиралари - ўша кунлар ҳақида оташин, жонли ҳикоядир. Ушбу эпистоляр ёдгорликлар 30-йилларнинг бошларида Ўрта Осиё энциклобий ҳаракатлар тарихи ИТИ энтузиастлари томонидан қайд этилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати архивида сақланган (П-60 фонди – эски большевиклар жамияти). Тарихчи А.П.Тетюшев ва ёзувчи Б.Чепруновнинг сазой-ҳаракатлари билан «Қорақалпоғистондаги фуқаролик уруши тарихи бўйича материаллар ва ҳужжатлар» икки жилдда тўпланди.

Хотираларни тўплашнинг дастлабки энтузиастларининг тарихни максимал даражада тўлик, барча ранг-баранглигида акс эттиришга бўлган интилиши ушбу ишда муқаррар равишда ортиқча уюшқоқликка ва схематизмга олиб келди. Мафкура ва сиёсат мемуаристикага катта таъсир ўтказди. Бу, биринчи навбатда, устувор мавзуларни белгилашда ифодаланди. Хотиралар ҳукмрон партиянинг Қорақалпоғистондаги ва Хоразмдаги вакиллари - В.Крошилов, И.Косьяненко, Д.Головяшкин, Н.Шайдаков ва бошқаларнинг ишлари тўғрисида оташин, жонли ҳикоя бўлиши керак эди. Октябрь, партия арбоблари ҳақидаги хотиралар жанговар сиёсий адабиёт сирасига кирар эди. Ушбу қоида мемуаристларни аксил тарихийлик йўлига итарди, уларни ўз нуктаи назарига, ҳаттоки чекланган бўлса ҳам, эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этди.

Большевиклик тузим «сўз ва иш» билан бугунни ва келажакни ташкил қила ўтириб, муқаррар равишда ҳали илик ва субъектив инсоний хотирада сақланиб қолган бетартиб ўтмишни «тарихнинг объектив ёдуси»нинг совуқ нурлари билан ёритиб, «тартибга солиш»га ҳаракат қилди.

Хўш, хотиралар Амударё бўлимининг 1917 йил декабридаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ҳақиқатни тиклаш учун нима беради?

Совет ҳокимияти ўрнатилишини бошлаб берувчилар сифатида иш тутиши мумкин бўлган сиёсий кучларнинг нисбати қандай эди? Петро-Александровск қандай шаҳар эди?

Урал қазаки, «инкилобий воқеалар» иштирокчиси Г.Л. Капустиннинг хотирасида Европа услубидаги Петро-Александровск шаҳри қуйидагича қолди: «Шаҳар тоза, бир қаватли бинолар билан, яхши ободонлаштирилган. Шаҳарда кичик ҳарбий гарнизон бор эди, пахта тозалаш қорхоналари ишчилари ва хизматчилари, ҳукумат амалдорлари, хунармандлар ва ишбилармонлар яшар эдилар ... Шаҳарда Амударё бўлимидаги 75 кишилик ягона эркак коллежи ва 30 ўринга мўлжалланган аёллар мактаби, 10 ўринли фуқаролик касалхонаси ва ҳарбий лазарет бор эди... Петро-Александровскда саноат ривожланмаган эди. Пахта тозалаш заводи ва кичик пиво заводи, лимонад заводи. Булар ҳаммаси. Бу амалдорлар, полициячилар, савдогарлар, кичик мулк эгалари - хунарманд устaxonалари ва дўконларнинг шаҳри эди».

Амударё бўлимидаги аҳоли, Г.Л.Капустиннинг маълумотларига кўра, 192 мингдан ортиқ киши: қорақалпоқлар, ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, форслар авлодлари, оссурияликлар, белуджлар, афгонлар, озарбайжонлар. Сургун қилинган Урал казаклари ўзларининг урал шаҳарчасини Петро-Александровскдан 16 верст масофада қурдилар. Улар Нуқусда ва Мўйноқ оролида, Оқ-Дарё каналида яшашган. Уларнинг кичик аҳоли пунктлари Амударё соҳиллари, унинг каналлари ва ороллари бўйлаб Нуқусдан пастроқда жойлашган.

Г.Л.Капустин томонидан урал казакларининг хунармандчилигини, диний эътиқодини, ўзаро муносабатларини тасвирлаб бериши уларнинг 1917-1920 йиллардаги Амударёнинг қуйи оқимидаги ҳарбий қарама-қаршиликда иштирок этишларини тушуниш учун муҳим аҳамиятга моликдир.

1953 йилда рус тарихшунослигида А.Тетюшевнинг енгил қўли билан Петро-Александровскда Совет ҳокимиятини ўрнатилиши версияси пайдо бўлди: «1917 йил 11 декабрда большевиклар бошчилигидаги ишчилар, энг камбағал деҳқонлар Петро-Александр

Думасининг Ижроня кўмитасини ағдарилди ва ушбу лаҳзадан ҳокимият тўлалигича ўша пайтда бутун Амударё бўлимида Совет ҳокимиятининг бошқарувчи маркази бўлган ишчилар, деҳқонлар ва аскарлар депутатлари Петро-Александровск кенгаши қўлига ўтди».

Бир неча йил ўтгач, большевистик инқилобнинг қирқ йиллик юбилейида ушбу афсона Я.М.Досумов томонидан янада ривожлантирилди: «Бир гуруҳ большевиклар раҳбарлигида ишчилар, инқилобчи солдатлар, матрослар ва Петро-Александровск шаҳридаги шаҳар камбағаллари казак сотняларини (юзликларини) зарарсизлантириб, аксил инқилобий элементларни қуролсизлантириб, 1917 йил 11-12 декабрда улар буржуа Муваққат ҳукумати вакилларига қарши қурол билан ҳужум қилиши ва Советларнинг давлат ҳокимияти шаклида пролетариат диктатурасини ўрнатдилар».

Бир йил ўтгач, бу афсонанинг «тафсилотлари» пайдо бўлди: «Совет ҳокимияти Шўраҳон, Сарибий, Шаббоз, Бий-Бозорда, Мўйнок ярим оролида ҳам ўрнатилди».

Орадан 10 йил ўтгач, ушбу тарихий воқеалар қуйидагича тўлдирилди: «Большевиклар бошчилигида солдатлар, ишчилар ва батрақлар 1918 йил 1 январга қадар Чимбой ва Нукусда Советлар ҳокимиятини ўрнатди. Шундай қилиб, 1918 йил бошига келиб, Қорақалпоғистонда социалистик инқилоб ғалаба қозонди (Тамди тумани ва Амударёнинг чап соҳилидан ташқари)».

Кейин афсоналар китоблардан китобларга, битта умумий ҳикоядан бошқасига, ҳозирги кунгача кўчиб ўтди. Шундай қилиб, Я.М.Досумов версиясига кўра Амударё филиалида «Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши» йилномаси:

1917 йил 11 декабрда Амударё бўлимининг ишчилар, солдатлар ва мусулмон депутатлар кенгаши Туркистон ўлкаси халқ комиссарлари кенгашининг 10 декабрдаги «Маҳаллий кенгашларни ташкил этиш тўғрисидаги низом»ни қабул қилдилар.

Шу куннинг ўзида Петро-Александровскнинг большевиклари (В.Крошилов, Н.Сладков, И.Косяненко, Д.Головяшкин, И.Савинов, У.Тынымбаев, Х.Алиев, Шарипов, И.К.Полоник, И.И.Босий, И.И.Бринкман, И.Т.Киселев, М.Задорожний ва бошқалар) бошчилигида казармаларда, қорхоналарда ва муассасаларда «Буржуа Муваққат ҳукумати йўқ бўлсин!», «Яшасин ишчилар ва деҳқонларнинг дохийси В.И.Ленин!», «Яшасин Советлар ҳокимияти!», «Яшасин большевиклар партияси!» шиори остида оммавий намойишлар ўтказилган эди.

12 декабр куни соат 12.00 да инқилобий солдатлар, матрослар, ишчилар ва шаҳар фақирларининг намойишлари режалаштирилган эди.

Ўша куни большевиклар бошчилигида Петро-Александровск инқилобий кучлари казакларни сотняларини зарарсизлантириб, аксил инқилобий унсурларни қуролсизлантириб, қон тўкмасдан шаҳарда Совет ҳокимиятини ўрнатдилар.

«Совет ҳокимиятини 1917 йил 11-12 декабрда ўрнатилиши» версиясини илгари сурган тарихчилар Н.И.Востриков, А.Т.Пискунов, Н.Мауленов, Ж.Аташев, А.И.Понятовнинг хотираларига мурожаат қилади.

Н.И.Востриков 1957 йилда хотиралар тўпламига қуйидагича ёзган: «Амударё бўлими аҳолиси инқилобий солдатлар ва уларнинг раҳбарлари - большевиклар Н.Сладков, В.Крошилов ва бошқалар иштирок этган митингларда Буюк Октябрь социалистик инқилобини олқишлар билан кутиб олишди: «Яшасин ишчилар ва деҳқонларнинг дохийси Владимир Ильич Ленин!», «Яшасин Советлар ҳокимияти, ишчилар ва деҳқонлар ҳокимияти!», «Яшасин большевиклар!», «Капиталистлар ҳукумати йўқолсин!».

Гап, шундай қилиб, инқилобни «қутлаш» тўғрисида бормоқда. Н.И.Востриков «гарнизон кўшинлари демобилизация қилинганини, уларнинг уйларига тарқалишганини» таъкидлайди. Фақат солдатларнинг ва собиқ зобитлардан бўлган командирлар таркибининг кичик қисми 1918 йил баҳоригача қолди».

Кўшинлар Петро-Александровск ва Амударё бўлимларини, шунингдек 738-чи дру-

жина қисмларининг Хива хонлигини тарк этгандан сўнг Амударёнинг қуйи оқимида, Нукус, Чимбой, Кўнгирот туманларида Жўнайд хоннинг отли аскарлари аҳолини талон-тарож қила бошлади. «1917 йил декабр ойида тузилган Петро-Александровск кенгашида ва давлат муассасаларида ҳамон Керенскийнинг муваққат ҳукумати таркибидаги амалдорлар қолди».

Янги Ургенч шаҳридаги европалик аҳолининг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш отряди кўнгилиси Анатолий Титович Пискуновнинг хотираларига мурожаат қилайлик: «маълум бўлдики, Петро-Александровск гарнизонининг солдатлари маҳаллий ишчилар, камбағал деҳқонлар, майда хизматчилар томонидан қўллаб-қувватланиб, Муваққат ҳукумат тарафдорлари ҳокимиятини ағдариб ташлаб, ўзларининг, Совет ҳокимиятини эълон қилдилар. Очиги, мен ҳам, танишларимнинг аксарияти ҳам Совет ҳокимияти нима эканлигини аниқ билишмаганмиз».

Александр Иванович Понятов С.Б.Синебрюков, А.Ф.Телегин, И.В.Гадецкий, Н.М.Сладковлар билан бирга 1917 йил 15 сентябрда Амударё бўлими ҳарбий бошлиғи штаби тасарруфиги юборилган эди.

У қуйидагиларни таъкидлайди: «1917 йил октябрь ва ноябрьда большевистик гуруҳлар раҳбарлигида Петро-Александровск гарнизони солдат депутатлари Кенгашига қайта сайловлар ўтказилди, уларнинг натижасида Кенгашга асосан инқилобий солдат ва зобитлар келди. 1917 йил ноябрьда солдат ва ишчилар депутатлари Кенгашининг, шаҳарнинг ўз-ўзини бошқаришининг, ижтимоий кўмитанинг, профсоюзларнинг ва Петро-Александровск комиссиариатининг бирлашган мажлиси бир оғиздан қарор қабул қилди: кўнгилилар дружинасини тузиш, бунинг учун беш кишидан иборат алоҳида комиссия тузиш. Бизнинг (солдатлар кўзда тўтилмоқда – Т.П.) қўллаб-қувватлашимиз билан большевиклар 1917 йил 11 декабрда казармаларда, корхоналарда оммавий йиғилишлар, митинглар ўтказиб, «Яшасин Советлар ҳокимияти!», «Яшасин большевиклар партияси!» каби инқилобий шиорларни илгари сурди. Шундай қилиб, 1917 йил 11 декабрда отряд барча қурол-аслаҳаларни ўз қўлларига олди ва 12 декабрда ҳокимият бутун Амударё бўлимида Совет ҳокимиятининг раҳбарий маркази бўлган Петро-Александровскда ҳокимият ишчилар кенгаши, деҳқонлар ва солдатлар депутатлари қўлига ўтди».

Ўша А.И.Понятов Я.М.Досумовга қуйидагиларни айтган: «Тўртқўлда Синебрюков, Гадецкий ва Сладков қўмондонлиги остида 80 кишилик мудофаа отряди ташкил қилинди ва 1917 йил худди шу гуруҳ Тўртқўлда жойлашган Керенскийнинг ҳукумат қўшинларини қуролсизлантирди. ва барча қурол-аслаҳа ва жиҳозларни ўз назоратига олган».

Жума Аташев 1918 йил бошида Петро-Александровскнинг қизил гвардияси таркибига кўнгили равишда ёзилган. Унинг таъкидлашича, Кенгашнинг аксариятини меньшевиклар ва чап эсерлар - Берсудский (Кенгаш раиси), Памшев, Колосов, Щапов ва бошқалар ташкил этган.

Нурназар Мауленов ҳам «Петро-Александровскда 1917 йил декабр ойида Кенгаш ва давлат муассасалари ташкил этилди. Аммо улар таркибига Керенский даврида бўлган барча амалдорлар киритилган. Улар шаҳарни Жунайдхон ва бошқа феодалларнинг қўллаб сонли отликларидан ҳимоя қилиш учун деярли ҳеч нарса қилмадилар».

1917 йил декабр ойида Хивадан Тошкентга Назир Шаликаров билан бирга қочган Палванияз Юсуповнинг хотиралари қатта аҳамиятга молик. 9-декабрь куни П. Юсупов ва Н. Шаликаров Бийбазарга ташриф буюришди. У ердан, Қизилқум орқали, 17 декабр куни Тошкентга поездга миниш учун Тошкент-Оренбург темир йўлининг Қозонли станциясига етиб борди. Саёҳатчилар Амударё бўлимининг темир йўлининг ҳаётида кескин ўзгаришларни сезмадилар, аҳоли ўз ҳаёти билан яшарди.

Амударё бўлимида Совет ҳокимиятининг ўрнатилишига бағишланган мемуарлар

мажмуасини бндан кейин тахлил қилишнинг ҳожати йўқ. Ушбу муаммо бўйича мемуаристика мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши каби ижтимоий буюртма ва конъюнктуранинг кучли таъсири остида бўлди.

Мемуарларга бўлган қизиқишнинг энг юқори чўққиси юбилей йилларига - октябрь инқилобнинг ва Лениннинг юбилейларига тўғри келди. Қайд этиш керакки, мемуарлар кейинчалик ёзилган, яъни хотираларнинг яратилиши акс эттирилган воқеалардан вақт нуктаи назаридан узоқ бўлган, шунинг учун улар ижтимоий-сиёсий вазият талабларига қараб кўпроқ тузатишларга учраган.

Қолаверса, нашр жараёнида хотиралар деярли уч мартаба текширувдан ўтган. Биринчи цензура элаги- исталмаган шахсларнинг эслаш ёки Амударё бўлимидаги 1917 йил декабрь воқеаларининг «нотўғри», яъни расмий концепцияга зид бўлган талқини нафақат мемуарларнинг пайдо бўлиши эҳтимолини шубха остига қўйиши, балки жиддийроқ оқибатларга олиб келдимумкин эканлигини яхши тушунган мемуаристнинг ўзининг (айтайлик, Н.Востриков, А.Пискунов, А.Понятов ва бошқалар) цензураси. Иккинчи тўсиқ - бу тахририят бўлиб, ундагилар хотираларни кимга буюртма қилиш мумкинлигини ва кимга бермасликни жуда яхши билишарди. Ва, ниҳоят, хотираларни яқуний тозалаш тўғридан-тўғри нашрга тайёрлашда амалга оширилди.

Амударё бўлимидаги 1917 йилнинг охиридаги тарихий воқеаларнинг у ёки бу даражадаги реалистик тасвири Қорақалпоғистоннинг замонавий тарихшунослигида яратилди. Б.А.Қощановнинг фикрича, болшевиклар ва чап эсер коалицияси томонидан тузилган Туркистон ўлкаси халқ комиссарлари кенгаши (1917 йил 15-22 ноябрь) аслида «Марказий Совет ҳокимиятининг агентлари» сифатида фаолият юритиб, минтақада ёт тузилма бўлиб қолди. Шунинг учун Советларнинг учинчи съездининг «Жойларда совет ҳокимиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги резолюциясини Амударё бўлими маъмурияти фақат 1917 йил 10 декабрда олди.

А.У.Жогагелдиевнинг таъкидлашича, «Петро-Александровск шаҳридаги ҳокимиятни солдат ва ишчилар депутатлари Кенгаши фақат 1918 йил кузида тўлиқ ўз қўлларига олди». Унғача шаҳарда солдат депутатлари Кенгаши ва Петро-Александровск шаҳар думаси тинчгина қатор мавжуд бўлган ва ўз мажбуриятларини бажарган. Шаҳарда иккала ҳокимият ўша пайтда кескинлашган озиқ-овқат кризисини енгиш, ишсизликни бартараф қилиш, Жунаид-хоннинг қўп сонли, яхши қуролланган отрядларидан шаҳарни ҳимоя қилиш учун кўп ҳаракатлар қилди».

«Қорақалпоғистон миллий зиёлилари, мусулмон руҳонийлари ва савдогарлар Россия маркази ва Туркистонда содир бўлаётган воқеалар ҳақида хабардор эдилар», - деб кўрсатади М.С.Сейтназаров, - ва Шарқ кишиларига хос бўлган хотиржамлик билан жўшқин сиёсий эхтирослар кечишини кузатдилар».

Н.Востриков, А.Пискунов, Ж.Аташев, Н.Мауленовнинг эсдаликларини, К.Адинаев, А.Христофоров, А.Досназаров, М.Балжанов, Н.Шайдаковнинг баёнот ёзувларини таҳлил қилиш асосида муаллиф шундай хулосага келади: «1917 йил охири - 1918 йилнинг биринчи ярмида Амударё бўлимининг сиёсий ҳолати тўрт ҳокимиятга эғалик билан тавсифланади: Амударё бўлими комиссариати, Жамият хавфсизлиги қўмитаси, Солдат-деҳқонлар депутатлари кенгаши ва шаҳар думаси».

«Ўзбекистоннинг янги тарихи»да Б.А.Қощанов замонавий тарихшуносликнинг «Амударё бўлимида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши» хусусидаги охириги ютуқларини қўйидагича умумлаштиради: «Россиядаги Октябрь тўнтариши Қорақалпоғистонда экси-ессларсиз қабул қилинди, чунки ҳокимият бошида собиқ колонизаторлар ва чоризм амалдорлари ўтирган эди. Петро-Александровск шаҳар думаси болшевиклар ҳаракатини қўллаб-қувватламади. Шунга қарамадан, Муваққат ҳукуматнинг ушбу органи 1918 йилнинг охиригача мавжуд бўлди. 1917 йилнинг 31 октябрдан 1918 йилнинг октябригача Амударё бўлими комиссари вазифасини гидротехник В.Н.Памшев бажариб келди.

Ушбу даврда ҳокимият структурасида кескин ўзгаришлар рўй бермади: Амударё бўлими комиссари, Чимбой ва Шўрохон уездлари комиссарлари, Петро-Александровск шаҳар думаси, Жамият хавфсизлиги комитети ўз вазифаларини бажаришни давом эттирди. Совдеп шаҳардан ташқарида ҳокимият тузулмаларини ташкил эта олмади. Овул ва қишлоқ аҳолиси ҳеч қандай ёрдам олмаганларидан сўнг ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядларини ташкил қилди ва уларнинг бошларида обрўли уруғ бошлиқлари Убайдулла Бауатдинов, Бала бий ва бошқалар турди. Халқ узларининг уруғ бошлиқлари атрофида бирлашди. Вазият 1918 йилнинг иккинчи ярмида тиш-тирноғигача қуролланган қизилгвардия бўлинуларида кириб келиши билан ўзгарди».

Шундай қилиб, замонавий тарихшунослик, мемуарларга асосланган «1917 йил 11-12 декабрда Амударё бўлимида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши» тезисини рад этди.

Ҳақиқатан ҳам, мемуарларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, болшевиклар ҳокимиятини ўрнатиш тўғрисида афсонаси 50-йилларда ва мафкуравий тузилмаларнинг алоҳида буюртмаси асосида пайдо бўлган. Адолат билан таъкидлаш керакики, афсонанинг бундай узок мавжуд бўлишида айбларнинг салмоқли қисми эсдаликлардаги номувофикликни таҳлил қилмаган манбашунос мутахассисларининг ўзларига тўғри келади.

Аслида, 1917 йил 10 декабрда Петро-Александровск Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Кенгашидан жойларда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши тўғрисида телеграмма олди. Петро-Александровский Совдепи Муваққат ҳукуматнинг маҳаллий кучсиз маъмуриятдан осонликча воз кечди. Унинг ўрнини эгаллаш, собик Россия империясининг улкан ҳудудида ҳукм сурган тартибсизликларни самарали бошқариш, болшевикларни ўзларининг кутқарувчиси ва озод қилувчиси сифатида кўрган ишчилар ва деҳқонларнинг интилишларига жавоб берадиган янги ижтимоий тизимни барпо этиш анча катта ва мураккаб вазифа эди. Н.Шербаковнинг сўзларига кўра, Петро-Александровск Совдепининг ҳокимияти шаҳар чизигидан бир километрга чўзилмаган.

Петро-Александровск шаҳар думаси болшевикларнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватламади.

1918 йил 28 мартда шаҳар думаси куйидаги характердаги қарор қабул қилади: сайловларни ўтказиш учун Таъсис қурултойга сайловлар ўтказиш учун тузулган сайловчилар рўйхатидан фойдаланилиш зарур; сайловларни ўтказиш учун сайлов комиссияси тузилади, унинг таркибига Шаҳар управаси тўлик таркибда ва 3 ошқора Дума киради.

Ушбу қарор Петро-Александровскда учлик ҳокимиятнинг бўлганлигидан гувоҳлик беради. Петро-Александровск шаҳар думаси фақатгина 1918 йил 13 октябрда тарқатиб юборилди.

Болшевиклар қиёфасидаги янги ҳокимият маҳаллий аҳоли манфаатларини эътиборга олмади ва улар билан ҳисоблашмади, шунинг учун болшевиклар ҳокимияти ерлик аҳоли орасида обрўга эга эмас эди. Шундан келиб чиқиб, болшевикларнинг асосий вазифаси ҳар қандай баҳо эвазига ҳокимиятни қўлда ушлаб туриш бўлди.

Овул ва қишлоқ аҳолиси ҳеч қандай ёрдам олмаганликларидан сўнг ўзларининг ўз-ўзини ҳимоялаш отрядларини ташкил қилди. Халқ ўзларининг уруғ бошлиқлари атрофида бирлашиб бошлади. Смағул Жумағалиевнинг хотираларига кўра, Амударё бўлимининг Чимбой участкасида маҳаллий ҳокимият 1917 йил октябрь – 1918 йил сентябрь оралиғида халқнинг ўз-ўзини ҳимоялашнинг куйидаги отрядлари қўлларида бўлди: атаман Михаил Фильчевнинг раҳбарлигидаги Петро-Александровск, Нукус, Заирнинг урал казаклари; Нукус волости ҳудудида волость бошқарувчиси Иният Ниязовнинг йигитлари; Чимбой волостида волость раҳбари Ибрагим Адиллов йигитлари; Чимбой шаҳрида савдогар Халмурат Курбановнинг йигитлари; Қўнғиротда Балабий (Кутльмурат бий Таджимуратов) йигитлари; Кегейли волости ҳудудида волость раҳбари Сейтна-

зар Ерназаров (Ерназар оталик ўғли) йигитлари; Ишан қалъада азалий руҳоний Хан Максум (Убайдулла Бауеддинов) йигитлари.

Шундай қилиб, 1917 йилнинг 31 октябридан 1918 йилнинг октябригача Амударё бўлими комиссари вазифасини В.Н.Памшев бажариб келди. Ушбу даврда ҳокимият структурасида кескин ўзгаришлар рўй бермади: Амударё бўлими комиссари, Чимбой ва Шўроҳон уездлари комиссарлари, Петро-Алесандровск шаҳар думаси, Жамият хавфсизлиги комитети ўз вазифаларини бажаришни давом эттирди. Совдеп шаҳардан ташқарида ҳокимият тузулмаларини ташкил эта олмади.

Туркистон жадидлари, ёш хиваликлар ва ёш бухороликларнинг Амударё бўлимидаги сиёсий ҳаётга таъсири тўғрисида аниқ айтиш қийин, чунки бизнинг тасарруфимизда Палваниёз Юсуповнинг мемуарларидан ташқари архив материаллари мавжуд эмас. Шунга қарамасдан, айтиш мумкинки, ушбу янги услубий ҳаракатининг Амударё бўлимидаги вакиллари ёш хиваликлар Суфизада, С.Мажитов, Ю.Ахмедов, Заки Шакиров ва бошқалар бўлган

Амударё бўлимининг сиёсий ҳаёти ижтимоий билан чамбарчас боғлиқ эди. 1917 йил охиридаги қурғоқчилик натижасида бўлган очарчиликка қарши курашиш учун жамоат ташкилотлари ва номдор кишилар Петро-Александровск, Шўроҳон, Нукус, Чимбойда бепул овқатланиш пунктларини очдилар. Петро-Александровск Совдепи, шаҳар Думаси, комиссариатлар бева ва кам таъминланганларнинг оилаларига ун, гуруч ва бошқа маҳсулотларни тарқатдилар. Шу сабабли маҳаллий аҳоли 1917 йилни «Шулен Қозон йили» деб аташди. Қалли Аимбетовнинг хотираларига кўра, Чимбой участкасининг йирик савдогарлари Холмурат Бой ва Асқар Бой ўз маблағлари эвазига Оренбургта қарвон юбориб, ун сотиб олишган ва очлар учун бўтқа тайёрлаганлар.

*Асқар байлар алып келди қапишққты,
Хэр ким тапқан малын сатып жеп шыққты,
Жармасынан ылай суўлар көп шыққты,
Шықпас жанга себен болган Асқар бай.*

(Асқар бай ок копларда ун олиб келди, ҳар ким мулкени сотиб еди, бўтқага кўп дарё суви кўйилди, Асқар бай бизнинг ҳаётимизни сақлаб қолди - сўзма-сўз таржима – Т.П.)

Петро-Александровск Совдепи нон монополиясини ўрнатди ва ҳар бир кишига нонни истеъмол меъёрини йилига 10 фунт деб белгилади. Нонни сотишда деҳқонлар очликка ўчраган аҳоли фойдасига ўтказмалар қилишлари керак эди. Совдепнинг Озиқ-овқат бўлими бозорларда дон ишлаб чиқарувчилар нон маҳсулотларини фақат камбағал одамлар фойдасига мажбурий ўтказмалар қилганлиги тўғрисида қвитанцияни тақдим қилгандан кейингина сотиши мумкинлигини белгиладилар - десятинадан 10-14 фунтдан.

Бошқа томондан, бу йил Амударёнинг чап қирғоғидан ўнг қирғоқдаги барча аҳоли пунктларига қилинган қароқчилар ҳужумларига тўлабўлди.

Хотиралар XX аср тарихига оид жуда муҳим тарихий манбадир. Яқин ўтмишимизни ўзининг аниқлигида акс эттирган ҳолда, мемуарларда Совет жамиятидаги кундалик ҳаёт психологиясини ўрганиш учун жуда кўп материаллар мавжуд. Хотиралар туфайли 1917-1991 йиллардаги воқеалар, атмосфера ва ранлар ва инсон хулқ-атворининг мантқиғига аниқлик киритилиши мумкин бўлган тарихий асос қайта тикланиши мумкин. Хотираларда эслатиб ўтилган тарихда муҳим рол ўйнаган шахсларнинг адабий портретлари катта аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Досумов Я.М. Очерки истории Кара-Калпакской АССР.- Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1960.- С.100.

2. Востриков Н. Военно-революционные события в Аму-Дарьинском отделе и Хорезме // Октябрьская социалистическая революция и гражданская война в Туркестане. Воспоминания участников/ Гл.ред. М.Ю.Юлдашев.- Ташкент: Госиздат УзССР, 1957.- С.483.
3. Пискунов А.Т. Годы огневые. Воспоминания. Нукус: Каракалпакия, 1970.- С.30-31.
4. Тетюшев А. Великая Октябрьская революция в Каракалпакии // Советская Каракалпакия, 1953, 6 ноября
5. Досумов Я.М. Қарақалпақстанда Совет властынын орнатылыуы.-Нөкис: ККМБ, 1957.- С.28.
6. Базарбаев Р.Дж. История кадровой политики советской власти в Каракалпакистане (1917-1941 гг.). - Нукус: Билим, 2012. С.16.
7. Карлыбаев М. Медресе в Каракалпакии XIX - начала XX веков. - Нукус, 2002. - С. 66-68.
8. Аимбетов К. Өткен күнлерден елеслер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2008. – С.34.
9. Кошанов Б.А. Қорақалпоғистон шиддатли ўзгаришлар даврида (1917-1924 йиллар) // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.— Тошкент: Шарқ, 2000.- С.302-303.
10. Аташев Ж.Хорезм ойпатында Совет власты ушын гурес дзуирлери. Еске тусириулер.- Нөкис: Карақалпақстан. 1970.- С.7.
11. Кожажелдиев А.У. История города Турткуля: 1873-1941 гг...С.16.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада 1917 йилларда Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган сиёсий ҳаракатлар тўғрисида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются политические движения, имевшие место в Каракалпакистане в 1917 году.

SUMMARY

This article examines the political movements that took place in Karakalpakstan in 1917.

SHARQ ALLOMALARI MA'NAVIY MEROSIDA BOSHQARUV MUAMMOSI VA UNING O'ZIGA XOSLIGI

Bekmuradova D.P.

Qashqadaryo VXTXQTMOHM pedagogika - psixologiya va ta'lim menejmenti kafedراسi o'qituvchisi

Таянч сўзлар: маънавий мерос, бошқарув муаммоси, Шарқ алломалари, узлуксиз таълим, раҳбарлик, эҳтиёж.

Ключевые слова: духовное наследие, проблема менеджмента, ученые Востока, непрерывное образование, руководство, потребность.

Key words: spiritual heritage, management problem, Eastern scholars, lifelong education, leadership, need.

Azaldan inson jamoaviy hayot kechirgan va boshqaruv ta'siri natijasida uning ijtimoiy faoliyatida ham boshqaruvga talabi tobora kuchaygan, rahbarlikka intilish rivojlangan borgan. Boshqaruvga talab insoniyatning ijtimoiy faoliyati bilan birga paydo bo'lgan. Qayerda ikki inson umumiy maqsad sari faoliyat boshlar ekan, bu yerda birgalikdagi harakatlarni muvofiqlashtirishga ehtiyoj tug'ildi. Bu sharoitda bir inson rahbar, boshqaruv faoliyatini olib boradi, ikkinchisi esa faoliyatni bajaruvchisiga aylanadi. "Bugungi kunning eng muhim vazifasi - deb ta'kidlaydilar Muhtaram yurtboshimiz Sh. Mirziyoyev, - xayotimizning barcha sohalarida, ayniqsa, boshqaruvda, respublika miqyosida, viloyat, shahar, tuman, qishloq va mahallalarni boshqarishda, tarmoq bo'g'inlarini idora etishda yangicha fikrlaydigan,

qiyin damlarda ma'suliyatni o'z zimmasiga ola biladigan, to'g'ri qarorlar qabul qiladigan, hayot bilan hamqadam yurishga qodir, iymoni pok, bilimdon, ishbilarmon odamlarni topish, ularga ishonch bildirishdan iboratdir". Uzluksiz ta'lim tizimining samarali faoliyat ko'rsatishi, eng avvalo, yuksak malakali rahbar kadrlar faoliyati bilan belgilanadi. Shu boisdan pedagogik jamoani boshqarish, ta'limning yuqori ko'rsatkichlariga erishib borishda ta'lim muassasalari raxbarlaridan "boshqaruv", "menejer" malakalariga ega bo'lib borishni talab qiladi. Boshqaruv faoliyatida rahbar va xodimlarning ishlash ishtiyogini, boshqaruv malakasini oshirish, rahbar, xodimlar boshqaruv malakasini shakllantirishga qaratilgan ishchanlikni oshirishga, diqqat-e'tiborli bo'lishga, xodimlarni jipslashtirishga qaratilgan ilmiy tadqiqot ishlari pedagogika sohasida qo'llanilib kelinmoqda. Bu borada sharq allomalarining jamoani boshqarish haqidagi ma'naviy o'g'itlari ham beqiyos manba sifatida e'tirof etiladi. Jumladan, Abu Nasr Farobiyning "Fozil odamlar shahri" asarida davlat boshqaruvidagi kishilarning bir qator sifatleri bo'lishi lozimligi ta'kidlaniladi. Jumladan:

Bunday shaharga hokim bo'ladigan odam (Allohdan boshqa) hech kimga bo'ysunmasligi kerak. Fozillar shahrining birinchi boshlig'i shu shahar aholisiga imomlik qiluvchi oqil kishi bo'lib, u tabiatan o'n ikkita xislat-fazilatni o'zida birlashtirgan bo'lishi zarur. Fozillar shahri hokimi avvalo to'rt muchasi sog'-solim bo'lib, o'ziga yuklangan vazifalarni bajarishda biror a'zodagi nuqson halal bermasligi lozim, aksincha, u sog'-salofnatligi tufayli bu vazifalarni oson bajarishi lozim.

(Ikkinchidan), bunday shahar hokimi tabiatan nozik farostli bo'lib, suhbatdoshining so'zlarini, fikrlarini tez tushunib, tez ilg'ab olishi, shu sohada umumiy ahvol qandayligini ravshan tasavvur qila olishi zarur;

(Uchinchidan), u anglagan, ko'rgan, eshitgan, idrok etgan narsalarni xotirasida to'lato'kis saqlab qolishi, barcha tafsilotlarini unutmasligi zarur.

(To'rtinchidan), u zehni o'tkir, zukko bo'lib, har qanday narsaning bilinar-bilinmas alomatlarini va u alomatlari nimani anglatishini tez bilib, sezib olishi zarur. (Beshinchidan), u fikrini ravshan tushuntira olish maqsadida, chiroyli so'zlar bilan ifodalay olishi zarur.

(Oltinchidan), u (ustozlardan) ta'lim olishga, bilim ma'rifatga havasli bo'lishi, o'qish, o'rganish jarayonida sira charchamaydigan, buning mashaqqatidan qochmaydigan bo'lishi zarur.

(Yettinchidan), taom yeyishda, ichimlikda, ayollarga yaqinlik qilishda ochofat bo'lmisligi, aksincha, o'zini tiya oladigan bo'lishi, (qimor yoki boshqa) o'yinlardan zavq, huzur olishdan uzoq bo'lishi zarur.

(Sakkizinchidan), u haq va haqiqatni, odil va haqgo'y odamlarni sevadigan, yolg'onni va yolg'onchilarni yomon ko'radigan bo'lishi zarur.

(To'qqizinchidan), u o'z qadrini biluvchi va nomus-oriyatli odam bo'lishi, pastkashliklardan yuqori turuvchi, tug'ma oliyhimmat bo'lishi, ulug', oliy ishlarga intilishi zarur.

(O'ninchidan), bu dunyo mollariga, dinor va dirhamlarga qiziqmaydigan (mol-dunyo ketidan quvmaydigan) bo'lishi zarur.

(O'n birinchidan) tabiatan adolatparvar bo'lib, odil odamlarni sevadigan. istibdod va jabr-zulmni, mustabid va zolimlarni yomon ko'ruvchi, o'z odamlariga ham, begonalarga ham haqiqat qiluvchi, barchari adolatga chaqiruvchi, nohaq jabrlanganlarga madad beruvchi, barchaga yaxshilikni va o'zi suygan go'zalliklarni ravo ko'ruvchi bo'lishi zarur. o'zi haq ish oldida o'jarlik qilmay, odil ish tutgani holda har qanday haqsizlik va razolatlarga murosasiz bo'lishi zarur.

(O'n ikkinchidan), o'zi zarur deb hisoblagan chora-tadbirlarni amalga oshirishda qafiyatli, sabotli, jufatli, jasur bo'lishi, qo'rqqoqlik va hadiksirashlarga yo'l qo'ymasligi zarur. Alloma bu kabi fikrlarida boshqaruvda shaxsning psixologik, pedagogik va fiziologik jihatdan yetuk va kamolga erishgan bo'lishini ta'kidlab o'tadi. [2; B.48].

Uygonish davri allomalaridan biri Abu Ali ibn Tusi - Nizomul-mulk bo'lib, u uzoq yillar saljuqiyl shohlar Alparson (1062-1072) va uning o'g'li Maliksho (1072-1092) saroyida vazirlik lavozimida xizmat kildi. U Uz davrining goyati bilimdon, chuqur mulohazali, zukko, oliy davlat lavozimiga mos, uz xalqi va shoxiga sidqidildan xizmat qilgan vazir sifatida tanildi va tarixda buyuk shaxs sifatida qoldi. Uning tashkilotchiligi va aqliy salohiyati shu qadar keng bo'lganki, davlatdagi barcha asosiy ishlarni bir o'zi boshqargan, katta obro-u'tibor qozongan. Uning "Siyosatnoma" asari boshqaruv sohasida ishlayotgan shaxslarning faoliyatida qanday yo'l tutishi lozimligi haqida fikr bildirilgan. Jumladan, asarda: "Yuksak o'rinlarga musharraf bo'lganlar, amaldorlar xozirgi kunda ko'p mashaqqatlarga duch keladilar. Ochiqchasiga aytganda, mas'uliyatsizlik qilib agar ular biror bir hatoga yo'l qo'yarsalar ular sharmandalikka erishadilar va buni juda ko'p g'amxo'rlik va ne'matlar bilan ham qoplab bo'lmaydi. Shunday holatda, agar kimdir xato qilganda, avvaliga e'tibor bermaganday, uni chaqirib yotig'i bilan tushuntiriladi: "Siz shunday qilibsiz. Biz o'zimizni rahbarimizni kamsitmaymiz va undan voz kechmaymiz. Biz sizni kechiramiz. Lekin bundan keyin ehtiyotkor bo'ling, qayta hato qilmang, aks holda obro-etiboringizga putur yetadi. Bu o'zingizga bog'liq, bizdan o'pkalanmang". Bir hikmat bor. Ali (s.a.v.) hazratlaridan so'radilar: "Insonlarning eng fazilatlisi kim?"deb. U zot dedi: "G'azabda o'zini tuta oladigan, birovni ko'nglini og'ritadigan, keyin uyalib qoladigan hech qanday ish qilmasa, va kech bo'lmasdan g'azabni to'xtata oladigan kishi". Mukammal aql egasi bo'lgan kishi shunday bo'lishi kerak-ki, u g'azab otiga minganda o'zini jilovlay olishi kerak, uning aqli g'azabdan ustun bo'lishi kerak, aksi emas.

Amir Temur ham boshqaruvda adolat va qonuniylikka asoslandi. Bugun nafaqat O'zbekistonda, balki butun dunyoda Amir Temur va temuriylarga bo'lgan e'tiborning juda baland ekanining sababi ham ana shundadir. Zero, Amir Temur va "Temur tuzuklari"ni o'rganish hozirgi kunda juda muhimdir, chunki uning tuzuklari ko'pchilikni muomala madaniyatini o'rganishga, o'zini idora etishga o'rgatadigan manbalardan biri bo'lib xizmat qiladi. A. Temur anglab yetgan narsa shu bo'ldiki, hokimiyatni, davlatchilikni yangidan qaror toptirishda tamomila yangi g'oya va yangi kuch-qudratga tayanish lozim. Ana shunday asosiy muayyan ijtimoiy-siyosiy, huquqiy, tarixiy omillarni, kuchlar nisbatini nihoyatda sarhisob qilib ko'rgan Amir Temur o'z sulolasi, davlatini qurishning tadrijiy yo'lini tanladi va 1355-1370 yillar orasida buni o'z maqsadidan og'ishmay amalga oshirdi. Bog'dod mamlakati (Iroq) egallangan, "Sohibqiron idora qilmoq va tartibga solmoq ishlariga kirishib, ul joyning muhofizati va hukmdorlariga (sarbador yetakchilaridan) Xoja mas'ud Sabzavoriyni tayinladi. Haqiqatda ham u zot ko'rkam xulqli, solih va (raiyatga) o'ta xayrixoh erdi" [7, B.160]. Shu o'rinda Nizomiddin Shomiy yangi viloyat hokimlarining birinchi galdagi xizmat vazifalari va burchlarini aytib, bunday yozadi: "U (Mas'ud Sabzavoriy) omon qolg'on raiyatlarini o'z himoyasiga olib, tortg'on azob-uqubatlari jarohatini lutfu ehsan malhami ila davoladi, ul joyda miskinlarni o'z shafqat va e'tibori qanoti ostinda muhofazot qildi"[7, B.160]. boshqarish masalasida "Temur tuzuklarida": "Har bir yerning tabiati, har el va shaharning rasmi odatlari, mijozidin voqif bo'lib turdim. Har bir o'lka va shahar ulusining ulug'lari va buzruglari bila oshna tutindim. Alarning mijozlariga, tabiatiga to'g'ri kelg'on, o'zlarini tanlag'on odamlarini alarg'a hokim qilib tayinladim"[7, B.55].

Allomalarning boshqaruv sohasidagi fikrlari bugungi kunda ham o'z qimmatini yo'qotmagan bo'lib, rahbar xodimlarga o'z faoliyati davomida foydalanish, amal qilishlarida qo'llanma vazifasini o'taydi. Zero boshqaruv jamiyat rivojining ustuni ekanligi bilan muhim ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 sentabrdagi "2019-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi

PF-5544-son Farmoni // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 22.09.2018 y., 06/18/5544/1951-son.

2. Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri.-T.: Abdulla Qodiriy nomidagi nashriyot, 1993.-224 b.
b. Abu Rayhon Beruniy. Tanlangan asarlar, II jild,-T.: 1965. 49-50 b

3. Nishonova S. Sharq Uyg'onish davri pedagogik fikr taraqqiyotida barkamol inson tarbiyasi. Ped. fan. dokt. diss. -T.: 1998, - 288 b.

4. Низам ал Мулка. Сиясет-наме. Москва. 383 с

5. Hasanboyeva O., Hasanboyev J., Homidov H. Pedagogika tarixi. G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. Toshkent – 2004.304-b.

6. Mahkamov U. Axloq-odob saboqlari.

7. Temur Tuzuklari. So'zboshi muallifi va mas'ul muharrir M.Ali, forschadan tarj. A.Sog'uniy va H.Karomatov. – Toshkent: Sharq, 2005. – 160 b.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Шарқ алломалари маънавий меросларида бошқарув муаммоси ва уларни ёчишининг йўллари ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются проблемы управления в духовном наследии ученых Востока и пути их решения.

SUMMARY

This article examines the problems of management in the spiritual heritage of Eastern scholars and ways to solve them.

«ЎЗБЕК» АТАМАСИ ТАРИХЧИЛАР ТАЛҚИНИДА

Хошимова Д.Ф.

*Ўзбекистон Республикаси Фавқуллодда Вазиятлар Вазирлиги
Академияси. Тарих фанлари номзоди*

Таянч сўзлар: ўзбек, тарих, уруғ, элат, қабила, этногенез, маданият, тил.

Ключевые слова: узбек, история, племя, этнос, племя, этногенез, культура, язык.

Key words: uzbek, history, tribe, ethnos, tribe, ethnogenesis, culture, language.

Ўзбекистоннинг, умуман Марказий Осиё халқларининг ўтмиши буюк ва ёрқин бўлганлиги ҳаммага маълум. Мазкур минтақа халқлари қадим замонларда яратган юксак маданият жаҳон цивилизациясининг муҳим бир қисмидир. Ушбу қадимги маданият илдизларини ўрганиш, беқиёс маданий ёдгорликларни, илм-фан, санъат, меъморчилик соҳаларида мумтоз асарлар яратган буюк аждодларимиз меросини ўрганиш нафақат халқнинг ифтихорини уйғотиш учун, балки буюк ўтмиш сабоқларидан буюк келажак яратишда фойдаланиш учун ҳам зарурдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев кўрсатиб ўтганидек, “Ҳеч қачон нунутмайлик, гўзал ва бетақрор Ўзбекистон барчамизники экан, унинг тақдири ва келажаги учун барчамиз масъулмиз.

Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойлигимиз бор. Ва мен ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам албатта бўлади”.

Тарихни билиш эса энг аввал халқ ўзининг кимлигини: хусусан, ўзбек халқи қаердан келиб чиққани; унинг ўзаги қаерда ва қайси уруғлар, қабилалар, элатлар

унинг таркибини ташкил қилганини, у қачон ягона халқ сифатида шаклланганини ўрганиш ва аниқлашдан бошланади. Бу муаммо тарих фанининг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади ва кўпдан буён олимларнинг ақл-идрокини банд этиб келади.

Шундай муаммолардан бири “ўзбек” атамасидир. Ўз халқи этногенези масаласи, жумладан ўзбек халқининг номи ҳақидаги баҳс асрлардан буён тарихчиларнинг эътиборини ўзига тортиб келади. Уни шарқ тарихчилари ҳам, Европа ва Русия тарихчилари ҳам, Ўзбекистонлик тарихчи олимларнинг ҳам диққатини четда қолдирмаган.

Бир қатор тарихчилар, жумладан, XVII аср тарихчиси Абулғози ҳам “ўзбек” номини Ўзбекхон (1312-1342) номидан чиқарадилар. Венгер тарихчиси, А.Вамбери фикрича “ўзбек”нинг сўзма-сўз маъноси “шахсан мустақил хўжайин,” “эркин” демакдир. XIX аср тадқиқотчиларидан яна бири А.Миддендорф фикрича “ўзбек” сўзининг этимологияси “ўтроқ” деган маънони билдиради.

Шарқшунос олим В.В.Бартольд “ўзбек” атамаси ҳақида турли фикрлар борлигини айтиб, “ўзбек” атамаси Олтин Ўрда хони Ўзбекхон номидан олинган,” деган Абулғозийни талқинини мақул деб ҳисоблайди.

А.Ю.Якубовский “ўзбек” атамасининг келиб чиқиши тўғрисида ҳануз ягона фикр йўқлигини кўрсатибўтади. Олим баъзи тадқиқотчиларнинг: “ҳозирги ўзбеклар Ўрта Осиёга- XV аср бошида Шайбонийхон раҳбарлигида унинг бутун худудини эгаллаб келган кўчманчи ўзбеклардан келиб чиққанлар” деб ҳисоблаши, ҳамда ўзбекларнинг тарихи Ўзбекистон худудига фақат XVI асрдан бошланади, деган фикрнинг тарихий хато эканлигини кўрсатиб, унга қарши чиқди.

А.Ю.Якубовский фикрича дашти қипчоқ ўзбеклари ҳозирги Ўзбекистон худудининг каттагина қисмида туркий тилли, яъни туркий ва туркийлашган, зич жойлашган аҳолига дуч келдилар ва ана шу туркий тилли аҳоли таркибига сўнгги қўшимча сифатида қўшилиб, унга ўзларининг номларини бердилар деб хулоса қилади.

Ўзбек тарихчи олими Б.Аҳмедов қўлёзма асарларга асосланиб, “ўзбек” атамасига изоҳ бериб, у бу атаманинг Ўзбекхонгача ҳам олдин мавжуд бўлганини тасдиқловчи фикр ҳам бор деб ёзади.

Б.Аҳмедов раҳбарлигида нашр этилган Мирзо Улуғбек (1409-1449) нинг “Тўрт улус тарихи” номли асари бу ҳақдаги тушунчани кенгайтиради. Ундан Қипчоқ Даштининг шарқий қисми ва Ғарбий Сибир Ўзбекхон Олтин Ўрда тахтига ўтирмасдан бирмунча илгари ҳам “ўзбек улуси” деб аталгани маълум бўлди. Демак, бу катта майдонда кўчиб юрган турк қабиалари “ўзбек” деган битта умумий ном билан аталгандир.

Тожик олими Б.Г.Ғофуров “ўзбек” атамасини Ўзбекхон номи билан боғлашга асос йўқ; чунки ўша вақтда Мовароуннаҳрга кириб келган Шайбонийхон раҳбарлигида ўзбеклар таркибидаги қабиалар Ўрта Осиёда аллақачонлар яшамокда эдилар, деб ёзган эди.

Таниқли тарихчи олимлар Р.Г.Муқминова, К.Шониёзовнинг асарлари ҳам, жумладан бу фикрнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Демак, XVI аср бошида Қипчоқ Даштидан Мовароуннаҳр худудига кириб келган Қипчоқ Дашти ўзбеклари кам сонли бўлганлар ва маҳаллий аҳолига ўзларининг

таъсирини ўтказма олмаганлар, аксинча улар маҳаллий аҳолининг юксак маданияти ва тилини қабул қилганлар.

А.Асқаров, Б.Аҳмедов билан ҳамкорликда ёзган мақолаларидан “Ўзбек” атамаси Ўзбекхоннинг Олтин Ўрда ҳукмронлигига қадар Оқ Ўрда хонлари қўл остида бўлган фуқарога нисбатан ишлатилган, кейинчалик Оқ Ўрдани қўшиб олгандан бошлаб унинг қўл остидаги икки Ўрда фуқароларни “Ўзбеклар” номи билан юртиш одат тусига киргани таъкидланади .

Шундай қилиб, маскур олимларнинг “Ўзбек” атамаси ҳақидаги фикрларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Ақсарият тарихчи олимларнинг ушбу масала атрофида олиб борган тадқиқотлари ҳозирги ўзбекларнинг Мовароуннаҳрдаги туб (ерли этнослар) туркий ва туркийлашган аҳолиси асосида бир неча қисмлар-унсурлар биркувида шаклланган.

XVI аср бошларида бу ерга кириб келган Шайбонийхон раҳбарлигидаги ўзбеклар унга(ерли туркий ва туркий тилли аҳолига) битта унсур сифатида келиб қўшилганлар ва маҳаллий аҳолининг маданияти, тилини қабул қилиб, унинг таркибига сингиб кетганлар. Мовароуннаҳр аҳолисига қўшилган охириги таркибий қисм (компонент) сифатида уларнинг номлари маҳаллий аҳолининг номига айланадиган қолди.

Демак, ўзбек олимлари (Б.Аҳмедов, А.Асқаров) сўзлари билан айтганда, “Ўзбек” атамаси бу ном билан аталувчи халқ тарихига нисбатан жуда ёшдир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Юксак таърифларга муносиб замин //Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Т., Ўзбекистон, 2017. 406-бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Юксак таърифларга муносиб замин //Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Т., Ўзбекистон, 2017. 482-бет.
3. Вамбери А.Г. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865. 221 стр.
4. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПб, 1882. 489 стр.
5. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. М.: Наука 1963. Т.1. 755 стр.
6. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Ташкент: Уз ФАН, 1941. 20 стр.
7. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. Аҳмедов Б.А. таҳрири остида. Т., Чўлпон, 1994. 351-бет.
8. Гофуров Б.Г. История таджикского народа. М.: Политической литературы, 1949. 470 стр.
9. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., Чўлпон. 2001. 78-бет.
10. Асқаров А.А., Аҳмедов Б.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи //Ўзбекистон овози. 1994.20 январь.Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т., Ўзбекистон, 2015. 350-бет.

РЕЗЮМЕ

Ўзбек халқининг этногенезини ўрганиш масаласи кўпдан бери олимлар эътиборини жалб қилиб, бу орада анча илмий ишлар олиб борилмоқда. Ушбу мақолада “Ўзбек” атамаси ва унинг келиб чиқиш тарихи таҳлили баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

Проблема изучения этногенеза узбекского народа давно привлекает внимание ученых, и тем временем ведется большая научная работа. В данной статье описан анализ термина «узбек» и история его происхождения.



ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

МАТЕМАТИКА DARSLARIDA AXBOROT KOMMUNIKATSION TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHGA QO'YILGAN ZAMONAVIY TALABLAR

Suyarov Z.Sh.

Qashqadaryo VXTXQTMOHM Tabiiy va aniq fanlar kafedrası o'qituvchisi

Таянч сўзлар: дарс, коммуникацион технологиялар, фойдаланиш, математика дарси, замонавий талаблар, ахборот технологиялари, ривожлантириш, эстетик талаблар.

Ключевые слова: урок, коммуникационные технологии, использование, урок математики, современные требования, информационные технологии, развитие, эстетические требования.

Key words: lesson, communication technology, use, math lesson, modern requirements, information technology, development, aesthetic requirements.

Matematika fanini o'qitish sifatini yaxshilash, ta'lim jarayoniga innovatsion va axborot texnologiyalarni tatbiq etish, integratsiyalash, aralash ta'lim texnologiyasi imkoniyatlaridan foydalanish, o'quvchilarning aqliy salohiyati, ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga yo'naltiradigan zamonaviy metodik ta'minotni yaratishga qaratilgan samarali tadqiqotlar olib borilmoqda. Mazkur jarayonda axborot kommunikatsion texnologiyalarning o'rni muhim. Chunki, zamonaviy axborot kommunikatsion texnologiyalar tez o'zgaruvchan sharoitda, bugungi kunda o'rganilayotgan matematika kursini yangi va qiziqarli qilish, kurs mazmunini doimo o'zgartirish, shuningdek o'quvchilarga eng oxirgi axborotni olish imkonini berishi uchun tez yangilash imkonini beradigan texnologiyadir.

Matematika ta'limi jarayonida har bir o'quvchining individual xususiyatlarini maksimal darajada hisobga olishni nazarda tutgan holda o'qitish mexanizmlarini takomillashtirish zaruratini yuzaga keltiradi. Didaktik ta'minotni takomillashtirish o'quvchilarni o'quv-biluv faoliyati hamda tarbiyasi, ularning qiziqishlari va qobiliyatini rivojlantirish, ijodiy shaxsni shakllantirish jarayonida ta'lim samaradorligini oshirishning istiqbolli usullaridan biridir. Ma'lumki, maktab o'quv jarayonning hal qiluvchi elementi hisoblanadi. Zamonaviy maktabning asosiy vazifalari yuqori texnologiyalar asosida har bir o'quvchining qobiliyatini ochib berish, shaxsni hayotga va vatanga munosib, tayyor qilib tarbiyalash, raqobatdosh kadrlarni dunyo maydoniga chiqarishdan iboratdir. Maktab ta'limi har bir bolani o'z oldiga mustaqil ravishda jiddiy maqsadlarni qo'yishi va ularga erishishi, turli xil hayotiy vaziyatlarga mohirona javob berishi uchun tayyorlashi kerak. Bunga esa ta'lim jarayoniga axborot kommunikatsion texnologiyalar asosida erishish maqsadga muvofiq.

Hozirgi kunda o'quv jarayoniga axborot texnologiyalarini joriy qilmasdan, yangi pedagogik texnologiyalar hamda ta'lim metodikasi bilan bog'liq boshqa innovatsiyalardan

foydalanmasdan turib, oliy ta'lim muassasasi oldida turgan vazifalarni muvaffaqiyatli hal qilib bo'lmaydi. Shundan kelib chiqib, o'quv jarayonini intensivlashtirish muammolarini hal qilish turli xil metodlar va pedagogik yondashuvlarni izlash va ulardan unumli foydalanishni taqozo etadi. Zamonaviy didaktik talablarni, ayniqsa, matematika fani bo'yicha, avtomatlashtirilgan o'qitish tizimlarining texnik imkoniyatlari hamda kompyuterlardan foydalangan holda muvaffaqiyatli amalga oshirishga erishish maqsadga muvofiq.

O'qitish jarayonida kompyuterlardan foydalanish fanni chuqurroq anglashga, asosiy e'tiborini o'rganilayotgan materialning muhim jihatlari qaratishga yordam beradi, bilim va malakalarni rivojlantirish, olingan bilimlarni amalda qo'llash vositasi sifatida namoyon bo'ladi. Chunki jahonda olib borilgan tadqiqotlar asosan ta'lim sifatini yaxshilash, ta'lim tizimini global axborotlashtirish, intellektual kompyuter savodxonligini tadqiq etish, ta'lim resurslari bazasini yaratish, axborot-kommunikatsiyalar muhitida ishlashga, innovatsion va interaktiv strategiyalarni tadbiiq etishga qodir raqobatbardosh pedagogik kadrlar tayyorlash sohasida keng qamrovli izlanishlar amalga oshirilmoqda. Zamonaviy texnologik taraqqiyot matematika o'qitish jarayonidagi muhim muammolarni hal etishda AKT sohasidagi yangi yondashuvlar, innovatsion metod va vositalarni tatbiq etish bo'yicha mutaxassislarni tayyorlash tizimini takomillashtirishni taqozo etmoqda.

Matematika darslarida axborot kommunikatsion texnologiyalarni keng miqyosida qo'llash jahon taraqqiyotining global tendensiyasi hisoblanadi. Matematikani o'qitish jarayonida axborot kommunikatsion texnologiyalardan foydalanish turli tabiiy hodisalar va jarayonlarni mavhumlik darajasida ham ilmiy jihatdan to'liq tushuntirish imkonini beradi. Bugungi kunda matematika darslarida axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishga bir qator talablar qo'yilgan.

Matematik talablarga quyidagilar kiradi: aniq o'quv fanining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olish, ma'lum bir faning o'ziga xosligini hisobga olish, axborotni zamonaviy metodlari o'zaro bog'liqliligi, o'zaro aloqadorligi, turli-tumanligi, amalga oshirilishi.

Psixologik talablarga idrok etish (verbal-mantiqiy, sensor-perseptiv), tafakkur (tushunchaviy-nazariy, ko'rgazmali-amaliy), diqqati (qat'iyiligi, boshqaga ko'chishi), motivatsiya (ishlashda faol shakllari, yuqori darajadagi motivatsiyalarini doimiy ravishda rag'batlantirish), xotira, tasavvuri, yoshi va individual psixologik xususiyatlarini hisobga olish (egallagan bilim, ko'nikma va malakalarini hisobga olib, o'quv fani mazmuni hamda o'quv masalalari murakkablik darajasi o'quvchilarning yosh imkoniyatlari va individual xususiyatlariga mos kelishi, o'quv materialini o'zlashtirishda ortiqcha his-hayajonli, asabiy, aqliy yuklamalardan ta'sirlanishdan himoyalash) kiradi.

Texnik talablarga shaxsiy kompyuterlar va ularning tashqi qurilmalari, test o'tkaziladigan manbalar kiradi. Tarmoq talablariga "mijoz-server" arxitekturasi, Internet-navigatrlar, tarmoq operatsion tizimlari, telekommunikatsiya, boshqaruv vositalari (o'qitish jarayonini individual va jamoaviy ishlari, tashqi qayta aloqa) kiradi.

Estetik talablarga quyidagilar kiradi: tartibli va ifodalilik (elementlari, joylashishi, o'lchami, rangi), bezashning funksional vazifasi va ergonomik talablarga mosligi.

Maxsus talablarga quyidagilar kiradi: interfaollik, maqsadga yo'nalganlik, mustaqillik va moslashuvchanlik, audiolashtirish, ko'rgazmalilik, kirish nazorati, intellektual rivojlanish, differentsiyalash (tabaqalashtirish), kreativlik, ochiqlik, qayta aloqa, funksionalilik, ishonchlilik.

Yuqorida keltirib o'tilgan talablarga amal qilish elektron darslikdan foydalangan holda matematika darslarida o'qitish jarayonini tashkillashtirish o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishini oshiradi, o'z navbatida bunday yondashuv o'quv faoliyat sifati va samaradorligini oshishiga sezilarli ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Adabiyotlar:

1. Григорьева Е.И., Ситдиқов И.М. Основы издательского дела. Электронное издание. Москва «Юрайт», 2018.113-117с.
2. Закирова Ф.М., Мухаммадханов У., Шарипов Ш. ва бошқалар. Электрон ўқув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси. Методик қўлланма.-Тошкент: ОЎМТВ, 2010.-64 б.
3. Иноятов У. Замонавий дарслиқлар, ўқув-методик мажмуалар, электрон дидактик воситаларни ишлаб чиқишга инновацион ёндашув долзарб ижтимоий-педагогик муаммо. Халқ таълими-2018. №3, 7-11б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада математика дарсларида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишга қўйиладиган замонавий талаблар ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны современные требования к использованию информационных и коммуникационных технологий на уроках математики.

SUMMARY

The article describes the modern requirements for the use of information and communication technologies in mathematics lessons.

XXI АСР МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

Саломов А.А.

Сурхондарё ХТХКТ ва УМОХМ кафедрa мудири Илмий йўналиши: 13.00.02-“ Математика ўқитиш назарияси ва методикаси” бўйича педагогика фанлар номзоди, доцент, ҳалқаро ИАнинг профессори ва лауреати

Хуррамов Р.С.

Термиз давлат университети “Бошланғич таълим” кафедрa ўқитувчиси

Таянч сўзлар: математика, ўқитувчи, фаолият, касб, лицей, гимназия, коллеж, ўқитиш, дарс, тарбия ва масала.

Ключевие слова: математика, учитель, деятельность, профессия, лицей, гимназия, колледж, обучение, урок, воспитания и задача.

Key words: mathematics, teacher, activity, profession, lyceum, gymnasium, college, teaching, lesson, education and task.

Ўзбекистонда таълим структурасининг ўзгариши, таълимнинг интеграцияллашуви, академик лицей, касб-хунар колледжларнинг пайдо бўлиши, замонавий таълимнинг амал қилиши борасида жамиятнинг демократлашуви ҳаётда ўзининг туб бурилишига эга. XXI аср ўқитувчисининг тайёргарлик қобилияти зарур даражадаги таълим олишга ва таълим ривожланишининг асосий йўналишлари ҳисобланадиган ҳаётий фаолиятининг ҳар қандай қисмида чуқур бўлишига имкон беради.

Ўрта бўгин таълимини ривожлантириш босқичи ўқитувчининг касбий тайёргарлигига бўлган, ўқитишнинг янги методлари ва технологиялари билан қуролланган, ўқув жараёнини ижодий фикрловчи яратувчисини тарбиялашнинг кўчайтирилган талабини илгари суради.

Ўқитувчини тайёрлаш педагогик жараёнининг асосий масалаларидан бири талабани таълим ва тарбия билан боғлиқ турли типдаги масалаларни ечиш қобилиятига эга бўлган ўқитувчи-профессионал даражасига келтиришдан иборат. Шунинг учун ўқитувчи касбий тайёргарлигини ошириш нафақат олий таълимда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг янги ва самарали йўллари, балки талабани тайёрлаш предметининг мазмуни ва структураси, ўқитиш ва ўрганишнинг технологик даражаси тушунчасини билишни талаб этади.

PISA 2021 ТАДҚИҚОТИ:

- Ўтказади:** Иктисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилот;
- Мувофиқлаштирувчи:** ETS – Таълим тест хизмати (АҚШ)
- Мониторинг даврийлиги:** 3-9 йил, 2021 йилда 8-тадқиқот даври; Математика саводхонлики баҳолаш 3-даври (2003, 2012 и 2021);
- Ўтказиш технологияси:** компьютер ва катта шаклда
- Тиллов:** ёш бўйича (15 ёшли ўқувчилар)
- Иштирокчи давлатлар:** 88

МИЛЛИЙ ЛОЙИҲА МЕНЕЖЕРЛАРИ УЧРАШУВЛАРИ!**АВСТРИЯ**

- АҚШ, Вестат;
- 2019 йил 14-16 январь;
- 20 давлатлар;
- 61 иштирокчи;
- ИХТТ, сApStAn, ETS, ACER



- Австрия, Вена;
- 2019 йил 18-22 март;
- 88 давлатлар;
- 300 иштирокчи;
- ИХТТ, сApStAn, ETS, ACER



11.04.2020

5

Шахнинг профессионал идделлиги ва профессионал компетентлик ва ижодкорлик шаклланади, бу математика ўқитишда компетенциявий ёндашув асосида интеграциялашган таълимни амалга оширишга хизмат қилади..

Предметни ўқитиш технологиялари ва шакллари, самарали методларини аниқлаш мақсадида илғор тажрибаларнинг, ўзаро алоқадорлик ва XXI аср турли таълим тизими ва интеграциясининг алмашинуви жаҳон ҳамжамияти аъзосининг маданиятини шакллантириш ва шахсни ривожлантиришдан иборат.

Математикада шакллантирилган таянч компетенция элементларини қараб ўтамыз:

1.Коммуникатив

- математикага оид терминларнинг маъносини тушуниб тўғри ўқий олади;
- сўз ва гапларни боғлаган ҳолда ўз фикрини аниқ ва равшан ифодалай олади;
- фикрни мантикий изчилликда ифодалай олади;
- математикага оид аудиоматн, видеотасвирларни тинглаб тушунади, тегишли муносабат билдира олади;
- математик матн маъносини қайта сўзлаб бера олади;

2. Ахборот билан ишлаш

- тавсия этилган медиаманбаалардан ахборотни излаб топа олади, зарур бўлса уни бошқа кўринишларга (матн, жадвал, схема ва ҳ.к.) ўтказа олади;
- устунли, чизикли ва доиравий диаграммалар, жадваллар, чизмалар кўринишида берилган статистик маълумотларга асосланиб турли объект ва ходисаларни таққослай олади;
- ахборотларни статистик маълумотларнинг кўринишларнинг бир туридан (устунли, чизикли ва доиравий диаграммалар, жадваллар, чизмалар) бошқа кўринишга ўтказа олади;

- берилган сонли маълумотларнинг ўрта арифметигини, модани ва медианани топа олади.

3. Шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш

- мустақил равишда ўқув масаласини (мақсадини) топа олади ва ифодалай олади;
 - математикага хос бўлган абстракт ва аниқ мулоҳаза юрита олади;
 - исботланган ва исботланмаган тасдиқларни фарқлай олади, ўз фикрини далиллай олади;

- ўқув масаласини қисмларга ажрата олади;
 - масала ечимига яқинлашиш даражасини баҳолай олади ва зарур ҳолларда ўз фаолиятини тўғирлай қила олади;

- ўқув фаолият натижасини таҳлил қила олади;
 - йўл қўйилган хато ва ноаниқликларни топа олади, уларни тузата олади;
 - олинган натижаларни бошқалар фойдаланиши учун осон кўринишда тақдим эта олади;

- қабул қилинган мезонларга асосан асосан ўз фаолияти самарасига баҳо бера олади, кўзлаган мақсадга интила олади;

- хусусий мисоллар ва кузатишлар таҳлили асосида объектлар ва жараёнлар умумий хоссаларини ва қонуниятларини топа олади, гипотезаларни тақлиф эта олади ва уни текшириш зарурлигини тушуна олади.

- мавжуд билим ва қўникмаларни янги, ностандарт вазиятга қўллай олади.
 - реал дунёдаги, ижтимоий ҳаётдаги вазиятларга нисбатан ўзининг ижобий эстетик-эмоционал муносабатини шакллантира олади.

- ўқишга ва янги билимларни эгаллашга қизиқа олади.

4. Ижтимоий фаол фуқаролик

- турли нуқтаи назарларни қабул қила олади ва солиштира олади;
 - гуруҳда ишлаш фаолиятини ташкил эта олади, бажариладиган ишлар тақсимолига асосан бошқара олади;

- бошқалар фикрини тинглаб, тушуна олади ва уни танқид қила олади, агар бу фикрни нотўғри деб ҳисобласа, ўз фикрини ҳимоя қила олади.

- атрофдагилар билан ўзаро мулоқот чоғида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қила олади ва гуруҳда ишлай олади;

- муаммо ва тушунмовчиликлар рўй берган пайтларда ўзининг тутиши тўғрисида тўғри қарор қабул қила олади.

- гуруҳда ишлаш пайтида турли махсус ролларни ижро эта олади

5. Миллий ва умуммаданий

- математика умуминсоний маданиятнинг бир қисми эканлигини асослаб бера олади;

- замонавий дунёда математиканинг ўрнини тушунтира олади;

- реал ҳодисаларни математик тилда ифодалаш усулларидан фойдалана олади ва бу усуллар самарали эканлигини тушуна олади;

- математиканинг ҳар бир шахсни мустақиллик, танқидий мулоҳаза юритиш, иродали бўлиш ва мақсадга эриши учун матонатлилиқ каби ҳислатларни ҳосил қилиш нуқтаи назаридан қатта аҳамиятга эга эканлигини тушунтира олади;

- заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимизнинг математикага қўшган ҳиссаларини тасвирлаб бера олади;

- математик фактларни исботлашга қўйилаётган талабларни тушунтира олади.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш

- аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олади,

- кундалик фаолиятда турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олади,

- ўрганилаётган формулалар бўйича мураккаб бўлмаган ҳисоблашларда, тенглама ва тенгсизликларни ечишда, ясси ва фазовий геометрик фигураларни тасвирлашда ҳисоблаш воситалардан ва тайёр компьютер дастурлардан фойдалана олади

Немис математиги Ф. Клейн 1924 йилда мактаб ва ОТМ математикаси орасидаги боғлиқлигини ифодалаб, элементар математикани мактабда юқори даражада ўтиши зарур деб кўрсатиб ўтдилар.



Иш нафақат ўқув соатларининг камайишида, балки талабанинг каспий фаолияти билан боғлиқлигининг бўшлиғидадир:

Таълимнинг ўқув методик комплекси билан таъминланиши ва ўқув предметни ўқитишнинг дидактик тизимини зарурлиги орасидаги зиддиятнинг мавжудлиги;

Психология ва педагогиканинг ривожланиши ва ўқув предметини қисқа йўналтирилган методикаси орасидаги зиддиятнинг мавжудлиги;

Хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда предмет мазмуни ва талабанинг математик қобилиятига мос психологик характеристикаси орасидаги зиддиятликнинг мавжудлиги.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олиш, кундалик фаолиятда турли формула,

модель, чизма ва диаграммаларни ўқий олиш, инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олиш кўникмаларини назарда тутати. Мазкур компетенциялар умумтаълим фанлари орқали ўқувчиларда шакллантирилади.

Шунингдек, ҳар бир умумтаълим ўқув фанининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда фанга оид умумий компетенциялар ҳам шакллантирилади.

- Математика мазмунига оид умумий компетенция;

-Когнитив компетенция(шахснинг мустақил ижодий фикрлаш компетенцияси)

Иқтисодий ривожланган давлатлар таърибаси ва юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда, тўғри мантикий мушоҳада юритишга, креативликка кундалик ҳаётимизда дуч келадиган эҳтимолий-статистик характерга эга бўлган масалаларни ечишга, турли кўринишда берилган маълумотларни таҳлил этиш усулларига, хавфларни аниқлаш ва баҳолашга имкон берувчи “Маълумотлар ва имкониятлар” номи бўлим А1 ва А2 даражаларига пропедевтик тарзда киритилишини лозим деб топилди.

Масалалар ҳақида.

Математика фанини ўқитишнинг негизини масалалар ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда куйидагификрлар келтирилади.

Биринчидан, ўқувчиларда математикага бўлган қизиқишларини орттириш, таянч компетенцияларга эришиш учун таълим жараёнида амалий ва ностандарт характердаги масалалардан фойдаланмасдан эришиб бўлмайди. Бундай масалаларни ечиш ўқувчиларда анализ, синтез, аналогия, умумлаштириш, дедукция ва индукция каби мантикий мушоҳада юритиш фаолиятини, интуиция, эгилувчанлик ва мослашувчанлик каби фазилатларни ривожлантириб, ўқувчиларни олинган натижалар устида танқидий фикрлашга ўргатади. Кўпинча амалий ва ностандарт характердаги масалаларни ечими дарҳол топилмасдан, бир неча бор ўринишлар натижасидагина аниқланишлиги сабабли, бу мақсадга эришиш учун тиришқоқ бўлишликни, яъни шахснинг иродаликлиги каби жуда аҳамиятли сифатларни таркиб топишга имкон беради. Ва ниҳоят, энг асосийси: бундай масалаларни ечилиши ўқувчиларга натижага эришилганлик билан ва шунингдек ечим йўлининг гўзаллиги ва аънавий эмаслиги билан боғлиқ бўлган катта эмоционал завқ берилиши катта аҳамиятга эга. Бундай масалалар барча даражаларда киритилиши лозим.


Иккинчидан, математик масалаларга ўқитишнинг воситаси сифатида қаралса унга икки хил ёндашиш мумкин:

Масалага аънавий ёндашиш усули: *Тайёр масала шартларини таҳлил қилиш → Масала ечилишининг усулини аниқлаш → Ечиш жараёни → Олинган натижани эталон жавоб билан формал солиштириш.*

Кўриниб турибдики аънавий ёндашишда ўқувчининг масала ечиш ўқув фаолияти репродуктив характерга эга бўлиб, у ўзини бажарувчи сифатида намоён этади. Тадқиқ этиш элементлари фақат масала шартларини таҳлил қилингандagina намоён бўлади. Стандарт масалаларини ечиш – табиати ностандарт бўлган, кундалик ҳаётда кам учрайдиган масалаларни ечишга айланган. Шунинг учун ҳам барча даражаларга оид дарслик муаллифлари ўқув ва айниқса, амалий масалаларга муаммоли масала сифатида ёндашишлари лозим.

Учинчидан, мураккаброк бўлган мантикий, қизиқарли ва ностандарт характердаги масалалар билан шуғулланиш ўқувчиларга фани чуқурроқ ўзлаштиришга, аввал ўрганилган тушунчаларни такрорлашга ва уларга таниш алгоритмларини одатий бўлмаган, қизиқарли усулда ўзлаштиришларига имкон беради. Демак, шундай турдаги масалалар А1+, А2+ даражаларига киритилиши таянч компетенцияларга самарали эришишга, ўзларидаги ноёб истеъдодларини рўёбга чиқаришга олиб келади.

Ўқитиш усули ҳақида.



Компетенциявий ёндашув асосида таълим бериш шароитида ўқитувчиларнинг ўз фаолиятига ёндашуви ҳам ўзгариши керак. Ўқитувчи бундан буён дарслик билан биргаликда ўқувчиларга “объектив билимларни” етказувчиси бўлиб қолмайди. Замонавий ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларда ташаббускорлик ва мустақиллик хиссини ҳосил қилиш, уларнинг ҳар бири учун ўзининг иқтидори ва қизиқишини амалга ошира оладиган ривожлантирувчи муҳитни яратишдан иборат.

Математика фанидан PISA ва TIMSS масалаларидан намуналар
 TIMSS –Trends of international mathematics and science study
 Халқаро математика ва табиий фанлар ўқитиш истикболлари
4-синф битирувчилари учун TIMSS масалаларидан намуналар



1-масала (дунё бўйича ўртача 73%, Сингапур 95%, Россия 14%).

Том ноннинг $\frac{1}{2}$ қисмини, Яна эса $\frac{1}{4}$ қисмини еди. Иккаласи ҳам ноннинг қайси қисмини ейишди?

2-масала (дунё бўйича ўртача 44%, Гонгконг 82%, Сингапур 81%, Россия 35%).

Қайси қаср қолганларга тенг эмас?


- A. $\frac{1}{2}$
- B. $\frac{4}{8}$
- C. $\frac{2}{4}$
- D. $\frac{2}{8}$

2-масала (дунё бўйича ўртача 60%, Корея 97%, Россия 67%).



Дункан 4,8 км автомобилда ва 1,5 км автобусда юрди. Жами бўлиб қанча км йўл юрилди?

- A. 6.3 km
- B. 5.8 km
- C. 5.13 km
- D. 4.95 km

3-масала (дунё бўйича ўртача 69%,Португалия 93%, Россия 84%).






Юқоридаги 6 та фигурадан қуйидагилардан қайси бирини тузса бўлади?



4-масала (дунё бўйича ўртача 54%, Сингапур 91%, Россия 58%).


Қуйидаги расмлардан қайси бирида симметрия ўқи тасвирланган?



15 – ёшли ўқувчилар учун PISA масалаларидан намуналар
(Ўзбекистон шароитига мослаштирилган)

1-масала (CD дисклар савдоси).

Қуйидаги диаграммада январ-июнь ойлари даврида 4 нафар хонанданинг янги CD дисклари сотилганлиги хақида маълумот келтирилган. Январ ойида фақат Озодбек Назарбеков ва Севара Назархонларнинг CD дисклари сотилганлиги кўриниб турибди. Зиёда ва Райхонанинг янги CD дисклари эса феврал ойдан сотилиши бошланди.



1-савол. Апрель ойида Райхонанинг нечта CD диски сотилган?

A. 250 B. 500 C. 1 000 D. 1 270

2-савол. Қайси ойда Зиёда CD диск сотилиш ҳажми бўйича Севара Назархондан ўтди?

A. Шундай ой йўқ B. Март C. Апрель D. Май

3-савол. Севара Назархон продюсери CD диск сотилиш ҳажми феврал-июнь ойларида пасайишидан хавотирга тушди. Энг ноқулай ҳолатда июл ойида шу гуруҳнинг CD диск сотилиш ҳажми қандай бўлишини баҳоланг.

A. 70 та B. 370 та C. 670 та D. 1340 та

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (Organisation for Economic Cooperation and Development (OECD)) Халқаро ўқувчиларни баҳолаш Дастури (Programme for International Student Assessment (PISA)) таҳлилига кўра, бу масала ўқувчининг устунли диаграмма кўринишида берилган маълумотларни ўқиш компетенциясини баҳолайди. Бундан ташқари, 1-2 саволларга оид жавобни текшириш мақсадида ўқувчи машҳур хонандалар хақида керакли маълумотларни газета, журналлар ва бошқа манбаалар билан солиштириши мумкин. Шунинг учун унинг умуммаданий компетенциялар билан бирга, ахборот билан ишлаш компетенцияси ҳам маълум даражада шаклланади. 3 – савол ўқувчининг анализ, синтез, аналогия, умумлаштириш, дедукция ва индукция усуллари ёрдамида стратегик, рефлексив ва эвристик кўринишидаги математик тафаккур юрита олиш ва шу билан бирга шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясини баҳолайди. Бундан ташқари, 3 саволда молиявий хавф баҳоланганлиги боис, ўқувчининг унга жавоб беришда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ҳам баҳоланади.

2-масала (Машҳур зиёратгоҳ).

Самарқанд шаҳри Ўзбекистоннинг энг гўзал жойлардан бири ҳисобланади.

1-савол. Самарқанд шаҳрини 2015 йил 1 июл-27 август кунлари тахминан 200 000 нафар хорижий меҳмонлар зиёрат қилишди. Кунига дунё бўйича ўртача неча хорижий меҳмон шаҳарга ташриф қилишди?

A. 340 B. 710 C. 3400 D. 7100 E. 7400

2-савол. Мистер Смит меҳмонхонасидан Регистон майдонигача масофа 9 км га тенг. У меҳмонхонага кечаси соат 20.00 да қайтиши лозим. Дам олиш, овқатланиш ҳамда шаҳарни зиёрат қилганда унинг дунё бўйича ўртача тезлиги тахминан 1,5 км/соат экан. Вақтида қайтиш учун, Мистер Смит меҳмонхонадан соат нечада чиқиши керак?

3-савол. Мистер Смит Регистон майдонигача 9 км юрганда кадамлар сонини ҳисоблайдиган махсус мосламани ишлатди. Бу мослама 22500 кадамни белгиланганлиги маълум бўлди. Мистер Смитнинг бир кадами ўртача неча сантиметр?

Бу масалани ечишда ўқувчилар вақт, тезлик, масофа каби катталиклар билан ҳисоб-китоб қилиш ва баҳолаш билан бирга атроф-борлиқдаги ҳодиса ва жараёнларни математик тилда ифода қилиш орқали математик тафаккур юрита олиш ва таҳлил қилиш компетенцияларни намоён қиладилар.

Масала ечиш жараёнида ўқувчилар Ўзбекистон қадимий шаҳарлари гўзаллиги билан хорижий фуқароларда нақадар машҳур эканлигини ҳис қилиб маълум даражада умуммаданий ҳамда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясига эришадилар.

3-масала (патир нонлар).

Икки хил катталиқдаги доира шаклидаги патир нонлар сотилмоқда.

Улардан кичиги диаметри 30 см бўлиб, нархи 3 пул бирлиги экан. Каттасининг диаметри ва нархи мос равишда 40 см ва 4 пул бирлигига тенг.

Қайси нон арзонроқ? Жавобингизни асослаб беринг.

Масала бир неча кадамда ечилади:

1-кадам. Нонлар цилиндр шаклида бўлсада, уларнинг қалинлиги тахминан бир хил, демак дастлаб уларнинг юзларини ҳисоблаш етарли.

2-кадам. 1-нон юзи $\pi r^2 = 125\pi \approx 706,5$ (см²), иккинчисиники эса $\pi R^2 = 400\pi \approx 1256$ (см²).

3-кадам. 1-ноннинг юз бирлигининг нархи $\frac{3}{706,5} \approx 0,004$, иккинчисиники эса

$\frac{4}{1256} \approx 0,003$ бўлгани учун иккинчи нон биринчисиникига қараганда арзонроқ экан.

Бу масала ёрдамида реал объектларни геометрик фигуралар моделлари билан боғлай олиш, яси ва фазовий фигураларни тасаввур қила олиш, таниб олиш ва номлай олиш, фазовий фигураларни уларнинг текисликдаги кўринишлари билан боғлай олиш, юз ва ҳажмлар формулаларидан фойдаланиб ҳисоблай олиш ва баҳолаш, пропорцияларга оид амалий ва ўқув масалаларни еча олиш компетенциялари билан бирга анализ, аналогия, дедукция усуллари ёрдамида стратегик ва эвристик тафаккур юрита олиш, атроф-борлиқдаги ҳодиса ва жараёнларни математик тилда ифода қилиш ва таҳлил қилиш компетенциялари баҳоланади.

Бундан ташқари, бу масалада ўқувчининг коммуникатив (ўз фикрларни аниқ ва раво ифода қилиш орқали) ва ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ҳам баҳоланади.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтдаги ОТМларида математикани хаёт билан боғлаб ўқитиш интеграциялашган таълим сифатли ўзгаришларни талаб этади:

Математика ўқитувчисини юқори даражада таъминлаш: а) базовий даражаси (профессионаллик даражаси); б) академик даража (фундаментал даража); в) математика ўқитишнинг мотивацион сферасини яратиш (таълимга қизиқиш).

Замонавий ўқитувчи шахсини шакллантириш: а) адаптив имкониятилар (профессиональ ўз ўзини баҳолаш, безовта бўлиш даражаси); б) коммуникатив сифатлар; в) шахснинг педагогик йўналганлиги, мотиви, қизиқиши; г) фанга доир билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланиш даражаси;

Бўлғуси математика ўқитувчисининг активлигини шакллантириш: а) моделлаштиришни қўллаш билиш; б) ғояларни текширишни билиш; в) кўргазмаликни қўллашни билиш; г) илмий характердаги масалалар тизими;

Касбий фаолиятни таъминлаш: а) математик фикрлаш; б) педагогик моҳирлик; в) ҳис қилиш, фикрлаш, нутқ, хотира; г) ҳуқуқ, характер, темперамент, қобилият;

Математика дифференциацияси ва интеграцияси учун шароитлар яратиш.

Математика ўқитувчисининг бу касбий тайёргарликнинг ҳар бир компоненти бутунлигича базовий характеристика, қўлга киритиш мезонлари билан таъминланади.

Битирувчи курс талабаларининг барча математик масалаларни ечишининг билмасликларини бешта сир бор: **1) янги типдаги масалани ечишдан олдин**

мазмунини такрорланг. Масала енгил ечилади, агар сиз тушунишга ҳаракат қилсангиз, унга математиканинг қандай асосларини қўллаш керак. Жуда кўп талабалар битта сабабга кўра масала ечишни билмайдилар: улар асосий тушунчаларни билмайдилар. Бу камчилик аввал ўтилган материални такрорлаш орқали хал этилади. Бирок бу кўп вақтни олади деб ўйламанглар. Бундан ҳеч қачон хафа бўлишга ҳожат йўқ. Ақл билан иш кўринг ва барча ноаниқликларни аниқланг. Агар сизда математиканинг асосларига доир билимлар мустаҳкам бўлса, сиз ҳар қандай масала билан мулоқотда бўла оласиз. Шунинг учун бўшашманг.

2) ёдлашга ҳаракат қилманг, балки масала ечиш йўлини тушунишга ҳаракат қилинг. Математикада қатта имконият шундан иборатки, формула ва ўлчов бирлигидан бошқа бирор нарсани ёдланмаг. Бирок битта йўл билан мутахассис бўлиш мумкин: доимий амалдаги иш орқали. сиз қанча кўп масала ечсангиз, сиз шунча унинг маниқан мазмунини тушунасиз, сиз шунча опти бўласиз. Сиз қачонки машғул бўлсангиз:

- мия автоматик равишда ечимни ва навбатдаги босқичларни ёзади;
- масала ечиш тезлиги ошади;

- ўзига ишонч ошади, масала ечишни экин бажаришга ёрдам беради.

Ҳар қадамда масала ечишни кўпроқ машқ қилинг. Бунинг учун энг яхшиси дарсликдаги масалаларни қайта ечиб чиқинг. Ўқитувчи таклиф этган барча масалаларни ечинг.

3) ўқитувчи ёрдамида ечилган масалани дафтарингизга тўлиқ ёзинг. Математик масалаларда ечиш логикаси ҳам, тўғри жавоб ҳам жуда муҳим. Шунинг учун, ўқитувчи масала ечимини тушунтирса диққат билан тингланг. Барча босқичларни унутмаслик учун, уни дафтарингизга аниқ кетма-кетликда албатта ёзинг.

4) сиз тушунтиришни унутмасдан уйга вазибаларни бажаринг. Уйга вазибани берилган кунда бажариш жуда фойдали, чунки ҳаммаси хали ёдингизда. Барча кўрсатмаларни осонгина эсга олиш мумкин ва топшириқни қисқа вақтда бажариш мумкин. Бу тавсия барча предметлар учун ўринли бўлсада, математика учун жуда муҳим. Агар сиз математикадан топшириқларни бажармасангиз, унда масала ечиш босқичларини унутшингиз мумкин. Бу муҳим, агар математика сизга оғирлик қилса. Сиз учун математика осон фанга айланиши учун, сиз ўқитувчидан кўпроқ ечинг.

5) тезда тушунмаганингни таҳлил қил. Математиканинг бошқа фанлардан фарқи шундаки 100 % балл олиш мумкин! Шунинг учун ўз ихтиёрингиз билан ўрганинг. Ўқитувчидан, ўртоқлардан ва репетитордан ёрдам сўранг ва майда чуйда нарсаларга аниқлик киритинг. Кўпроқ масала ечинг, у ҳолда математика сизга ёқад ва сизнинг баалингиз юқори бўлади.

Математика ўқув фанининг вазибалари: математик тушунчалар, хоссалар, шакллар ҳақидаги билимларини фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари, дастурий таъминоти элементлари билан боғлай олиш, математик амалларни мантқан тўғри бажариш қўникмаларини шакллантириш; инсоният камолоти ва жамяят тараққиётида математиканинг аҳамиятини англаш, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, кундалик ҳаётда математик билим ва қўникмаларни муваффақиятли қўллашга ўргатиш;

фанлар интеграциясини инобатга олган ҳолда ўқувчиларда, миллий ва умуминсоний кадрятларни, креативлиқни шакллантириш ҳамда онгли равишда қасб танлашга йўналтириш орқали конгнитивлиқни ривожлантириш; таълим-тарбия жараёнида таянч компетенцияларни математик компетенциялар билан биргаликда шакллантиришдан иборат. Умумий ўрта таълим асосида лицей ёки қасб-ҳунар коллежларида билим олишни муваффақиятли давом эттириш учун зарур бўладиган математик билим, қўникма ва малакалар тизимини ўқувчиларнинг мустаҳкам ва онгли эгаллашларини таъминлашдир.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамятига интеграциялашуви, фан-техника ва технологияларнинг ривожланиши ёш авлоднинг ўзгарувчан дунёда рақобатбардош бўлиши фанларни мукамал эгаллашни такозо этади, бу эса Ўзбекистон Республикаси

таълим тизимига математикани ўргатиш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш орқали таъминланади.

Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-2487-сонли қарорининг 62-бандида умумий мажбурий таълимнинг барча босқичларида математика фанини ўқитишнинг принципал янги методологиясини жорий қилиш, янги стандартларни ишлаб чиқишда Германия, Сингапур, Корея Республикаси, Япония давлатларининг математика фанидан стандартлари ва ўқитиш тажрибалари инobatта олиншини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Смирнов Е.И. Технология наглядно-модельного обучения математике. Ярославль, 1998. 324 с.
2. Афанасьев В.В. Формирование творческой активности студентов в процессе решения математических задач. Ярославль, 1996. 168 с.
3. А.А.Саломов “Развитие, умение и навыков у учащихся межпредметной функции математики” Тошкент: -1996 год. //Диссертационный исследование//.
4. Педагогик энциклопедия 2-жилд, 180-бет, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Тошкент-2015.
5. http://www.mccme.ru/conf2000/tez_matr.htm
6. <http://blog.zao4nik.ru/94-5-секретов-решения-всех-математических-задач>

РЕЗЮМЕ

XXI аср математика ўқитувчисининг профессионал фаолияти масалалари ўрганилади ва тегишли методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В работе изучена профессиональная деятельность учителя математики XXI века и разработана соответствующие методические рекомендации.

SUMMARY

In the work, the professional activity of the teacher of mathematics of the XXI century is studied and the corresponding methodological recommendations are developed.

МАТЕМАТИК АНАЛИЗ ФАНИНИНГ ЎҚУВ ТЕЗАУРУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Тургунбаев Р.М.

Низомий номидаги ТДПУ, Алгебра, геометрия, математик анализ кафедраси профессори, ф.-м.ф.н., доцент

Таянч сўзлар: тезаурус, ўқув тезауруси, ҳақиқий сонлар тўплами, фаолиятли ёндашув, фаолият усуллари.

Ключевые слова: тезаурус, учебный тезаурус, множество действительных чисел, деятельный подход, приёмы деятельности.

Key words: thesaurus, educational thesaurus, set of real numbers, activity approach, methods of activity.

Сўнги йилларда таълим тизимига ахборотли ёндашув бўйича тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. Бу ёндашув нуқтаи назаридан ўқитиш тезаурусни шакллантиришга қаратилган ахборотли жараён деб қаралади [6,8].

Тезаурус (thesaurus) юнончада “хазина, бойлик, захирани” маъносини англатади [2,14]. У фанга лингвистика ва информатикадан кириб келиб, ўз маъносини кенгайтирди ҳамда умумиллий атамга айланди.

Педагогикада тезаурус тушунчаси Л.Т.Турбович томонидан тавсия этилган ўқитишнинг ахборотли-семантик моделида пайдо бўлган. Муаллиф ушбу моделда тезаурусни шахс хотирасида мужассамланган ва сақлаб қолинган тушунчалар, баҳолаш ва меъёрлар, шу жумладан, ҳаракатлар схемаси захираси деб таърифлайди. Ушбу моделга мувофиқ, шахснинг онгини шакллантириш унинг тушунчавий психологик тезаурусини шакллантириши билан аynини лаштирилади[4]. Тезаурусга янги маълумот киритилганда унинг кенгайиши муаллиф томонидан ўқитиш каби шарҳланади.

А.А. Мирошниченко[5] педагогик тезаурусни тузиш технологияси доирасида иш олиб бoриб, педагогикада тезаурусни икки гуруҳга: шахсий тезаурус ва ўқув тезаурусга ажратиб ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳар бир шахс маълум бир тезаурусга эга, у бутун ҳаёти давомида ички ва ташқи омиллар таъсири остида шаклланади.

Математика таълимида тезаурусли ёндашувга бағишланган ишлар кам сонда бўлиб, асосан Т.П.Пушкарёва ва унинг маслақдошлари[7-9] томонидан бажарилган. Унинг ишларида математика фанини мактабда, педагогика олий таълим муассасининг табиий фанлар таълим йўналишларида ўқитиш, кимё билан алоқадорликда ўқитиш масалаларида фойдаланиш, математик кимё фани тезаурусини яратиш билан боғлиқ масалалар қаралган.

Хусусан Т.П.Пушкарёва[7] математик кимё фани ўқув фани тезаурусини тузиш бўйича такқосламали-тезаурусли методни таклиф қилган. Бу методнинг моҳияти қуйидагидан иборат: дастлаб фанларни (математика, кимё) ўқитишда фойдаланиладиган адабиётлар сараланади ва бу адабиётлардан фойдаланиб, таянч сўзлар ва иборалар ажратилади ҳамда дескрипторлар рўйхати шакллантирилади. Кейин эса бу рўйхат ДТС талаблари билан такқосланади, математикани ўқитиш, кимёни ўқитиш нуқтаи назардан тузилган дескрипторлар таҳлил қилинади ва зарур бўлса, тузатишлар киритилади, талабаларда шакллантирилиши зарур бўлган умуммаданий ва умумкасбий компетенцияларга мос дескрипторлар сараланади.

Бу методдан фойдаланиб, бўлғуси математика ўқитувчиларига ўқитиладиган математик анализ фанининг “Ҳақиқий сонлар тўплами” модулининг ўқув тезаурусини ва ундан фойдаланиш методикаси [3,10-12] мақолаларда таклиф қилинди.

Аммо Т.П.Пушкарёва[7] томонидан таклиф қилинган тезаурус тузиш методида ўқув тезаурусининг таркиби фақат фанининг дескрипторларидан иборат бўлиб қолган.

А.А. Мирошниченконинг[5] фикрига кўра эса ўқув тезаурусини, - бу янги билимларни очишга йўналтирилган, барча кўникмаларни, барча операцияларни ўз ичига олган фаолият воситаси, бу талабага ўз фаолиятини ташкил қилишга, тузатишга, тартибга солишга ёрдам берувчи восита, бу талабани энг кам куч ва вақт сарфлаш билан белгиланган натижаларга элтувчи восита. Ўқув тезаурусини, аввало дескрипторларни – таянч тушунчалар ва берилган тушунчалар билан бажариладиган мантикий операцияларни ўз ичига олади.

Демак, А.А.Мирошниченко фикрини ва таълимга фаолиятли ёндашувини[5] эътиборга олсак, ўқув тезаурусининг мазмунига ўқув фанининг таянч тушунчалари – дескрипторлар билан бир қаторда ўқув фаолият усуллари (умумўқув фаолият усуллари, умумматематик фаолият усуллари, математиканинг алоҳида бўлиmlарига хос фаолият усуллари асосий масалаларни ечиш бўйича хусусий фаолият усуллари), ҳар бир мавзу бўйича асосий масалалар тизимива бу масалаларни ечиш бўйича фаолият усуллари киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қуйида Математик анализ ўқув фанининг “Ҳақиқий сонлар тўплами ва унинг хоссалари” мавзуси мисолида ўқув тезаурусини шакллантираимиз. Албатта, ўқув тезаурусини шакллантириш ҳақиқий сонларни қандай киритишимизга боғлиқ. 5110100-математика ва информатика бакалаврият таълим йўналиши учун математик анализ ўқув фани дастурида ҳақиқий сон тушунчасини рационал сонлар тўпламидаги кесим тушунчаси орқали киритиш режалаштирилганини эслатиб ўтаимиз. Қуйида юқорида айтилган мавзу тезаурусини тузишда таянч тушунчалар, асосий масалалар, асосий масалаларни ечиш бўйича фаолият усуллари келтириш билан каскланамиз. Умумўқув

фаолият усуллари, умумматематик фаолият усуллари[1,13] адабиётларда келтирилган.

“Ҳақиқий сонлар тўплами” мавзуси тезауруси

1. **Асосий тушунчалар:** рационал сонлар тўплами; рационал сонлар тўпламида арифметик амаллар; рационал сонлар тўпламининг тартибланганлиги; рационал сонлар тўпламининг зичлиги; рационал сонларни сонлар ўқида тасвирлаш; квадрати 2 га тенг рационал соннинг мавжудмаслиги; рационал сонлар тўпламида кесим; қуйи синф; юқори синф; қуйи синфнинг энг катта элементи; юқори синфнинг энг кичик элементи; кесим турлари; рационал кесим; иррационал кесим; ҳақиқий сон; ҳақиқий сонлар тўплами; иррационал сонлар тўплами; ҳақиқий сонлар тўпламида “тенг”, “катта”, “кичик” муносабатлари; ҳақиқий сонлар тўпламининг тартибланганлиги; ҳақиқий сонлар тўпламининг зичлиги; ҳақиқий сонлар тўпламида кесим; ҳақиқий сонлар тўпламининг узлуксизлиги; ҳақиқий сонларни ўнли касрлар билан ифодалаш; чексиз даврий ўнли каср, чексиз нодаврий ўнли каср.

2. Асосий масалалар:

1-масала. Рационал сонлар тўпламининг арифметик амалларга нисбатан ёпиқлигини исботлаш.

2-масала. Рационал сонлар тўпламининг тартибланганлик хоссасини исботлаш.

3-масала. Рационал сонлар тўпламининг зичлик хоссасини исботлаш.

4-масала. Сонлар ўқида берилган рационал сонга мос нуқтани ясаш.

5-масала. Берилган соннинг рационал эмаслигини исботлаш.

6-масала. Рационал сонни аниқлайдиган кесим тузиш.

7-масала. Иррационал сонни аниқлайдиган кесим тузиш.

8-масала. Ҳақиқий сонлар тўпламининг тартибланганлигини исботлаш.

9-масала. Ҳақиқий сонлар тўпламининг зичлигини исботлаш.

10-масала. Ҳақиқий сонлар тўпламининг узлуксизлигини исботлаш.

3. **Асосий масалаларни ечиш бўйича фаолият усуллари:** фаолият усулини унинг таркибидаги ҳаракатлар ёрдамида баён қиламиз. 1-3-масалалар, ҳамда 8-10 масалалар дарслик, ўқув қўлланмаларда исботланган. Фаолият усуллари шу исботни бажаришдаги ҳаракатлар билан ифодаланади.

Масалан, 9-масалани ечишни фаолият усули таркибидаги ҳаракатлар қуйидагича:

1) Ихтиёрий иккита тенг бўлмаган ҳақиқий сонларни x ва y билан белгилаш; 2) x ва y ни рационал сонлар тўпламининг кесимлари ёрдамида ёзиш: $x=(A,B)$, $y=(C,D)$; 3) фарз қилиб, $x < y$ тенгсизлигини ёзиш; 4) $x < y$ тенгсизлигини кесимлар тилида ёзиш: $A < C$, $A \neq C$; 5) $A < C$, $A \neq C$ эканидан C га тегишли, лекин A га тегишли бўлмаган r рационал соннинг мавжудлигини асослаш; 6) r рационал сон A синфга тегишли эмас, B синфга тегишли, бундан $x < r$ тенгсизлигини ёзиш; 7) r рационал сон C синфга тегишли, D синфга тегишли эмас, бундан $r < y$ тенгсизлигини ёзиш; 8) 6 ва 7 дан $x < r < y$ тенгсизлигини ёзиш, хулосалаш.

Энди 6-масалани ечиш бўйича фаолият усулини тавсифлаймиз. 1) r рационал сондан катта бўлмаган рационал сонларни A қуйи синфга киритиш ($A = \{x \in Q: x \leq r\}$); 2) r рационал сондан катта бўлган рационал сонларни B юқори синфга киритиш ($B = \{x \in Q: x > r\}$); 3) (A,B) жуфтликни ёзиш; 4) A тўпламининг бўш эмаслигини асослаш (A тўплагма тегишли рационал сон кўрсатиш); 5) B тўпламининг бўш эмаслигини асослаш (B тўплагма тегишли рационал сон кўрсатиш); 6) $A \cup B = Q$ эканини кўрсатиш (ҳар бир рационал сон $\in A$ тўплагма, $\in B$ тўплагма тегишли эканини кўрсатиш); 7) A тўплагмадаги ҳар бир рационал соннинг B тўплагмадаги ҳар бир рационал сондан кичик эканини кўрсатиш ($x \in A \rightarrow x \leq r$; $y \in B \rightarrow r < y$; булардан $x < y$); 8) хулосалаш.

Бу масалани ечишдан аввал талаба рационал сонлар тўпламидаги кесим таърифини ўзлаштириши (яъни таъриф билан ишлаш фаолият усуллари янги вазиятга ўтказиш, бирор объектни таърифга келтириш бўйича фаолият усуллари қўллаши) лозим.

Тушунчага келтириш бўйича фаолият усули таркиби қуйидагича [1]:

- 1) тушунчага берилган таърифни эслаш (такрорлаш, ўқиш).
- 2) берилган объектнинг таърифда кўрсатилган жинсга тегишли эканлигини текшириш ($x \in M$ -?);
- 3) берилган объектда берилган тушунчага хос характеристик аломатлари (тур фарқлари) мавжудлигини аниқлаш; бунда тушунча аломатлари “ва” боғловчиси билан боғланган бўлса, у холда барча аломатларни текшириш керак; агар тушунча аломатлари “ёки” боғловчиси билан боғланган бўлса, бирини текшириш етарли ($x \in B(x)$ -?)
- 4) берилган объектнинг тушунчага тегишли эканлигини ҳамда хулоса чиқариш ($x \in A(x)$, ёки $x \notin A(x)$)

Ушбу фаолият усулини талабаларда шакллантириш, мустаҳкамлаш мақсадида талабаларга кўшимча ёрдамчи масалалар беришмақсадга мувофиқ. Масалан:

№1. Рационал сонлар тўплами кесимига таъриф беринг. Кесим қандай белгиланади?

№2. Айтайлик, A – манфий рационал сонлар тўплами, B – мусбат рационал сонлар тўплами бўлсин. Бу тўпламлар жуфти кесим бўладими? Жавобингизни асосланг.

№3. Айтайлик, $A = Z$ – бутун сонлар тўплами, $B = Q \setminus Z$ – қолган рационал сонлар тўплами бўлсин. Бу тўпламлар жуфти кесим бўладими? Жавобингизни асосланг.

№4. Айтайлик, A – манфий рационал сонлар тўплами бўлсин. Бу тўпламнинг энг катта элементи мавжудми (энг катта манфий рационал сон мавжудми)? Энг кичик элементичи? Жавобингизни асосланг.

№5. Айтайлик, B – номанфий рационал сонлар тўплами бўлсин. Бу тўпламнинг энг кичик элементи мавжудми? Энг катта элементи чи?

№6. Айтайлик, $A = \{r \in Q: r \leq 4\}$ бўлсин. A тўплами сўз билан тавсифланг.

№7. Айтайлик, $A = \{r \in Q: r \leq \frac{4}{3}\}$, $B = \{r \in Q: r > \frac{4}{3}\}$ бўлсин. Бу тўпламларнинг кесим ташкил этишини исботланг. Бу холда (A, B) кесим $\frac{4}{3}$ сонни аниқлайди деб айтилади (биринчи тур кесим).

Изох. (A, B) кесим ҳам, бу ерда $A = \{r \in Q: r < \frac{4}{3}\}$, $B = \{r \in Q: r \geq \frac{4}{3}\}$ сонни аниқлайди (иккинчи тур кесим).

№8. Қуйидаги сонларни аниқлайдиган кесимларни тузинг: а) 2; б) -1,5. Бу кесимларни сонлар ўқида тасвирланг.

4. Математиканинг алоҳида бўлимларига хос фаолият усуллари, бизнинг ҳолда “Ҳақиқий сонлар тўплами ва унинг хоссалари” мавзусига хос бўлган фаолият усуллари абстракциянинг навбатдаги поғонаси - “кесимлар тили”дан, чексиз ўнлик каср тушунчасидан фойдаланиш билан боғлиқ. Масалан, иккита x ва y ҳақиқий сонларни таққослаш бўйича фаолият усулининг ҳаракатлар таркиби қуйидагича: 1) x ва y ни аниқлайдиган кесимларни ёзиш, $x = (A, B)$, $y = (C, D)$; 2) Ава C тўпламларни солиштириш; 3) хулоса чиқариш (агар $A = C$ бўлса, y холда $= y$; агар $A \subset C$ бўлса, y холда $< y$; агар $A \supset C$ бўлса, y холда $> y$).

Мавзу бўйича асосли шакллантирилган тезаурус:

I. Тушунчаларнинг ривожланишидаги узвийликнинг намоён бўлишини кўришга имкон беради. Биз қараётган мавзуда рационал сонлар тўпламидаги кесим-ҳақиқий сон; рационал сонлар тўпламидаги тенглик (катта, кичик) муносабати – ҳақиқий сонлар тўпламидаги тенглик (катта, кичик) муносабати; чекли ёки даврий ўнлик каср – чексиз ўнлик каср; рационал сонларнинг зичлик (тартибланганлик) хоссаси – ҳақиқий сонларнинг зичлик (тартибланганлик) хоссаси узвийликнинг намоён бўлишига мисол бўлади.

II. Талабалар томонидан тушунчаларни, янги фаолият усуллари ўзлаштиришда, яъни янги ўқув тезаурусини талабанинг шахсий тезаурусига айлантиришда, узвийликдан самарали фойдаланиш учун ёрдамчи масалалар тизимини тузишга имкон беради. Юқориди рационал сонлар тўпламида кесим тушунчасини таърифини ўзлаштириш бўйича ёрдамчи масалалар келтирилди. Кесимлар тилида исботлашга ўргатиш мақсадида дастлаб

талабаларга рационал сонлар тўпламининг зичлик хоссасини кесимлар тилида исботлашни таклиф қилиш мумкин. Бу исботни бажаришда талаба ҳар бир рационал сонни рационал сонлар тўпламидаги биринчи тур кесим билан аниқланиши, рационал сонларни солиштиришулар аниқланадиган кесимнинг қуйи (юқори) синфлари орасидаги муносабат (бири иккинчисининг қисми бўлиши) билан аниқланишини, рационал соннинг у аниқлайдиган кесимнинг қуйи ва юқори синфларидаги рационал сонлар билан муносабатини билиши ва фойдалана олиши лозим бўлади. Шу сабабли талабаларга йўналтирувчи саволлар ёрдамида (масалан, а) ҳар бир рационал сон биринчи ёки иккинчи тур кесимни аниқлайди, аниқлик учун биринчи тур кесимларни қараймиз. r_1 ни аниқлайдиган (A, B) кесимни ёзинг ва сонлар ўқида чизинг. Қуйи (юқори) синфдаги рационал сонлар билан r_1 орасидаги муносабатни айтинг; б) $r_1 < r_2$ бўлсин. Уларга мос биринчи тур кесимни битта сонлар ўқида тасвирланг. Уларга мос қуйи синфлар орасида қандай муносабат мавжуд? Бу муносабат ҳар доим ўринлими? в) $r_1 < r_2$ муносабатни кесимлар тилида таърифлаш мумкинми?) бу билимларни фаоллаштириш ва мустаққамлаш лозим.

Кесимлар тилида рационал сонлар тўпламининг зичлик хоссасини исботлашда талабанинг фаолияти қуйидаги ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин: 1) тенг бўлмаган иккита r_1 ва r_2 рационал сонларни ҳаёлан танлаш; 2) ҳар бир рационал сонга мос биринчи тур кесимларни ёзиш: $r_1 = (A, B)$ ва $r_2 = (C, D)$; 3) $r_1 < r_2$ деб фараз қилиш; 4) бу фараздан $A \in C$ муносабатни ёзиш; 5) $A \in C$ ва $A \neq C$ муносабатлардан C тўплагма тегишли, аммо A тўплагма тегишли бўлмаган r рационал соннинг мавжудлигини асослаш; 6) $r \in B$ эканидан $r_1 < r$ ва $r \in C$ эканидан $r < r_2$ эканини келтириб чиқариш; 7) $r_1 < r < r_2$ қўш тенгсизликни ёзиш ва хулосалаш.

III. Мавзу билан узвий алоқада бўлган янги масалалартизимини тузишга имкон беради. Масалан, қаралаётган мавзу учун ҳақиқий сонларни чексиз ўнли каср ёрдамида аниқлаш, ҳақиқий сонлар тўпламидаги муносабат ва амалларни чексиз ўнли касрлар тилида аниқлаш, ҳақиқий сонлар тўпламининг хоссаларини исботлашга оид масалалар тизимини тузиш мумкин.

Шундай қилиб, ушбу мақолада ўқув фани тезауруси мазмунини аниқлаштирилди, у ўқув фанининг таянч тушунчаларини; ўқув фаолият усулларини (умумўқув фаолият усуллари, умумматематик фаолият усуллари, математиканинг алоҳида бўлимларига хос фаолият усуллари асосий масалаларни ечиш бўйича хусусий фаолият усуллари), ҳар бир мавзу бўйича асосий масалалар тизими ва бу масалаларни ечиш бўйича фаолият усулларини ўз ичига олиши лозим. Яхши ташкиллаштирилган тезаурус ўқитишда узвийликнинг намоён бўлишини кўришга; узвийликдан самарали фойдаланиш учун ёрдамчи масалаларни тузишга; мавзу билан узвий алоқада бўлган янги масалалар тизимини тузишга имкон беради. Шунингдек, тезаурус маъруза ва амалий машғулот мақсади ва мазмунини, уларни ўтказишда талабалар ва ўқитувчи фаолиятларини лойиҳалаштиришга, ўқитиш восита, методлари, шаклларини танлашга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Епишева О.Б. Технология обучения математике на основе деятельностного подхода. М.: Просвещение. 2003.-223с.
2. Жаров В.К., Таратухина Ю.В. Феноменология кросс-культурного образования. М.: «Янус-К». 2016.-134с.

3. Жаров В.К., Тургунбаев Р.М. Проблема преемственности в методике преподавания математики и её интерпретации в современных образовательных школах// Вестник РГГУ. Серия Информатика. Информационная безопасность. Математика. 2019. №2. с. 52-74.

4. Кожокаръ О.П. Тематический тезаурус как средство развития понятийного мышления в процессе подготовки будущих учителей. //Вестник Сургутского педагогического университета. 2009. №2. С. 95-99.

5. Мирошниченко А.А., Мирошниченко И.Л. Тезаурус как модель задаваемой учебной информации//Международный научно-исследовательский журнал. № 12 (54) .Часть 4 .Декабрь. DOI: 10.18454/IRJ.2016.54.236

6. Пак Н.И. О концепции информационного подхода в обучении // Вестник КГПУ им. В.П. Астафьева. 2011. № 1. С. 91-98.

7. Пушкарева Т.П. Особенности обучения математиков условиях информационного общества// Приволжский научный вестник. № 3 (7) – 2012. С.56-59.

8. Пушкарева Т.П. Формирование интегрированного тезауруса как результат обучения математике//Вестник Красноярского государственного педагогического университета им. В.П. Астафьева 2012, №2.С.132-137

9. Пушкарева Т.П., Калинина В.В. Интеграция педагогических и информационных технологий в условиях информационно-образовательной предметной среды по математике// Здоровье и образование в XXI веке. Электронный научно-образовательный вестник. 2018. Том.20 (2)

10. Тургунбаев Р.М. Математик анализ ўқув фанидан тезаурусни шакллантириш методикаси ва унинг аҳамияти// TDPU ilmiy axborotlari. 2019/2(19). 24-276.

11. Тургунбаев Р.М. Математик анализни ўқитишда талабанинг шахсий лексикони, ўқув фани тезауруси ва масалалар тизими//Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў. 2020. №6. 74-81б.

12. Тургунбаев Р.М. Талабаларга математик анализни ўқитишда тезаурус методидан фойдаланиш// НамДУ Илмий ахборотлари. 2020. №7. 472-478б.

13. Тургунбаев Р.М., Абдурахманова Ш. Математикани фаолиятли ёндашув асосида ўқитишнинг дидактик асослари. Методик қўлланма/Т.:ДПУ.-2012.-67 б.

14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тўртинчи жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. - 606 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада «Ҳақиқий сонлар тўплами» мисолида математик анализ фанидан ўқув тезаурусини шакллантириш методикаси ва ўқув тезаурусининг ўқув жараёнидаги аҳамияти баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье на примере темы «Множество действительных чисел» изложены методика формирования учебного тезауруса и его значения в учебном процессе.

SUMMARY

In this article, on the example of the topic «The set of real numbers», the methodology of the formation of an educational thesaurus and its meaning in the educational process are described.

РАЗВИТИЕ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ФИЗИКИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ СПОСОБНОСТИ

Ахмедов А.А.

Навоиский государственный педагогический институт

Таняч сўзлар: машғулот, модернизация, қўллаш, физика ўқитувчиси, шаклланиши, таълим, сифат кўрсаткичи, компетенцияси, бўлажак ўқитувчилар, даражаси, экспериментал тадқиқотлари.

Ключевые слова: занятие, модернизация, применение, учитель физики, формирования, образования, показатель качество, компетентность, будущих учителя, степень, экспериментальное исследование.

Key words: occupation, modernization, application, teacher of physics, formation, education, quality indicator, competence, future teachers, degree, experimental research.

Предлагаемой модели особое внимания выделяется назначения лабораторных занятий по физике - приобретение студентами необходимых умений и рационализаторский навыков в преподавании физического эксперимента. При этом студенты должны проверит основные физические закономерности явлений, изучать методикой измерения и правилами математической обработки результатов измерений, научиться обращению с современной научной аппаратурой, самостоятельно могут выполнить родственной работу.

Надо отметить, что лабораторные работы по специфике подразделяется:

- 1) Лабораторные работы производственного характера;
- 2) Лабораторные работы педагогического характера;
- 3) Лабораторные работы научного характера;
- 4) Лабораторные работы универсального характера

При выполнении лабораторных работ преподаватель составляет график выполнения лабораторных работы, имеющимся в аудитории подразделяет их подгруппах не более 5 студентов (звено или бригада).

Данной работе рассмотрены лабораторные работы педагогического характера с учетом основанные на многолетнем педагогическом опыте внедрения и применения его данном этапе.

Каждому лабораторному занятию предшествует предварительная подготовка студента, которая включает в себя:

а) Ознакомление с содержанием описания лабораторной работы выявить цель работы и как осуществляется применение данной работы в практике, сможет ли он самостоятельно выполнять родственные лабораторные работы, самостоятельно собрать схемы экспериментальной установки родственной работы а также в компьютере создать их виртуальных состояниях.

б) проработку теоретической части изучения цель и задачи данной работы по учебникам, рекомендованным в методическим указанием к ней;

в) составления бланка отчета по лабораторной работе в соответствии следующим стандартом ВУЗа СТП 21600.33-10-84 «оформление отчетов по лабораторной работе» если заинтересованно предприятие или организация то они могут вынести свои форма или стандартов по требованию организации или предприятия.

г) в отчете студент должен составлять не менее 10-тесты на каждой четырех ответами по данной теме для усовершенствования методики развития тестирования

Студентами «отчет» выполняется на заключенных в рамку листах стандартного размера 297*210мм (формат А4). Записи на обратной стороне листа не допускаются.

«Отчет» должен содержать:

- 1) названия лабораторной работы;
- 2) цель лабораторной работы и его применения в производстве или педагогики;
- 3) постановка задачи;
- 4) приборы и принадлежности;
- 5) таблицу для заполнения статистических характеристик измерительных приборов;
- 6) теоретическую часть (основные понятия и законы);

- 7) описания метода измерений и установки;
- 8) таблицы для записи в них результатов измерений.

Теоретическая часть лабораторной работы должна быть краткой, занимать не более одного листа. Она должна содержать основные положения, законы, лежащие в основе изучаемого физического явления, и рабочую формулу (без вывода) с расшифровкой всех буквенных обозначений. При подготовке к выполнению лабораторных работ студент должен помнить, что методической указания к лабораторным работам являются только основной для их выполнения. Кроме того необходимо теоретическая подготовка к каждой лабораторной работе осуществляет учебной литературой указанной в описании лабораторной работы.

Для получения допуска студент должен показать усвоение им метода определения искомых физических величин, понимание исследуемых в работе физических явлений, уяснение физического смысла основных величин.

Студенты, получившие допуск, приступают к выполнению лабораторной работы. В лаборатории необходимо строго соблюдать правила техники безопасности. В ходе занятия запрещается заниматься посторонними делами,

подходить к другим установкам и мешать выполнению работ другими студентами. Студенты работают бригадами. Отчет у каждого студента должен быть индивидуальным. Не сделанные без уважительной причины работы выполняются с разрешения преподавателя в специально отведенное время.

Практическая часть работы – ознакомление студентов с предложенными инструментами, приборами и аппаратурой. При этом особое внимание уделяется определению метрологических характеристик измерительных приборов в которые входят: диапазон измерения, цена делений, класс точности, погрешность измерений. Эти характеристики, выраженные в тех единицах, в которых снимаются показания с приборов, заносятся в таблицу.

На 2 этапе работы – наладка экспериментальной установки, сборка электрических схем, монтаж установки и т.п. Подготовка установки, выполненной студентом, должен быть проверен преподавателем или лаборантом. После контрольной проверки студент приступает к самостоятельному выполнению работы. При первых наблюдениях никаких отсчетов и записей производить не следует. После того, как студент несколько раз проследит явление, научится управлять установкой, а потом можно приступить к записи показания приборов.

Результаты опыта заносятся в таблицу, представленную в описаниях лабораторных работ. При этом в таблицу записываются обозначения и единицы измерения каждой физической величины.

Полученные результаты представляется преподавателю. Затем с разрешения преподавателя нужно выключить установку. По окончании практической части работы студент завершает оформления отчета по лабораторной работе. Для развитие логического мышления составляет тесты по данной тематике не менее 10-тесты на каждой четырех ответами. Это важной фактор при подготовке будущих учителей физики. Преподаватель проверит правильности составления тестов методической подготовке студента. Для заполнения отчета при подготовке к занятию, дополняется следующим содержанием:

- 1) таблицей с результатами измерений;
- 2) математической обработкой результатов всех прямых и косвенных измерений;
- 3) расчетом искомых величин в единицах СИ;
- 4) графиками (если это необходимо);

5) выводами.

Для того чтобы отчет был четким и аккуратным, студент должен иметь лабораторный тетрадь, в которой проводится расчет искомым физических величин, погрешностей измерений и т.п. Все этапы этих расчетов необходимо кратко отразить в отчете.

Выводы отчета должны опираться на анализ выявленных в работе закономерностей, связей между различными физическими величинами, сравнение полученных результатов с теоретическими и табличными.

В конце занятия полностью оформленный отчет по лабораторной работе сдается преподавателю. Перенос оформления отчета на дом делается исключительных случаях.

Защита лабораторной работы проводится на следующем занятии и включает в себя такие элементы, как:

- а) собеседований по экспериментальной части работы;
- б) обсуждения результатов выполнения работы;
- в) проверка подготовленные тестовые вопросы;

Для быстрого реагирования происходящих процессов и активного внедрения достижения науки и техники в учебных занятиях от преподавателя физики требует особое компетентности подготовки. Для подготовки будущих учителей физиков кроме экспериментальной компетентности необходимо умения принимать конкретные решения в сложных ситуациях при преподавания физики.

Литература:

1. Джораев М ,Ахмедов А.А Модернизации компетентности будущего учителя физики.// Физика в школе//Москва.№7,2015год.Стр 20-23
2. Ахмедов А, Джораев М, Камолов И Модернизация лабораторных работ по физике в высших педагогических вузах. Монография докторский диссертации.стр50. LAMBERT Akademik Publishing. Heinrich-Böcking-Str. 6-8, 66121, Saarbrücken, Germany.e-Mail: info@lap-publishing..
3. Ахмедов А.А., Камолова Д.И. Индивидуальный педагогический подход к выполнению лабораторных работ по оптике. //Педагогика и современность//. Москва. №1(15). 2015. С. 81-88.
4. Ахмедов А, Джораев М, Очилов Ш. Развитие компетентности учителя физики и пути её совершенствования // Pedagogy&Psychology Theoryand Practice International scientific journal №6(8), 2016г. стр14-16.Volgograd.

РЕЗЮМЕ

Maqolada o'qitish sifatini oshirish uchun laboratoriya ishlarining tuzilishini modernizatsiya qilish orqali fizika o'qituvchisining eksperimental kompetentsiyasini shakllantirish haqida gap boradi.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрено формирование экспериментальной компетентности учителя физики путем модернизации структуры проведения лабораторных работ для усовершенствования качества обучения.

SUMMARY

The article deals with the formation of the competence of a physics teacher by modernizing the structure of conducting laboratory work to improve the quality of teaching.



БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТЎРБИЯ

BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARIDA IQTIDORNI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI

Abdixoliqova M.B.

Zaripova M.Q.

Qashqadaryo VXTXQTMOHM katta o‘qituvchisi

Таянч сўзлар: механизм, бошланғич синф, иқтидорни ривожлантириш, мактаб, ўқувчилар.

Ключевые слова: механизм, начальная школа, развитие талантов, школа, учащиеся.

Key words: mechanism, primary school, talent development, school, students.

Mamlakatimiz hozirgi rivojini texnika va texnologiya sohasidagi salmoqli o‘zgarishlar bilan bog‘laydigan bo‘lsak, u holda aynan shu jihat jamiyatimizda ma‘lum xususiyatlarga ega shaxsga ehtiyojni yuzaga keltirmoqda. Bu shaxs yangi va o‘zgarayotgan sharoitlarga tez moslashadi, doimo davrga moslashishga va mukammallikka intiladi, vujudga keluvchi muammolarni mustaqil hamda ijodiy hal etishga tayyor bo‘ladi. Shaxsning bu kabi iqtidorini rivojlanishi darajasini qanday aniqlash mumkin? Odatda bu daraja inson qanday muhitda o‘sib-ulg‘aygani va mazkur muhit uning kamolotiga qanchalik ko‘maklashgani, individualligini qo‘llab-quvvatlagani va takomilga yetkazgani bilan belgilanadi. iqtidorni yuzaga chiqarish va rivojlantirish masalasi esa alohida subyektiv tavsif kasb etadi.

Iqtidor - insonning o‘z xatti - harakatlari, bilimlari, imkoniyatlari, malakalariga nisbatan subyektiv munosabatidir. Iqtidorli inson genial yoki talantli bo‘lmasligi mumkin, lekin u har qanday ishda mardlik, chidamlilik, o‘z-o‘zini boshqara olish, tashabbuskorlik kabi fazilatlarga ega bo‘lib, o‘zlari shug‘ullanayotgan ishni bajonidil, sidqidildan bajaradi. Xorijiy tajribalarga ko‘ra iqtidorli o‘quvchilarni maxsus dasturlar bo‘yicha o‘qitishning qariyb yarim asrlik amaliyoti bunday ta‘limning hamma yerda yuqori sifatini anglatmaydi. Iqtidorli o‘quvchilar bo‘yicha Yevropa kengashi (YESNA) eks-prezidenti Dj.Friman ta‘kidlaganidek, “iqtidorlilar uchun ko‘plab ta‘lim dasturlari mavjud, ularning asosida hech bir ilmiy ishlanma mavjud emas, ularning tashkilotchilari o‘zlarining xatosizligiga ishonch asosidagina ish ko‘radilar”. Tushunarliki, ilmiy ishlanma – yuqori yoki past intellektual va ijodiy imkoniyatga ega o‘quvchilar uchun yaratilganidan qat‘iy nazar istalgan yaxshi dastur yaratish yo‘lidagi ilk qadam.

An‘anaviy ta‘lim dasturi iqtidorli o‘quvchining rivojlanishi uchun o‘tib bo‘lmas to‘siq bo‘lishi mumkin, bu iqtidorli o‘quvchilarni o‘qitish muammosini hal qilish zaruratiga foydasiga asoslardan biri edi. Ma‘lumki, doimo bolada bilish ehtiyojini uyg‘otish zarurati paydo bo‘ladi. Shunga bog‘liq ravishda Y.A. Komenskiy keyinchalik universal ahamiyat kasb etgan o‘qitishning “yengilligi” tamoyilini joriy qiladi. Ayni shu vaqtda pedagog bolani kamol toptirishning boshqa bir universal tamoyili – tabiatan muvofiqlik tamoyilini ajratib ko‘rsatadi. Tarbiya va o‘qitishga gumanistik yondashuvning asoslarini belgilab bergan mazkur tamoyil keyinchalik J.Lokkaning ishlarida yanada sayqal topadi. O‘quvchilarning

psixologik xususiyatlari yoki "iqtidorlilik belgilari" ko'pincha psixologlar orasida katta munozaraga sabab bo'ladi. Iqtidorlilikning asosiy belgilari uzun «ro'yxati» mavjud, ularda iqtidorli o'quvchilarning real hayot va faoliyatda namoyon qiladigan xususiyatlari aks etgan. Odatda, bunday belgilarning mavjudligini o'quvchi xulqi xususiyatlarini kuzatishda baholash mumkin. qiyinchilik shundan iboratki, iqtidorlilik belgilarining o'zi juda rang-barang va ijtimoiy-madaniy muhitga bog'liq. bu hol iqtidorli o'quvchilar xususiyatlari "ro'yxati"ga nimalar kiritilishi, nimalar kiritilmasligi, qaysi belgilar albatta namoyon bo'lishi, qaysilari namoyon bo'lmasligi kerakligi haqidagi va sh.k. tasavvurlarda sezilarli tafovutlarni keltirib chiqaradi. Fikrimizcha, ajratiladigan belgilardan loaqal bittasi mutaxassis e'tiborini tortishi va uni muayyan vaziyatni batafsil va davomli tahlil qilishga undashi kerak degan pozitsiyani mazkur masalada tobora produktiv deb sanash mumkin.

Boshlang'ich sinf o'quvchisining aqliy (intellektual) iqtidorligi yotadigan quyidagi tobora umumiy tavsif (xarakteristika) larni ajratish imkonini beradi:

- keng qamrovli qiziquvchanlik va bilim olishga bo'lgan katta ehtiyoj;
- aqliy yuklamaga bo'lgan katta ehtiyoj;
- qandaydir mashg'ulot yoki faoliyat sohalariga yaqqol ifodalangan qiziqish, nimagadir g'ayriodatiy berilish;
- mustaqil qo'yilgan maqsadga erishish yo'lidagi qat'iyat;
- bilimlarni mustaqil ravishda yangi vaziyatda qo'llash;
- muammoni hal qilishning original usullarini topa bilish malaka-larini egallay boradilar.

Maktabga kelayotgan olti-yetti yoshli o'quvchidan ma'lum doiradagi bilim va malakalarni kutishga haqlimiz. Masalan, alifboni bilish, bo'g'inlarni so'zlariga birlashtirish va yigirmagacha sanash, topishmoq va ertaklarga kiziqish.

O'quvchilarning shu qadar rang-barang ehtiyoj va imkoniyatlarini qondirish uchun an'anaviy ta'lim mazmuni qanday o'zgarishlarni boshdan kechirishi kerak? Boshqacha aytganda, o'quvchilar uchun ta'lim mazmuni qaysi tamoyillarga asoslanishi lozim? Tamoyillar qandayligini aniqlash uchun bu toifa o'quvchilarning o'ziga xos ehtiyoj va imkoniyatlarinigina emas, balki iqtidorli o'quvchilar ta'limi hal qilishi lozim bo'lgan vazifalarni ham bilish kerak.

Ta'limning markaziy vazifalari, aniqrog'i maqsadlari – o'quvchi individualligini kashf qilish yo'llarini ta'minlash, tizimli tafakkurni, dunyoni yaxlit idrok kilishni va shaxsning ma'naviy-axloqiy asoslarini rivojlantirish sifatida belgilandi. Bu vazifalar iqtidorli o'quvchilarni o'qitishga nisbatan spetsifik (o'ziga xos) sanalmay, balki barcha o'quvchilar uchun dolzarbdir. Iqtidorli o'quvchilarni o'qitish uchun bu vazifalarning qo'yilishi birinchi darajali ahamiyatga ega ekani boshqa gap. Bu ta'limning an'anaviy vazifalari - bilim, ko'nikma va malakalarni o'zlashtirish iqtidorli o'quvchilar uchun maktabga salbiy munosabatning sababi bo'lishi mumkinligi bilan birga ijtimoiy buyurtmaning o'ziga xosligi bilan ham bog'liq.

Axir ijtimoiy buyurtma nuqta nazaridan, iqtidorli o'quvchilar haqida g'amxo'rlik jamiyat oldida turgan muammolar yechimiga umid, birinchi navbatda, aynan shu o'quvchilar bilan bog'liqligi, ularning madaniyat, fan, iqtisodiyot va texnika rivojiga eng katta hissa qo'shishlari kutilayotgani bilan belgilanadi. Ta'limning yana bir, favqulodda muhim vazifasi – o'quvchining ijodkor shaxsini rivojlantirish haqida ham shu fikrlarni bildirish mumkin.

Adabiyotlar:

1. Aslonova O.P. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida tafakkur tezligini shakllantirish texnologiyasi. // Monografiya. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 144 b.
2. Болотова А.К, Макарова И.В. Прикладная Психология: Учебник для вузов.- М.Аспект Пресс, 2006 – 382 с.
3. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения.–М.: ИРПО. 1996.- 336 с.
4. Жумаев М.Э.Янги авлод тарбиячилари.// Халқ таълими.-Тошкент,1995. №5. 94-6.

5. Митина Л. М. Учитель как личность и профессионал (психологические проблемы). – М.: Дело. 1994.-215 с.

РЕЗЮМЕ

Мақсуд мақолада бошланғич синф ўқувчиларида иктидорни ривожлантириш механизми хусусида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются механизмы развития талантов у младших школьников.

SUMMARY

This article examines the mechanisms of the development of talents in younger students.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРДА ИЧКИ ҲАРАКАТ РЕЖАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Темирова Ш.

Қарши давлат университети магистранти

Таянч сўзлар: бошланғич, синф, ўқувчи, ички, ҳаракат, режа, қобилият.

Ключевые слова: начальный, класс, ученик, внутренний, план, действие, умение.

Key words: elementary, class, student, internal, action, plan, ability.

Бошланғич синф ўқувчиларида ички ҳаракат режасини шакллантириш тўғри ва оқилона йўналтирилса, улардаги ақлий-манتيқий фаолиятни кучли ривожлантириш мумкин. Бу қобилият кўпгина ҳолларда боланинг таълим олишдаги муваффақиятларини аниқлаб беради.

Болага ўз ҳаракатларини содир этишдан олдин уларни режалаштириш ва англашга ёрдам бериши ҳақида юқоридаги фикрларимизда баён этилган. Агар биз 3-4 ёшли болага: “Сен ҳозир нима қилмоқчисан?”, “Қандай қилмоқчисан?” деган саволлар билан мурожаат қилсак, нормал шароитда бола нима қилмоқчи эканлигини тушунтиради, аммо ушбу ҳаракатни қандай бажаришини ёки амалга оширишини тушунтиролмайди. Бола кичик мактаб ёшида ўзининг шахсий ҳаракатларини содир этишдан олдин унда айтиш ва назорат қилиш кўникмалари шаклланади. У математик ва орфографик масалаларни ечишда, баён ёзишда ҳамда ўз фикрини ифода этишда, шунингдек, ўқув жараёни билан боғлиқ ҳарқандай ҳаракатларни содир этишда муҳим роль ўйнайди. Шу ўринда савол туғилади: дарс жараёнининг ўзида ушбу қобилиятни вужудга келтириш имконияти етарлими? Жавобни қуйидагича беришимиз мумкин: агарда биргина математика фани дарслигининг мазмунини таҳлил қиладиган бўлсак, дарслиқда келтирилган мисол ва масалаларнинг бир қисми юқорида эслатилган қобилиятни ривожлантириш имкониятини беради. Бунда албатта ўқитувчи маҳорати ҳам юқори натижага эришиш омили сифатида тилга олинади.

Ички ҳаракат режасини яратиш босқичлилик тавсифига эга ва бу жараёни бошланғич синф ўқувчиларининг математика дарсларида матнли топшириқларни бажариши жараёнида кузатишимиз мумкин.

Биринчи босқич.

Мақсад: масала шартини таҳлил қилиш.

Вазифалар:

1) Масалада “нима маълум?”, “нимани топиш керак?” ва бу элементларни бири бири билан боғлашга ўргатиш;

2) Масалани таҳлил қилишнинг умумий услубларини ўргатиш;

3) Кенгайтирилган нутқ шаклида масаланинг шартини таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш.

Дастлаб ўқувчилар масаланинг таркибий элементлари (шарти, саволи, маълумот-

лар, сюжет, хулоса, жавоби) билан танишадилар, уларни бир-биридан фарқлай олиш буйича машқ қилиш таклиф этилади. Сўнгра масаланинг асосий математик моҳиятини тушуниб олиш қобилиятини яратиш керак. Бунинг учун болаларни масала матнидан ортикча сўзларни чиқариб ташлаш орқали уни қискартиришга ўргатиш талаб этилади. Бунда уларга масаланинг моҳиятига таъсир қилмайдиган сўзлар иштирок этган масалаларни таклиф қилиш керак. Ўқувчилар масаладаги асосий ва асосий бўлмаган белгиларни фарқлай олишлари учун масаланинг дастлабки қўринишини сақлаб қолиш усулидан фойдаланиш мумкин. Бу ўқувчиларга масаланинг бирор элементини ўзгартирганда ечимда қандай ўзгариш содир бўлиши ёки ечимдаги бу ўзгариш қайси ҳолатда юз бериши ёхуд қандай вазиятда сезиларли ўзгариш содир бўлмастлигини билиш имконини беради. Бунда гап шундай масалалар ҳақида кетяптики:

- а) Шароит ўзгарганда савол ўзгаради;
- б) Савол ўзгарганда шароит ўзгаради;
- с) Миқдорий маълумотлар ўзгарганда ҳам масала мазмуни ўзгармайди.

Ушбу методикани ўтказиш жараёнида ўқувчилар куйидаги хулосаларга эга бўлишади:

– Математик масалаларнинг шундай таркибий элементлари борки, уларнинг баъзиларини ўзгартириш бошқа таркибий элементларнинг ўзгаришига таъсир қилади ва аксинча, шундай элементлар ҳам мавжудки, уларнинг ўзгартирилиши бошқаларининг моҳиятига таъсир этмайди;

– Агарда масаладаги бирор элементнинг ўзгариши бошқаларининг ўзгаришига олиб келса, унда янги масала ҳосил бўлади;

– Бирор элементнинг ўзгариши қолганларига ҳам таъсир ўтказса ва масала янги мазмун касб этса, бундай элемент муҳим таркибий қисм ҳисобланади.

Масалани таҳлил қилиш қобилиятини янада ривожлантириш учун ностандарт топшириқлардан (турли хил типдаги масалаларни таҳлил қилишнинг умумий услубларини яратиш) фойдаланиш мумкин.

Иккинчи босқич.

Мақсад: масала ечимининг режасини тузиш.

Вазифалар:

- 1) Ақлий режалаштиришни амалга оширишни шакллантириш;
- 2) Мустақил тарзда масала ечимини режалаштириш кўникмасини таркиб топтириш.

Ушбу босқичда берилаётган масаланинг бошқа кўринишларидан фойдаланган ҳолда ақлий режалаштириш қобилиятини такомиллаштириш масалалари ҳал этилади:

- содда масалаларни ечиш;
- содда масала параметрларини (шарти, саволи, берилган қийматлар, мазмуни) тузиш;
- содда масала шартларига қўшимчалар киритиш орқали мураккаблантирилган масала ҳосил қилиш ва унинг тизимли ечимини тузиб чиқиш;
- масаланинг ечимини топишда талаб даражасида ёрдам бериш.

Масалан:

№1. “Автобусда 10 та йўловчи кетаяпти. Бекатда 4 киши тушиб қолди. Автобусданечтайўловчиқолди?”

№2. “Автобусда 10 та йўловчи кетаяпти. Биринчи бекатда 4 киши, иккинчи бекатда яна 2 киши тушиб қолди. Автобусда нечта йўловчи қолди?”

№3. “Автобусда 10 та йўловчи кетаяпти. Биринчи бекатда 4 киши, иккинчи бекатда эса 2 киши тушди ва 3 киши чиқди. Автобусда нечта йўловчи қолди?”

Учинчи босқич.

Мақсад: идеал режа ечимини амалга оширишда кўникмага амал қилишни шакллантириш.

Вазифалар:

1) Ақлий амалларни бажаришни ривожлантириш бўйича методик ишларни давом эттириш, масалани режалаштириш;

2) Ҳақиқий ҳаракатларни ҳаёлий ҳисоботлар билан бирлаштириш қобилиятини шакллантириш;

3) Ақлий қобилиятни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган таҳлил қилишни давом эттириш ва ривожлантириш;

Учинчи босқичда олдинги босқичларда таклиф этилган масалалардан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда асос сифатида атайлаб йўл қўйилган хатоликлар мавжуд масалалардан фойдаланилади. Қуйидаги ҳолатни қараймиз.

Доскада масала матни ва ечими (махсус нотўғри) ёзилган: Бешта қиз ва еттита ўғил бола футбол ўйнашаётган эди. Ўйин учун улар тенг икки жамоага бўлинишди. Ҳар бир жамоада нечтадан бола бор?

Ечиш: 1) $5+6=11$ (ҳамма бола); 2) $11-2=9$ (та бола)

Жавоб: ҳар бир жамоада 9 тадан бола.

Ўқитувчи:

– Масалани партадошингиз билан биргаликда бажаринг. Масалани ким таҳлил қилишини, ким ечимлар схемасини тузишини келишиб олинг.

Шундан сўнг ўқувчилар ўқитувчининг кўрсатмаларини бажарадилар ва ўқитувчи ўз суҳбатини давом эттиради:

– Ечимлар режасини тузамиз. Дафтарда ўзларингиз учун схема тузинг. Бобур эса доскада бажаради.

Бобур масала ечимининг режасини тузмокда: “Бизга маълумки, футбол ўйинида бешта қиз ва еттита ўғил бола бор эди, улар тенг равишда тенг икки гуруҳга бўлинишди. Ҳар бир жамоада нечтадан бола борлигини топишимиз керак. Саволга битта жавоб бера олмаймиз. Биринчи навбатда ҳаммаси бўлиб нечта бола футбол ўйнаганини билишимиз керак. Шундан кейингина масаланинг аниқ жавобини аниқлашимиз мумкин. Бу бўлиниш ҳаракати орқали аниқланади.”

– Доскада бажарилган амаллар ва жавоб тўғрими?

– Масала шарт билан режасини солиштирамиз. Хатоликлар мавжуд: 7 рақамининг ўрнида 6 – бу хато. Энди ҳаракатларнинг тўғри эканлигини текшириб кўрамиз. Биринчи ҳаракат тўғри: рақамлар қўшилган. Иккинчи ҳаракатда хатолик юзага келган – бўлиниш амали билан ҳисобланиши керак эди. Натижани текширамиз, нотўғри. Бизнинг ечимимиз бўйича ҳар бир жамоада 6 тадан бола бор.

Масаланинг ечими ҳақида нима дея оласиз?

Масаланинг ечимида кўпгина хатолар бор: маълумотларда, ечиш усулида ва жавобда.

Болаларнинг кенгайтирилган нутқ шароитларини ривожлантириш уларнинг мустақил фаоллигини оширишга имкон беради.

Тўртинчи босқич.

Мақсад: янги шароитларда эгалланган кўникмалардан фойдаланиш қобилиятини шакллантириш.

Вазифалар:

1) Янги шароитларда эгалланган ҳаракатларни онгли равишда мустақил бажара олиш;

2) Турли хил усуллар (таҳлил қилиш, ечимни режалаштириш, кенгайтирилган

нутқ шаклида масала натижасини тушунтириб бериш) билан болаларнинг фаоллигини ошириш.

Шундай қилиб, таклиф этилаётган ички ҳаракат режасини шакллантириш тизими мактаб ёшидаги болаларда дарс пайтида ҳам, дарсдан ташқари машғулотларда ҳам ўқитишнинг қулай усули ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Abdurahmonova N., O‘rinboeva L. Matematika. 2-sinf uchun darslik. –Т.: Yangi yo‘l Poligraf Servis, 2016.

2. Ahmedov M., Abdurahmonova N., Jumayev M. Matematika. 1-sinf uchun darslik. –Т.: Turon-iqbol, 2016.

3. Burxonov S., Xudoyorov O‘., Norqulova Q. Matematika. 3-sinf uchun darslik. –Т.: Sharq, 2016.

4. Шадиев Р.Д., Ибрагимова Г., Набиев И. Современное дошкольное образование инновационная деятельность. Бюллетень науки и практики - Bulletin Of Science and Practice (scientific journal) №4 2018. p-457-460. DOI: 10.5281/zenodo.399225

5. Shodiev R.D. Methods and Forms to Ensure Understanding in Educational Process. Eastern European Scientific Journal. DOI 10.12851/EESJ201805. www.auris-verlag.de

РЕЗЮМЕ

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларида ижодий ёндашувлари ўргатиш асосида алоҳида аҳамият касб этган ички ҳаракатлар режасини шакллантириш ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается через педагогических творческих подходов младших школьников формирование внутреннего плана действий.

SUMMARY

The article discusses the formation of an internal action plan, which is of particular importance on the basis of teaching creative approaches in primary school students.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ YOSHIDAGI BOLALARDA IXTIYORNI DIQQATNI RIVOJLANTIRISHNING O‘ZIGA XOS ASPEKTLARI

Baratova N.

*Qashqadaryo VXTXQTMOHM pedagogika - psixologiya va ta'lim menejmenti kafedrasida
katta o'qituvchisi*

Таянч сўзлар: мактабгача тарбия, болалар, ихтиёрлик диктатни ривожлантириш, аспект, интеллектуал салоҳият, мактабгача тарбия ёшидаги болалар.

Ключевые слова: дошкольное образование, дети, развитие произвольного внимания, аспект, интеллектуальный потенциал, дети дошкольного возраста.

Key words: preschool education, children, development of voluntary attention, aspect, intellectual potential, preschool children.

Dunyo miqyosidagi hozirgi ijtimoiy-siyosiy hayot kishilik jamiyati taraqqiyotining ayni bosqichi shunday o‘ziga xos xususiyatga egaki, unda harbiy qudrat emas, balki shaxsning psixologik xususiyatlari, intellektual salohiyat, aql-idrok, fikrlashi, xotirasi, yangi texnika va texnologiyalar hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Yosh avlodni mustahkam irodali qilib tarbiyalash, mustaqil ijodiy fikrlashga o‘rgatish, tafakkurini rivojlantirish tufayli ular kelgusida o‘z oldilarida vujudga kelishi kutiladigan muammolarni ijodiy ravishda hal qilish orqali ta’limning rivojlanishiga, Respublikamizning ilg‘or texnologiyali jahon davlatlari qatoridan munosib o‘rin egallashiga hissa qo‘shishga erishish mumkin. Tajribalar shuni ko‘rsatadiki, maktabgacha ta’lim tashkiloti tarbiyalanuvchilarida ixtiyorsiz

diqqat bir muncha yaxshi rivojlangan bo'ladi. Mashg'ulotlar jarayonida ixtiyorsiz diqqatni ixtiyoriy diqqatga aylantirish uchun qulay shart-sharoitlar mavjud. Maktabgacha yoshdagi bolaga taqdim etiladigan o'quv materiallarining bolalarning yosh xususiyatlari va o'zlashtirish imkoniyatlariga mosligi ularning diqqatlarini mustahkamlab uning bir nuqtaga qaratilishiga imkoniyat yaratadi. O'quv materiallarining turli-tumanligi va qiziqarliligi ixtiyoriy diqqatning to'planishi, markazlashuvi va barqarorlashuviga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda ixtiyoriy diqqatni bir nuqtaga qaratishning murakkabligi quyidagilar bilan izohlanadi:

Xotiraning boshqa turlariga qaraganda bolalarda mexanik xotiralarining yaxshi rivojlanganligi uchun ham, o'quv ma'lumotlarini aynan o'zgarishsiz eslab qolish imkoniyatini yaratadi.

Bola tarbiyachi-pedagogning talablari mohiyatini to'liq anglab yetmaganliklari uchun ham, to'g'ri tushuntirib berish haqidagi topshiriqlarni, matnni so'zma-so'z tushuntirish tarzida anglaydilar.

Bolalarida so'z boyligining yetarli darajada shakllanmaganligi tufayli ham, ular matnni aynan so'zlab berishga ko'proq moyil bo'ladilar.

Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarida matn mazmunini eslab qolish tajribasi yetarli darajada shakllanmagan bo'ladi.

Esab qolishning to'g'ri usuli sifatida matndagi ma'nodosh so'zlarni guruhlariga ajratish, tayanch nuqtani topish, so'zlab berish uchun reja tuzish va o'tilgan mavzularni idrok etgan holda yangi mavzuni takrorlash samarali natija beradi. Shu bilan birga xotiraning samarali rivojlanishi bolalarning o'qish mayllariga bevosita bog'liqdir.

Tarbiyachi-pedagoglarning muhim vazifalaridan biri – tarbiyalanuvchilarda o'quv materiali mazmunini eslab qolish uchun muayyan intilishni tarkib toptirish, ularga eslab qolish va fikrlash usullarini o'rgatishdan iboratdir. Shundagina o'quvchilarning so'z boyliklari va xotirasi izchil rivojlanadi.

Maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyalanuvchilarida ixtiyoriy diqqatni rivojlantirishda o'quv faoliyatining ta'siri, talabi, imkoniyati va shart-sharoitlari orqali tarkib toptirish muhim. Bolalarning ixtiyoriy diqqati tevarak-atrof taassurotlari, dunyo ajoyibotlari, ko'rgazmali materiallar, tasviriy san'at namunalari yordamida vujudga keladi. Timsollar, illyustratsiyalar, shartli belgilar, noma'lum narsalarning alomatlari, tabiat manzaralari, fazoviy tasavvurlar jamlanib bolalar xotirasida to'planadi. Bu esa bolalar ruhiy dunyosi kengayishida alohida ahamiyat kasb etadi.

Ma'lumki, maktabgacha ta'limning dastlabki bosqichida bolalarning umumlashtirish ko'nikmalarini juda sodda va faqat tashqi, o'xshash belgilariga asoslanadi. Keyinchalik esa bolalar buyumlar va hodisalarning sifatleri, xususiyatlari, belgilarini guruhlash va tavsiflash, munosabatlarining muhim belgilariga ko'ra umumlashtirish ko'nikmalarini egallaydilar. Bu pedagog-tarbiyachining o'quv jarayoniga qiziqtirishi, mashg'ulotlarga faol qatnashish mayllarini hosil qilishda turli didaktik vositalardan foydalanishi natijasida jadallashadi. Ana shunday vositalardan biri ta'limiy o'yinlardir. O'yin o'qitish jarayonida bolalar qiziqishini, ularning qobiliyatini, xotirasini, fikrlash va faolligini rivojlantirish vositasi sifatida tarbiyalanuvchilarning e'tiborini tortadi. Chuqur o'ylangan va yaxshi o'tkazilgan o'yin xotirani mustahkamlashni osonlashtiradi hamda tegishli bilim va ko'nikmalarni shakllantirishga yordam beradi. Jumladan,

“Suv-Yer-Havo” o'yini.

Maqsad: bolalarda tushunish ko'nikmalarini va xotirasini rivojlantirish.

O'yin qoidasi: Boshlovchi koptokni otadi va 3 ta unsurdan birini nomini aytadi: Suv, Yer, Havo. Koptokni ilib olgan bola qaysi unsur aytib o'tilgan bo'lsa o'sha unsurda yashovchi xayvonlarning nomini aytadi. Agar boshlovchi “Olov” so'zini aytsa, hamma o'rmidan turadi va joyini almashtiradi.

“Eslab qol” o‘yini.

Maqsad: xotira va tafakkurni rivojlantirish.

O‘yinqoidasi: O‘yinda ikkita guruh ishtirok etadi. Harbir guruhning boshlovchisi (tarbiyachi-pedagog) yonida o‘tirgan ishtirokchi-bolaning qulog‘iga biror qiziq voqeelikni aytib beradi va u ishtirokchi ham yonida o‘tirgan ishtirokchining qulog‘iga shu so‘zni takroran aytadi. O‘yin shutariqa davom etadi. Qaysi guruh ishtirokchilari oxirgi ishtirokchigacha aytilgan voqeani xatosiz va tez yetkazsalar shu guruh g‘olib bo‘ladi.

Shunday ekan bolaning psixologik rivojlanishi kup hollarda oqilona tashkil etilgan o‘yin faoliyatiga bog‘liq. Chunki, uyin

– bolalar jamoasini uyushtira olishi;

– tashkilotchilik qobiliyatini rivojlantirishi;

– diqqat, xotira va tafakkurini rivojlantiradi va shu jihatlari bilan boshqalardan ajralib turishini ta‘minlaydi.

Adabiyotlar:

1. Красильникова В.С., Грошева З.Н. Детские игры в Великобритании – М., 1992. 48 с.
2. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. М., 1998. 137 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ихтиёрй диққатни ривожлантиришнинг ўзига хос аспектилари ҳар томонлама ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье подробно исследуются особенности развития произвольного внимания у дошкольников.

SUMMARY

This article examines in detail the features of the development of voluntary attention in preschoolers.

BOSHLANG‘ICH SINIF ONA TILI TA‘LIMIDA UZVIYLIKNI TA‘MINLASH MUAMMOSINING PEDAGOGIK ASOSLARI

Berdiyeva L.N.

Qashqadaryo VXTXQTMOHM pedagogika - psixologiya va ta‘lim menejmenti kafedrası o‘qituvchisi

Таянч сўзлар: она тили, бошлангич таълим, педагогик асослари, таълим, дидактика, методика, педагогика тарихи, предмет, концепция.

Ключевые слова: родной язык, начальное образование, педагогические основы, образование, дидактика, методика, история педагогики, предмет, концепция.

Key words: native language, primary education, pedagogical foundations, education, didactics, methodology, history of pedagogy, subject, concept.

Zamonaviy sharoitda boshlang‘ich maktab ta‘lim tizimida didaktik va metodik ta‘minotni takomillashtirish muammosi ko‘pincha fanlararo va bir o‘quv predmeti ichidagi aloqalar bilan birgalikda ko‘rilib, ta‘lim uzviyligini ta‘minlashning muhim omili sifatida qaralmoqda. Bu borada O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha, umumiy o‘rta va oliy ta‘lim tizimlarida o‘zbek tili fanini o‘qitishni rivojlantirish konsepsiyasi ishlab chiqilgan bo‘lib, mazkur konsepsiya O‘zbekiston Respublikasining 2035 yilgacha rivojlanish Strategiyasining konsepsiyasi, 2019 yil 29 apreldagi “O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta‘limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF -5712-sonli, 2019 yil 6-sentabrdagi “Professional ta‘lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PF-5812-sonli,

2019 yil 21 oktabrdagi “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF 5850- sonli Farmonlari hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 yanvarda Oliy Majlisga Murojaatnomasida belgilangan vazifalar yuzasidan ishlab chiqilganligini ta’kidlash o‘rinli. Konsepsiyada “umumiy o‘rta ta’limda o‘zbek tili ta’limi mazmunini sinflar kesimida boshlang‘ich (2-4-sinflar), umumiy o‘rta (5-9-sinflar) va yuqori sinflar (10-11-sinflar) bo‘yicha uzviylashtirilgan dasturlar yaratish va darsliklarni modernizatsiyalash bo‘yicha jiddiy ishlar olib borilayotgani holda ushbu ta’lim mazmunini professional ta’lim va oliy ta’lim tizimlarida tadrijiy davom ettirish va ta’lim bosqichlararo uzluksizlikni ta’minlash masalasi hali ham o‘z yechimini topgani yo‘q”ligi qat’iy ta’kidlab o‘tilgan.

Ma’lumki, ta’limni metodik ta’minotini takomillashtirish fan asoslarining maqsad va mazmunini o‘zaro moslashtirib o‘qitish, shuningdek, boshlang‘ich sinf o‘quvchilarning bilim va tafakkurlarini shakllantirish hamda bilish qobiliyatini rivojlantirishga muvofiqlashtirilgan tizim deb tushunish lozim. Fanlardagi uzviylilikni ta’minlash esa bir o‘quv fani doirasida ilgari o‘rganilgan kurs mazmuniga tayanib (sinfma-sinf), kelgusini ko‘zlab izchillikni o‘rnatgan holda o‘qitish, fanlarni o‘zaro aloqadorlikda o‘rganishni nazarda tutadi. Boshlang‘ich sinf ona tili predmeti ichidagi aloqalarni o‘rnatish har bir ona tili kursi ichida bo‘lgan o‘ziga xos ichki bog‘lanishlar anglanadi. Ma’lumki, dastlab bilimlar insonning tabiat hodisalari va jamiyat hayotini kuzatish natijasida boyib borgan empirik (amaliy faoliyatga asoslangan) tajribaga tayangan. Keyinchalik, bilimlarni sistemalashtirishga ehtiyoj tug‘ilgach, ularni o‘ziga mos darajada qamroviga olib, umumlashtirib jamlagan falsafa fani vujudga kelgan. Tabiiyki, qadimgi faylasuflar hodisalarning turli tomonlarini bog‘lash bilan birga, qat’iy amaliy qoidalar, izchil sistemalarni belgilay olmadilar. Shunday bosqich keldiki, unda ushbu fan to‘plagan ma’lumotlar odatdagi doiraga sig‘may qoldi va falsafadan mustaqil fan tarmoqlari ajralib chiqa boshladi. Ayniqsa, Uyg‘onish davrida bu jarayon kuchaydi. Fanni tabaqalashtirish natijasi o‘laroq, maktabda alohida ajratilgan o‘quv predmetlarini o‘qitishga olib keldi. “Zero, obyektiv olamning bir butunligi fanlarning o‘zaro bog‘liqlikda rivojlanishini taqozo etadi”. Pedagogika tarixi shohidlik berishicha, bunday tabaqalashtirish jarayoni maktab o‘quv fanlari orasida mavjud bo‘lgan tabiiy, dialektik bog‘lanishlarni ham buza boshladi. Bu esa o‘z navbatida tabiatdagi narsa va hodisalarning o‘zaro bog‘liqligi va o‘zaro munosabatlari haqidagi o‘quvchilar tasavvurlarini toraytirib, sxolastik, tarqoq bilimlarni o‘zlashtirishlariga sabab bo‘ldi. O‘tmishdagi buyuk pedagoglar bunday kamchilikni anglab, uni bartaraf etishga urindilar. Mazkur muammoning manbai Farobiy “Aql ma’nolari haqida”gi risolasida “mantiq san’ati kishiga shunday qonunlar haqida ma’lumot beradiki, bu qonunlar vositasida aql chiniqadi, inson sog‘lom fikr yuritishiga o‘rganadi”, deb yozadi. [4, 38-b.] Shu bois madrasa ta’limida mantiq ilmi chuqur o‘rgatilgan. Unda fikrlash va nutqda mantiqiy bog‘lanishlarga alohida e’tibor berilgan. Bu ilmiy muammoni psixologiya fani olimlari ham tadqiq etganlar. Buyuk pedagog Y.A.Komenskiy o‘qitish asoslarining mustahkamligi haqidagi qoidani rivojlantirar ekan, avvalo o‘quvchilar bilimidagi sayozlik sabablari va sxolastik ta’lim (tajribaga asoslanmagan soxta bilim) metodlarining ayanchli oqibatlarini ochib beradi. Buning asosiy sabablaridan biri o‘quvchilar bilimidagi sistemasizlik va o‘zaro bog‘lanmaganligidan ekanligini ko‘rsatib, tabiatdagi predmet va hodisalar tabiiy holatda qanday bog‘langan bo‘lsa, shunday bog‘lanishda o‘qitish zarurligini ta’kidlab, o‘zining “Buyuk didaktika” asarida “Barcha o‘zaro aloqada bo‘lgan narsalar, shunday aloqada o‘qitilishi kerak” [3, 287-b.] deb yozadi. O‘quv fanlari orasidagi uzviy bog‘lanish g‘oyasi Angliyalik taniqli faylasuf va pedagog olim Jon Lokk faoliyatida o‘z ifodasini topdi. Uning fikricha: ”mantiq va metafizikani mavhum tushunchalar bilan o‘qitib bo‘lmaydi, chunki bunda ko‘proq u aqlni rivojlantirish o‘rniga uni o‘tmaslashtiradi. Hamma predmetlar o‘qitilishini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yilishi nafaqat fan asoslarini egallashni

ta'minlaydi, balki bolaning aqli va muomila tarzini shakllantirib, ko'nikma va malakalarini rivojlantirish barobarida hayotning turli tomonlari haqidagi bilimlarini boyitadi". Mazkur fikrlar tahlilidan anglaniladiki, ta'limda uzviylikni ta'minlashga jiddiy e'tibor qaratish muammosiga alohida ahamiyat berish maqsadga muvofiq. Bunga ko'ra ona tilini maktabgacha ta'limda o'rgatishni yo'lga qo'yish uzluksizlik nuqtai nazaridan boshlang'ich ta'limda o'zbek tilini o'qitishni 1-sinfdan boshlashni taqozo etadi. Aks holda o'rtada uzilish, bo'shliq paydo bo'ladi. Maktabgacha ta'lim va umumiy o'rta ta'lim muassasalarida davlat tiliga oid til ko'nikmalarini egallashga doir chora-tadbirlarni ishlab chiqish, respublikamizda o'zbek tilini maktabgacha ta'lim muassasalaridan boshlab o'rgatish, ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarda 1-sinfdan o'qitishni yo'lga qo'yish orqali maktabgacha, umumiy o'rta, professional va oliy ta'lim tizimlari o'rtasida davlat tili ta'limining uzluksizligini ta'minlashga erishish maqsadga muvofiq. Shundagina ona tilimizni asrab-avaylash va yanada rivojlantirish, mamlakatimizda davlat tilini to'laqonli joriy etishni ta'minlash, ta'lim muassasalarida davlat tilini o'rgatish va uni bilish darajasini baholash tizimini yanada takomillashtirishga qaratilganligi bilan o'zbek tilining taraqqiyotida yangi sahifalar ochiladi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi maktabgacha, umumiy o'rta va oliy ta'lim tizimlarida o'zbek tili fanini o'qitishni rivojlantirish konsepsiyasi. Toshkent.2020, -25 b
2. Чориев А.Ч. Педагогиканинг фанлараро алоқаси ва бадий адабиёт билан ўзаро боғлиқлик қонуниятлари(Кадрлар тайёрлаш миллий модели фан компоненти асосида): Пед. фан.докт. ... дис.автореф. –Тошкент: 2003. – 44 б.
3. Коменский. Я.А. Избранные педагогические сочинения. –М.: Учпедгиз, 1955. –656 с.
4. Буюк сиймолар, алломалар. 1 китоб. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси. –Т.: 1995. –101 б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бошлангич синф она тили дарсларида ўзвийликни таъминлаш муаммосининг педагогик асослари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуются педагогические основы проблемы самодостаточности на уроках родного языка в начальной школе.

SUMMARY

The article examines the pedagogical foundations of the problem of self-sufficiency in the lessons of the native language in primary school.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР: ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ, ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ

Уразалиева А.


Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, докторант

Таянч сўзлар: мактабгacha таълим, иқтисодий тарбия, иқтисодий таълим, муносабатлар, иқтисодий маданият.

Ключевые слова: дошкольное образование, экономическое образование, экономическое образование, отношения, экономическая культура.

Key words: preschool education, economic education, economic education, relations, economic culture.

Болаларнинг иқтисодий тасаввурларни бирмунча самарали ўзлаштиришлари учун уларнинг билишга оид фаолиятини тўғри ташкил этиш билан эришиш мумкин. Иқтисодий тасаввурларни шакллантириш жараёнини ташкил қилишнинг



умумий муҳим установакалари куйидагилардан: ҳар бир бола шахсига эътиборни намоён қилиш; катталар ва тенгдошлари билан эркин ҳамкорлик қилиш; боланинг интеллектуал, ҳиссий, эҳтиёжий-иродавий соҳасидаги фарқларни инobatга олиш; ҳар бир боланинг мақсадлари, кизиқишлари, эҳтиёжларини ҳисобга олишдан иборат.

Болаларда иқтисодий тасаввурларни шакллантириш

нинг муҳим таркибий қисми – унинг мазмунидир. Мазмун бозор иқтисодиётининг турли соҳаларидан келиб чиқадиган ишлаб чиқариш-технологик, товар-пул, давлат-юрдик, маънавий-ахлоқий, ахборот-ташкилий каби иқтисодий тасаввурлар тизimini ўз ичига олади.

Мактабгача тарбия муассасаларида олиб борган тадқиқотларимиз асосида куйидаги натижаларни олдик:

Шу нуктаи назардан болаларга иқтисодий билимларни сингдириш, уларнинг бу борадаги тасаввурларини кенгайтириш мақсадида куйидагиларга эътибор қаратишни тавсия этамиз: биринчидан, таълим мазмуни билимларнинг aloҳида тармоғи сифатида иқтисодиёт предметига мос келиши керак; иккинчидан, материал аънавий зарурий билимлар каби жамиятимиз иқтисодиётининг замонавий ривожланиш даражасини акс эттирадиган бўлиши керак; учинчидан, материални танлаш таълимнинг мазмуний ва процессуал бирлиги асосида амалга оширилиши зарур, бу билишга оид материал мазмуни аниқ таълим жараёни билан боғлиқлигини ва уни бериш тамойиллари ҳамда технологияларини, ўзлаштириш усуллари ва у билан боғлиқ ҳаракатларни инobatга олиш зарурлигини, шунингдек, бошқа таълим йўналишлари (меҳнат, aloқа, билим, бадий адабиётларни ўқиш, бадий ижод) билан иқтисодий мазмуни интеграциялаш имкониятини аниглади.

Иқтисодий тасаввурларни шакллантириш жараёни болалар фаолиятининг ҳар хил турларида, турли усуллар (ўйинли, амалий, кўргазмали, oғзаки) ва иш шакллари (экспериментлойдхалаш, коллекция қилиш, муаммоли вазиятларни ҳал қилиш) орқали амалга оширилади.

Иқтисодий таҳсил тарбия тизимининг таркибий қисми сифатида, аввало, тарбиянинг умумий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган ва меҳнат, маънавий, сиёсий, ҳуқуқий, aқлий, экологик ва тарбия тизимининг бошқа таркибий қисмлари ўртасидаги боғловчи бўгинлардан бири сифатида юзга чиқади.

Мавжуд тадқиқотларни таҳлил қилиш «иқтисодий тарбия» ва «иқтисодий таълим» к тушунчаларини фарқлаш имконини беради. Бизнинг фикримизча, иқтисодий таълим, даставвал, болаларда иқтисодий билим, кўникма, меҳнатга, унинг натижаларига, вақтга, табиий муҳитга, пул маблағларига ва ҳ.к. ларга нисбатан кизиқишни шакллантиришни ва бу муносабатни ўзида жамиятнинг иқтисодий ҳаётида иштирок этиш усулини акс эттирадиган аниқ фаолиятда намоён этишни назарда тутди. Иқтисодий таълим муайян билимлар тизими, фаолият усуллари, уларни амалга ошириш тажрибаси, иқтисодий фаолият жараёнида мулоқот маданияти, иқтисодий дунёқарашни ўз ичига оладиган, иқтисодиёт соҳасида инсониятнинг педагогик мослаштирилган ижтимоий тажрибасини ўзида акс эттиради.

Шундай килиб, иқтисодий таълим:

1. Воситали тарзда намоен бўлган иқтисодий турмуш фактлари ва кўринишларидан иборат бўлган ҳамда уларнинг ўртасида алоқа ва муносабатларни ўрнатишни билиш жараёни сифатида кўриб чиқадиган иқтисодий тафаккурнинг ривожланишига кўмаклашади.

2. Шахс томонидан иқтисодий билим ва малакаларни ўзлаштириш, иқтисодий тафаккур ва онгнинг ривожланиши компонентларидан бири ҳисобланадиган иқтисодий маданиятни шакллантиради. Иқтисодий маданият иқтисодий тарбия ва таълим даражаси билан боғлиқ, у оила, мактабгача таълим муассасаси, мактаб, меҳнат жамоаси таъсири остида шаклланади.

3. Иқтисодиёт соҳасида инсоннинг самарали фаолиятини шартли ва воситаси ҳисобланиб, жамиятнинг иқтисодий ҳаёти асосини инсонларнинг ишлаб чиқариш, алмашилиш, моддий фаровонлиқни тақсимлаш ва истеъмол қилишга йўналтирилган фаолияти натижасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлари ташкил этади.

4. Шахсий сифатлар: айнан эса: меҳнатсеварлик, масъулиятлилик, эҳтиёткорлик, ишбилармонлик, тadbиркорлик, режалилик, уюшганлик, ташаббускорлик, омилкорлик ва бошқаларни шакллантиришни таъминлайди.

Болаларга иқтисодий билим беришнинг асосий вазифалари:

1. Жамиятнинг иқтисодий ривожланиш қонунлари, хўжалик юритиш тамойиллари ва усуллари, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш билимлари билан қуроллантириш, болаларда иқтисодий ҳисоб-китоб малака ва кўникмаларини, иқтисодий таҳлил қилишни, меҳнатни оқилона уюштириш кўникмаларини шакллантириш.

2. Меҳнатга, одамлар меҳнатига, мулкчиликнинг барча турларига эҳтиёткор муносабатни тарбиялаш. Болаларда шахснинг маънавий-иқтисодий сифатларини, уюшганлик, омилкорлик, тadbиркорликни тарбиялаш.

3. Оқилона иқтисодий эҳтиёжларни, эҳтиёжнинг уларни қондиришни реал имкониятлари билан солиштириш малакасини шакллантириш, шахсий виждонли меҳнат ўз эҳтиёжларини қондириш воситаси ҳисобланишига ишончли тарбиялаш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида иқтисодий тушунчаларни шакллантиришда ўйинлар, машқлардан унумли фойдаланиш, зарурий кўргазмалари материалларни қўллаш самарали натижаларга олиб келади.

Адабиётлар:

1. Петрова В.Ф., Габдрахманова А.А. О формировании экономических компетенций детей старшего дошкольного возраста.//Одаренность и ее развитие.// Сборник статей и методических материалов Пятой международной научно-практической конференции. 26 сентября 2014г./Под ред. проф. В.Ф. Габдулхакова. – Казань: Казанский (Приволжский) федеральный университет, институт психологии и образования. 2014. 94 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг иқтисодий билимларини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган, шунингдек, муайян тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены результаты исследования по изучению экономических знаний дошкольников, а также даны конкретные рекомендации.

SUMMARY

The article presents the results of a study on the study of the economic knowledge of preschoolers, and also gives specific recommendations.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАНИНГ МАТЕМАТИК ВА КОГНИТИВ РИВОЖЛАНИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

Джанпейсова Г.Э.

*Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири,
п.ф.н., доцент*

Пак С.В.

Пучонг университети, Мактабгача таълим кафедраси мудири

Таняч сўзлар: математик таълим, когнитив ривожланиш, математик моделлаштириш технологиялари, ҳиссий ҳислар, ҳиссий жараёнлар, мактабгача ёшдаги болалар.

Ключевые слова: математическое образование, познавательное развитие, технологии математического моделирования, пространственное восприятие, сенсорные процессы, дети дошкольного возраста.

Key words: mathematical education, cognitive development, technologies of mathematical modeling, translucent perception, sensory processes, preschool children.

Республиканинг мактабгача таълим тизимига қўйиладиган замонавий талаблар доирасида боланинг математик ривожланиши бўйича мавжуд методика ва технологияларни бойитиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шунинг учун, математик моделлаштириш усуллари мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда мослаштирилиши ҳам, ечими қўйиладиган муҳим вазифалардандир.

Замонавий педагогларнинг болаларнинг математик тасаввурларини ривожлантириш бўйича муаллифлик дастурларини яратиш имкониятлари жуда кенг, бироқ бунга математика методикаси ва назарияси асосларига тааллуқли билимларни, мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич таълим учун амал қилувчи дастурларга қўйиладиган талабларни чуқур билмасдан, болаларни математик жиҳатдан тайёрлашга оид апробациядан самарали ўтган анъанавий, муқобил ва турли вариантларга бой ёндашувларга мурожаат қилмай туриб эришиш мумкин эмас.

Мазкур йўналишлар болаларда математик тасаввурлар шаклланишининг дидактик асослари чуқурлаштирилишига имкон яратади; мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич мактаб орасидаги изчилликни инобатга олган ҳолда, математика бўйича машғулотларнинг мазмунига қўйиладиган дастурий талабларни илмий жиҳатдан ривожлантириш учун хизмат қилади; боланинг оила шароитида математик жиҳатдан ривожланиши жараёнини энгиллаштирувчи қизиқарли ғояларни юзага келтиради.

Агар педагог ҳамда ота-оналарнинг саъй-ҳаракатлари болаларда англаш жараёнига нисбатан қизиқарли уйғота олма, олдига қўйган мақсадга эришиш ва ечим йўллари мустақил равишда топишга интилишини тарбиялашга эътибор қаратилса, уларда мактабгача ёш даврининг ўзида-ёқ мақсадли ҳаракатларни фаол тарзда амалга ошириш, шунингдек, ақлий фаолият одатий ва табиий фаолиятга айланиши мумкин.

Бошқа қўллаб-қўллагичларнинг фикрига кўра, мактабгача ёш даврининг сўнгги босқичларига келиб боланинг ақлий ривожланишида қўйиладиган кўрсаткичлар муҳим ҳисобланади: тасвирий, оғзаки-манتيкий фикрлашнинг асосларини шакллантириш, тасаввур, ижодкорлик, таснифлаш, умумлаштириш, схемалаштириш, моделлаштириш каби билиш фаолияти натижаларини диалог ва монологда акс эттириш кўникмаларини эгаллаш.

Қўриб чиқилган йўналишлар болаларда образли тафаккур асосида мавжуд бўлган муносабатлар ва улар ҳақидаги манتيкий-схематик тасаввурларни шакллантиришга ёрдам беради, болани бевосита ва табиий равишда тривиял ва нотривиял мантик оламига жалб қилади. Натижада мактабгача ёшдаги болаларда илмий билимларга асос-

ланган алоқадорлик қонуниятларини тушуна олиш қобилияти пайдо бўла бошлайди.

Мактабгача ёшдаги болалар билан математик моделлаштириш жараёни деганда, педагогининг бола билан оддий текис юза қисмига эга бўлган ва фазовий математик абстракциялар ёрдамида моделларни яратиш учун эвристик жиҳатдан йўналтирилган жараёни ташкил этиши назарда тутилади.

Мазкур нуқтаи назардан математик моделлаштириш технологиялари тадқиқотчиларнинг муаллифлик ёндашувларига мос равишда бир қанча турларга бўлинади. Масалан, З.А.Михайлованинг фикрига кўра, технологияларни хатти-ҳаракатларнинг мантикий тартибига асосланган ҳолда таснифлаш мумкин: математик кўнгилочар тадбирлар; мантикий ўйинлар, вазифалар, машқлар; дидактик ўйин ва машқлар.

Б.П.Никитина томонидан тавсифланган технологиялар ақлий ривожланишнинг самарадорлиги даражасига кўра икки турга бўлинади: тақлид қилиш ва моделларнинг қонуниятларини эвристик жиҳатдан англашга асосланган.

Мактабгача ёшдаги болалар билан математик моделлаштириш технологияларининг классификацияси қуйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин:

1. Назарий-кўplik мазмунига асосланиб:
 - тақлиф этилган инвариант шаклнинг яхлит қисмини унинг бўлақларга ажратилганида турли сериялар синфига бирлаштириш мумкин бўлган вариант сифатида;
 - дискрет тарзда ўзгарувчан шаклнинг белгиланган дастлабки шакли бўлақларга ажратилиб констант синфининг бирлаштирилиши сифатида.
2. Фазовий мўлжал олиш бўйича:
 - тўғри тўртбурчакни қирқиш мобайнида текисликда моделлаштириш;
 - тўғри тўртбурчакли параллелепипедни қирқиш мобайнида фазовий моделлаштириш;
 - узлуксиз деформация имкониятини берувчи (топологик хусусиятга эга бўлган) материаллар асосида;
 - классик оригами ва флексагонлар асосида.

Ўрганилаётган мавзу доирасида математик моделлаштириш, бир томондан, конструктив кўникмаларни ривожлантириш учун бир поғона сифатида хизмат қилса, иккинчи томондан ҳосил бўлган конструкциянинг янада юқорироқ мантикий-схематик даражадаги модификацияси ижодий жараёни учун асос бўлиб хизмат қилади.

Н.У. Бикбаева таъкидлаганидек, кичик мактабгача ёшда (1,5 дан 3–4 ёшга қадар) болаларнинг ривожланишида ўзининг шахсий фаолияти мақсади юзага келиши биринчи ўринга чиқади. Ўрта ёшда эса (3–4 ёшдан 5 ёшга қадар) фаолиятнинг турли усулларини фаол тарзда эгаллаш жараёни содир бўлади. 4 ёшлардан сўнг боланинг ҳаракатларида якуний натижага йўналганлик кузатила бошланади. 4,5 ёшдан сўнг эса турли хил маълумотларни – ҳарфлар, рақамлар, сенсор эталонлар, ўқишни билишга нисбатан қизиқиш сезила бошланади.

Кагга ёшда (5–7 ёш) бола нафақат катталарнинг фаолиятларига қараб тақлид қилишни бошлайди, балки фаолиятдан кўзда тутилган якуний мақсадни тушунган ҳолда имкон қадар унда иштирок этишга ҳаракат қилади. У эндиликда кўзгазмали тарзда тасвирланган ёки реал образда тақдим этилган эталон билан солиштириб, ҳосил бўлган натижани баҳолашга ўргана бошлайди. Мактабгача ёшдаги бола оралик натижаларга эришиши давомида фаолият жараёнининг кечиши ҳолатини беихтиёр назорат қилишга ҳаракат қилади, у энди эталонга қараб туриб ўзи мустақил равишда баҳолай оладиган реал натижага эришишга қизиқади.

Ушбу позициядан келиб чиққан ҳолда, математик моделлаштириш жараёни

боланинг билиш қобилиятлари ривожланиши мантиғини кузатиб бориш имконини беради:

- бевосита бошқа реал предметлар билан модел схемаси қисмларини алмаштириш кўникмаларини эгалаш – кичик ёшда;
- тайёр моделлардан фойдаланишга оид ҳаракатларни ўзлаштириш – ўрта ёшда;
- схемалар асосида моделларни мустақил равишда ясашга ва янги моделлар ҳамда уларнинг схемаларини конструкциялаш бўйича кўникмаларини эгалаш – катта мактабгача ёшда.

Боланинг билиш қобилиятлари ривожланишининг ўзига хос қонуниятларидан хабардорлик педагог учун қўйидаги имкониятни очиб беради:

- моделлаштириш ва конструкциялаш жараёнида болаларнинг ҳаракатларини кузатиш орқали уларнинг ривожланишининг муайян босқичини кўра билиш;
- келгусида математик моделлаштириш муваффақиятли кечиши учун янги шакллар, усуллар, ёндашувлар ҳамда материалларни излашга рағбатлантирувчи болалар фаолиятини сифат жиҳатидан таҳлил қилиш.

Тадқиқотчи Е.Л.Пороцкаянинг таъкидлашича, мактабгача ёш даври – болада билиш қобилиятлари ривожланиши учун қулай (сензитив) даврдир. А.Н. Давидчукнинг фикрига кўра математик моделлаштириш – болаларнинг билим соҳаси ривожланишига йўналтирилган ақлий тарбиянинг муҳим қисмидир.

Боланинг билиш соҳаси ривожланишида предметлар ҳамда уларнинг хоссаларини идрок этиш жараёнида намоён бўлувчи сенсор қобилиятларга эгаллиги алоҳида аҳамиятга эга. Мактабгача ёшдаги болалар билан математик моделлаштириш мазмунида сенсор эталонлардан фойдаланиш давомида уч турдаги ҳаракатларни амалга ошириш муҳим:

- идентификациялаш – идрок этилаётган объект сифат хусусиятининг эталонга ўхшаш томонларини аниқлаш сифатида;
- предметни оддий тарзда устига қўйиб кўриш орқали аниқлаб бўлмайдиган эталон билан солиштириш;
- перцептив моделлаштириш – эталон материалдан идрок этилаётган сифат кўрсаткичини қайта тиклаш сифатида.

Тавсия этилаётган ҳаракатлар дастлаб ташқи планда амалга оширилади: болаларпредметларни устма-уст қўйиб кўрадилар, териб кўрадилар, бармоғи билан четларидан айлантириб чиқадилар. Кейинчалик эса улар ички режага ўтадилар, барча ҳаракатлар “мияда” амалга оширилади.

Сенсордан ташқари, мактабгача ёшдаги боланинг ақлий ривожланиши тузилмасига турли вазифаларни ечиш учун муҳим бўлган, яъни тафаккур билан алоқадор бўлган ақлий қобилиятлар ҳам киради. Кўргазмали тарзда моделлаштиришга оид ҳаракатлар уларнинг ривожланиши асосини ташкил этади. Уларнинг ҳам уч хил тури фарқланади:

- ўрнини эгаллаш ҳаракатлари (кичик ва ўрта мактабгача ёш даврда – реал предметлар билан, катта мактабгача ёшда эса – шартли белгилар асосида);
- тайёр моделлардан фойдаланиш (педагог болага моделни беради, бола эса унинг ёрдамида ақлий вазифани ечишга ҳаракат қилади);
- болаларнинг моделларни тайёрлаш бўйича ҳаракатлари.

Мактабгача ёш даврда муайян вазифани ечишга йўналтирилган ҳаёл билан боғлиқ ижодкорлик қобилиятлари интенсив тарзда ривожланиб боради. Ҳаёл маҳсулдорликка эришишга ёрдам бериб, у ҳақиқий воқеликни кенгайтиради, уни предмет тарзида “жонлантиради”; ҳаёл қилиш қобилияти юқори даражада ривожланган болаларнинг фаолияти маҳсули ҳам ноёб чиқади. Болаларнинг ижодий қобилиятларини математик моделлаштириш технологиялари ёрдамида шакллантириш уларнинг ижоди натижа-

ларини бойитувчи рамзий ишоралар билан кўрсатиш ва қисмларга ажратиш бўйича ҳаракатларига таянади.

Билиш соҳаси, сенсор, ақлий ва ижодий қобилиятлари таркибининг ривожланиши икки йўналишда содир бўлади: вазибаларни ечишга ёрдам берувчи воситалардан фойдаланишга оид ҳаракатларнинг мураккаблашуви ҳамда ушбу восита ва усулларнинг ўзгариши. Шундай қилиб, мактабгача ёшдаги болада математик моделлаштириш давомида билиш қобилиятларининг ривожланиши жараёнини муайян мантиқий тартиб асосида кўриб чиқиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Мактабгача ёшдаги болаларда билиш қобилиятининг ривожланиш тартиби

| Ёши | Сенсор қобилиятлар | Ақлий қобилиятлар | Ижодий қобилиятлар |
|------------------|--|--|--------------------------|
| кичик мактабгача | модель қисмларини сенсор эталонлар билан ўхшатиш | ўрнини алмаштириш | предметга ўхшатиш |
| ўрта мактабгача | тайёр моделни эталон билан қиёслаш | тайёр моделлар билан манипуляция қилиш | символлар билан ифодалаш |
| катта мактабгача | моделлаштирувчи идрок (перцепция) | моделларни яратиш | батафсил маълумот |

П.Я.Гальперин, Л.Ф.Обухова, Т.В.Тарунтаева, Д.Б.Эльконин ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра ақлий ҳаракатларнинг ривожланиши болалар томонидан моҳиятан алоқадорлигини ажратиш, воситаларини бевосита идрок этиш асосида ётувчи ўзлаштириш жараёнида самаралироқ кечади. Математик моделлаштириш – бундай воситалардан биридир. Моделлардан фойдаланиш усулларини ўзлаштириш давомида болалар санок, ўлчам, шакл, миқдор, тартиб, таснифлаш, сериялаштириш каби муҳим тушунчалар доирасида математик муносабатлар соҳасини ўзлари учун кашф этадилар.

Куйида боғча ёш даврида эгалланган математик моделлаштириш кўникмалари ривожланганлиги негизда бошланғич синф ўқувчилари бажара олиши мумкин бўлган вазифа турларини келтириб ўтамыз:

1. Чизмада тасвирланган шакл қандай оддий геометрик шакллардан ташкил топганлигини; унинг таркибида нечта тўғритўртбурчак, учбурчак, айлана, квадратлар борлигини аниқлаш.

2. Геометрик шакллардан нақш ясаш.

3. Расмда тасвирланган шакллар мазкур ўзакка нисбатан симметрик ёки симметрик эмаслигини аниқлаш.

4. Белгиланган симметрия ўқига нисбатан симметрик бўлган шаклни куриш.

5. Бир шаклнинг майдони бошқа шаклнинг майдонидан қанчага (неча маротаба) катта эканлигини ҳар икки шаклни тенг кўпбурчакка бўлиш ҳисобига аниқлаш.

6. Икки ҳажмли геометрик шакллардан (конус, цилиндрдан ташқари) иборат композициянинг текисликдаги ёйилган ҳолатини куриш.

7. Мазкур шакллар бир хилми, симметриялар ўз ўқига эгами, қандай геометрик шакллардан ташкил топган ва уларнинг орасида бир хил шакллар бор ёки йўқлигини аниқлаш.

8. Текис контур(ҳажмли қути)ни турли усуллар билан белгиланган геометрик шакллар тўплами ёрдамида тўлдириш.

Қуйида биз болалар билан математик моделлаштириш технологияларини кўриб чиқамиз.

Тўғри тўртбурчакни кесиш асосида текисликда моделлаштириш қуйидагича ифодаланиши мумкин:

- инвариант шакл (бизнинг ҳолатда тўғритўртбурчак) билан белгиланган яхлитликни унинг майда қисмларга бўлиниши натижасида юзага келган турли серияларни умумлаштириш тарзида аниқлаш– “Квадратни яса” ўйини каби;
- белгиланган сўнги шаклни (бизнинг вазиятда тўғритўртбурчакни) бўлиш натижасидаги констант синфларни бирлаштирувчи сифатида дискрет тарзда алмашинадиган яхлит шаклни аниқлаш – “Танграм” ўйини каби.

Текисликда мўлжал ола билишга йўналтирилган ўйинларнинг назарий кўп маъноли мазмунини тушуниш унинг ривожланувчи салоҳиятини инобатга олган ҳолда математик моделлаштириш технологиясининг мазмунини белгилаш имкониятини беради.

Таъкидлаш жоизки, боланинг математик қобилиятини ривожлантириш бўйича фаолиятнинг мазмуни қайси ёндашувга асосланган бўлишидан қатъий назар, унинг ёш хусусиятлари ҳамда ўқитиш талабларига мос бўлиши, келгусида ривожланиши таъминланиши керак; замонавий ахборот технологияларининг имкониятларини инобатга олиши; уларни ўзгартириш йўллари кўзда тутиши лозим. Иш шакллари ва усуллари дунёни ўйин асосида ўзлаштиришнинг инсонпарварлик ғояларини амалга ошириш, ижтимоий ва оилавий тарбиянинг уйғунлаштириш заруряти билан белгиланади, болалар фаолиятини ташкил этиш жараёнида катталар ва болалар ўртасидаги муносабат шахсга йўналтирилган ўзаро таъсир орқали таъминланади.

Тақлиф этилган ёндашувлар педагогнинг кузатувчи позициясини белгилаб беради, яъни у болаларнинг таълимий вазибаларни бажаришнинг ўзига хос усуллари ташлаши ҳамда уларнинг ўз қобилиятларига мувофиқ ривожланиш имкониятини тақлиф этиши зарур. Бундай ёндашув болаларнинг математика соҳасига оид билимлари доирасида ноёб қобилиятларини сақлаб қолишга ҳамда математик тасаввурларни шакллантириш самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Адабиётлар:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori “2017-2021 yillarida maktabgacha ta’limni tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”// O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami. – T., 2017. – 1-son. – 11-modda.

2. Аромштам О., Баранова О. Пространственная геометрия для малышей: Развивающие занятия. –М.: Энас, 2005. – 94 с.

3. Шевелев К. Энциклопедия интеллекта: Рабочая тетрадь 6-7 для детей. – М.: Ювента, 2011. – 80 с.

4. Янгибаева Э. и другие Формирование элементарных математических представлений у дошкольников в разных видах деятельности: Методическое пособие. – Нукус, 2001. – 24 с.

5. Graber A.O., Valli L., Newton K. Upper Elementary Math Lessons / Case Studies of real teaching Rowman and little field publishers in c., 2011 – 195 p.

6. Kumon Publishing. Subtraction. Grade 1PDF. Math Workbook, Kumon Publishing, USA, 2008, – 96 p.

7. Kumon Publishing. Addition. Grade 1PDF. Math Workbook, Kumon Publishing, USA, 2008, – 96 p.

РЕЗЮМЕ

Илмий мақола мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларни шакллантиришнинг эвристик усулларида, математик моделлаштириш технологияларидан фойдаланган ҳолда шакллантиришнинг долзарб муаммоларини таҳлил қилишга бағишланган.

РЕЗЮМЕ

Научная статья посвящена анализу актуальных проблем формирования математических

представлений у дошкольников на основе использования эвристических методов образования, технологий математического моделирования.

SUMMARY

The scientific article is devoted to the analysis of topical problems of the formation of mathematical representations in preschoolers based on the use of heuristic methods of education, technologies of mathematical modeling.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВ ФАОЛЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДИДАКТИК ВАЗИЯТЛАР ВА УЛАРНИ ТАНЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

Юсунова Г.З.

Ажиниёз номидаги НДПИ “Бошланғич таълим” кафедрасининг мустақил изланувчиси

Таянч сўзлар: креатив фаоллик, бошланғич синф ўқувчилари, дидактик вазиятлар, принциплар, интеллектуал, ижод қилиш, ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш принципи.

Ключевые слова: творческая деятельность, учащиеся начальной школы, дидактические ситуации, принципы, интеллектуальная, творческая, личный опыт учащихся, принцип индивидуализации учебного процесса.

Key words: creative activity, primary school students, didactic situations, principles, intellectual, creative, personal experience of students, the principle of individualization of the educational process.

Бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликни ривожлантириш воситалари ва тизимини аниқлаш бир қатор ўқув вазиятларини ташкил этиш зарурлигини кўрсатиши мумкин. Ўқувчиларни муайян вазиятга олиб кириш жараёнида биз: а) муайян ўқув предмети бўйича ўқув материалларини тақдим этиш жараёнида қўпвариантли топшириқлардан фойдаланиш, б) синф жамоаси орасида ўқув материалларини тақсимлаш, в) имитацион характердаги ўқув-билув жараёнини ташкил этиш каби турли ўқув топшириқлари ва дидактик иш турларидан фойдаланиш. Мазкур ўқув материалларини танлашда бир қатор принципларга таяндик:

1. Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш принципи. Бу жараёнда ўқувчиларнинг имкониятлари ва креатив фаоллик кўрсатиш қўникмаларини ҳисобга олган ҳолда уларга топшириқлар берилади. Бунда ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашилади. Шу асосда уларнинг индивидуал таълим йўналишларини танлашлари ва ривожлантиришлари имконият яратилади. Индивидуал ҳамда табақалаштирилган ёндашув ўқувчиларни мустақил фаолиятга жалб этиш орқали амалга ошади. Улар сирасига иншолаш, рефератлар ёздириш, расмлар чиздириш, тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш, ўзлари яратган янгиликларини синаб кўришга ундаш, ўзларининг назарий-амалий билимларини таҳлил қилишга ўргатиш, индивидуал режа асосида билим олишларини рағбатлантириш кабилар.

Ўқув материалларини табақалаштириш педагогик жиҳатдан мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Бу ўқувчиларни турли мураккаблик даражасига эга бўлган ўқув материаллари билан ишлашга ундаш, топшириқларни мувофиқлаштириш, уларни ўқувчилар идрокки, диққати, хотираси, фикрлаш жараёнлари, темперamenti, ихтиёрий сифатлари, ўз майлларига мослаштиришни тақозо қилади.

1. Ўқувчиларнинг ўз-ўзларини мустақил ривожлантиришлари ва мустақил билим олишларини таъминлаш принципи. Мазкур принцип ўқувчиларнинг мустақил

билим олишлари учун шароит яратишдан иборат бўлиб, уларнинг мустақил билиш, ўз фаолиятлари аҳамиятини мустақил тарзда аниқлаш, ўзларини такомиллаштириш, мустақил ривожланиши, мустақил билим олиш ва мустақил ўрганишдан иборат эканлигини намоён қилиш имконини беради.

Шахсга йўналтирилган ўқув вазиятларини ташкил этиш натижасида мазкур принципнинг татбиқ этилиши таълим жараёнида ўқувчиларда ўз-ўзини ривожлантириш лаёқатининг намоён бўлиши мустақил ўқиш, ривожланиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз мавқеини аниқлаш ҳамда ўз фаолиятини амалда татбиқ этиш кабиларда намоён бўлади.

2. Ўқувчиларнинг ижодий имкониятлари кўламини кенгайтириш принципи. Ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллик лаёқатларини ривожлантириш таълим олиш ва ривожланиш микросоциум талабларига жавоб бериши лозим. Ўқувчилар ижтимоий лаёқатларининг ривожланиш имкониятлари даражаси уларнинг креатив фаолликларига боғлиқ. Чунки ижтимоий муҳит ўқувчиларнинг руҳияти ва ижодий имкониятларига ижобий таъсир кўрсатади. Уларни ўз имкониятларини рўёбга чиқариш ҳақида ўйлашга ундайди.

3. Ўқувчилар тажрибасининг шахсий характер касб этиши принципи. Мазкур принцип ўқувчиларнинг шахсий тажрибаларини ҳисобга олиш асосида таълимни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш, ҳар бир ўқувчига педагогик таъсир кўрсатиш усулларини белгилаш имконини беради. Ҳар бир ўқувчи шахсий ижтимоий тажриба соҳиби ҳисобланади. Бу тажриба таълим жараёнида узлуксиз тарзда бойиб боради. Ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари ортишига қуйидаги ҳолатлар сезиларли даражада таъсир кўрсатади: а) ўқувчилар интеллекти, билим, кўникма, малака ва компетенцияларининг ривожланиш даражаси; б) ҳар бир ўқувчининг майллари, истаклари, ўзига хос хусусиятлари, ўзига хос тафаккур тарзи, атроф-муҳитни идрок этиши ва билиши, ўқув материаллари устида ишлаш усуллари; в) ҳар бир ўқувчи эришган муваффақиятлари даражаси кабилар.

Ўқувчиларнинг фикрий даражасига таъсир кўрсатадиган барча ҳолатлар улар ҳаётий тажрибасининг манбаи бўлиб, билим олишга йўналтирувчи асосий омил ҳисобланади. Ўқувчилар ҳаётий тажрибаларининг манбаи сифатида ўқув материаллари, янгича методик ёндашувлар, уларга тақдим этиладиган турли дидактик топшириқлар бўлиши мумкин.

4. Ўқувчиларнинг руҳий физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш принципи. Мазкур принципга асосланган ҳолда ўқувчиларда креатив фаолликни шакллантириш уларнинг лаёқатлари, истаклари, майллари, қизиқишларини ҳисобга олишни тақозо қилади. Таълимнинг инсоний парадигмаси ўқув жараёнида муайян технологияларни қўллашда нафақат микросоциум талаблари, балки ўқувчиларнинг индивидуал, руҳий ва шахсий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишда уларнинг руҳий физиологик хусусиятлари ҳисобга олингандагина қутилган самарадорликка эришиш мумкин. Бунинг учун дастлаб ўқувчиларнинг интеллектуал даражаларини аниқлаш, улар руҳияти ва jismining ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш талаб қилинади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолияти жараёнида ўқув топшириқларини ечиш кўникмаларига қуйидагилар хосдир:

- а) муаммоли вазиятлардан чиқиш йўлларини излаш;
- б) ўқув топшириқларини ечишга нисбатан ташқи майлларнинг вужудга келиши

ва уларнинг ўсиб ички майлга айланиши;

в) топшириқларни бажариш йўллари излашда ўз ҳолати ва қувватларини баҳолаш;

г) ўқувчиларнинг ўзлари амалга оширган билиш ва ижодий фаолиятларидан коникишлари ва уни баҳолашлари;

д) вужудга келган қийинчиликларни бартараф этиш йўлида ўзининг ҳиссий кечинмалари, ихтиёрий қатъиятликлари, фаолиятларини мустақил назорат қилишлари, йўналтиришлари ва фаоллаштиришлари.

Ўқувчиларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган кўникмаларини қандай фаоллаштириш мумкин, уларнинг ижодий фаолиятларида мазкур кўникмалар қандай намоён бўлади? деган ҳақли савол туғилади.

Ижодкор ўқувчилар учун мустақил билиш ва ривожланиш хосдир. Жумладан:

- атроф-муҳитда ўзи учун аҳамиятли, муайян мантиққа эга бўлган фикрларни излаш;
- умуминсоний қадриятлар доирасида ўз фаолияти натижаларини намоён қилишга интилиш;
- ўз ижодий лаёқатлари, қувватлари ва имкониятларини мос тарзда баҳолаш;
- сифатли ечимни таъминлаши мумкин бўлган мақсадлар ва топшириқларни танлаш;
- ўз кучига ишончининг намоён бўлиши;
- фаолият тарзининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда мақсадларини ўзгартириш лаёқатига эга бўлиш;
- хатолардан тўғри хулоса чиқариш, танқидий тафаккурга эга бўлиш;
- ўз шахсий фаолиятининг қимматли жиҳатларини таҳлил қила олиш;
- муайян фаолиятга қизиқиш билан қараш, ундан манфаатдорлик ва уни амалга оширишга тайёр бўлиш;
- фаолиятнинг янги усулларини идрок эта олиш ва унга нисбатан очиқ бўлиш;
- йўл қўйилган хатолар, қабул қилинмаган ҳолатларни таҳлил қилиш, фаолиятга мос воситаларни танлашга мойиллик, фаолият натижаларининг янгилигини таъминлаш кабилар.

Мулоқот ва ҳамкорлик фаолияти жараёнида ўқувчиларнинг креатив вазифалари куйидагича намоён бўлади:

- ўқувчиларнинг самимий ва очиқ ҳаракатларида;
- баён қилинган фикрларнинг мустақиллигида;
- берилган баҳоларнинг ҳолислигида;
- бошқаларни ўз ўрнида кўра олиш ташаббускорлиги ва лаёқатлигида;
- ўзига хослик ва олдиндан лойиҳалаштирилмаганлик кабилар.

Ўқувчиларнинг бу тарздаги ҳаракатлари ва вазифалари шахсга йўналтирилган вазиятларда, мазкур ҳодисани ўрганишнинг шахсий аҳамияти, тажрибаларининг намоён бўлиши ўқувчилар ва ўқитувчи фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини акс эттиради.

Бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаоллиқни шакллантириш учун куйидаги педагогик шарт-шароитлар яратилиши лозим: қатъий топширилган ва назорат қилинадиган вазиятлардан фарқли тарзда, шахсга йўналтирилган эркин

дидактик вазиятларни вужудга келтириш; ўқувчининг креатив фаолиятини кенгайтириш, фаоллаштириш ва уларни мунтазам рағбатлантириш; ўқувчиларда креатив фаолликни шакллантириш ва мунтазам ривожлантириш усуллари, стратегиялари, технологияларини ишлаб чиқиш ва таълим амалиётида қўллаш; креатив фаоллик кўрсатиш жараёнида ўқувчиларни ўз ишига масъулия билан ёндашиш ва эркин бўлишларига ундаш; ўқувчиларнинг кузатишлари, умумлаштиришлари, қисқашлари ва бу жараёндаги ҳиссиётларини қўллаб-қувватлаш; катталар ва ота-оналарни ўқувчиларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлашга ундаш кабилар.

Адабиётлар:

1. Жумаев А.Ш. Ижтимоий фаол ўқитувчи шахсини шакллантиришнинг илмий педагогик асослари: Пед.ф.н. ... дис. – Т.: ТДПУ, 2009. -184 б.
2. Зайцев В.В. Теория и практика развития личностной свободы учащихся в системе начального образования: Автореф. дис. д-ра пед. наук. - Волгоград. 1999. - 48 с.
3. Ибрагимов Р. Бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари: пед. фан. док. дис.авт. ЎзПФТИ – Т., 2005. – 41 б.
4. Ибрагимов Х.И. Теоретические основы профессионального самовоспитания будущих учителей начальных классов./фан.док.дис. -Тошкент.,ЎзПФТИ. 2006 – 307 б.
5. Ибрагимова Г.Н. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш: фалсафа доктори (PhD) даражаси олиш учун ёзилган дисс. автореф.- Тошкент. - 2017.- 25 б.
6. Креативная педагогика: Сб. Науч. Тр. -М., 1998
7. Нуржанова Р.Бошланғичтаълиммазмунини прогностика қилишнинг педагогик омиллари. Пед. фан. номз. илмийдаражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2006. –118 б.
8. Сафарова Р.Г. Бошланғич таълим жараёнига татбиқ этиладиган янги ёндашувлар//“Бошланғич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш” мавзусидаги бошланғич таълим ўқитувчилари Форуми материаллари, Тошкент-2016 йил 13-14 июль. 95-96-бетлар.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада, бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликни шакллантиришда шахсга йўналтирилган дидактик вазиятларни ташкил этиш зарурлиги, бошланғич синф ўқувчиларнинг интеллектуал, креатив фаолликларини ривожлантириш учун қулай шароит яратиши ва ўқувчиларида креатив фаолликни ривожлантириш воситалари ва тизимини аниқлашда уларни танлаш принциплари кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье показана необходимость организации дидактических ситуаций, направленных на личность в процессе формирования творческой активности у младших школьников, создания благоприятных условий для развития интеллектуально-творческой деятельности младших школьников, а также выбора принципов при определении средств и системы развития творческой активности у их учащихся.

SUMMARY

This article shows the need for organizing didactic situations aimed at the individual in the process of forming creative activity in younger students, creating favorable conditions for the development of intellectual and creative activity of younger students, as well as choosing principles when determining the means and system for developing creative activity in their students.



ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

СПОРТ МУРАББИЙЛАРИ ФАОЛИЯТИДА КОМПЕТЕНЦИЯ ВА КОМПЕТЕНТЛИК МАСАЛАЛАРИ

Норқобилов М.Н.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Профессионал таълим ва жисмоний маданият” кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: спорт мураббийи, касбий фаолият, компетентция, компетентлик, жисмоний ва ахлоқий-иродавий сифатлар, касб маҳорати.

Ключевые слова: спортивный тренер, профессиональная деятельность, компетентность, компетентность, физические и морально-волевые качества, профессиональные навыки.

Key words: sports coach, professional activity, competence, competence, physical and moral-volitional qualities, professional skills.

Спорт мураббийларининг касбий-педагогик фаолияти кўп қирралидир. У бир қатор мажбуриятларнинг бажарилишини ўз ичига олади. Улар орасида қуйидагиларни ажратиш лозим: ўқув-табиявий ишлар, спортчиларнинг тренеравка ва мусобақа фаолиятларини бошқариш, спортга лаёқатли ва иқтидорли болалар орасидан саралаш, илмий-услубий ишда қатнашиш, мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш, машгулотлар ҳамда мусобақаларни моддий-техник таъминлаш, шахсий касб маҳоратини мунтазам ошириб боришни тақозо этади.

Мураббийнинг ўқув-тарбиявий вазифаси энг муҳимлардан бири ҳисобланади. У спортчиларни техник-тактик ҳаракатларга ўргатиш, жисмоний ва ахлоқий-ирода сифатларини ривожлантириш, ҳар томонлама ривожланган инсонни шакллантиришдан иборат.

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижа-сида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, қутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаллик”ни англатади.

Инглизча “*competence*” тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита “қобилият” маъносини ифодалайди. Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш”ни ёритишга хизмат қилади.

Инглиз тилининг изоҳли луғатида **компетентция** «*competence – the ability to do something in a satisfactory or effective way*», яъни, рус тилидаги таржимасида «способность делать что - то на удовлетворительном или эффективном уровне», деб таъриф берилган.

Ўзбек тилининг изохли луғатида эса “лаёқатли”, “муносиб бўлмоқ” маъноларини англатиши келтирилган.

Демак, компетенция сўзи “эришяпман”, “муносибман”, “лойикман” маъноларига эга. Шунингдек, муайян давлат органи ёки мансабдор шахснинг Қонун, устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси, у ё бу соҳадаги билимлар, тажрибага эгалликни англатади.

Компетенция сўзи ўзида “муносиблик”, “лаёқатлилик” “самарадорлик”, “мослашувчанлик”, муваффақиятлилик”, “тушунувчанлик”, “натижадорлик”, “уқувлилик”, “уддабуронлик”, “фазилят”, “сифат” каби тушунчаларни ўзида уйғунлаштирган.

Айтиш лозимки, компетенцияларни таърифлаш ва моҳиятини талқин этишда илмий жамоатчиликда умумий – ягона хулоса мавжуд бўлсада, уни таснифлаш жараёнида турли ёндашув ва илмий хулосалар мавжуд.

Куйида хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотларда тилга олинган компетенцияларни таҳлил қилган ҳолда уларни куйидагича таснифлаймиз:

1. Умумий (таянч, универсал, муҳим, усткурма) компетенциялар - барча шахслар учун тааллуқли бўлиб, шахснинг индивидуал, иктидор ва қобилиятларини ўзида жамлаган билим, кўникма, малакалари мажмуи. Шахсий хусусиятлар, хислат ва фазилятлар туғма бўлиши, ҳаётий тажриба, ўқиш, ўрганиш, меҳнат қилиш асосида шаклланиши, инсоннинг ўзини-ўзи (характер хусусиятлари, ирода ва масъулияти, одоб-ахлоқи, ўзини тутиши ва ҳоқ.) ривожлантириш натижасида юзага келади.

Умумий компетенцияларни ўлчашнинг аниқ мезони мавжуд эмас.

2. Касбий компетенциялар – муайян касб, ихтисослик, мутахассисликни шакллантиришга қаратилган билим, кўникма ва малакалар мажмуидан иборат.

Бу компетенцияларга эга бўлиш учун муайян касб бўйича аниқ билим зарур бўлади ва бу кўникмаларнинг мавжудлиги синов ёки амалий ишни бажариши орқали аниқланади.

Компетенцияга бағишланган ишлар шунинг кўрсатадики, “компетенция” шахснинг ваколатлари доирасини, олган билимларини амалиётда қўллаш қобилиятларини, “компетентлик” эса унинг хусусиятини ифодалайди. “Компетентлик” ва “компетенция” тушунчаларининг таҳлилларига асосланиб, биз тадқиқот доирасида куйидаги таърифларни келтирамиз: “Компетенция” – бу касбий фаолият соҳасида сифатли ва самарали фойдаланиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва фаолият усулларини амалиётда юқори даражада қўллаш қобилиятидир.

Ўқитиш вазифаси спорт мураббийининг техник ҳаракатларни намунадек кўрсатиб бериш, машқни қисқа ва осон тушунириш, техникадаги хатолар ҳамда унинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, кузатиш учун тўғри жой танлаш, бажарилаётган машқ техникасини ўқувчи билан таҳлил қилиш, усул учун тайёргарлик ҳаракатларини, усул ва яқунловчи ҳаракатни бажаришда мумкин бўлган ушлашларни танлаш малакасини ўз ичига олади.

Спорт мураббийи жисмоний ва ахлоқий-ирода сифатларни тарбиялашда усулий ёндашишларни табақалаш, тренеровка юкламаларини меъёрлаш, шуғулланувчиларнинг алоҳида хусусиятларига қараб, тегишли воситалар ҳамда усулларни танлашни билиши зарур.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллаш олиниши.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар

ва харақатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутати. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўлай билишни тақозо этади.

Мурабий спортчилар тайёргарликларини мақсадли бошқаришларида куйидагиларни билишлари лозим бўлади:

- спортчилар, шунингдек улар яшайдиган, треновка қиладиган ва мусобақалашадиган муҳит тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда уни таҳлил қилиш, спортчилар тайёргарлиги стратегияси тўғрисида қарор чиқариш;
- уларнинг тайёргарлик режалари ва дастурларини тузиш;
- спортчилар тайёргарлиги дастури ҳамда режасини амалда рўёбга чиқариш, бунинг учун тузилган дастур ва режаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, зарур ҳолларда треновка жараёнига ўзгартиришлар киритиш.

Спортчилар тайёргарлиги дастурлари ва режаларининг муваффақиятли амалга оширилиши мурабийнинг треновка машғулоти, иш куни, микро, мезо ва макроцикллар давомида тренировка жараёнини оқилона тузишни амалга ошира олгандагина, шунингдек педагогик, тиббий-биологик ва руҳий воситалар ҳамда услублардан иборат тикланиш тадбирларидан тўғри фойдаланилган тақдирдагина самарали бўлиши мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассис ўз касб даражасини мунтазам ошириб бориши лозим бўлади. Бунинг учун у илмий-усулбий иш олиб бориш малакасига эга бўлиши, тадқиқот вазифаларини олдинга қўйишни билиши, тегишли тадқиқот-усуллари ҳамда услубларини танлай олиши, олинган маълумотларни таҳлил қила олиши лозим бўлади.

Демак, спорт мурабийларининг кўп қиррали касб фаолияти жараёнида кўрсатиб ўтилган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши унинг ўз касбига бўлган мухаббат ва садоқати, ўз мутахассислигини мукамал даражада билиши, педагогик қобилиятлар ҳамда юксак шахс сифатлари даражаси билан аниқланади.

Адабиётлар:

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. –Т.: ТДПУ, 2006.
2. Ишмухамедов Р. Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2004.
3. Ишмухамедов Р.Ж.Таълимда инновацион технологиялар.–Т.:Истеъдод, 2008.
4. <https://gigabaza.ru/doc/193909.html>. Семеновская Анна Сергеевна. “Формирование общих компетенций у студентов среднего профессионального образования через проектную деятельность”

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада “компетенция”, “компетентлик” ва “касбий компетентлик” тушунчалари мазмун-моҳияти ҳамда спорт мурабийлари фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти каби масалалар ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается содержание понятий «компетентность», «компетентность» и «профессиональная компетентность», а также роль и значение спортивных тренеров.

SUMMARY

The article examines the content of the concepts «competence», «competence» and «professional competence», as well as the role and importance of sports coaches.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 1**
Нөкис — 2021

Басып шығыуға жууапкер:

А. Тилегенов

Баспаға таярлаган:

А. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыуға рухсат етилди 12.02.2021. Форматы 60x84^{1/16}
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шертли б.т. Нашр. т. Нускасы 2000. Буйырtpa №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51